


- NASR
- NAZM
- DRAMATURGIYA
- MUMTOZ ADABIYOT
- YOSHLAR DAFTARI
- JAHON ADABIYOTI
- ESTETIKA
- SAN'AT FALSAFASI
- ADABIYOTSHUNOSLIK
- SAN'ATSHUNOSLIK

Шарқ юлдузу



Sharq yulduzi

Унутилмас лаҳзалар



Ўзбекистон халқ ёзувчиси
Шукур ХОЛМИРЗАЕВ
(1940 – 2005)

JAlisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK

Шарқ юлдузи

Адабий-бадний, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Муҳаммад Али
Кенгесбой Каримов
Энаҳон Сиддиқова
Иқбол Мирзо
Қаҳрамон Куронбоев
Жумакул Курбонов
Фармон Тошев
Ислом Ёқубов
Умарали Норматов

Хайриддин Султонов
Сирожиддин Саййид
Меҳрибон Абдурахмонова
Йўлдош Солижонов
Тоштемир Турдиев
Шухрат Маткаримов
Адхамбек Алимбеков
Жамолиддин Муслим

Бош муҳаррир в.б. — Сирожиддин Рауф

Масъул котиб — Бахтиёр Олломурад

Наср бўлими мудир — Рисолат Хайдарова

Назм бўлими мудир — Икром Отамурад

Адабиётшунослик бўлими мудир — Аъзамхон Қозихўжа

5**2017**

УШБУ СОНДА:

НАЗМ

Анвар ОБИДЖОН



БОБУР ҚИДИРҒАН ДУСҲИ ҚАНИ?..

Теграндаги минг хил кас
Бирдек суяр суйганни.
Эл эсидан чиқармас
Эл деб жони куйганни

НАСР

Шавкат НИЗОМ



ИСТИФФОР

Қисса

Йигит бошига тоғ кулаганини сезд. Орияти топ-талганидан, махбубаси нописанд хўрлаганидан ўк-синди. Изиллаб, ортига бурилди. Қишлоғини ҳам унутиб, изига қайтди. Азалдан шўрлаган пешонасига шапатилаб, тақдирига лаънатлар ўкиди.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Феруза БУРҲОНОВА



“МЕН”ЛИКНИ

АНГЛАШ САЛОҲИЯТИ

Бугунги компьютер асида техниканинг ҳаддан ташқари ривожланиши одамларни фикрий эринчоклик томонга бошлади, “оммавий маданият” дея аталмиш қиёфасиз ва зарарли ғоя ва қарашларнинг кириб келишини осонлаштирди, натижада инсон маънавияти кашшоклашиб, эстетик диди ўтмаслашиб қолмоқда.

Ойгул СУЮНДИҚОВА

НАЪМ

МЕН ДУНЁ ИЗЛАДИМ

Достон

*Оқиомлари ҳилол, кундузи қуёш,
Қаршингда туйқусдан очилган олам.
Тонготар елларга таралар оташ,
Сен ундан айрилгинг келмас сира ҳам.*



Ҳабиб АБДУНАЗАР

НАСР

ДАШТДАГИ ОЛОВ

Ҳикоя

Худо ўлимни аввал тоғларга берганмиш. Тоғлар бунга чидаш беролмай ўрnidан силжиб, минг бир бўлақларга бўлиниб кетибди. Сўнг уни жониворларга тортиқ этибди. Улар ҳам бу куйгиликка чидай олмай, бўкириб-ўкириб оламни бузибди. Кейин уни Худо бандасига лойиқ кўрибди.



Сувон МЕЛИ

ПАҲЛИ

САДОҚАНИҲА САДОҚАНИ

Туғилиш ва яшаш – одам бўлиш имкониятидир. Яъни бу туғилган одамнинг барча-барчаси ҳали одам эмас дегани. Одамни одам қиладиган илк омил ахлоқдир.



Адиб Собир ТЕРМИЗИЙ
(1078–1147)

...Келди юз йил интизорлик сўнггидан ахбор

* * *

Менга тонгнинг хавоси келтирубдир ёрдан ахбор,
Беҳишт мулкин насимидан сахар гўё юбормиш ёр.

Изига сочгали ёкуту дур тўлган табоқ кўнглим,
Бу совға – кўзларимнинг мардуми кўлидадур тайёр.

Баҳор фасли қулидурменки, у рангин варақларда,
Менга дилбар юзидан янги-янги хушхабарлар бор.

Ширин оҳангли булбул қайда қолди, де, келиб кўрсин:
Баҳор хуш бўйини боди сабо келтирди, эрдим зор.

Бу неъмат шукрини юз тил билан айтса, адо бўлмас,
Агарчи келди юз йил интизорлик сўнггидан ахбор.

* * *

Кўзларим хусни жамолингсиз мунаввар бўлмасин,
Кўзларим олдида сендан бошқа дилбар бўлмасин.

Яшнаган савсан чаманда хоки пойингдир сенинг,
Бўлмаса савсан шу хил оламда яқсар бўлмасин.

Бекарор мискин, ғариб кўнглим менинг, эй дилрабо,
Зулфинг остидан бўлак жойда муқаррар бўлмасин.

Хаста жон бирла бу бечора танимга доимо
Ёр кўйингдан бўлак бир бошқа йўллар бўлмасин.

Бўлса шод сенсиз агар жону, дилу жисмим менинг,
Жисму, жону дил менга харгиз муяссар бўлмасин.

* * *

Ул мусаффо бода ёкут рангида жилва қилур,
Хуш хиди энг яшнаган савсан ҳидини эслатур.

Топди гул бирла гулоб жаннат насимин файзини,
Гўйе дерсан беҳиштдан бу юборилганмидур.

Лаъл ранглик бодаю ёкут лаблик бир ҳариф,
Бебахонинг хизматиға бебаҳо келмиш эрур.

Бордур ошиқлик хавоси менда, тўлдиргил қадах,
Ишқими ёдила ҳар дам бода орзуси келур.

Ҳар гуруҳдан кимки бўлса, соқилик бўлғай раво,
Аввали шарти буларнинг соддаларга жабр эрур.

Ҳар нафасда ёр эрур сайру томошага дилим,
Дил гаров бўлмиш ниҳоят ишқу майга, на бўлур?

Минглабон шодлик туғилғай ҳар нафас қалбим аро,
То паризодим келибдур, базм этиш жонга ҳузур.

* * *

Сарв, сиймин, сиймтан сарвадур ёр офтоб,
Лолага ой ёру, чун насринга дилдор офтоб.

Ким кўрибдур ойу офтоб лола насрин жуфтлигин
Ё кумуштан сарвга бўлмиш қачон ёр офтоб?

Умрдан ортиқ юзи, лаъли ширинроқ жондан,
Борму ойюз бунчалик ё шахдгуфтор офтоб?

Сен гўзаллар Хисрави, Ширин агар бўлсанг эди,
Ёр ўпарди Ширин олдида бўлиб хор офтоб.

Дилни банд этган икки зулфинг каби ҳеч кимда йўқ,
Деса ухлай, кўрпа – ой, ёстикка тайёр офтоб.

Парвин оғзингдан намоёну жамолингдан куёш,
Бўлдиму парвин билан бир пайтда ошқор офтоб.

* * *

Дилни банду танг этувчи ёр сочисан тор-тор,
Ғоҳи ой ёнидадурсан, ғоҳи бўлдинг гулга ёр.

Бўлсанг ой ёнига нелар айлағунг мисли фалак,
Дилга санчарсан тикан гул бирла турганда қатор.

Ойни пардозлар жамолинг, кўзим ороми юзинг,
Сен асалнинг кўшниси лаълингда шаккар таъми бор.

Гар кесилгандир учинг, беиллату сен бегунох,
Гар букилгандир танинг беайбу нуксон бемадор.

Айшу ишрат мақсадинг-ла, ҳам ғазал номингладир,
Сенга муҳтождир ғазал, шодликка ҳужжат сенда бор.

Жону тан мақсудисан фазлу фазоил вақтида,
Ишқ чоғи кўзу дил маъшуқасисан мушбор.

Жону дил ҳамрохидирсан, жону дил ўрнидасан,
Мушк тун рангидадурсан, мушқу тун рангингга зор.

* * *

Кимда-ким оламда бир ёри бўлса муҳташам,
Мақсади бир хилда бўлғай дилда ҳам, дилбарда ҳам.

Бу гўзал хусни жамоли муҳташам килмиш уни,
Асли маъшуқа ишиқу мўътабар ҳам муҳташам.

Дилни сохир сочи тортиб олдию килди асир,
Қайси сохирдан сочи жоду қилишда бўлди кам?

Кўзлари янглиғ юзи ошуфтаю маъюс эрур,
Қоматидек кокили қат-қат букилди, бўлди ҳам.

Айламас ҳаргиз назар аҳволи зоримга менинг,
Қанчалик кибру хавосин кўплигидан ул санам.

Хизматида ҳеч қачон саркашлик этмасман унинг,
Гарчи менга раҳм қилмай, бошлади жабру ситам.

Дам-бадам калбимда ўт ёнди ғамининг дастидан,
Унга бу ишда на парво, калбида йўқ зарра ғам.

Йиғламакдин ишқ ўтида кўзларим намлик эрур,
Бу таажжубдан таажжуб, ўт ичида бўлса нам.

* * *

Ул камон кош ёр савдосидин озод ўлса жон,
Дил унинг ҳар ғамзасин ўқиға бўлмасди камон.

Шодлик мендан яширмасди пари янглиғ сира,
Ул паривашнинг асири бўлмаганда дил ҳамон.

Мен изин туфроғи бўлсам, ишқида бўлмай тикон,
Дилга ўт тўлмас эдию кўзидан оқмасди қон.

Сурати гар бўлмаса наккоши Чиннинг офати,
Дилда ишким сурати бермасди жилва ҳеч қачон.

Дилбарим бокқай эди инсоф юзидан ҳолима,
Сочидай ҳолим паришон бўлмагайди бир замон.

Ёр дийдори ниҳондур, мен учун мушкул ҳаёт,
Бўлса гар зохир жамоли, ҳолим ўлмасди ёмон.

Айшу, умру, жону тан ҳам кўзу дилдан ранжидим,
Бўлмаса ҳажри, бу олтов ранжи бўлмасди бу он.

* * *

Элчисисен дилбар икки кокилин, боди сабо,
Шул сабабдан олдинг анбар хидларин, боди сабо.

Сен силаб ўтдинг буралган мушкини дилдорнинг,
Шул сабаб дилбар бўлибсан, офарин, боди сабо.

Ҳалқасин ўпдинг муаттар кокилининг, шул учун,
Мушқдек бўлдинг муаттар ҳам ширин, боди сабо.

Янги жон бахш этди жисмимга латофатлик хидинг,
Бошқа бир жонимисан ошиқ элин, боди сабо.

Ёр зулфи парвариш қилган насимсан шул сабаб,
Рухни этдинг парвариш борган сайин, боди сабо.

Ишқу ошиқликда бўлди сен билан умрим гўзал,
Яхшироқдирсан умр бирлан ишқдин, боди сабо.

Ёрима мендан салом этмокка сўз берган эдинг,
Бу сўзингдин қайтмағил, дерман тағин, боди сабо.

* * *

Сехру, жоду шевасин ишқинг сенинг пайдо қилур,
Васлинг орзусини дилга жойлабон шайдо қилур.

Кўз ёшимдан доимо озор чекарман, чунки ул
Найлайн, ишқинг сирини эл аро ифшо қилур.

Шоду хурсандман ҳаёлингдан, юзингнинг аксидан,
Яъни ҳурлар киссасин кўз олдима иншо қилур.

Румий рухсоринг сочингни ўйнаса, боди сабо
Тоза мушқда соч аро бут шаклини пайдо қилур.

Минг ташаккур ўз тилимга, лабларингдан мен учун,
Учта бўса вакти келди, деб ўзин гўё қилур.

Мен тилингдан юз шикоят айларам, ҳар дамда у
Васл вакти эртага деб, ваъдани бежо қилур.

Ақлим устига жамолинг катта лашкар тортадир,
Сабрим устида фирокинг ҳар нафас ғавго қилур.

Форс тилидан ЧУСТИЙ ва Жамол КАМОЛ таржималари



**Кўнгул дуржи ичра гуҳар сўздурур.
Башар гулшанида самар сўздурур.**

Алишер НАВОИЙ



ЧУСТИЙ – 1904 йилда тузилган. Шоирнинг “Ҳаётнома”, “Садоқат гуллари”, “Кўнгул тилаги” номли девонлари нашр этилган. Шоир 1983 йилда вафот этган.



Жамол КАМОЛ – Ўзбекистон халқ шоири. 1938 йилда тузилган. Бухоро давлат педагогика институтининг (ҳозирги БухДУ) тарих-филология факультетини тамомлаган. Ўндан ортиқ шеърый тўпламлар ҳамда “Жамила”, “Тош тугён”, “Эшикда ой тўлқини”, “Армон”, “Варахша”, “Ҳасан ва ой” каби дostonлар муаллифи.

ҚУЁШ АРДОФИДАГИ ЮРТ



Эркинжон ТУРДИМОВ

Сурхон воҳаси деганда барчанинг кўз ўнгида олтин тупроғига чўпон таёғини кадаса кийғос гуллаб, мева тугадиган, унумдор еридан танти дехконлари, миришкор боғбонлари камида уч бора ҳосил оладиган серкуёш, жаннатмонанд бир диёр гавдаланади. Қолаверса, бутун вужудидан ғайрат-шижоат, нигоҳларида, лафзида донишмандлик, мардлик акс этиб тургувчи истараси иссиқ, офтобчеҳра одамлар англашилади. Бу заминга Биринчи Президентимиз Ислоом Каримов: “Жаннатмакон юртимизнинг жанубий дарвозаси” деб таъриф берган эди. Дарҳақиқат, бу лафзнинг исботи сифатида мазкур “Олтин дарвоза”дан биродар элнинг саховат ва мурувват қўлига киёсланмиш азим Жайхун узра бунёд қилинган кўприкдан ўтган чорак асрда кўп маротаба улкан ҳажмда инсонпарварлик юклари ўтказилди.

Вилоятимизнинг иқтисодий салоҳияти, табиий имкониятлари мамлакатимиз тараккиётида алоҳида аҳамиятга эга эканлиги муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ҳам такрор ва такрор таъкидланмоқда. Шу билан бирга давлатимиз раҳбари бу юртининг, бу заминнинг буюклиги фақат иқтисодий имкониятлари-ю сарҳил неъматлари оркалигина эмас, балки ўз ақлу заковати билан дунё тамаддунига муносиб улуш қўшган, яратган ихтиролари-ю битган асотирилари билан бани башар йўлини ёритган бобокалонларимиз номлари ила эътироф этилажигани ҳам фахр ила таъкидламоқдалар. Бағрикенг ва эзгуликпарвар халқимиз камоли ихлос билан солих, фозил одамларнинг пойқадамини шарофатли деб билиб, улар билан қалбан ва руҳан уйғун яшашга интилишган. Барча яхшилиқлар, файзу баракани уларнинг дуолари ҳосиятига йўйганлар. Азиз авлиёларнинг дуолари ба-лою офатларни заминимизга яқинлаштирмайди, дейишади. Бу тупроқда ётган юзлаб азиз авлиёларимиз беихтиёр ҳассос шоира Ҳалима Худойбердиеванинг: “Бир четига ой бўлиб момом ботган Ватаним, Бир четини қўриқлаб бобом ётган Ватаним...” деган мисраларини ёдга туширади. Яқин ўтмишда мустабид тузум даҳолари зўр бериб, бобокалонларимизнинг аксариятини жоҳил, саводсиз дея тарихимизга қора бўёқ чаплаб келишган бўлса, мустақилликнинг дастлабки йиллариданок “Дастурхон тўқинлигидан-да муҳим”, дея аввало таълимга, маънавий соҳа ривожига эътибор қаратилди. “Нондан-да бирламчи”, дея аллома бобокалонларимиз, азиз

Эркинжон ТУРДИМОВ – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати аъзоси, Сурхондарё вилояти ҳокими. 1969 йилда туғилган. Тошкент халқ ҳўжаслиги институтини (ҳозирги ТДИУ) тамомлаган. “Меҳнат шўҳрати” ордени билан тақдирланган.

авлиёларимизнинг сўнгги манзиллари обод қилинди. Барчанинг ёдида бўлса керак, бундан йигирма етти йил мукаддам ҳали собиқ шўролар даври барҳам топмаган бир паллада Шерободда буюк муҳаддис бобокалонимиз Абу Исо Муҳаммад ат Термизий таваллудининг 1200 йиллиги нишонланган эди. Гарчи ушбу сана ЮНЕСКО дастурига мувофик нишонланаётган, тадбирга мамлакат пойтахти ва бир қанча хорижий мамлакатлардан меҳмонлар келган бўлса-да, негадир анжуман анжуманга унчалар ўхшамаганди. Гўё нимадир халал бераётгандек, нимадир етишмаётгандек туюларди. Ҳа, бу кемтиклик Истиклол неъматиди. Умумқайфиятга халақит бераётган унсурнинг, кўланканинг номи Истибоддод эди!

Истиклол неъматининг фазиздан мамлакатимиз бўйлаб олиб борилаётган улкан бунёдкорликлар баробарида Сурхондарёда ҳам юксак иштиёк билан қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бошланиб кетди. Йиллар ўтган сайин бу иштиёк, бу ташаббус янгидан-янги ғоялар билан бойиган ҳолда яна ҳам кучаймоқдаки, асло сусайган эмас. Бундан етти-саккиз йил аввал буюк аллома ал Ҳаким ат Термизий зиёратгоҳи ниҳоятда гўзал ва дилтортар даражада обод қилинган бўлса, шу кеча-қундуз Шеробод туманидаги буюк муҳаддис Абу Исо Муҳаммад ат Термизий зиёратгоҳига бориб қолган инсоннинг бу масканда амалга оширилган улкан қайта қуриш, ободонлаштириш ишларини кўриб, қалби ҳайратдан тўлиб-тошса, ажабмас. Барча шароитларга эга йирик масжид биноси, зиёратчилар учун айвонлар, мрамар тўшамали йўлақлару йирик мажмуа ҳудудини ўраб турган гиштин деворлар, яшил майдонлар – барча-барчаси баҳри дилингизни очади. Хўш, тарихий обидалар ва азиз авлиёларнинг сўнгги манзилларини обод этиш учун Президентимиз ташаббуси билан давлат хазинасидан миллиард сўмлаб маблағлар ажратилишига сабаб нимада эди?

Авалло, моддий ва маънавий бойликлари муттасил талаб келинган замин, одамлари арзон пахта ва сабзавот етиштиришга маҳқум қилинган элнинг иззатини жойига қўйиш учун биринчи галда унинг руҳини кўтариш зарур эди. Биринчи Президентимиз ҳам: “Бу заминда юзлари офтобда меҳнат қилиб қорайган, қалблари қордай оппоқ инсонлар яшайди. Энг катта мақсадимиз ана шу инсонларнинг қадрини кўтариш, иззатини жойига қўйиш, ана ўшаларни бахтли қўриш...” дер эдилар. Босиб ўтилган чорак асрлик йўлнинг манзили нақадар нурафшон эканини бир замонлар “Тараккиёт локомотивидан узилиб қолган чекка вилоят” дея таърифланган Сурхонимизнинг бугунги сўлим қиёфасида ҳам кўриш мумкин. Айниқса, ўтган ярим йил мобайнида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида вилоятимизга қайта-қайта қилган ташрифлари, олижаноб ва меҳнаткаш элимизнинг руҳини юксалтириб, янги зафарлар сари куч-ғайрат берди.

Аҳолини, айниқса ёш оилаларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида қисқа вақт ичида туман марказлари ва қўрғонларда 1009 та яшаш учун ҳар томонлама қулай ва арзон уй-жойларнинг бунёд этилиши, бир пайтлар турли бюрократик вазлалар билан пайсалга солиб келинган кредит муаммосининг ечим топганлиги тадбиркорлик тизимини янада ривож топтириш учун янгидан янги имкониятлар эшигини очди.

“Тўпаланг” гидроэлектростанцияси, Жарқўрғон нефтни қайта ишлаш заводи, “Шаргунқўмир”, “Хўжайконтуз” акциядорлик жамиятлари, “Хонжиза” конбойитиш мажмуаси каби йирик корхоналар вилоят sanoатида етакчи ўрин тутади. Шеробод туманида бунёд этилаётган цемент заводи ҳамда калава ип йигирадиган “Sherobod textile invest” масъулияти чекланган жамияти қурилишлари ниҳоясига етса, маҳаллий аҳоли учун мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилади, шунингдек,

“Термиз таъминот” масъулияти чекланган жамияти негизда бунёд этилажак, худуди 4,2 гектардан иборат, асосий хомашёси ғўзапоя бўлган, йилига 30 минг кубометр ДСП ишлаб чиқарадиган, қиймати 2,9 миллион долларлик янги мажмуа ҳам 160 нафар хамшахарларимизни доимий иш билан таъминлайди. Мазкур бунёдкорликларнинг барчаси халқ фаровонлиги, мамлакат ривожини учун катта имкониятлар йўлидир. Бундан ташқари, воҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси жадал ривож топмоқда. Мазкур соҳанинг ялпи худудий маҳсулотдаги улуши 75,3 фоизни ташкил этади. Ушбу соҳанинг равақ топганлиги шарофатидан бутунги кунда меҳнат билан банд аҳолининг 80 фоиздан зиёди мазкур соҳада фаолият юритмоқда. Оғир иқтисодий ҳолатдан ўзини ўнглаб, илгор мамлакатлар қаторига қўшилган қайси бир юртнинг ривожланиши омилиларини таҳлил қилиб кўрсангиз, ўша давлатда ҳеч шубҳасиз, ўрта ва кичик бизнес соҳаси равақига кенг йўл очилганини кўрасиз. Давлат миқёсидаги бундай хайрли рағбат нафақат тадбиркорларни бойитади, балки, истеъмол бозорини обод қилиш баробарида мамлакат миқёсида ишсизлик муаммосига ҳам барҳам беради. Вилоятимизда бу борада бир талай ибратли қадамлар қўйилди, тадбиркорликни равақ топтириш ҳисобига ҳар бир туманда қўйлаб янги иш ўринлари яратилади.

Улуғ адибимиз Ойбекнинг “Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди, Бир ўлкаки, сал кўрмаса қуёш соғинар...” деб бошланғувчи ўлмас сатрлари бор. Жонажон Ваганимизнинг ҳар бир ғўшасида жаннат акси мужассам. Аммо, таърифу тавсиф кўпроқ офтобсевар, қуёш ардоғидаги диёр – Сурхон воҳасини эслатиб юборади. Қуёшсевар воҳанинг олтинга келбат бергувчи хурمولари, анорлари, шафтолино ўриклари мамлакатимиз бозорларини тўлдириб, аллақачон дунё бозорларини забт этган. Неча ўн йилларки, араб хурمولари янглиғ махсус қадоқланган Шерободу Саловат зардолларининг туршаклари Европа мамлакатларининг шифохоналарида юраги хаста беморларга тавсия этилади. Олтинсойлик миришкорлар ўтган асрнинг ўрталарида шакарқамиш экиб, ундан худди Кубадаги каби мўл ҳосил олишар, бу ноёб экиндан фазогирлару денгизчиларда учрайдиган касаллик – суяк мўртлашувига қарши ром ичимлиги тайёрланар эди. Агрономия илмидан хабардор кишилар яхши билишадди, шакарқамиш “нозиктаъб” ўсимлик. У ер танлайди, унга мўътадил об-ҳаво керак. Ингичка толали пахта ҳам худди шундай: ер, тупроқ танласа фақат жаннатмонанд Сурхон далаларини танлайди! Денов шаҳрида ўз бағридан ноёб дарахтлар ва ўсимликларнинг минглаб турларига жой берган Дендрарий субтропик боғи бор. Бу ҳушманзара маскани кезган инсон “Лола дарахти”дан тортиб бир кеча-кундузда беш метргача ўсадиган бамбукни ҳам учратиши мумкин.

Элга наф бераман деган жўмард инсон ҳеч маҳал “Юқори”дан кўрсатма кутиб ўтирмайди. Ёши саксондан тўқсонга ҳатлаган сариосеёлик Носирхон Тўракулов азиз умрини авлодларга ўзидан ғўзал мевазор боғлар қолдиришга бағишлаган. Ибратли меҳнатлари орқали эл назарига тушган бу табарруқ отахон бир неча бор давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. Носирхон ота бундан йигирма йилча аввал Боботоғнинг ёввойи писталарини пайвандлаш йўли билан лалми адирликларда кўпайтириб, маданий пистазорлар барпо этганди. Эндиликда юртимизнинг юзлаб, минглаб гектар қир ва адирларида писта ва бодомнинг серҳосил навларидан боғлар барпо этиш Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг нутқларида илгари сурилмоқда. Қувонарли жиҳати, кейинги йилларда элга мададкор бўлиш иштиёқидаги ёшлар сафи кенгайиб бораётир. Воҳа иқлими деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик соҳаларида тадбиркорликни йўлга қўйиш учун ниҳоятда қулай. Ана шу жиҳатлар эътиборга олиниб, Тошкент давлат аграр университетининг Термиз филиали ташкил этиладиган бўлди.

Шунингдек, воҳамизга ташрифи чоғида Президентимизнинг алоҳида диққат марказида бўлган асосий масалалардан бири бу – инсон саломатлиги, бутун мамлакатдаги каби Сурхондарёда ҳам соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислох қилиш вазифаси бўлди. Айниқса, вилоят перинатал марказини янада кенгайтириш, унинг таркибида маслаҳат поликлиникаси, урология ва офтальмология марказларини ташкил этиш масалаларининг айна даврининг энг долзарб вазифалари сифатида эътироф этилгани ана шу касалликлар устига йўл азобини чекиб пойтахтга катнаётган беморларнинг дилларига малҳамдек бўлди.

Сурхондарё азалдан мард ва ботир инсонлар, алп пахлавонлар юрти бўлиб келган. Машҳур полвонларимиз Самижон Убайдуллаев, Шароф Холмаматов, Шарофуддин Лутфуллаев, Бехзод Тўрабеков каби спортчиларимизни, уларнинг изидан келаётган ўнлаб, юзлаб ёшларнинг номларини бугун фахр билан тилга оламиз.

Сурхон ёшларининг спорт соҳасида эришяётган ютуқлари юксак таърифга муносибдир. Охириги беш йилда вилоят спортчилари жаҳон ва Осиё чемпионатларида, халқаро мусобақаларда 62 та олтин, 67 та кумуш, 111 та бронза медалини қўлга киритишга эришдилар. Нуфузли халқаро мусобақаларда ана шундай юксак натижаларга эришиб, Ватанимиз шухратини дунёга ёйиб келаётган Сухроб Турсунов, Рустам Эргашев, Ситора Ҳамидова, Барно Мирзаева, XV Паролимпия ўйинларида бронза медалини қўлга киритган Ахрор Бозоров ва Фахриддин Ҳамроев каби ёшларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Сўзимиз аввалида эзгуликпарвар одамлар учун кўнгили озиғи бўлган маънавий-маърифий неъматларни ажодлари ўлмас асотирлар яратган элимиз нондан-да азиё санаш хусусида тўхталгандик. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилнинг 12 январдаги “Китоб махсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши бу борадаги ишларни янги босқичда давом эттиришда муҳим дастуруламал бўлди. Шунга мувофиқ, Адиб Собир Термизий номидаги вилоят ахборот-ресурс марказини тубдан қайта қуриш ишлари бошлаб юборилди. Янгиланажак ахборот-ресурс марказининг лойиҳа қиймати 7 миллиард 600 миллион сўм бўлиб, унда 223 мингдан зиёд китоб фондига эга ўқув заллари, мультимедиа махсулотларини қайта ишлаш учун медиа-студиялар, маълумот алмашиш учун видеотармок заллари бунёд этилмоқда. Ватаннинг тарифу тавсифини чинакам ижодкорларгина маромига еткази оладилар. Ўзидан ўлмас сатрларни мерос қолдириб кетган ўнлаб термизийлар анъанасини бардавом этиб келаётган таниқли қаламкашларимиз борлиги қалбимизни фахрга тўлдирди. Улардан бир қанчаси пойтахтда яшаб ижод қилишяётган бўлса, кўпчилиги вилоятимизнинг ўзида яшаб қалам суришмоқда. Муҳтарам Президентимизнинг халқимизни янада зиёли, маърифатли, китобга, адабиётга ошно бўлиши йўлида ташаббус кўрсатаётгани ва ҳатто ибрат бўлаётгани ижод аҳлига тағин ҳам руҳий мадад бўлмоқда. Сурхон замини шу қадар табаррукки, замонлар, даврлар алмашган сайин, бу дийрда янгидан-янги даҳолар туғилаверади. Сўфизода, Чўлпон, Фитрат, Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Зулфия сингари улуғлар билан замондош, сафдош бўлган Жаркўрғон туманидаги Оккўрғон кишлоғида туғилиб вояга етган оташнафас шоира Раъно Узоқованинг 100 йиллиги яқиндагина кенг нишонланди. Ўзбекистон халқ ёзувчилари Шукур Холмирзаев, Тоғай Мурод, Эркин Аъзам, Ўзбекистон халқ шоирлари Усмон Азим, Сирождин Саййид, Ўзбекистон халқ бахшилари Шоберди бахши, Хушбоб бахши, Абдиназар Бахши, Ўзбекистон халқ артисти Ўлмас Расулов, Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев, шунингдек,

шоир ва адибларимиз Теша Сайдалиев, Мингзиё Сафаров, Шафоат Раҳматуллаев, Маҳмуд Абулфайзлар нафақат воҳамиз, мамлакатимиз фаҳрига айлинишди.


Бугунги кунда Мирзо Кенжабек, Тўлқин Хайит, Эшқобил Шукур, Салим Ашур, Абдумажид Азим, Болта Ёриев, Қўчқор Норқобил, Абдурасул Жумакул, Шодмонқул Салом, Ахтамқули, Жамила Эргашева, Бахтиёр Олломурод, Ҳабибулла Ғафур, Сирожиiddин Иброҳим, Наргиза Одинаева каби ижодкорлар халқ дилидаги гапларни қалам орқали ифода этмоқдалар. Оққан дарё оқаверади деганларидек, бу ижодкорлар ортидан адабиёт боғида янги ниҳоллар бўй кўрсатмоқда. Адабиётга ва ёшларга бўлган эътибор туфайли ўтган йиллар мобайнида вилоятимиздан Шаҳноза Турсунова, Дилрабо Норқулова, Фарида Тошпўлатова, Манзура Сайфутдинова, Комила Шоимова, Шаҳрибону Темирова каби истеъдодли кизлар адабиёт йўналиши бўйича Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари бўлишди. Уларнинг қамоли ўзбек адабиёти ривожини учун хайрли бўлишига умид уйғонади кишида.

Яқинда Республика Маънавият тарғибот марказининг вилоят бўлими ҳамда Денов туман ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган “Деновда адабиёт кунлари” анжуманига Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ ёзувчиси Муҳаммад Али ҳамроҳлигида ташриф буюрган бир гуруҳ таниқли ижодкорлар ҳам воҳанинг диққатга сазовор масканларини томоша қилиб, бунёдкор, меҳнатқаш элимиз билан мароқли суҳбатлашдилар. Денов туманининг “Озод” маҳалласида бунёд этилган ўзбек халқининг улуғ фарзанди Шароф Рашидов бюсти пойинга гулчамбарлар қўйди. Ўша куннинг ўзидаёқ Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан “Китоб акцияси” ўтказилиб, Раъно Узоқова номидаги Денов педагогика коллежидаги ижодий учрашувда ўқувчиларга уч юз дона турли номдаги китоб маҳсулотлари топшириди. Бундай гўзал дийдорлашувдан меҳмонлару мезбонлар бир дунё таассуротлар, завқ-шавқ олишганига ҳеч шубҳа йўқ. Зеро, она Ватанимиз қатори бутун оламга илк баҳор дарагини бергувчи бундай заминдан, бундай олижаноб элдан баҳра олмаслик мумкин эмас. Шоирона ҳисларга тўлган юрак буюк адибимиз Ойбек домланинг ўлмас сатрларини тақрорлайди: “Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди, Бир ўлкаки, сал кўрмаса қуёш соғинар...”



**Ҳодлатдин уади эд осойиши,
Эд осойиши – мулк оройиши.**

Мунис ХОРАЗМИЙ



Анвар ОБИДЖОН

Бобур қидирган дўст қани?..

Ватан ишқи

Камол топмас ҳеч бир миллат,
Қадрин баланд асролмаса.
Ўз юртини пок кўрпам деб,
Бургалардан саклолмаса.

Дўстим, асли Ватан ишқи
Энг қудратли яроғ бизга.
Бу юртдаги ҳар уй – қалъа,
Ҳар бир терак – байроқ бизга!

Бахшиёна хаёллар

Укахоним АҲРОРБЕККА

Осмон йўқотган оймамо
Сендамикин, мендамикин?
Сахро ўғирлатган сабо
Сендамикин, мендамикин?

Кимда сукунат куйлари,
Кимда Регистон ўйлари,
Тўзган атиргул бўйлари
Сендамикин, мендамикин?

Широкка шахд берган алам,
Мажнун сиғинган тош санам,
Қошга Кумуш суртган қалам
Сендамикин, мендамикин?

Анвар ОБИДЖОН – Ўзбекистон халқ шоири. 1947 йилда тугилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Ижодкорнинг “Баҳромнинг ҳикоялари”, “Эй, ёруғ дунё”, “Кетмагил”, “Безакшамол”, “Даҳшатли Меш-полвон” каби шеърӣй ва насрий китоблари чоп этилган.

Алпомиш оти кимдадур,
Номоз саботи кимдадур,
Чўлпон давоти кимдадур,
Сендамикин, мендамикин?

Машрабни туккан сўз кани,
Хос Ҳожиб қазган туз кани,
Бобур қидирган дўст кани,
Сендамикин, мендамикин?..

Энг гўзал тун

Бахт симирар йигит-қиз,
Завқ сатхида сирганиб.
Тун бўйи ҳеч юммас кўз,
Ширин умрин кизганиб.

Тонг қадар бу анжуман
Тугамайди, хойнахой...
Кулранг қўрпа четидан
Жим мўралар бўғоз ой.

Ишқ

Ишки йўқлар ўлдирган
Машраб гарди – хок ишким.
Отанг ҳаждан келтирган
Замзамсувдек пок ишким...

Эҳтиёт қил, тўқворма...

Кимнинг санамчаси?

Ўсма қўйиб ҳаволанур санамча,
Дутор чалиб наволанур санамча.
Хасталанур қийнамаса ошигин,
Дилинг тилиб даволанур санамча.

Замонавий ўлчам

Сўрар кексайган ношир:
– Бу дostonинг неча байт?
Кеккайиб дер
Ёш шоир:
– Уч юз ўттиз мегобайт!

Кечирув

Ошна, килдинг хиёнат,
Дил боғимдан жон узиб.
Май узатай,
Қадахга –
Кўзёшимни томизиб.

Шаробимни ичолмай,
Туравергин мулзам, жим.
То ичиб мен,
Мастликда –
Дегунимча: “Ҳой, сен ким?”

Шунда,
Мунгли кўзларинг
Олаймасин дахшатдан.
Дангал айтгин исмингни,
Танишайин бошқатдан.

Узатайин
Яна май,
Баландпарвоз “тўст” билан.
Бирга яйраб ичайин
“Янги топган” дўст билан.

Адиб учун уч карра етти зарурат

1. Табиат. Жамият. Инсон.
2. Кузатиш. Ўйлаш. Англаш.
3. Завқ. Нафрат. Ҳамият.
4. Ўрганиш. Эргашиш. Янгилаш.
5. Ҳақиқат. Мантик. Жасорат.
6. Холислик. Чидам. Ёзув.
7. Пардозлаш. Қисқартиш. Ўиртиш.

Тириклар олами

Хитланма, дўст, мужмал сўзимдан,
Ўйлаб-ўйлаб, етдим бир сирга:
Яралмиш бу олам... кўзимдан,
Ўлсам, ўлар мен билан бирга.

Тирикларга чўпчак олам бу...

Игнабарг шеърлар

Бир тиламчи пул сочиб ўтди...

* * *

– Уринг! Бугун – туғилган куни!

* * *

Алдай олмас... “шеф” чикмас ундан.

* * *

Ўч олди. Сўнг, хўнг-хўнг йиғлади.

* * *

Қизчам касал. Айшдан гапирма.

* * *

Балки Куёш ботмас эртага...

Фасл алмашуви ёки кеч куз

Ишқий шеърлар ёзиб-ёзиб,
Шоир кирди етмишга.
Қиз-жувонлар кушдек тўзиб,
Учди-кетди ўтмишга...

Мутойиба

Ширин гаплар сотаман,
Тахир гаплар ҳам.
Кепколинг, эй шеърхонлар,
Қолди жуда кам!

Олинг, ҳазил шеърларим
Оқшоқдан арзон.
Бир коп пиёз пулига –
Юз байтли дoston.

Алмашаман туюқни
Қанд ё қаймоққа.
Босилмаган масални
Ёзги пайпоққа.

Мана, бешта газетдан
Қайтган тўртликлар.
Икки ютум кимизга
Кетсин шўрликлар.

Қизлар, сизга ёзганман
Сақичтаём ғазал.
Сотаман бир муччага,
Келинг галма-гал.

Ишқий шеърга, йигитлар,
Чалинг бир қарсак.
Армон бўлар, тугалай
Текинга берсак.

Ўқиб эрта букчайган
Бобом холини,
Балки эслар кампирлар
Мархум чолини.

Олимларга битганман
Фалсафий фардлар.
Ҳар сатрида нола-ю,
Бошғажир дардлар.

Болаларга кечкурун
Бўлсин деб эрмак,
Тўқиганман айронга
Арзирли эртак.

Учликлар бор аттору
Зангбозлар учун.
Ҳатто гўрков ўз мадҳин
Топмоғи мумкин...

Кизиқ гаплар сотаман,
Хазин гаплар ҳам.
Опколинг, жон шеърхонлар,
Қолди жуда кам.

Олинг, мен ҳам бир тужжор
Бозор дунёда.
Давлатингиз бундан-да
Бўлсин зиёда!

Сўнмас саодат

Ҳар куни, ҳар соатда
Гавжумликнинг тафтин туй.
Беш томчи бу ҳаётда
Ўзингимас, элни суй.

Тегрангдаги минг хил кас
Бирдек суяр суйганни.
Эл эсидан чиқармас
Эл деб жони куйганни.

ИСТИФФОР

Қисса



Шавкат НИЗОМ

*Онажоним Шарофат Рухиддин қизи
хотирасига бағишлайман*

БИРИНЧИ ҚИСМ

Мен ҳаётимни остин-устун айлайдиган паризодни айнан бугун учратишни ўйламагандим. Шу сабабли вокзалга етиб боргунча, ўтган-кетганга эътибор бермадим. Каллам дорилфунунга отланган ўспирининг ўй-хаёлларига банд, эртага Тошкентга етгач, орзуимдаги даргоҳга ҳужжатларимни топшираман. Кейин ҳамқишлоқларимнинг ижарахоналарида яшаб, кириш имтихонларига тайёрланаман. Олдимдаги ягона мақсад – ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш.

Бинонинг ичида ҳам, ташқарисида ҳам оломон ғужғон. Қўлимдаги эски чамадонни бирортага топшириб, касса томонга саflanганлар ўртасига ўзимни уришим керак... Атрофга алангладим. Назарим навбатда турганлар қаторидаги нолик кизчага тушди. Яқинлашиб, енгидан тордим. У ўгирилиб, сесканди. Кейин ўзининг ҳолатидан уялдими, ерга тикилди. Тўғриси, юз-кўзига унчалик эътибор бермадим. Ҳозир ҳаёлимда бошқа фикр, поездга чипта олишим керак. Қиз эски чамадонимни қоровулласа, ўрнига турардим.

Мақсадимни тушунтиргандим, у менга навбатини ва чипта пулини берди. Чамадонимнинг ёнига кўнғир дипломатини қўйиб, кута бошлади. Мен оломон ичра сурила бориб, умумий вагонга иккита билет олдим.

Мамнун ҳолда қизга яқинлашиб, билетни узатдим. У раҳмат айтди. Сўнг жой рақамини текширишга тушди. “Овора бўлманг, обший вагон”, дедим. Қиз жилмайиб елка кисди, начора... Нар и кетдик. Ўзимиз билмаган ҳолда, бирга кетдик. Худди аввалдан келишиб олгандек, четрокка чикдик. Шундагина мен унга тузукрок разм солдим. Разм солдим-у, олдинрок эътибор бермаганимга пушаймон едим. Чунки ҳозир ёнимда ҳар қандай одамни тилдан адаштирадиган сулув бир ҳурлико турарди. Тўғри, юз тузилиши бежирим эса-да, рассомнинг шох асари даражасида эмас. Шаҳло кўзлари, бодомқовоғи, пешонага тушган бир тутам кокили, қип-

Шавкат НИЗОМ – 1961 йилда туғилган. Тошкент Театр ва рассомлик санъати институти-ни (ҳозирги ТДСМИ) тамомлаган. “Хонадон”, “Сўнги қурбон”, “Осмонсиз уй”, “Қўлдош билан Ражабгул” каби пьесалари республикамиз театрларида саҳналаштирилган. “Тўққиз хоқон салтанати” тарихий роман-эссеси муаллифи.

кизил яноғию юпка лаби одатдаги етилган кизлардан фарқ қилмайди. Аммо, шулар қаторида оловли истараси ва яна нимасидир мавжудки, ўшалар мени мафтун айлади. “Мафтун айлаган”им тилимдан айирди. Қиз сўз кутиб кўзимга термилаётганда, нигоҳида чакнаган шуъла вужудимда аллатовур хиссиётларни уйғотди. Беихтиёр, қаршимдаги паривашни аввал ҳам кўрганимни эсладим. Ҳаё билан ер қизиши, сезилар-сезилмас энтикиши жуда-жуда кадрдон. Гўёки, тирноғидан сочининг тола-сизгача яхши биламан.

Бирдан эсладим... Унинг ўнг қафтида гуручнинг донасидек холи бор...

“Нега ёдимда қолган, эҳтимол, қафтида хол учрамаслиги учундир? Билмадим, ҳар ҳолда, ўнг қафтида гуручнинг донасидек холи борлиги аниқ. Сўрасамми?.. Нокулай аҳволда қолмайманми? Яхшиси, танишиш баҳонасида кўриб оламан”.

Шундай қарорга келгач, нима бўлса-бўлар, дедим-да шартта гап қотдим.

– Ўқишга боряспизми?

– Ҳа...

Исмимни айтдим...

– Меники Қорасоч... Қорасочбону!

– Танишганимдан хурсандман, – ўнғайсизланиб, кинофильмларга киёсан қўл чўздим. У тортиниб, қафтини қафтимга қўйди. Баҳонада баданимга сезилар-сезилмас титроқ бағишлаган лўппи қўлини ўгирдим, қафтининг қок ўртасида гуручнинг донасидек қорага кўзим тушди...

Таажжубим кучайди, бу ўша, мен жами сир-асрорини биладиган қиз. Аммо уни қаердан танийман? Иккимиз ҳозир илк бора учрашдик, қолаверса, ҳалича бирор аёл билан яқин муносабатда бўлмаганман. Эслашга ҳаракат қилувдим, ҳаёлимда яна сирли воқеалар жонланди. “Мен унинг зулукдек қора сочларини севганман. Тақимини ўпадиган сочларини...”

Ростдан сочи узунмикан?.. Боя навбатда турганда нега эътибор бермадим? Яхши, ҳозир бунга ҳам ойдинлик киритамиз. Бир зум ўйландим. Кейин чап қўлимдаги чарм қайишли соатимга назар ташлаб, давом этдим.

– Қорасочбону, перронга чиқаверсак... Поезд келадиган вақт бўлди.

– Бизнинг вагонимиз қаерларга тўғри келаркин?..

– Обший вагон олдинда юради, – билимдонлик қилдим мен.

Қиз дипломатини қўлига олди. Мен эски чамадонимга энгашиб, имилладим. У вагонимиз келадиган жойни мўлжаллаб, жўнади. Ортидан эргашдим. Яна адашманман, нақ тақимига тушган икки ўрим йўғон сочи ўша-ўша...

Бу синоатни тушунолмаяман. Азбаройи эслашга уринганимдан икки чаккам лўкиллаб, юрагимда эриш ҳаприқиш бошланди. Беихтиёр ёдимга болалигим тушди. Шунда қизнинг чакноқ кўзларида олис гўдақлигим армони – ўн олти яшар Садоқатнинг шаддоод нигоҳини илғаб, қалбимдаги безовталиқ бемаврид хавотирланишга айланди. Гарчанд, ўша айрилиқда заррача айбим йўқлигини аллақачон сезган эсам-да, ҳозир Қорасочбонунини ҳам ўзимнинг ношудлигим туфайли йўқотиб қўяверадигандай бўлдим. Айни сабаб, аллақандай таҳликада югура бориб, қўлидан дипломатини олдим.

Радиокарнай поезднинг келаётганини эълон қилди. Шамолидан қочиб, четга чиқдик. Бизни оппоқ орзуларимизга элтадиган сеҳрли поезд тарақа-туруқлаб тўхтади. Вагонлар эшиги очилгач, туйқус ўзимиз хохламаган ҳолда қарама-қарши томонларга бурилдик. Сўнг бир-биримизга жилмайдик. Қорасочбону секингина шивирлади.

– Сиз нариги эшикдан чиқинг, мен буниқидан, қайсимизга бўш жой учраса, дарров эгаллаймиз...

Қалбимдаги хавотирланиш кучайди. Қорасочбонуга қарадим. Келишгандек у ҳам айни шу дамда ортига қайрилди. Нигоҳларимиз тўкнашди. Мен энди бу шахло кўзларда бояги малоҳатни эмас, мунгли бир изтиробни кўрдим. Ўзим йўналган эшикка яқинлашганда яна ўгирилдим, киз туткичга осилиб зинадан кўтариляпти. Мана, ўзини ичкарига олди. Мен ҳам эшик дастасидан тутдим. Кимдир қўлимдан тортиб, ёрдамлашди. Вагонга илашганим захоти пастдан эски чамадоним ва кўнғир дипломатни узатишди. Қаддимни ростлагач, кўмак бергани учун проводникка раҳмат айтмоққа юзландим. Юзландим-у, учиб тушдим. Негаки, қаршимдаги кимсанинг афти гезарган, лаблари тинимсиз пирилларди...

Тушундим, у ҳам кўрди.

Менинг бўйнимда, бўғзим тагидан айланасига қизил чизиқ ўтган. Бу чандик қачон пайдо бўлган, номаълум... Кейин кўкрагимда, юрагимнинг нақ устида тирноқдек тешик ўрни ҳам бор.

Онамнинг айтишича, бўғзимдан айланган чандикдан чиллам чикқунча қон силқиган. Бу синоатга тушунолмаган врачлар иккига киргунимча, муттасил хабарлашиб туришган. Кўкрагимдаги тешик эса то беш-олти ёшимгача очиқ бўлган. Синчиклаб қаралса, ҳатто, юрагимнинг уриши кўринган, кейинчалик, вақт ўтиши билан сезилар-сезилмас ҳолга келган.

Яна онамнинг гапларига қараганда мени етти ёшимгача Тожикистоннинг Ҳисор туманида яшовчи авлиёга ўқитиб туришган. Ана шундан кейингина сирли яраларим битиб, соғайганман. Ўша машҳур мулла мени илк бор кўлига олганда, негадир каловланган, узок ўйланиб, бу гўдакни эҳтиёт қилинг, фоний дунёда қилар ишлари кўпга ўхшайди, деган. Ҳатто бир сафар кечикканимизда, бетоқатланиб ўзи одам жўнатган. Шу-шу хар ойнинг учинчи пайшанбаси онам иккимиз узлуксиз Ҳисорга қатнаганмиз.

Ҳозир қаршимда қалтираётган проводник ҳам бўғзимдаги чандикни кўриб қолганди. Мен вазиятни юмшатиш учун ўнг қўлимнинг кўрсаткич бармоғини томоғимдаги чизиқ бўйлаб ҳаракатлантирдим-да, ҳазиллашдим:

– Сиртмоқнинг ўрни...

Гандираклаган проводник эшик туткичига ёпишди...

Лаш-лушларимни кўтариб, ичкарига йўналдим, изимдан тикилган оломон тўлкини зум ўтмай, гувуллаб чайқалаётган издиҳом ичра суриб кетди...

Ўн-ўн беш қадам наридаги атиги икки киши – мўйсафид ва кампири ўтирган жойни кўзладим. Бориб, қаватларига чўккач, чамадон ва дипломатни ёнимга қўйиб, яна битта жой эгалладим. Чол менга маъноли тикилди. Унинг сирли нигоҳини ўзимча тушуниб, хижолатда салом бердим. Тортиниб, шеригим бор, дедим. Бобо маъқул ишорасини қилди. Сўнг ташқарига назар ташладим. “Ие, бу ёғи неча пулдан тушди, дераза касалхоналардагидек окка бўялганми?..”

Қария астагина “шуниси маъқул” деб минғирлади. Нимаси маъқул, атрофни кузатиб кетмасанг, зерикиб ўласан-ку...

Тўсатдан берилган савол хаёлларимни бўлиб юборди.

– Ўтирсам майлими?..

Бошимни кўтардим, тепамадаги кимса кўнғир дипломат ва эски чамадон ўрнини бўшатишимни сўраяпти. Рафтори илтимосини рад этиб бўлмайдиган даражада ёқимли. Кўзларининг туб-тубига оғир қайғу чўккан, юзи думалок, сўзлаганда киприклари пирирайдиган бу йигит бир қарашдаёқ кишида мулоийм таассурот уйғотарди. Бирдан ёдимга Қорасочбону келди-ю, ортиқ иккиланмай, жойнинг эгаси борлигини айтдим. Сўнг негадир, уни кузатишга тушдим. Гапирганда кўзлари пирирайдиган йигит нарироқ борди-да, беш-олти киши тикилган ўриндик чети-

га омонатгина чўкди. Мен қарияга “ҳозир келаман, илтимос, юқларимга қараб туринг”, дедим. Кейин унга яқинлашдим. Боисини ўзим ҳам билмай, ғулдирадим:

– Кечиринг, шеригим бор эди. Қорасоч, Қорасочбону...

– Зарари йўқ. Мана, жойлашдим-ку...

У маънос нигоҳини деразага олди. Мен ҳам беихтиёр, ўша томон юзландим. Липиллаб ўтаётган чироқлар қайсидир шаҳарга кириб келаётганимиздан дарак бермоқда. Шўрчиға ўхшайди. Ана, ун заводининг тегирмонлари кўринди.

Бирдан хаёлимга ойнасидан кўча кўринмайдиган бўлмағиз келди. Қизик, бутун бошли вагонда битта бўялган дераза. Манзилгача ташки манзаралардан бенасиб кетишга мажбур эканман, начора? Буям тақдир... Кўнглим ғашланиб, ўрнимдан кўзгалдим. Тезроқ Қорасочбонуни топишим керак. Шўрчидан яна йўловчилар чиқиса, ораларидан туртина-суртина ўтиш баттар қийинлашади.

Бироз юриб, Қорасочбонуга жудаям ўхшаб кетадиган қизни кўриб қолдим. Кўзларимга ишонмай, яқинроқ бордим. Адашибман, у ишваланиб, жилмайди. Индамай кетсам тўғри келмайди, нимадир дейишим керак, вақтни бой бермай, суюқландим.

– Танишсак бўладими, яхши қиз?..

Қиз шарақлаб қулди. Сўнг чакноқ нигоҳ-ла қаршисидаги нўноқ жазманига бошдан-оёқ разм солди.

– Танишсак бўлади...

Жавобида калондимоғлик бор, кесатиқ бор. Кетсаммикан?..

– Исми Мухаббат, Мухаббатман!..

Энди кимлигининг қизиғи йўқ. Кибру ҳавоси кўнглимни совутиб улгурди...

Унинг охириги жумласини эшитмагандек, кадам ташларканман, беҳосдан танишишни истаб қолганим учун ўзимни койидим. Кимдир менгами, қизнинг гапигами, хоҳолаб қулди. Сўнг рўпарамда сочи елкасига тушган, бурнида кўндаланг тиртиғи бор бақувват йиғит қад кўтарди. Жанжал кўзгаш ниятида шекилли. Мен ҳам анойи эмасман, устига бостириб боравердим. Ва бирдан кўзимга қон қуйилиб, билакларимда бекиёс куч йиғилди. Қўлларим темир муштга айланди. Шунда ҳозир шитоб билан олға интилаётган ўспирин зинҳор-базинҳор ўзим эмаслигимни сезиб қолдим, мурғак вужудимда бутунлай ўзга одам ҳаракатланмоқда...

Узун сочли олифта шаштимдан ҳайкиб, орқага тисланди. Уни қулочкашлаб уриб юборишдан зўрға тийилиб, ёнидан ўтиб кетдим. Бироздан сўнг ўзимга келдим. Нимжонгина жуссамга бу қадар шижоат ва қудрат қайдан сингганини англолмай, атрофга алангладим. Бироқ, ўнг кафтида гуручнинг донасидек холи бор қизни учратмадим. Ортимга бурилдим. Мақсадим лаш-лушларимни ўриндик юқхонасига солиб, кўнглимни тинчлантириш. Аслида, чамадонимда бир сидра кийим-бош-у, дафтар-қоғоздан бўлак ҳеч вако йўқ. Хужжатларим кўкрак чўнтагимда. Аммо, ҳозир Қорасочбонунинг кўнғир дипломати учун ҳам масъулман, омонатга хиёнат қилолмайман.

Қайтаётиб, йўлимда бояғи сочи узун олифтани ва нарироқда Мухаббатни учратишни ўйлагандим. Адашибман... Сон-саноксиз одамлар орасидан чолу кампирни ахтардим. Бефойда!.. Ойнаси окка бўялган бўлма ҳам йўқ. Чарчадим, шекилли?.. Ўтириб дам олмоқ ниятида бўш ўрин изладим. Ҳамма жой банд. Нима қиларимни билмай серрайдим. Кимдир кўлимдан тортди.

– Мана бу ерга ўтиринг...

Мен қайрилиб, гапирганда кўзлари пирпирайдиган ўша йиғитни кўрдим. Ҳалиги ишимдан кизардим чоғи, у хижолат бўлманг, деди. Сўнг давом этди.

– Қорасочбонуни топдингизми?..

– Йўқ. Кейинрок яна қидираман...

– Йигитлар, биз ҳам ўтирсак бўладими?

Овоз таниш туюлса-да, киё бокмадим.

– Талабаман, исмим Иззаг. Тошкентда ўқийман. Университетда, фалсафада.

Бу – ўша, йўлимни тўсган “зўравон”. Ёмон болага ўхшамайди. Аммо, бояги бе-маза қилиги сабаб тумшайиб туравердим.

– Камолхон...

Улар бир-бирларига қўл узатишди. Ноилож, мен ҳам исмимни айтдим. Шу билан гиналар унутулиб, у ёқ-бу ёқдан валаклаша кетсак-да, Камолхоннинг нигоҳидаги кайғули шуур ҳамон тарк этмаяпти. Боисини билмокка уриндим. Тўғридан-тўғри сўраш одобсизлик. Яхшиси, унинг қалбига шўнғийман...

* * *

Ёзининг илк кунлари қишлоқда Иноятхоннинг оиласига ола мушук оралабди, деган гап тарқалди. Тез орада миш-мишлар атрофдаги гурунглarning асосий мавзусига айланди. Ростдан ҳам бу гапларда жон бор...

– Шундай қилиб, сиз билан келишиб олмокчиман, – тунд киёфада гап очди ота ўғлига ўша куни. – Соҳибхон билан ўртағиздаги аҳдимиздан бохабарсиз. Дўстлигимизни янада мустаҳкамлаш ниятида кенжа кизларини сизга бўлишиб қўйгандик... – Иноятхон фикрини жамлаш учун бир муддат тин олди. Омонат чўккалаб, қўлидаги пиёладан нигоҳ узолмаётган ўғил оғир тўлганди. – Мана, энди сиз ҳам, биродаримизнинг кизлари ҳам олманинг икки палласидек кўзга ташланиб қолдингиз. Мен бу ҳақда икки йил бурун онангиз орқали билдириб эдим, шундоғми?..

– Шундоғ...

– Баракалла, сиз ўшанда сукут сақлагансиз. Биз эса сукутни “хали уйланишга эрта, ўқишимни тугатиб олай...” маъносида тушунибмиз. Аммо, кейинчалик катта акангиз Ҳайдархонга ёрилибсиз, бу ҳам назаримиздан четда қолмади. Биз ўқиш тугагунча кутайлик, зора, ақли кириб, отанинг юзига оёқ босишдан тийилса, деган ниятда яна сабр қилдик.

...Шу йилларда оиланинг барча аъзолари, узоқ Қашқадарёда яшовчи ўртанча ўғилни истисно этганда, неча марталаб Камолхонни ўртага олишган, отага тик боқиш хайрли оқибатга олиб бормади, ақлингни тий, каби панд-насихатлар қайта-қайта такрорланганди.

– Мана, институтни тугатиб, диплом олдингиз, бошингизни иккита қилсак, энди ўз аравангизни ўзингиз тортиб кетарсиз?..

Падарининг гапларидан Камолхон гарангсиради. Сўнг недир демокка оғиз жуфтлади-ю, ботинолмади.

– Ўйланиб қолдингиз, гапим маъкул келмади шекилли?..

Камолхон ботиниб-ботинмай, бош ирғади.

Ота пиёладаги совиб, устида халқоб йиғилган чойдан хўплағач, одатдаги жумласини такрорлади:

– Шунақа денг?.. Чакки бўпти! Сиздан буни кутмагандим. Бу жавобингиздан кейин элу халқнинг кўзига қандай қарашимни, эски кадрдонимнинг олдида ким деган одам бўлишимни ўйладингизми?

– Ўйладим... – Узил-кесил рад жавобини берди ўғил.

– Мабодо, яна уч-тўрт кун мухлат берсак-чи?..

– Қарорим қатъий!..

Иноятхон оғир хўрсиниб, чўккалади. Кейин нималарнидир пичирлай кетди. Ўғил эса бехос йўл кўйган хатоси оқибатини кутибми, афсусланибми, ердан кўз узолмасди. Дикқатини синиқ овоздаги “омин!..” садоси бузди. Ялт этиб қаради. Бузруквори қиблага тикилган кўйи шалвираган қўлларини тескари жуфтлаганди...

Воқеалар охирида чойни янгиламоққа кирган Фотимабиби эри нима қилиб кўйганини англаганда Камолхон тошдек қотган, хозиргина нобақор фарзанд устидан даҳшатли ҳукм чиқарган ота тушқун алфозда ташқарига йўналганди.

– Тўхтанг, дадаси!.. Астағфируллоҳ денг! Тавба денг!...

Фотимабиби кўлидаги чойнак тушиб, чил-чил синганини, қайноқ чой пахта пайпокли оёқларини куйдирганини ҳам сезмай, эрига осилди.

Иноятхон кампирини авайлаб четга сурди-да, букчайибгина эшикдан чиқди...

Отаси томонидан дуои бад қилингандан кейин Камолхон туғишганлари билан йиғламсираб хайрлашиб, ойлигидан олган рўмолини волидасига узатди. Она дуога қўл очди. Атрофдагилар Иноятхоннинг қахридан кўрка-писа унга кўшилишди.

– Илоё, бошинг тошдан бўлсин!..

Камолхон йўлга тушди. Туман марказида севгилиси Зухра кутмоқда. Энди нима қилсам, шу қизга уйланади. Падаридан орттирган рутубатини зора севгилиси илитса...

Аммо, юпатгучи хаёллар оғушида махбубаси ишлайдиган мактаб эшигига етганда, бехос ширин орзулари абас бўлди, қоровул чол негадир, Камолхонни танимади. Ўзини эслатганди, билмадим, қаричилик, дея кўзини олиб қочди. Йигит хайронлигини яширолмай, унинг ёнидан ўтди-да, узун бинонинг таниш синфхонасига яқинлашди. Эшикни очган Зухранинг ранги ўчди. Сўнг кўзини яшириб, шивирлади. “Боғда кутиб туринг, танаффусда чиқаман”.

Камолхон орқага қайтиб, коридор бўйлаб бораркан, Зухранинг курсдош дугонасига дуч келди. Тошкентда юрган кезлари учрашувга маъшуқаси баъзи-баъзида шу киз билан чиқар, ўшанда учовлон музқаймоқ ейишар, киноларга тушишарди. Ҳозир эса у шундай кадрдонининг ёнидан бепарво ўтмоқда. Йигит билагидан ушлаб тўхтатди. Қиз савол назари билан қаради.

– Тинчликми?..

– Танимадингизми?

– Танидим...

– Унда нега индамай ўтаяпсиз?..

– Нима дейишим керак?..

Совуқ муомаладан йигитнинг эти жунжикиб, кўчага отилди. Танаффусгача ичтини еди. Буларга нима бўлган ўзи? Нега муомалалари ўзгарган?..

Ниҳоят, Зухра чиқиб келди. Зўрма-зўраки жилмайиб, аҳволлашди.

– Келинг...

– Келдик...

– Қандай шамоллар билан?..

– Сизнинг шамолнингиз билан.

Қиз бирдам сукут сақлади. Сўнг сохта табассумда давом этди.

– Жуда соғинтирдингиз.

– Узр...

– Энди кеч бўлди.

– Нимага?

– Узр сўрашга...

Йигитнинг бадани музлади. Бу қандай гап?.. Ўтган ҳафта келганида ширин-ширин суҳбат қилишувди. Бояги афтини буриштириб, танимасликка олган дўрдок дугонасини ҳам эргаштириб, кечгача истироҳат боғида айланишган, қолаверса, бугунги учрашувниям келишиб олишганди. Бу ерда бошқа гап бор.

– Муомалангизга тушунмаяпман, Зухра?..

– Нимасига тушунмаяпсиз?

– Кесатишингизга...

– Бу бор гап...

– Қайси гапни айтаяпсиз?

– Ўртамиздаги муносабатни.

– Мен ҳам шу масалада келдим.

– Қайси масалада?

– Сизга уйланмоқчиман.

– Буни аввал ҳам айтгансиз.

– Сиз рози бўлгансиз.

– Рози бўлгандим...

– Энди-чи?..

Қиз асаб ўйинини ортик давом эттиролмади, йиғлаб юборди. Камолхон бош-адоқ кесатикли савол-жавобнинг бундай ривожини кутмаганди, шоша-пиша овутомққа бошлади. Бирок, Зухра силтаниб, кўлидан чиқди-да, жон ҳолатда бақира кетди.

– Нега?.. Негга бундай қилдингиз? Энди мен кимман? Сизга қандай тегаман? Отам мени оқпадарга бермайди!..

У гандирақлади... Ёмон хабарнинг учқур келиши рост. Аммо бунчалар тез тарқалишини ким ўйлабди, дейсиз. Наҳотки, атиги икки соат аввал юз берган мудхиш воқеани бутун туман эшитиб улгурди?..

Зухраси яна нимадир деди. Сўнг узоклашаётган оёқ товушлари эшитилди. Камолхон қаддини кўтаролмади. Шу кўчи, маҳзун киёфада узок ўтирди. Бир маҳал эсини йиққанда, шом яқинлашганди. У бел ол қадам ташлаб, вокзалга жўнади. Мана, хозиргача атрофидагиларга сир бермай, гангир-гунгирлашиб келяпти. Фақат Тошкентга отланган ўсмир бола кўзига тикилганда, неггадир ўзини йўқотиб қўймоқда. Илгари сира бундай аҳволга тушмаганди. Кейин... йигитчанинг қайсидир чалими-ям таниш. Кимга ўхшаши мумкин? Шуларни ўйлайвериб, бошига оғрик қирган.

* * *

...Проводникнинг аралашини узук-юлук хаёллар оғушида гурунгда лукма ташлаб ўтирган Камолхон учун аини муддао бўлди. Боя поездга чиққанида беш-олти сўм қистирганди. Энди кўрсатилган жойга чўзилиб, гартак пинак қилувдики, туш кўрди. Тушида бош-адоғи кўринмайдиган жуда узун поездда кетаётганмиш. Лекин, поезд темир рельслардамас, оппоқ-оппоқ булутлар узра сузмоқда. У воқеаларни тузукроқ англаш ниятида чор-атрофига боқиб, бирор ғайритабиийликни сезмади. Ўша йўловчилар, ўша шериклари... Ҳатто, бояги талаба ҳам шу ерда. Унчалик хушламаса-да, ҳозир кўриб, кўнгли ёришди, сон-саноксиз бегоналар ичида биттагина ёмон таниш ҳам кўзга тегаркан.

Иззат қўлидаги қутичага имо қилиб, тамбурга йўналди. Улар сигаретларини тунташтиришди. Камолхон одатича, кучли-кучли тортиб хузурланаркан, ногоҳ ўлардек чарчаганини сезди. Шериги дилидагиларни уққандек мингирлади.

– Йўл юриш осонмас, меҳмон. Бунинг устига, бу – оддий йўлмас, хаёт йўли.

Охирги жумла Камолхонни ажаблантирди. “Хаёт йўли!..” Бу нима дегани? Қайси маънода айтди бу гапни?”

– Ҳақиқий маънода. Айнан ўзининг маъносида...

Талаба қандайдир сезги орқали суҳбатдошининг ботиний фикрларини ўқиб олаётганди. Даставвал атрофдаги ғаройиб аҳволдан таажжубланган Камолхон бир маҳал ўзига келди-да, кичкириб юборди.

“– Қаршида тушишим керак эди-ку!..”

Иззат қаҳ-қаҳ урди. Совук қаҳ-қаҳа кучая-кучая, момакалдирокка айланди. Камолхонни ваҳимали кино кўраётгандек титроқ босди. Вагонга кириш учун кўлини эшикка узатди. Момакалдирок тинди...

– Шошилманг, меҳмон! Барибир, кочиб кутулолмайсиз. Аслини олганда, бу вагондагиларнинг тақдирлари туташ. Улар қувончга ҳам, қайғуга ҳам бирдек етишишади.

Ичидан нимадир узилиб, оғир тин олди. Унинг айни тушқун руҳияти ёшини яшаб, ошини ошаб қўйган қариялардан фарқ қилмасди. Илло, ота хонадониди бошдан кечирганларини ўзиёқ ёшлик шижоатини бағамом сўндириб улгурган.

Зиддиятли ҳаёллар оғушида жавдираётган Камолхоннинг кўзига ногаҳон падари бузрукворининг улугвор комати, совуққон юзи кўринди. Гарчи, аламлари аримаган эса-да, кетар жафоси, отажони ҳақида ҳам бирров билгиси келди. Талаба жавоб берди.

– Иноятхон ота – бообрў инсон. У киши ўзларига ўхшаган одамлар билан орқада келяптилар. Бизни фақат қайрилишларда кўриб қоладилар...

Ҳасратлашишга рағбати бисёрлигига қарамай, Камолхон ғойибона суҳбатга нукта қўйишни лозим топиб, жойига қайтди. Ичкарида кўрганлари эса аклини баттар шоширди, у ерда қутилмаган одамлар талайгина. Айниқса, сирли жилмаяётган кизга назари тушганда, юраги бетартиб дукурлай кетди...

– У – Муҳаббат!.. Тенгини топмагунча ўн саккизда яшайверади. Зухрангиз бошқа томонда, – бепарво таъкидлади изидан эргашган Иззат.

Камолхон қайрилиб, суюклисини ва бола кучоклаган истарали аёлни кўрди.

Беихтиёр, шуурининг олис бурчакларида нимадир “йилт” этди. Агар у ҳозир оний лаҳзага уйғонган ўша нимтаниш хотиротлари изини қувганда, кейинроқ тортган азоблари сабабини тушунган бўлармиди? Йўқ, фикру ҳаёли, азбаройи Зухрасига бандлигидан, ҳаёлидан бирров “буниси ким экан?..” деган одатий саволни ўтказолди, холос.

– Қорасоч... Қорасочбону!..

Камолхон маҳбубасига илтижоли тикиларкан, миясида ҳақли савол туғилди, агар шу Зухраси бўлса, нега кампирсифат кўринади, умр шунча тез ўтди?.. Сўнг туйқус миясига урган фикридан хавотирланиб, талаба тутган ойнага юзланди-ю, ўзига жуда-жуда ўхшаш вазмин кимсанинг истехзоли нигоҳидан чўчиб тушди, умр – оқар дарё, деб бежизга айтишмаскан...

Бир маҳал кимдир енгидан тортди, қаршисида проводник ялтоқланмоқда.

– Мана, меҳмон, манзилга етдингиз. Эшикка марҳамат!

Камолхон ўпкалади.

“– Тўхтамаса, қандай тушаман?..”

– Шунақа оғайни, сафарингиз қариди. Ҳаммада бор савдо... – талаба айёрона кўз қисиб, ғойиб бўлди.

– Тушмайсиэми, энди?..

...Додлаб уйғонди. Проводник ясама тақаллуф билан ишшайди.

– Турақолинг, битта иссиққина чой ичсангиз, ўзингизга келасиз. Ёмон туш кўрдингиз чоғи, анча алаҳсирадингиз...

Камолхон ўзига келиб, кўзини ишқаларкан, назари қайрилма стол устидаги тумшугидан ховур чиқаётган тунука чойнакка тушди. Вақтида уйғотгани учун проводникка раҳмат айтиб, ўрнидан кўзғалди. Поезд ҳамон олға интилар, атрофда фақат бир садо – тарақа-турук! Тарақа-турук!..

– Қани чойдан ичинг-чи, оқаси...

Камолхон чап кўлини кўкрагига босиб пиёлани олди, хўплаб-хўплаб, зимдан проводникни кузата бошлади. Қаршисида ўсиққош, калинлаб, бошини маҳкам тутган йўғон бўйни нақ кулоқлари остидан елкасига туташган барзанги ўтирибди. Жундор баҳайбат панжалари кўпроқ тоғ кўпоришга муносиб. Лекин гўштли, тирсиллаган оппоқ башарасидан аримайдиган мунофикона тиржайиш ва чийиллок овози кишида нохуш кайфият уйғотади...

Икки пиёла чой ичгач, Камолхон ўрнидан турди. Проводник ажабланди.

– Йўл бўлсин, оқаси?..

– Шамоллаб келай...

Камолхон кўлидаги сигаретга ишора қилди. Сўнг чўнтагидан пул чиқариб чойнак ёнига ташлади.

* * *

...Мен айни дамда ўзим билмаган сирли туйғулар орқали шерикларимнинг тақдиридан бохабардек эдим. Назаримда, ҳозирги жами воқеалар таниш. Гоҳ талабаликнинг олтин даврини мақтаётган, гоҳ гитарасини тиринглатиб, “Ҳаёт йўли” хақида қуйлаётган манави олифтадан тортиб, ўзини Муҳаббат атаган калондимов кизгача барчаси билан қачонлардир шу ҳолатда бирга кетганман. Ҳаммасидан Камолхоннинг тақдири кизик. Ҳар гал уни ўйласам, кўз ўнгимда аллақандай таниш воқеалар ғира-шира жонланади. Хотираларим уйғонмоқчи бўлади. Аммо, баногоҳ фикрим чалғиб, барчаси унутилади-кўяди. Ҳарчанд уринмай, бу синоатнинг тагига етолмайман. Эсласам, ўзимга керакли яна бир ҳақиқатни кашф этаман. Унинг йўлига мунтазирлигим сабаби ҳам шунда.

...Ҳафсаласиз қадам ташлаб, Камолхон кўринди. Уни хушчақчақлик билан қаршилаб, жой бердим. Талаба гитарасини ёнбошлади, бизга қўшилди.

– Оқаси, чипталарингизни кўрсатиб юборинглар...

Проводник... Аммо, бўйни нақ кулоғи остидан елкасига туташган чийиллок барзанги эмас, бошқаси. Овозидан маълум.

Мен шошилмай, кўйлагимнинг кўкрак чўнтагидаги ҳужжатларим орасидан чиптани олиб узатдим. Бу ўша – вагонга чиқишимга ёрдамлашгани. Беихтиёр, мени кўргандаги турки-таровати кўз олдимга келди. Мийиғимда жилмайдим. Кейин оний лаҳзага нигоҳларимиз тўқнашувди, қутилмаган воқеа юз берди. Аввал хотиржам қараган одам бирданига қорачикларини кенгайтириб, нохуш бақрайди. Авзойидан баданим жунжикди... Ва хотирам қат-қатларида тобора сўниб бораётган қандайдир шуъла ожиз милтиради. Демак, у боя бўйнимдаги айлана чандикдан ваҳимага тушмаган, йўқ, мени эслаган...

Проводникнинг совуқ нигоҳидан оёғим калтираб, хаёлларим чувалашди...

Ўзи шундай, ўқтин-ўқтин, қутилмаган ташқи таъсир остида миямда ғалати воқеликлар гавдаланади. Уларнинг хурсандчилиги қувонч бағишлаб, оғриги аъзойи баданимни зиркиратади. Шунинг учун бу ходисаларни ўнгимдагидай қабул қиламан.

Айрим ҳолларда эса бир пайтда икки вокеликда иштирок этганимни сезиб қоламан. Бўйнимдаги айлана чандик, кўксимдаги тирноқдек тешикни қанчалик тушунмасам, рухиятимдаги сирли ҳолатлар ҳам шунчалик қоронғи менга. Ҳозир ҳам пешонамда қаккайган проводникнинг совуқ тикилиши ёмон таъсир қилди. Уни танидим. Бу – ўша...

Кўлларим мушт бўлиб туғилди. Бирок, гапирай десам, овозим чикмади. Ўрнимдан турмоқчийдим, бошим айланиб, оёғимдан мадор кетди...

Мана, шуурим ёришмоқда. Ўзимга келаяпман. Қоронғиликнинг бир четида милтираётган миттигина учкун тобора катталашмоқда. Бироздан сўнг бутун борликни коплайди. Мен батамом ҳушёр тортаман-у, ҳеч нима бўлмагандай одатдаги ишимни давом эттиравераман. Ўрнимдан кўзгалдим. Худога шукр, ҳаммаси яхши тугади. Кўзимни очдим...

...Эсимни йиғиб, илк қилган ишим ҳовли четида арқонланган қора тулпорни эгарлаш бўлди. Сўнг бешотарни ийнимга илдим. Олдимга чиккан ҳомиладор хотинимга мик этмай, йўлга тушдим. Бугун руҳимга анчадан буён тинчлик бермаган муҳим вазифани бажаришим керак...

Тўғриси, унга душман эмасдим. Биз ҳамқишлоқмиз. Тупроқ кўчаларда чанг босиб, вояга етдик. Муртимиз ниш урган кезлар бахтиёр бахтиёр замонлар ҳақидаги орзуларга берилдик. Шу орада Октябр тўнтариши рўй берди. Мен биринчилардан мазлумлар ҳукумати тарафига ўтдим.

Ўн саккиз ёшимдан қурол тутдим. Ўн тўққизда етмиш олти кишилик отряд бошида босмачиларга даҳшат солдим, қуюндек ёпирилган мард йигитларим таъйикига ҳеч қандай душман дош беролмади. Яна беш йил ўтиб, босмачилик ҳаракати аввалги кудратини йўқотди. Лекин, осуда ҳаётга ҳали эрта, озод халқ камолини кўролмаганлар пана-пастқамларда пайт пойлашмоқда.

Уларнинг етакчиси – ўша қадрдоним. Мен мазлумлар тарафидаман. У – халқ душмани. Биз муносиб ракиблармиз. Неча бор изидан тушдим, энди ушладим деганда, у ҳавога сингиб кетар, кейин қутилмаган жойдан зарба берарди.

Эсимда, бир муҳорабада юзма-юз келдик. Масофа ўта яқинлигидан милтиқ отишининг иложи йўқ, ярим соатлар қиличлашдик. На унинг, на менинг қўлим баланд келмади. Жанг орасида кўзларимиз учрашди. Рақибимнинг нигоҳида ғалати маънони уқдим. Назаримда, у мени ўлдиришни истамаяпти. Мен ҳам уни аяпман. Тўсадан зарбага шайланган кўлларимиз тин олди. Сўнг ягона буйруқни бажараётгандек баббараварига қиличларни қинига солиб, изимизга бурилдик. Қора тулпорим икки-уч қадам йўртигач, орқамга қарадим. Худди шу лаҳзада рақибим ҳам қайрилди. Яна юрдик. Дам ўтмай, ўша ҳолат боз такрорланди. Шундай қила-қила олислашдик...

Кейин ҳам неча марта тўқнашсак-да, галабага юз фоизлик имконият бошқа туғилмади. Айни сабаб, ўшандаги қатъиятсизлигим учун ўзимни кечирмадим. Яна қўлимга тушса, албатта ўлдиришга онт ичдим. Негаки, марказдан келган телеграммаларда уни йўқ қилиш узил-кесил менга топширилган, бу энди ҳаёт-мамотим масаласи эди. Бизнинг яккама-якка жангимиз овозаси қайсидир йўллар орқали марказга етган ва камина салкам халқ душманига айлангандим.

Ўртаимиздаги рақобатнинг яна бир сабаби – хотиним, йигитлик онларимиз бир кизга кўнгил қўйдик. Бора-бора, менинг қўлим баланд келиб, у тоғу тошларда тенгайраб бошлади.

...Турмуш қурганимизнинг олтинчи ойи чор-теварак осойишталиги сабабли йигитларимни икки-уч кунга уйларига жўнатдим. Ёнимда етти-саккиз нафар оиласиз аскарлар қолишди. Ёз куни эмасми, улар ҳовлида, мен уйда ухладик. Ярим кечаси қиёмат кўпди. Апил-тапил кийиниб, отларни эгарладик. Аммо, кечиккандик.

Элликтача босмачи кишлокнинг шўроларга хайрихоҳ кисмини қиличдан ўтказиб, ғойиб бўлди. Гарчи, бир ховуч аскар билан уларни қувиш бемаънилик саналса-да, эрталабгача итдек изгидик.

Индинига зудликда отрядимни тўшлаб, хужумга отландим. Рақибим ерга кирдими, кўкка чиқдими, икки йил думини ушлабмади. Мен қушёрликни йўқотмадим, доимо жангга шай турдим. Шундай қушларнинг бирида кичикрок тўланинг изидан тушиб, уч кечаю уч кундуз таъқиб эдик. Охири, тоғнинг тор дарасида қуршовга олиб, кириб ташладик. Бирок, мурдалар орасидан унинг ўлигини топмагач, ўзга ҳақиқатни тушуниб қолдим. Бу – пистирма. Қизиллар кичик тўдага овора тентираганда, қўрбоши қайлардадир ўзга режасини амалга оширган. Зудликда ортга қайтдик. Қишлоқда ов миптиғи билан қуролланган беш-олти батракдан бўлак одам қолмаган, рақибим хотиним илинжида бизни қалғитган бўлса, максасидга эришди, мен суюқлигимдан айрилдим...

Тўхтамай от сурдик. Тоғдан энгач, йўл-йўлақай, ёнаётган овулларни кўриб, нақадар кечирилмас хатога йўл қўйганимни англадим. Инсоннинг шунчалар қонхўрлигини хаёлимга келтирмаган эканман...

Қай аҳволда маконимга етганимни билмайман. Узокдан тутаётган уйлари кўргач, адоий тамом бўлдим. “Энди хотиним йўк!..” Беихтиёр, бошимга урган фикрдан чаккаларим лўқиллади. Чарчаб, йиқилаёзган тулпоримни ниқтаб, хонадонимга яқинлашдим. Бирок, энди кўрганларим ҳар қандай мўъжизадан авлорок эди. Сонсаноксиз харобалар ичида ёлғиз менинг пахса деворли ғариб иморатимгина собит турарди. Ичидан тамбаланган пастак дарвозани тегиб, ховлига отилдим. Бирдан бостирма тагида кавиш қайтараётган сигирга қўзим тушди. Сал нарида бузоғи диконглайди. Босмачи босса, қорамол тугул, товук ҳам қолмасди. Балки, бу пистирмадир?.. Изимдан келган аскарларга имо қилдим. Зум ўтмай, ховли қуршаб олинди. Ишонган тўрт нафар йигитим билан даҳлиз эшигини очдим, зог кўринмади. Жангу жадалларда дийдам қотган эса-да, ҳозир юрагимнинг дуқурлашини аниқ эшитаялман...

Бўлар иш бўлди, эшикка қурол ўқталган йигитларимга отишга рухсат бериш ниятида ўтирилдим. Аммо, тўсатдан икки йил бурунги воқеа ёдимга тушди. Ўшанда рақибим бизни омон қолдирганди. Қишлоқнинг ярмини қиличдан ўтказиб, хонадонимни айланиб ўтганди. Қанийди, ҳозир ҳам шундай бўлса...

Таваккал қилдим, охириги онда йигитларимни тўхтагиб, овоз бердим. Садо қайтмади. Иккинчи марта кичқирдим. Сукунат... Учинчи марта овозим етти маҳалла эшитадиган даражада гулдуради, шунга ҳам жавоб бермас...

Эшик ғийкиллаб очилди. Мен бешотарни тўғрилаб туравердим. Ўртага асабимни адоий тамом қилган сукунат чўқди. Яна хайқирдим:

– Мушарраф!..

Енгил қадам товушлари эшитилди. Наҳотки?.. Бўлиши мумкин эмас!..

Мумкин экан, ичкаридан суюқлигим чиқиб келди. Ҳикиллаганча, бўйнимга осилиб, юз-кўзларимдан ўпишга тушди... Ичма-ич жойлашган икки хонадан қариялару ёш болалар чувиллашди. Қутулганларини сезиб, халоскорларига қуллук қилишди. Менинг хаёлларимни эса қандайдир нохуш фикр қалғитди... Нега хотинимга тегмади? Нега яна хонадонимни айланиб ўтди?..

Мушаррафга маъноли тикилдим. У бошини сарак-сараклатиб, ерга қаради. Поклигига ишонсам-да, барибир кўнгил душман, рақибимнинг бағрикенглиги қалбимда ғайритабиий шубҳа қолдирди.

Ўша миттигина шубҳа катталашавериби, бугун тоққа айланган. Энди ундан қутулмасам, вужудимни ёриб чиқади. Шу боис чор-тарафга айғоқчи жўнатиб, рақибим тўғрисида маълумот йиғдим. Ҳозир менга унинг қайда жон сақлаши,

качон уйғониб, қачон ухлаши, нима еб, нима ичишигача маълум. Вактини белгилаб, хужумга ўтсам, битта ўк билан умрига нуқта қўяман.

...Ярим соатлар от йўрттириб, адирлик бағрига, келишилган жойга етдим. Айғоқчи вақтида келди. Мен уни Қодиркул оға дейман. У мени инисидек билади. Иккимиз кўп кўргиликларни бошдан кечирганмиз. Қўлимга қурол олганимда отиш сирларини шу одамдан ўрганганман. Бир жангда эса уни ўлимдан саклаб қолдим. Кейин биз ака-ука тутиндик. Шундан бери биргамиз. Энг хавфли вазифаларни Қодиркул оғамга ишонаман.

Уни батафсил эшитиб, оғир-енгилини ўлчадим. Сўнг ортикча аскарларсиз йўлга тушдим. Ёлғиз Қодиркул оғам менга ҳамроҳ.

Кетма-кет мағлубиятлардан чарчаган душманни махв этиш қўпам кийинмас. Бу тажрибаларимдан маълум. Ўзимнинг кизил командирлик фаолиятимда бир ҳақиқатни тушунганман, камбағалдан кўркмаслик керак. Камбағал мавжуд тузумга қарши бош кўтармайди. Чунки йўқчилик унинг силласини қурутган. Шаштини синдириб, бошини этган. Бундай одам ғурусиз кун кечиради. Бир бурда нон берганнинг бадрабхонасини тозалашга рози бўлади.

“Мазлум халқлар инқилоби!”, дейишади. Бу – уйдирма, инқилобни ўзига тўк одамлар бошлашади. Лекин мудом йўқсилнинг номидан гапиришади. Негаки, дунёда бойларга нисбатан ночорлар кўп. Кейин улар онгсиз тоифа. Бир парча нон берганнинг топшириғини килаверади. Инчунун, кимгадир ўк отиш, кимнидир бўғизлаш...

Ҳозир эса ўшандайларнинг биттаси – эски кадрдоним аянчли аҳволда. Биз ғалаба қозондик. Унинг ҳомийлари дом-дараксиз йўқолишди. Энди ёлғиз ўзи ажаллини кутмоқда. Мени кутмоқда. Бугун тунда жонини оламан. Қалбимни кемирган нохуш шубҳалар ниҳоясига етади.

...Ярим кечаси тоғ бағридаги кишлоққа яқинлашдик. Тун ойдин, тўрт томон кафтдагидек яққол кўринади. Қодиркул оғам енгил йўталиб, мени тўхтатди. Қамчисини кишлоққа қираверишдаги пастак қулбага тўғрилади. Қисқа имо-ишорадан сўнг биримиз эшикка, иккинчимиз дарчага йўналдик.

Мўлжалга етиб, бешотарни тўғриладим. Ҳозир зарб билан ёғоч тавакани кўпориб, ичкарига қираман. Ракибим хушини йиғиб улгурмасдан, бешта ўкни ҳам кўкрагига жойлайман.

Зафарёр хаёллар оғушида кўрбоши ётган хонага яқинлашарканман, туйқус ғалати шарпани сездим. Тўхтаб, зийраклик билан атрофни кузатдим, тинчлик. Яна қадам ташладим...

– Тўхта!..

Овоз ичкариданмас, шундоқ ёнбошимдан эшитилди. Мен қўлга тушдим. Бу пистирма. Нахотки, ишонганим Қодиркул алдади? Бешотарни ерга ташладим, кўлларимни баланд кўтариб, қулай фурсат кутдим. Мақсад – ракибим яқинроқ келса, амаллаб зарба бериш. Сўнгги имкониятим – шу.

Кўзим қоронғиликка ўрганди, уни аниқ кўраяпман.

– Сен билан гаплашиб олмакчиман...

“Азалий душманлар нимани ҳам гаплашарди?.. Майли, ҳалиги режамни амалга ошириш учун айти муддао, баҳонада яқинроқ бораман”.

Улгурмадим, орқа томонимдан шипиллаган қадам товуши эшитилди. Аста бурилдим. Не кўз билан кўрайки, икки қадам нарида Қодиркул оғам турарди. Милтиғини шайлаб, тош қотган. Боягина хоин деганим инисини қутқармоқчи.

Ўртада қолиб, иккаласигаям халал бераяпман. Қодиркул оғам секингина йўталса, бирдан ерга қапишаман. Устимдан учган ўк ракибимни қулатади.

Йўк, у йўталмади. Аксинча, қорачикларини кенгайтириб, нохуш бақрайди. Душманига шундай қарайдиган одати бор. Мен узил-кесил ишондим, оғам Қодиркул –

хоин!.. Нега, нима учун? Ахир уни ўлимдан асраб қолдим. Вақти келса, жонимни аямадим. Оқибат шуми?.. Демак, қаердадир хато қилганман. Ёки дўст танлашда адашдимми? Қодиркул – хоин! Ишонганим – хоин!.. Энди яшашнинг қизиғи йўқ!..

Бехол чўккаладим. Оғамнинг милтиғи қуролсиз инисини мўлжалида ушлаб тураверди. Рақибим томонга юзландим. У ҳам кўкрагимга маузерини тираган. Ночор бошимни чангалладим, миям ғувуллаб, кўз ўнгим хиралашди. Сўнг тасаввуримнинг олис бурчагида миттигина шуъла йилтираб, катталашаверди, катталашаверди... Бехос хаёлимни рақибимнинг гулдиреган овози тўзғитди.

– Қодиркул оға, керакмас!..

Демак у қўрбошининг ҳам оғаси. Бир вақтда икки рақибга хизмат қилган қаллоб. Мен хайқирдим.

– Қодиркул – хоин!..

Ҳайқираётиб, беихтиёр, рақибимга қарадим. Назаримда у ниманидир идрок этди. Менимча, Қодиркулнинг хоинлигини сизди. Бироқ, кеч сизди. Ўқ овози қарсиллади... Кўкрагимни чангаллаб, йиқилдим. Йиқилаётиб, қўрбошининг қоронғилик бағрига сингиб кетганини илғаб қолдим. Кейин яна қарсиллаган садо янгради. Аммо буниси менга аталмаганди. Ҳар ҳолда, вужудимни тешиб ўтмади. Шу билан тамом, ҳаммаси тугади...

* * *

...Кимнингдир енгил шапатилаши хушимга келтирди. Қарасам, тепамда Камолхон сочик билан елпиган, талаба эса юзимни обдан кизартирмоқда. Нигоҳим душманга йўлиққанда қорачиғини кенгайтириб, нохуш бақрайдиган проводникни излади. Юрагимда оғрик турди. Бировга сездирмай, ўнг қўлим-ла чап кўкрагимни пайпасладим. Кейин яна ўшандай эҳтиёткорлик билан кафтимга разм солдим. Адашмапман, ўқ теккан жойдан қон сизмоқда. Сал кечиксам, оқ йўл-йўл кўйлагим қизилга бўялади. Зудликда чўнтагимдан дастрўмолимни чиқариб, кўйлакнинг остидан ярага босдим. Бош ирғаб, ёрдам берганларга миннатдорлик билдирдим. Кейин жойлашиб ўтирганча, ҳеч нима бўлмагандай, шерикларимга юзландим. Уларнинг сиёғи ташвишли эса-да, кўкрагимдаги асоратни сезмаганликлари аниқ. Бироз ўтиб, кўйлагимнинг тагидан дастрўмолни суғуриб олдим. Унда икки томчи қон изи қолган...

– Мени кўкрагимдан отишди...

Улар на ишонишни, на ишонмасликни билмай, қотиб қолишди. Рўмолчадаги қонни кўрсатдим. Кейин кўйлагимнинг юқори тугмаларини ечиб, кўкрагимда ҳалича кизариб турган тешикка имо қилдим. Бирдан Иззатнинг ранги гезариб, аввал лабига, сўнг юз-кўзига учук тошди. Бу ҳам етмагандай, бехос ёнбошига оғди. Яхшиям, Камолхон ушлади, акс ҳолда, қулаб, ёнидаги қокшоқ кампирни майиб қиларди. Энди бемаъни қилигимдан хижолат тортиб, уни хушига келтиришга урина кетдик.

Шу пайт ёнимиздан ўзини Муҳаббат, деб таништирган қиз ўтди. Камолхон ҳам, мен ҳам ялт этиб қарадик. У бизга инжа табассум ҳада қилди. Табассуми дилтортар таассурот уйғотмаса-да, хаёлимда Қорасочбонуга ўхшаркан, деган фикрни такроран айланишига ҳалақит бермади. Камолхонга юзландим. У ҳам қайғули киёфага кирган. Сездим, қизни Зухрасига ўхшатди. Ўхшатган заҳоти, қўзларига мунгли шуур қалкиди, думалок юзига изтироб кўпчиди. Ва биз яна ўзаро ҳамдард оғайниларга айландик. Тенгини топмагунча ўн саккиз ёшида яшайверадиغان Муҳаббатни гурасгурас йўловчилар ичига сингиб кетгунича кузатиб турдик.

...Ўзи шундай, бўйига етган кизлар бир-бирларига ўхшаб кетишади. Буни беш-олти яшарлигимда сезганман. Ўшанда ҳар куни тенгдошларим билан кўчамизнинг бошида ўтирволиб, мактабдан қайтаётган кизларни кутардик. Сочларини майда ўриб, проки дўппи кийган дугоналар ёнимиздан ўтаётганда ёқимли жилмайишар, биз мурғак хиссиётлар оғушида энтикиб қолаверардик. Улар узоклашгач, кий-чувлашиб ичларидан ўзимизга “маъшука” танлардик. Бебош қилиқларимизни сезишди чоғи, улар ҳам бора-бора, бизни “тақсимлаб” олишди. Ҳатто баъзи-баъзида тегажоғлик қилиб, ҳар ким ўзининг “ошиғи”га ҳазиллашадиган бўлди...

Мен ҳам биттасини танлагандим. Танлаганим, атлас кўйлаги қадди-бастига чунонам ярашган олов нигоҳли қорамағиз соҳибжамол эди. Гоҳо-гоҳо ўша соҳибжамолим мени кўчанинг нариги бошигача кўтариб жўнар, шахзодамдан ўргилай деб, темиратки босган юзимдан ўпиб-ўпиб оларди. Унинг кўйиндан тушгач, бурнимни тортиб, жўрларимга мактанардим.

“– Кўрдиларингми?..”

Қулар ўтиб, қорамағиз соҳибжамолнинг шахзодасини кўтариб юриши одатга айланди. Исмини ҳам билиб олдим. Аммо негадир бошқа кизларни опа дердим-у, унга келганда Садоқатдан нари ўтолмасдим. Балки, ўшанда мурғак онгимда уйғонган “ошиқ-маъшуклик” муносабатларига ўзим ҳам ростакамига ишона боргандирман. Ҳар ҳолда, катта кизни сенсирганимни эшитган онам икки тарсаки туширгани ёдимда. Мен эса барибир уни опа деёлмадим, сизлолмадим...

Аста-секин, ҳазил-ҳазилдан бошланган беғубор туйғулар гуркираб, гўдак ва бўй киз ўртасидаги ишқий хиссиётларга айланди. Садоқат ўқишни битиргач, уйимизга келиб, онам билан гурунглашиб ўтирадиган қилиқ чиқарди.

Мактабга катнай бошладим...

Бир куни Садоқат шумшайиб келди. Мени бағрига босиб, юм-юм йиғлади. Онам овутокча тутинди. “Иншооллоҳ, бахтли бўласан”, деди. Ҳеч нарсага тушунмадим. У кетаётиб, ёш тўла нигоҳини кўзимга қадаганча, дардли овозда хайрлашди.

– Совчиларингни кута-кута чарчадим, бошқа бировга тегиб кетаяпман. Рози бўл, шахзодам!..

Туйқус аччиқ ҳақиқатни тушундим. Ортидан чопдим – қайрилиб қарамади. Кўйлагининг этагига ёпишдим – безътибор олға интилди. Оёқларим чалкашиб йиқилдим. Ўшанда ҳам қиё бокмади. Аввалига кадамини тезлаштирди. Бора-бора қўллари билан ёноқларини бекитиб, югургилайверди. Ўрнимдан туриб, ирkit башарамни юваётган кўзёшларимни артарканман, энди ҳеч қачон унга етолмаслигимни англаб, ҳиқиллаганча орқамга бурилдим. Қайтиб, онамнинг дийдасида ҳам дувуллаган ёш кўрдим.

Ҳафта ўтмай ётиб қолдим. Ичикканим узокка чўзилди. Бир ойда озиб, чўпга айландим. Онам мени ҳам эскичасига, ҳам янгичасига қараштиравериб, охири тузатиб олди. Бироқ, унуттиш кийин экан, кўча-кўйда Садоқатга ўхшайдиган кизни кўрсам йиғлаб, изидан югурадиган одат чиқардим.

Бир кун ховлида ўйнаб ўтирганимда қулоғимга чорпоядаги гурунг чалинди. Кўшни хола кимнидир “бечора, пешонаси шўр экан...”, деди. Онам унга жавоб берди: “Пиёниста эри уриб, яқинда яна ҳомиласини туширибди...”

Дастлаб суҳбат ким ҳақида кетаётганига, қолаверса, жумлалар маъносига эмтибор бермадим. Ногоҳ, меҳрибонимнинг нигоҳи менга қадади-но, кўшни холани нуқиди. Мавзу ўзгарди. Шундагина юқоридаги гапларнинг қайсидир томонлама ўзимга алоқадорлигини сездим. Бошқа ҳодиса юз бермаганда эса, бу гурунгни унутиб ҳам юборардим.

...Учинчи синфда ўқиб юрган кезларим, мактабдан қайтаётиб, узоқдан бошдан-оёқ қора кийган аёлга назарим тушди. Яқинлашгач, кўриб кўзларимга ишонмадим, чунки қора кийган аёл менинг “бевафо” Садокатим эди. Аввалига хурсандчиликдан диконгладим. Кейин йиғлаб, изидан югурганимни эсладим. Қиё бокмай кетгани, йиқилиб тупроққа қоришганим юрагимда қолганим. Шу араз таъсирида кучоғига отилмадим. Садоқат ҳам ошиғини кўрди. Кўрди-ю, хўнграб юборди ва катта кўчада тиз чўкканча, юзимдан ўпаверди-ўпаверди... Бир маҳал ўзини кўлга олди. Бошимни қафтлари орасида эркалаб, кўзларимга тикилди. Шундагина унга синчиклаб разм солдим. Не ажабки, рўпарамда қадди-коматига атлас кўйлаги чунонам ярашган қорамағиз соҳибжамол эмас, ковоғи осилган, қайғули рухсорини қатқат ажин босган бечора аёл турарди. У ўтган-кетганларнинг таажжубланишларига парво қилмай, изиллаб йиғлар, нималарнидир беҳол шивирларди...

– Пешонам шўр экан, шахзодам, бу кунимдан кўра, сенинг улғайишингни кутмасмидим, бундай баттолга теккандан, эрсиз ўтмасмидим?.. Бахтиқаро Садоқатинг дарду ҳасратда қуйиб адо бўлди. Хайр-хўш энди, шахзодам!..”

Бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмадим. Аммо ўшанда онам билан қўшни хотин Садоқат ҳақида гурунглашганини англадим. Шундан сўнг, негадир, кўчадаги учрашув ҳаёлимдан кетмади. Орадан тўрт ҳафталар ўтиб, юрагим туйқус игна санчилгандек симиллади. Ҳаш-паш дегунча, оғрик чидаб бўлмас даражага етди. Ўқитувчимнинг хайл-хайлашига қарамай, синфдан чиқиб, уйга югурдим. Дарвозадан кирибок, чорпоёда пахта саваётган онамнинг бағрига отилдим. Биз бир-биримизни кучоклаб, тонггача йиғладик...

Эр кўриб, кун кўрмаган Садоқатим ўзига ўт қўйганди...

Уч кунгача пикиллаб юрдим. Тўртинчи куни хатти-ҳаракатимни мурғак онгим тўлиқ идрок этмаса-да, даҳшатли онт ичдим. Ёшим улғайиб, елкамдаги масъулият тоши оғирлашаверди. Шундан сўнг, гоҳи-гоҳи болалик хотиралари уйғонганда, гўдаклигимдаги ўша даҳшатли жумла зиммамга юклаган хундор мажбуриятлардан қутулишнинг ягона йўли борлигидан ташвишга тушадиган бўлдим. Негаки, кимнингдир умрига нукта қўйиш фикри осуда ўйларимни алғов-далғов этиб юборса, бир кунмас-бир кун қасамхўрга айланиб қолишим баттар кўрқитарди...

Ҳозир тўсатдан ёдимга тушган ўша беғубор севгининг хотиралари интиқом оловини қайта гуриллатди. Энди бу қаттол юмушни бажармасам бўлмайди. Лоақал, ярадор кўнглимни овутиш учун шундай қилишим лозим. Янаям барча оғир-енгилни тарозига қўйиб, сарҳисоблашга вақтим бемалол. Аммо, қутишга унинг умри етармикан. Ишқилиб, бандаси қасосидан олдин Оллоҳ қазосига учрамасин-да...

Икки дақиқа аввал чиройли жилмайиб ўтган мудом ўн саккиздаги нозанинга термилиб, беҳосдан шундай ҳаёлларга берилдим. Чунки митти шахзодасини кўчанинг адогигача кўтариб бориб, темиратки босган юз-кўзидан ўпиб-ўпиб оладиган олов нигоҳли қорамағиз соҳибжамол нимаси биландир Муҳаббатни, Қорасочбонуни эслатарди. Мен улар ўртасида ўзаро уйқашликдан ташқари, балоғатнинг сирли уйғунлиги ҳам мавжудлигини сезиб турардим.

– Зухрага ўхшаркан... – Камолхоннинг овози маънос хотираларимни тўзгитди.

– Садоқатга ўхшайди!..

– Қорасочбонуга ўхшайди!..

...Аввалги ҳолатимизга қайтдик. Энди анчайин эс-хушини йиққан талаба гитарасини тиринглаптиб, “Ҳаёт йўлини” қуйламоққа тушган.

“Бечора оху олға интилмоқда. Изидан қуваётган қаттол жондор ҳадеганда қайтадиганга ўхшамайди. Икки-уч ҳафта бурун жуфтини ҳалок этган ҳам шу.

Такдир нега уни доим бир хатарга учратмоқда? Оху таъкибчисидан аллақачон узоклашиб кетарди-ю, афсус, хозир ёлғиз эмас. Юраги тагида конхўр қоплон бўғизлаган жуфтнинг ёдгори бор. У энди ўша туғилмаган норасидаси учун ҳам яшаши керак. Шу сабабли бор куч-қувватини оёқларига тўплаган...”

Иzzат гитара торларига бармоқларини хорғин уриб, кўшиғини яқунлагач, шерикларининг юз-кўзларига чўккан маъюсликдан хижолат тортиб, мавзуни бошка томонга буриш ниятида ҳазиллашди. Сал олдин йўлимни тўсганини хозирги аҳволга боғлашга уринди...

Камолхон аввалига пойинтар-сойинтар жумлаларга эътибор бермади, бўлган воқеани астойдил эшитгандан кейин эса кимнидир мазах қилгандай, сирли минғирлади. Минғирлагани ёмон таъсир қилди, гўёки, калламга оғир калтак тегди. Ўтирган жойимда хушдан айрилдим. Оёқ-кўлларим шалвираб, бошим елкамга кийшайди. Агар хозир эсимни йиғмасам, тагин ўзимдан кетаман. Ана унда менга кийин бўлади. Бирок, хануз қулогим остида жаранглаётган жумла истагимдан кучлироқ...

“Ота-бобоси босмачи ўтгандир-да?..”

– Йўк, мен ўзим босмачиман!..

Ҳайкиришим оламни тутмади... Кўз олдим қоронғилашиб, тинкам қуриди. Хаёлим чувалашаверди, чувалашаверди... Яна бояги наърани юзага чиқаришга уриндим. Шундагина, аввалроқ, Иzzат билан биринчи марта учрашганда, вужудимдан ёғилган куч-қудрат қайдан пайдо бўлганини тушуниб етдим. “Ҳа, мен босмачиман! Бу яқин-ўртада мендан конхўр кўрбоши йўк. Ишонмасангиз, ҳали-хануз тутаётган овуллардан сўранг! Эрсиз есирлар ҳасратини эшитинг! Отасиз етимларнинг жавдиратган кўзларига бокинг! Навжувон ўғлини бой бериб, бемаҳал мункиллаган қарияларнинг нидоларига қулоқ тутинг!

Мен қилмишларим учун Яратган эгамнинг олдида жавоб беришга тайёрман. Илло, ҳеч кимни бесабаб ўлдирмадим. Бирор қулбага бекордан бекорга ўт қўймадим. Ўтган саккиз йилда нимаики қилибман, бари Ватан учун бўлди.

Энди қонхўрлигим сабабини айтмай, эрлар аёллари есирга айланмасликларини учун тўғри йўлдан боришлари лозимлигини унутдилар. Оталар фарзандлари тақдирини ўйламай, Ватанга қарши қурол кўтардилар. Ўғиллар қарияларига қувват бўлиш ўрнига хоинликка ўтдилар. Бу – хато эди. Мен оғохлантирдим – эшитишмади. Ёлбордим – устимдан қулишди. Ҳафталаб узлатга чекиндим. На ердан, на кўкдан жавоб бўлди... Ноилож, қатъий қарорда тўхтадим, қурашга отланаман! Бу Ватан йўлидаги жиҳод бўлади!

Ҳа, баъзида халқни асрамоқ учун кимдандир воз кечишга, кимнидир қирғинбарот қилишга тўғри келаркан. Мана улар, хали ҳам мени масхаралашмоқда. Юзмаюз келганда мунофиқона тиржайиб, думларини ликиллатишади. Ортга бурилишим билан қурагимга пичок санчишади. Тутган амалларининг ҳатолиги ўзларига-да аён. Аммо тўраларига ялтоқланиб, ёғлироқ суяк орттириш илинжи кучлироқ.

Мен яхши биламан, уларда қуллик қайфияти устувор, бўйинларидаги боғичларини, оёқларидаги қишанларини йўқотишдан кўрқинишади. Шу кўрқув тўфайли хотинларини сотишади, болаларини қурбон қилишади. Яхши биламан, уларга мункиллаган ота-оналари хизматидан кўра, кофирлар пойидаги лаганбардорлик афзал. Шу сабабли, қўнгли ярим волидаларини тўраларига оқсоч қилиб беришган.

Ана энди айтинг, нега сабр қилай? Нега адолатсизликларни кўратуриб, ортга чекинай? Ахир юрт бошига тушган қора қунлар учун ўшалар масъул эмасми?

Майли, ёмонни илғамайман, номардга кўз юмаман, душмандан юз бурман. Аммо, манфурни кечирмайман, олчокни кечирмайман, аблаҳни кечирмайман! Энди

кимлигимни билгандирсиз?.. Мен Ватан хоинларини боскин қиламан! Ҳозир йўлга тушаман. Бугун энг катта рақибим жонини олишга чоғланганман.

Аслида биз ёғий эмас, болалиги тулрок кўчаларни чангитган жонжўралар эдик. Ҳатто, илк муҳаббатимиз ҳам кафтида гуручнинг донасидек холи бор бир гўзалга бағишланганди. Бироқ кайсидир чорраҳада йўлимиз айрилди. Бу – инқилоб чорраҳаси эди. Биз хундор душманларга айландик, мақсадимиз бир-биримизни махв этиш бўлди.

Мен уни хатолардан оғохлантиришга кўп уриндим. Неча маргалар қўлим баланд келганда омон сақладим. Ҳатто, севганимга уйланганини кечирдим.

Биз жангларда кўп тўқнашдик. Икки бор мўлжалимда ушласам-да, отмадим, отолмадим... Кейин исфаҳоний қиличимга дуч келди. Бир силтаб, бошини танидан жудо этиш имконияти туғилганда, яна қўлим бормади. Унинг нақ бўғзидан айланган кизил чизикни кўрдим-у...

Негадир, шуни кўрганда, жисми-жонимни энтиктирувчи кадрдон туйғулар уйғонади. Ўша чандик ўзимникидек туюлаверади, туюлаверади...

Негадир, уни инимдек кўраман, оғамдек кўраман. Қарабсизки, интиком учун кўтарилган кўлларим шалвираб тушади.

У олчоқ эмас, манфур эмас, хоин эмас!.. Бор-йўғи ғофил инқилобчи, кизил командир. Ўзини афкор омманинг химоячиси сезади. Унинг тоғдек эътиқоди бор, янглиш бўлса-да, мақсади бор!.. Мен уни хатоликлардан қайтариш ниятидаман.

Ўтган саккиз йил ичида кизиллар барча содик йигитларимни махв этишди. Мен умид узмадим, армонли дунёда ёлғиз қолсам ҳам юрагимдаги зиғирдек учқунни сўндирмадим. Бу учқун калбимни таваккалчиликка бурди. Охирги имкониятими кутдим.

Рақибимнинг ишонган йигити эски кадрдоним. Кеча уни ёнимга чорладим. Чека қишлоқда учрашишга келишдик. Мен пайт пойлайман, қизил командир тунда ўч олгани қадам ранжида қилади, чоҳга тушганидан беҳабар. Йўқ, ҳозир қасосга тайёрланмаяпман, уни тўғри йўлга бошламоқчиман. Агар ишонса, яна оға-инидек жипслашамиз. Бирлашсак, бизга ҳеч қандай душман писанд эмас, сув келса симириб, тоғ келса мемириб, омон-омон замонларга етамиз.

Шундай орзулар оғушида келишилган қишлоққа келдим. Овлоқроқда кунни қорайтиргач, четдаги пастак уйга яқинлашдим. Бу – садоқатли йигитларимдан бирига тегишли... Ўзи ўтган йили ҳалок бўлди. Хотинини кизиллар зўрлашди, болаларини чавақлашди. Кейин маломатни кўтаролмаган жувон сиртмоққа бошини тикди. Худкушлик қилди. Аммо уни шариат бўйича дафн эттирдим, илло, орномусли инсонга ҳурмат-эҳтиром жоиз, шармандали ҳаётдан ўлимни афзал кўрган аёл бежаноза кўмилмаслиги керак...

Энди ўша мудҳиш уйда рақибимга ҳаммасини тушунтираман. Бечора аёлни зўрлаб, мурғак норасидаларни тигдан ўтказган шўро – номард шўро, дейман. Ўйлаганларинг хато, интилганларинг сароб, дейман...

Ана, отларнинг дупури эшитилди. Бири дарча томонга йўналди, Қодиркул оғам... Тезда қайтиб кетади. Сўнг рақибим иккимиз тонггача суҳбат қураимиз. Мен уни нега аяганимни, нега қишлоқни босганимда, хонадонини айланиб ўтганимни айтаман. Бевафо Мушаррафни йигитларим ўртасида хомталаш қилмаганим сабабини ҳам яширмайман. Қолаверса, ўша яккама-якка жангдан пушаймон эмаслигимни тан оламан. Қизилларнинг асосий хатосини, иблисга сифинганларини исботлайман. Ишончим қомил – у тушунади. Кейин биз бир-биримизга пешвоз чиқамиз.

...Мушукникидек энгил оёқ товушлари эшикка яқинлашди. Қалбимни соғинч энтиқиши тутди. Кўзларимга ёш қуйилди.

Эшик очилди. Шарпа эҳтиёткорлик-ла даҳлиз ҳатлади. Бешотарини шайлаб, мўлжалга олди. Ҳозир шиддат билан хобхонага отилади... Аммо мен унинг шундоқ орқасидаман. Ниҳоят, ҳавойи орзуларига чек қўяман. Қизил командир содиқ йигити хиёнат қилганидан аянчли аҳволга тушади. У ақлли кўмондон – мен айёрроқман!

– Тўхта!..

Пистирмага тушганини сезди. Бешотарни ташлаб, кўлини кўтарди.

Маузеримни тўғрилаб, олға юрдим. У яқинлашганимда тепиб, илкимдаги курулимни туширмоқчи. Мен зарба етадиган масофагача бормаيمان, чегарани биламан. Кейин унга чўккалашни буюриб, тўрт газ нарироқда ўзим ҳам чорда-на кураман... Тушунмадим! Қодиркул оғамга рақибим уйга кириши билан ортга қайтишни буюргандим-ку... Нега бажармади? Ёки бошқа хавф туғилдими?.. Йўк, салгина шарпани сезган бўлардим, бир гапи борга ўхшайди.

Тўсатдан мақсадини англаб қолдим, ўз кўмондонини отиб ташламоқчи.

– Қодиркул оға, керакмас!..

– Қодиркул – хоин!..

Қайсимиз олдин кичкирдик, номаълум. Мен Қодиркулнинг хоинлигини англадим. Рақибим ўлдириш ниятида эмаслигимни сезди.

Ўқ овози!.. Қизил командир кўрагини чангаллаб, қулади. Чап бермасам, иккинчи қарсиллаш мени йикитади. Четга сакрадим. Мудҳиш кулбадан чиқа солиб, отим боғланган тутзорга югурдим. Қодиркул оғам мени йўқотди. Аммо топмаса – кўймайди...

Энди куним битди, қизил командирнинг ўлимини мендан кўришади. Бир кунмас-бир кун бошим кундага тегади. Ягона йўл колди, амаллаб Термизга етиб олсам, Амудан кечиб, Пули-хумри даштларида ғойиб бўламан.

Йўлга тушдим. Уч кеча-кундуз от суришим керак. Хуржунимда на озукам бор, на сувим. Фақат кечалари юриб, икки кунда Бандихонда бўлдим. Кундузи кумтепалар тагида тин олардим. Қора тулпорим сарғайган хашакларни териб ейишга машғул онлар хорғин пинак қилардим. Хавф туғилса, у депсиниб мени уйғотар, биз биргалликда чора топардик.

Истарага етдим. Қувончимнинг чеки йўк, яна беш-ўн соатлардан кейин улуг дарёнинг чап соҳилида от сураман...

Афсус, хомхаёлларга берилибман. Пешонамга Истара даштидан нари ўтиш ёзилмаган экан. Афғонистон орзулигича колди, кўлимни чандиб, ортимга қайтаришди. Не кўз билан кўрайки, аскарларга энди Қодиркул оғам бошлиқ. У менга ғалати каради. Қорачикларини кенгайтириб, нохуш бақрайди. Аввал уни бунақа киёфада кўрмаганман. Мақсадини тушунолмай, гарангсирадим. Нега кўмондонини ўлдириди? Нега изимдан эллик нафар аскарни овора қилди?

Эртаси куни кўлимни орқамга боғлаб, қароргоҳ марказидаги майдонга олиб боришди. Тиз чўктиришди. Кейин рўпарамга қўйилган курсиларга учта одам ўтирди. Ўртадагисини танидим. Сўроқни ўша олиб борди.

– Босмачилик ҳаракатининг бошида турганингиздан тонмайсизми?

– Йўк!..

– Халқни хонавайрон қилиб, қишлоқларни ёққанингиз ростми?

– Рост!..

– Қизил командирни аблаҳларча ўлдирганингизни тан оласизми?

– ...

– Отишга ҳукм этилсин!

Қодиркул оғам менга шундай ҳукм чиқарди...

Мен ўлимимни Истарада қўлга тушганимдаёқ, бўйнимга олганман. Ҳозир фикру хаёлимни бошқа жумбоққа қаратдим, ўтган хиёнат сабабини англашга уриндим. Тонгга яқин барча тугунларни ечдим. Олдинроқ ўйламаган эканман, ахир, Қодирқул оғам мен ва рақибим олдидан ҳеч ким эмас, бор-йўғи оддий аскар. Каттароқ лавозим орзусида, аммо иложсиз. Чунки одамларни ортидан эргаштира олмайдди. Йўлбошчилик иктидори йўқ... Ана шундай ожиз, қўлидан иш келмайдиган аблах икки мохир саркардани хиёнаткорлик ила махв этди. Дунёдаги энг қудратли куч хоинлик экан...

Тонгда яна ўша майдончага олиб чиқишди. Яна тиз чўктиришди. Бир аскар келиб, кўзимга қора латга боғлаётганди, рад этдим. Сўнгги кўрбошини ким қатл этишини кўргим келди. Аскар нари кетиб, Қодирқул оғам яқинлашди. Нимадир дейишини кутдим. Аммо гапирмади. Қўлидаги наганни пешонамга тираб, тепкини босди. Ҳукми ўзи ижро этди...

Поезд тунги соат учда Қаршига етиб келди. Камолхон елкама-елка суяниб, пинак килаётган шерикларини уйғотишга кўзи қиймай, бир варақни коралади-да, талабанинг кўкрак чўнтагига тикди. Кейин йўл тўрвасини судраб, эшикка яқинлашди. Иккинчи проводник ҳамон нохуш бақрайган кўйи эшикни очди. Камолхон зинадан пастлаётиб, бирров ортига қайрилди. Бу каснинг беўхшов нигоҳида қандай сир борлигини билмоқчидек, чуқур термилиб, перронга оёқ босди. Поезддан тушгач, бир силкиниб қаддини ростлаганча олға одимлади. Вокзал биносига қираркан, тонггача шу ерда кутишга аҳд қилди. Ҳаш-паш дегунча уфқ ёришди. У шаҳар айланниб, жиянларига совға-повға олди. Кейин Нишонга жўнади.

Акаси уни илик кутиб олди. Чечаси кифтига қоқиб кўришса-да, муомаласи салпал совуқ туюлди. Камолхон бундан хафа бўлмади, Ҳабиба янга азалдан шунақа, бир қарасанг баҳор, бир қарасанг киш. У олдига чиққан икки жиянига совға-саломларини берди. Кейин кенжатоини боши узра кўтариб эркалаганча, ҳовлига бошлаган акасига эргашди...

Ош устидан босиб-босиб кўк чой ичилгач, ука гап орасида қистирган бўлди.

“– Мабода шу ерларда яшашни хоҳласа, иш топилармикан?..”

Ўк мўлжалга тегди, ака эртасиёқ совхоз директорига учрашди. Тўрт кундан кейин қарабсизки, ўртоқ Мирзаев бош агроном. Ҳамма иш ҳам шундай осон кўчса... Уйдаги гап кўчага тўғри келмайди, деб бекорга айтишмаскан, тезда Камолхоннинг тарвузи қўлтиғидан тушди. Аммо, унгача бошқа воқеа юз берди, ишга тайинланганидан икки ой ўтиб, қашқадарёлик миришкорларни қўшни вилоятга қишлоқ хўжалик семинарига таклиф қилишди. Делегатлар ичида Камолхон ҳам бўлди.

Анжуманнинг очилиш маросими Термизда кечди. Сўнг катнашчиларни бешолти автобусда районларга жўнатишди. Камолхоннинг чекига Шеробод тушса-да, катталардан сўраб, Деновга йўл олди. Мақсад эшиклари тақа-тақ бекилган ота хонадонимас, йўқ, ошиқ маъшуқасини соғинган. Зора, кўнгли юмшаса. Ахир, волидаси бағридан кетишига ўша сабабчи эмасми? Шундай экан, бориб яна бир бор тушунтиради, ялинади, ёлборади...

Аммо, махбубаси ишлайдиган мактабга етганда, пешонаси деворга тегди, қоровул чол яна танимади. Обдан тушунтирсаям эслолмади. Ночор маъшуқасини сўровди, энди кўраётгандек кўзларини чакчайтириб ўшқирди.

– Ўв бола, сен бир яхши кизни бадном қилмоқчимисан? Унинг севгани бор, эрта-индин тўйи бўлади!..

Камолхон калласига таёқ теккан қўйдек гарангсираб, дарвозадан узоклашди. Панарок жойга бориб ўтирди. Бироздан сўнг йўлдан ўтаётган ўн-ўн икки яшар пионерни тўхтатиб, Зухра малимни чакириб беришини сўради. Болакай ярим соатларда қайтиб, етти букланган қоғоз тутказди. Ошиқ ўқиди:

“Ассалому алайкум, Камол ака! Уч кундан сўнг никоҳ тўйим. Сизни лутфан таклиф этаман. Келиб, синглингизга бахт тиласангиз, бошимиз кўкка етарди. Хурмат билан Зухра”.

Камолхон кунни қорайтириб, мискин аҳволда бекатга келди. Ярим тунда Термизга етиб, семинарнинг қолган уч кунидаям чиройи очилмади. Маъюслик Қашқадарёга яқинлашавериб, баттар кучайди. Эртаси ишхонасида бошқа кўнгилхираликка учрагач, тамом ўзини йўқотди. Қаранг, семинарда юрганида уни лавозимидан бўшатиб, бўлим бошликлигига тайинлашибди. Йигит нима гаплигига тушунмай, акасига юзланди. Ака жон-жигарини эзилади демади, кўрс тўнгиллади: “Ишлолмагандан кейин шунақа бўлади-да...”

Авалло икки ой ўзини кўрсатиш учун етарли муддат эмас. Мабодо, ўтган вақт давомида кўпол хатога йўл қўйсаям, майлийд... Колаверса, сафар олди директорнинг ўзи кифтига қоқиб, ташаккур билдирувди-ку.

Буниси ҳолва экан. Камолхоннинг эргалаб ювингач, кенжа жиянини кўтариб, кўча айланадиган одаги бор. Бугун ҳам энди отланувди, Ҳабиба янга йўлини тўсди. Боласини қўлидан тортиб, тескари томонга бошлади. Гўдак ҳарчанд йиғлаб, амакисига талпинмасин, қўйвормади. Аксинча, бакира-чакира узоклашди. Унинг норози қилиқларидан Камолхон ўзига кераклисини илғади. Бу ердан кетиш керак! Яна озроқ қолса, қувиб ҳайдашади. Обрўйинг борида тадоригингни кўр!..

Ўша куниек дала четидаги ит ораламас коттежлардан бирига кўчди. Лашлушларини омборга тиккач, совхозда орттирган жўраларини ёрдамга чакирди. Ҳайбаракаллашиб, чор-атрофни тозалашди. Деворларни оклашди. Харобани яшашга ярқили ҳолга келтиришди. Кечга яқин бўлим марказидаги дўкандан қолбаса, нон, икки шиша ичимлик кўтариб қайтган Камолхон ҳашарчиларни сийлади. Улар кетгач, аввал ҳайхотдек ҳовлида мўлачқудек серрайиб, ноумид тумшайди. Сўнг ошхонага кирди. Қолган арокни пилёга тўлдириб, забт билан ичди-ю, хобхона ўртасидаги сим қаравотга ўзини отди. Кўкси кўрпачага тегар-тегмас, ўкириб юборди. Атрофида овозини эшитадиган кас йўқлигидан бемалол тортиб, тонгига хўнграб-хўнграб йиғлади...

Қолоқ бўлим тезда етакчи хўжаликка айланди. Вилоят газетасида Камолхон ҳақида “Улардан ўрнак олинг!” рукни остида ярим саҳифа мақола босилди. Обком секретари қатга йиғилишда ёнига чорлаб, “Мана, биз ишни кимлардан ўрганишимиз керак”, деди. Қарабсизки, пахтачиликда Мирзаев услуби жорий этилди. Ҳатто, телевидениеда кўрсатув тайёрланди.

Мухбир сўради: “– Қандай қилиб, юқори ҳосилдорликка эришдингиз?”.

Жавоб: “– Виждонан ишлаш керак!..”

Тамом! Шу билан ундан узил-кесил юз ўгириб, бошқа зарбдорларни излашга тушишди. Негаки, гапидан келиб чиқсак, бутун Иттифокда ёлғиз Мирзаев чин дилдан, ўзгалар хўжақўрсинга ишлашаётган экан. Энди ўйлаб кўринг, буюк давлатни, кўпмиллатли улуг халқни виждонсизликда айблаган одамни ким ҳам хурмат қиларди, яхшиям қамаб юборишмади...

Камолхон айбини кеч тушунди, тил бесужаб деб, бекорга айтишмаскан, йўкса, туппа-гузук ишлаб юрган чўлқуварга ким қўйибди, виждон ҳақида фалсафа сўқишни. Мухбирни айтмайсизми, шугина жойини кесиб ташласа, ўлармиди? Мана оқибати, ўзини ишдан кетгани камдай, бўлим бошлиғининг ҳам гумини чек-

ди, куни кеча мамлакатда донг таратган зарбдор дехқон колоқ бўлимнинг охириги звеносига ишга ўтди. Тўғри, “бошлик” лавозимига. Аммо, ҳар қандай хўжаликни гуллатишга қурби етадиган серғайрат кадр айна тоғни урса талкон қиладиган ёшда звено етакчилигига интилмаганди.

Яна тўрт-беш йилдан сўнг Камолхон ўша далада пайкалларни сувлаб юрди. Бу ҳам майли, ичишга муккасидан берилди. Йўқ, чўлқуварлик фаолиятидаги муваффақият-сизликлариданмас. Роппа-роса ўттизга кирган куни Зухрасидан хат келди. Севгилиси гўё, шунчаки, ёзса ҳам, коса тагидаги нимкосани йигит дарҳол сездди. Олти ой ўтиб, яна хат олди. Энди Зухраси эски ярани тирнаган, гап орасида соғинганини кистирганди. Камолхон “жон бермади”. Чунки, жонжўрасининг шармандали “таклифнома”си хали ёдидан чиқмаган. Учинчи мартаси чиқолмади. Қайдасан Сурхондарё, дея йўлга тушди. Мақсади бевафо маъшуқаси эмас, шомоллаб келиш. Баҳонада онасини кўриб қайтади. Аввал ҳам бир-икки яширинча бориб, волидаи мухтарамасини йўқлаганди.

...Қадрдон диёрига етгач, бирдан Зухрани кўргиси келди.

Зухра учрашувга олти яшар арзандасини эргаштириб чиқди. Яқин келгач, зўрма-зўраки тиржайиб, амакингга салом бер деди. Бола безрайиб туравергач, хафа бўлмайсиз, отасига тортган хунди, деди. Йигит аввалига жувоннинг нега чакиртиганига тушунмади. Бироз ўтиб, ҳаммаси ойдинлашди, Зухра ўғлини музқаймоқ ейишга жўнатди. Эркатоё пулни олгач, бемалол югургилаб кетди. Камолхон унинг истирохат боғига илк бор чиқмаётганини дарров фаҳмласа-да, нотўғри фикрга бормади. Айланиб юрган икки олифта хушқомат шеригига маъноли тикилганда ҳам парво қилмади.

Зухра тўйдан икки йил ўтар-ўтмас ажралишганини, эри гиёҳванд чиққанини айтиб йиғлади. Умри ёлғизлик азобида ўтаётганидан нолиди. Охири, умрбод Камолхонни севганини, ҳатто ёстикдоши-ла яшаган дамлари ҳам калбининг туб-тубидан илк муҳаббатига интилганини сўйлади.

“Ошиқ” атай, эски гапни кўзғади.

– Отаси қаргаган одам сизга тўғри келмайди-ку?..

Аёл нозик кафтларини унинг оғзига тутди. Ишваланиб шивирлади.

– Муҳаббатимиз олдида ҳар қанақанги қарғиш чикора...

Шу пайт бояги безорилар яна ўтишди. Бу гал очикчасига гап отишди.

– Зухраҳон, бугун борсак, рози қиласизми?..

Жувон ноқулай аҳволда қолди. Вазиятдан чиқиш учун турли важ-қорсонлар тўкиди. Аммо кеч бўлганди, авжи ёшлик даврини бўйдоқ ўтказаятган банда дил чанқоғини кониктириш йўллари бемалол излаб топганидай, Камолхон ҳам ойда икки-уч бор Зухрага ўхшаган хожатманд капалаклар орқали хирсини кондиришга ўрганиб кетганди...

Ҳа, йигит бошига тоғ қулаганини сездди. Орияти топталганидан, маҳбубаси нописанд хўрлаганидан ўксинди. Қишлоғини ҳам унутиб, изига қайтди. Азалдан шўрлаган пешонасига шapatiлаб, тақдирга лаънатлар ўкиди. Тузукрок одамни унча-мунча номард оёқоти қилолмайди. Уни эса хоҳлаганда йиқитиб, хоҳлаганда овутиб кетиш мумкин экан. Энди додингни кимга айтасан?.. Келиб-келиб, шунақа мунофиқни севганмидинг? Қиблагонингдан воз кечишга мажбур айлаган сўқир муҳаббатинг шунчалар кабиҳ чиқдими?..

Шикаста қалб изтиробини фақат ичкилик енғади, арокка ружу қўйиб, унинг дарди енгиллашди. Нафсонияти топталганини унутди. Шу қадар унутдики, пиёнисталикда ўтган таркидунёчилиги йигирма беш йилларга чўзилди. Чорак асрлик муддат қисматидаги жабру жафолар сабабини узил-кесил аниқлашга ҳам бемалол етиб ортди. Ота дуои бади!.. Эвоҳ, нақадар қора бу қарғиш!..

Бирок у адашаётганди. “Йўл боши”даги муваффақиятсизликлари, кейинги хўрланишлари, оқибатдаги пиёнисталиги ёлғиз оқпадарлик туфайли эмасди. Камолхоннинг фақат мен ва Тангри таолога аён янада муҳдишроқ тавқи-лаънати бор эди. Бу сирни очишга неча бор шайландим. Юрагим бетламади. Оғамдек инсонни батамом ерпарчин қилишдан кўрқдим.

...Бизни уйғотмай, поезддан тушиб кетгандан кейин Иззатнинг чўнтагидан чиққан қоғоз бўйича унга мактуб битдим. Ой ўтиб, жавоби келди. Келганда ҳам хушxabар, ўқиб роса суюндим. Оғам мусофирликда арзигулик иш топиб, янги хаёт бошлаганидан бошим кўкка етди. Шу-шу, ёзишиб турдик. Унинг юкорида айтилган кўргиликларини ҳам ўша номалар орқали билдим.

Камолхон ҳамма қаторидамас, элни олдида юрадиган одам эди. Қора қисмат шўрликни бутунлай адаштирди. Пешонасига шунчалик машғум тамға босдики, сафнинг боши тугул, охиригаям арзимади. Бийдай сахронинг қок ўртасидаги ташландиқ коттежда маст-аласт умргузаронлик қилди. Мен унинг ҳалокатли йўлдалигини аниқ-тиниқ сезсам-да, оғзаки далда беришдан нарига ўтолмадим. Негаки, ўзимнинг аҳволим ҳам беҳроқ эмасди.

Одатдаги кунларнинг бирида хат келди. Ўқисам, олди-қочди гаплар. Мақсад кўнглини бўшатиш. Жавоб ёзай десам, манзили ўзгараёпти. Нома сўнггида беш-олти ойдан кейин кўнғироқлашинг, деб узундан-узок рақам битилган. Чалқаш жумлаларга унча эътибор қилмай, мактубни қоғозларим орасига ташладим. Шу билан ҳаммаси ёдимдан кўтарилди, мен яна ўз ташвишларимга берилдим.

Дунё шундай экан... Негадир, машаққатли йўлни танлабман. Танлаганим шу эдики, мустақил хаётим ибтидосида Тошкентга элган поезднинг умумий вагонидегилар билан қон-қонимгача қоришиб кетгандим. Энди алоҳида яшолмаслигим аниқ, улардан кечсам вужудимнинг бир бўлагидан ажраламан. Хоҳлайманми-йўқми, умумий ташвишлар билан ётиб-туришга мажбурман. Шу боис умримга белгиланган вақт ўзимдан ортмасди.

...Рости, бундайларини ўйламагандим. Қорасочбонунинг кўнғир дипломати ва эски чамадонимни йўқотган кунимнинг эртаси Тошкентга етдим. Худди ўйлаганимдек, пойтахтдаги ҳамқишлоқларимнинг ижарахоналарига кўниб, кириш имтихонларини муваффақиятли топширдим. Бирок, таҳсил давомида фаол талабалардан бўлсам-да, кўпчиликка қўшилиб кетолмадим, тўрт томонимдан бегоналик чизиги қуршаб олгандай, доимо ёлғиз қолдим. Кунлар ўтаверди. Ниҳоят, диплом олдим. Ишга жойлашиб, ўз кунимни кўрадиган дамларим келганда, яна адашдим... Шу тарика, хамиртурушим қорилганда фатволанган қисмат умрим охиригача таъқиб этишини билмай, орзу ва армон ўртасида кезиб юрдим. Зеро, киши ўз замонида туғилмоғи жоиз экан, мен эса мозийдан ташриф буюрган тирик мурда мисоли яшадим. Нега? Бу савол бора-бора ўзлимни англаш эҳтиёжига айлангач, тушимдами-ўнгимдами, элас-элас гавдаланиб қоладиган воқеликлар моҳиятига тушунишим лозимлигини сездим. Бунинг учун ёдимга тушганларини ёзиб боришим даркор. Қаламни кўлимга олганим заҳоти, хаёлимга олис мозийнинг пайдар-пай хотиротлари тўлиғича қуюлди. Уларни қоғозга тушираётғиб, қалбдаги безовталиқлар ҳам таскин топаверди. Чунки, айни дамда узук-юлук тафсилотлар умрим китобига айланаётган, умрим китоби эса хаётимнинг узлуксиз ҳамроҳи бўлиб кўринган айрим нохуш саволларга жавоб бераётган, мен мудом талвасадаги руҳимнинг манзилдан-манзилга кўчиб юриш тилсимотига яқинлашаётгандим.

**Не бахтдир,
тўқ бўлса
хирмонингда дон!**



Абдумажид АЗИМ

Дил рози

Йўлингга нигорон,
Келишинг кутдим,
Сен келдинг ҳаётим, Тангридан ато
Соҳир лаҳзаларда мутлак унутдим,
Умрим йўлларида килдим не хато?

Унутдим кунларни ғариб,
Ўксиган,
Аччик ашкларингга ювдим дил доғим.
Тортиб олди мени аёз кўксидан,
Ҳаёт ваъда этган алвон дудоғинг.

Рухим саҳролари кийдилар яшил,
Гусса-андуҳларим кетдилар лак-лак.
Булдурук бўғотда қарсиллаб чил-чил
Зангор фасллардан айлади дарак.

Шукроналар айтиб, тақдирга такрор
Адирлар бағрида сен билан кезсак.
Бизга аталгандир гулим, бу баҳор,
Лолазор сайрини ихтиёр этсак.

Алвон лолалардан кийиб каболар,
Лоладай ловиллаб умримга кирдинг.
Келдинг,
Кўзларингда кулиб дунёлар,
Нурсиз ҳаётимга зиёлар бердинг.

Абдумажид АЗИМ – 1957 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Муаллифнинг “Ўтаётган йиллар”, “Қалбимнинг Ватани”, “Кўёш боласи”, “Ёруғлик одами”, “Рухи равоним” номли шеърый китоблари чоп этилган.

Дедим, кўзларингнинг хуш имосида
 Кўшкимиз бўлгайдир бепоён осмон.
 Бу замин устида, бу кўк остида,
 Биз бахтли бўлурмиз севгилим, ишон!

Бахтимиз ошени бўлар самовот,
 Нону туз улашар юлдузлар бизга.
 Кўзларингда порлаб тураркан ҳаёт,
 Ҳатто ажални ҳам илмасман кўзга.

Мен сенга шамолни
 Кўрмасман раво,
 Сен менга Яратган эгамдан тортиқ!
 Уйимиз бўлгайдир коинот – само,
 Мен сени севаман жонимдан ортиқ!

Самарқанд

Орзуларим учмас офтоби,
 Армонларим тўкилган тупрок.
 Афросиёб – тарих китоби,
 Хаёлларим элтади узок.

Шоҳизинда ўйчан ва хазин,
 Ўтолмайман бу ердан бефарқ.
 Азон айтар тарих – муаззин
 Хаёлларга бўлганича фарқ.

Навоийнинг дардли сўзлари
 Бу заминга қолмиш тўкилиб.
 Темурбекнинг очик кўзлари
 Авлодларга турар тикилиб.

Гоҳ Шайбоний, гоҳ Мирзо Бобур,
 Не замонлар ўтди чайкалиб?
 Туравердинг муаззам, мағрур
 Бўлиб рўйи замин сайкали.

Хаёлимда “Зижи курагон” –
 Юлдузлардан сўйлар Улугбек.
 Англай десанг дунени осон
 Эҳтиром-ла тупроққа бош эг.

Қолмиш тарих пучмоқларида
 Сон-саноксиз жанглар урҳоси.
 Бугун Сиёб кирғоқларида
 Янграг гўдакларнинг овози.

Юрган каби сирли эртақда,
 Кездим кўркам кўчаларингни.
 Севиб колдим шаҳрим, юракдан
 Кундай ёруғ кечаларингни.

Не бахтдир?

Қилмай дийдорига ташна, интизор,
 Болаларинг доим қошингда юрса.
 Бехос қаҳратонда томинг босса қор,
 Лаббай, ота дея, хизматда турса.

Оқил зурёдларни этсанг тарбият,
 Юзага чиқарсан, албат, ҳаётда.
 Бўлса ўғил-кизда меҳр-окибат,
 Шул эрур етганинг, асл муродга.

Сочингга ок тушиб,
 Кексарган чоғинг,
 Кувончини кўрсанг ўғил-қизингни.
 Меваларин тотсанг кўқартган боғинг,
 Жаннатда сезавер мисли ўзингни.

Миннатдор бўлишиб қуда-билишлар,
 Айтишса шаънингга ташаккур, раҳмат.
 Узилмаса ҳаргиз бориш-келишлар,
 Роҳатга айланар чекканинг захмат.

Кўрдим не зотларни ўктам, валломат,
 Фарзандлар важдан бўлмапти сонда.
 Келса ўғил-киздан таъна, маломат,
 Яшашнинг кизиғи колмас жаҳонда.

Арпа экиб, зинҳор бугдойни кутма,
 Ҳалолдан луқмани айлагин одат.
 Имон диёнатни бир зум унутма,
 Асли оталик ҳам буюк ибодат.

Ўшанда, куёшдай чарақлаб хандон,
 Ўғиллар химматдан боғлагай камар.
 Унутилар чеккан азобинг осон,
 Қилган меҳнатларинг кетмас бесамар.

Бир-бир дилбандларинг оёққа кўйсанг,
 Қолмаса кўнглингда заррача армон.
 Дехқондай сарбаланд хирмонлар уйсанг,
 Не бахтдир,
 Тўқ бўлса хирмонингда дон.

Неваралар юрса чошиб гирдингда,
 Қорунда бўлмагай бундайин давлат.
 Барака топибсан, демак, умрингда,
 Кўрганлар десалар, пири-бадавлат.

Ҳали умид гўдакдек масъум,
 Жавдирайди кўзлари мунчок,
 Лабларида илик табассум,
 Ҳали дунё бегубор ва пок.

Ҳали гунча тугмаган гуллар,
 Олам ҳали илоҳий тилсим.
 Уфқларга туташган йўллар
 Адоғида дарвоза сим-сим.

Ҳали шафақ товланар алвон,
 Ўнг келади жамики тушлар.
 Мусаффордир бепоён осмон,
 Тизилишиб учмоқда кушлар.

Тўкилмаган ҳали кўзёшим,
 Ҳали қувонч бўлмаган адо.
 Эгилмаган ҳали бу бошим,
 Ҳали писанд эмасдир хато.

Кетаяпман

Кетаяпман, кетаяпман йўллар чигал,
 Тунчиروқлар кўзларимни камаштирар.
 Олисларда онам мени кутар маҳтал,
 Автолар ҳам йўлларимдан адаштирар.

Адаштирар мени йўлнинг белгилари,
 Тол чивикдай ингичкадир жуссаларим.
 Кутаётир, ахир, ука, сингилларим,
 Лаҳза-лаҳза ортар алам, гуссаларим.

Кутаётир олисларда ох, Сурхоним,
 Исёнларга даъват этар ўжар феълим.
 Етолмайин, менинг эса ҳалак жоним,
 Ўз-ўзимни қидирганча... Унмас йўлим.

Ўткинчию бақосига ишим йўқдир,
 Кўзимдаги ёшларимни ютдим ичга.
 Оёк остим тупроқ эмас, лағча чўғдир,
 Манзилимга етмоғим шарт бугун кечга.

Ҳайдовчилар тушунмайди аҳволимни,
 Ака дейди, ховлиқасиз нега бунча?
 Толикдим-ку кута-кута иқболимни,
 Етай дейман, манзилимга кун ботгунча.


Қисматимнинг ёзиғига келиб мункир,
Адо бўлдим соғинчларнинг кучоғида.
Тўхтат дейман, автобусни тўхтат, ахир,
Пиёдалаб кетишим шарт буёғига.

Тунчироклар оғушида мен солдадил,
Адашибман рўёларга кўз тикканча.
Энди эса, юрагимга сиғмайди қил,
Кетаяпман, кетаяпман бош эгганча!



**Ҳеч киши етган эмасдур дунёнинг поёнига,
Ёш аёллардек югурма сўнгзидан оҳу кўриб.**

Хўжаназар ҲУВАЙДО



Исроил ШОМИРОВ

Баҳор остонада турибди кулиб

* * *

Тоғ қишлоғи.
Лойсувоқ томлар.
Ҳовлиларнинг эшиги толдан.
Узоқ эди ўзга оламлар,
Бола қалбим шу ерда қолган.

Уй тўрида изиллаган киш,
Печ ёқарди онам эрталаб.
Қорли даштдан –
Ҳар кунги юмуш –
Келар эдим ўтин орқалаб.

Курашардим киш билан шундоқ,
Баҳорларга чулғаб тушимни.
Чакканида кўксимда чакмоқ,
Йўллар асир олди хушимни.

Тоғ бағридан мени тортқилаб,
Юлкиб олди шаҳар – сеҳркор.
Аммо, кишда бодоми гуллаб,
Ҳали келмай алдади баҳор.

Ўқсиб қолди кимдир орқамдан,
Йиллар ўтди,
замон ўзгарди.
Ўтин эмас,
бугун елкамдан,
Босиб турар дунёнинг дарди.

Исроил ШОМИРОВ – 1961 йилда туғилган. Тошкент давлат маданият ва санъат институтида таҳсил олган. Унинг “Согинч”, “Болаликка қайтгим келади” номли шеърый китоблари чоп этилган.

Йўловчи

Ташкарида кимдир этигин коқар,
Совук.
Малол келар эшикни очиш.
Ҳовлини тўлдириб туманлар оқар,
Айвонда жунжикиб жой сўрайди киш.

Ётибман, ногаҳон эшик тақиллар,
Чиқаман чопонни елкага илиб.
Овулнинг итлари узок ақиллар,
Баҳор остонада турибди қулиб.

Дарсга шошаётган талаба каби,
Ёз ҳам ўтиб кетар қолдирмайин из.
Ранглари заъфарон, гезариб лаби,
Остонада чуқур уф тортади куз.

* * *

Ногоҳ, мен изларни йўқотиб қўйдим,
Бобом армон билан кетган йўлларда.
Занжирбанд келбатин кўргандай бўлдим,
Отам от ўйнатган бийдай чўлларда.

Менинг кўкрагимда ўқлар изи бор,
Чингиз ҳамласидан юрак қонталаш.
Бунда туғ кўтарган минг битта мазор,
Аламли титроғи жонимга туташ.

Сен бир олов эдинг,
сен бир шон эдинг,
Бир сиқим тупроқ деб кечгандим жондан.
Туркистонни тутган интиқом эдинг,
Гўё чакмоқ бўлиб тушган осмондан.

Йиқилган минорлар,
ёнган чинорлар,
Заминнинг қаърига боғламиш ришта.
Турналар қайтгайдир,
қайтади сорлар,
Боболар зарби бор ҳар кўҳна ғишда.

Юксак маъволарга чорлайди пирлар,
Дарёга ўзани бўлмагай унут.
Даҳр аро бир туғён юракни тиглар:
“Эр бўлсанг, боболар изидан йўл тут!”

Опа,
боролмадим ёнингга йиллаб,
Ё унут бўлдим дийдор,
дардлашув.
Елкамда уф тортар
замин инкиллаб,
Булар айтганидай, глобаллашув.

Эсимда ҳовлимиз:
ғариб уй,
пасткам,
Қишда жон сақларди зўрға,
кунишиб.
Улғайдик,
устимиз юпун бўлса ҳам,
Шафқатсиз йилларнинг олдига тушиб.

Ялдо кечалари липиллаб чирок
Хира тортар эди онамдай
махзун.
Қийкириб кечгача чопгандик узок
Ёмғирда
итимиз болалаган кун.

Иккимиз ҳуш кўрган эрка ялпизлар,
Билмам, қаерларда қолди ўкиниб?
Тунларни опичлаб юрган юлдузлар
Кўлдан ковормочдай кетди тўкилиб.

Опа, оғрикларни эслама,
кўйгил,
Куз келган юракда мезонлар учди.
Палахмон тошига айланган кўнгил,
Бориб қаҳратоннинг қўлига тушди.

Менинг бошим узра ёгаётир қор,
Сенинг сочларингда гуллади ўрик.
Ана, кириб келди ҳовлингга баҳор,
Энди англадингми –
хотира тирик?

Ҳадемай қушларнинг қайтмоғи тайин,
Ҳозир куз,
шахарда ташвишларим мўл.
Умримдай кискариб борар кун сайин
Дийдорга элтувчи хазон кўмган йўл.

Эртак давом этади

Баҳайбат тоғларнинг этакларида,
 Қоронги қулбанинг бурчакларида,
 Ваҳима аралаш болалиги ўтган
 Момоннинг кўркинчли эртакларида –
 Мозийни кўраман.
 Ўтмишни кўраман. Ғамни, аламни,
 Чехралардай хира тортган шамни кўраман.
 Юраклар ҳадикка қоришиқ,
 Бешотар ногаҳон қарсиллар,
 Ҳавода ўйнайди қамчинлар
 Тинч кўймас оҳ-воҳлар,
 Отларнинг дупури –
 Дилларни кетади ўпириб.
 Кўркув ошён қурган кўкрак қафасда
 Гуп-гуп тешиб турган
 Юрак зарбидан титрайди лаблар.
 Эртак бўлса давом этади.
 Момом эринмайди бечора, авом.
 Хонани аллалар хутнинг ҳавоси,
 Ётибмиз, хаёллар даҳшатда.
 Мўрилардан келар баҳор нафаси.
 Деразанинг мовий пардаларини
 Олиб қочар адирларга шошиб шамоллар.
 Кўзни кўркув босар, ташқарида тун.
 Эртак бўлса давом этади.
 Уйку бирдан бостириб кирар
 Нафис ва маъсум қорачиқларга,
 Киприklar қолади ёпишиб.
 Хонадачи, фақатгина бир киши уйғок,
 Жимжитлик...
 Ой ҳам айро тушар юлдузларидан
 Шу пайт фурсат етади –
 Сирдошлар қолади топишиб.
 Набиралар
 Сокинлик қўйнида пишиллаб ухлар.
 Эртак бўлса давом этади...

* * *

Ярим кўнглим макон этди кизғалдоқлар,
 Юрагимга бошларини қўйди ҳолсиз.
 Сўниб борар мудроқ инган гул ёноқлар,
 Кўзларида қотиб қолган бир парча муз.

Топилмади ярасига бирор малҳам,
 Қонаб кетди жонсизгина бармоқларим.

Нигоҳимда чўкиб ётар бутун олам,
Гумон энди,
гумон ортга қайтмоқларим.

Ўт туташди
тошлар ботган товонимга,
Раҳмон эмас шайтонлар мен томон бўлди.
Учолмадим канот қоқиб осмонимга,
Ёмон бўлди
ёки имкон он-он бўлди.

Титраб турган юрак эмас,
толнинг барги,
Ховучимда тўлғонади она замин.
Кўзларимга сингиб кетган кузнинг ранги,
Тўлдиролмаёв овораман дунё камин.



**Талант суқунат қўйнига етилади, ха-
рактер ҳаёт бўронларига тобланади...**

**Адабиёт фрагментлар фрагментидир:
бўлиб ўтган ва запурилган жамики нарса-
лардан энг озгинасизгина ёзиб қолдирилган,
ёзилган нарсаларнинг эса камгинасизгина
сақланиб қолган.**

ГЁТЕ

Икки ҳикоя



Ҳабиб АБДУНАЗАР

ДАШТДАГИ ОЛОВ

“Момобулоқ” туркумидан

Дашт. Ҳар ер-хар ерда пасткамгина лойсувоқ уйлар. Узокларда факат кўй-кўзилару уюр-уюр отлар кўзга ташланади. Гох-гохида оқбош ва янтоқни эринибгина чайнаётган туяларнинг ўкириги эшитилади.

– Тезроқ юр, – дейди онам у ёқ-бу ёққа олазарак бўлаётганимни кўриб. – Бу туришда кеч қоламиз. Қара, қуёш ҳам кизарди.

Онам ҳар йили ёзда бизни момомниқига олиб боради. Момом тепалик ортида туради. Бу ерлар Бойтерақ деб аталса ҳам, сувга яқин йўл четидаги яккам-дуккам теракларни айтмаса, умуман терак йўқ ҳисоби. Балки бу ерларни сувсиз саҳрода ўсган мана шу қаҳрамон тераклар шарафига “Бойтерақ” деб номлашгандир.

Яланглик бағридаги тепалик ортида миттигина пахсали лойсувоқ уй кўринади. Онам мени яна тезроқ юришга ундайди.

– Ана, момонгининг уйига ҳам етиб келдик, – дейди онам уйга ишора қилиб. Қора шимим тиззагача тупроқ бўлади. Уни қокқанча, лойсувоқ уй томон югураман. Онам ортимдан қичкириб қолади:

– Эҳтиёт бўл, хой, итлар бор!

Пасткамгина кулба. Шифтига қўл чўзса етгулик. Ёнида супа. Девор пастидан кичкина панжарали дарчалар кўйилган. Тагига кигиз тўшалган. Айниқса, кўкламда бу уйча ям-яшил ўтлоқдан озроқ жой тупроғи билан кесиб олинган-у, том устига ўрнатиб кўйилгандек кўринади. Худди онамнинг сумалакка майса ундирган хон-тахтасидек. Тепалиқдан қарасам, бу уй мен лойдан қуриб ўйнайдиган уйчаларга ўхшайди. Гўё момом бу уйни факат ўзи учун қурган.

Момом бизни кўриб, ҳассасини кидира бошлайди. Мен чопқиллаб бориб, ўрнидан туришга ҳам улгурмасидан бўйнидан қучаман. Чўпон итлар сергак тортиб, мен томонга юра бошлайди. Сўнг улар менинг бу хонадонга яқин одам эканлигим-

Ҳабиб АБДУНАЗАР – 1968 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини битирган. “Манзара”, “Анжир гули”, “Гулларини кўмсаган оғоч”, “Дилхат” каби китоблари нашр этилган.

ни билгач, хафсаласи пир бўлиб ортига қайтади. Бу орада онам ҳам етиб келиб, супа устида ўтирган момом томонга энгашади:

– Ассалому алайкум, онажон! Яхши юрибсизми?

Улар узоқ сўрашишади.

– Жиянларинг даштга кетган, қўйларни ўрмалатиб келгани, ўзинг чой қўйиб юборарсан, – дейди момом онамга чойўчоққа ишора қилиб. Мен тезда тошқудукдан сув тортаман. Онам бўлса чойўчоққа ўтин қалаб чой қўяди.

Момом дашт воқеаларидан сўзлай бошлайди.

Момом, одатда, сигирларини набираларига атаб, “Шобердининг сигири, Қулмуроднинг сигири”, деб гапирарди.

– Шобердининг моли сира кўпаймайди, ё касал бўлади, ё ўлади, – дейди момом арик четидаги ўтларни хафсаласизлик билан битта-битта чимдиб еяётган, суяклари бўртиб қолган озгин олақашкани кўрсатиб. – Қулмуроднинг сигири бу йил тугса, бешта бўлади. У отангга ўхшади. Кеча кўпкаридан бир улоқ, бир гилам олиб келди. Гойвота отанг ҳам сара отлар минарди-да. У майдонга кирса, чавандозлар: “Бу Убайдулло майдонга тушдими, ундан улоқ олиб бўлмайди”, деркан.

– Шоберди тинчми? – дейди онам ниманидир олдиндан эшитган-у, хавотир олгандек бўлиб.

– Уми? Ундан одам чикмайди. Қадимда биров “Кўзанинг “қул-қули”дан кўркаман”, деб кечаси гўристонга бориб ўликларни тунаркан. Уни Худо деганига

Ҳабиб Абдуназарнинг ҳикоялари киши хаёлини узоқ йиллардан бери ўзгармайдиган, дашт шамоли муттасил еладиган, юлғунлару окбошларни чайқатиб, ўқтин-ўқтин булутларни суриб келадиган кенгликларга етаклайди. Ҳар иккала асарда ҳам бепоён юрт манзараларига дуч келасиз. У маконларда “чўпон итлари сергак тортиб яқин келишади”. Ҳа, ўсмирнинг кишлокка бориши бежиз эмас – катта мегаполислардан, турли манфаатлар оқимлари тўкнашаётган кўп қутблӣ ўзгарувчан дунёдан ўзгармас ўзликка саёхат қилаётир.

Шу сабабли ҳикояларда, гарчи бугун рўй бераётгандай туюлса-да, ўтмиш ҳиссиёти рўй-рост балқиб туради. Эътибор беринг: ҳикоялардаги кишилар тутуми, киёфалари ўхшаш. Адиб тараққиёт унсурларини атай “ташлаб ўтади”. Шу сабабли, ўзгармас бир макон – асрлар мобайнида ўзлигини сақлаб келаётган улус манзаралари намоён бўлади. Қолаверса, адиб Зараутсойдаги қадим аждодлар қолдириб кетган тошқоч суратларига ҳам ишора қилиб ўтади. Кизик-да, оламда бир неча бор улкан эврилишлар рўй берди, турли халқлар бири-бирига қоришиб, айримлари ҳатто йўқолиб ҳам кетди, бироқ, Зараутсой теграсида ҳаёт кечираётган кишилар ҳаёти деярли ўзгармасдан қолаверди.

Ҳабиб Абдуназар ҳикояларининг яна бир хусусияти: қахрамонларнинг ўзгарувчанлигида. “Даштдаги олов”нинг қахрамони болақай эди, сўнггига келганимизда жуда қадимдан бери яшаб келаётган момонинг қахрамонга айланиб қолганини кўрамиз.

Ҳар ҳолда, Ҳабиб Абдуназарни шоирлик руҳияти ҳам тинч қўймайди, шекилли. “Дераза ойнасига урилиб қайтаётган қуёш нурлари момонинг нимжон хаёлларига игнадек санчиллади...” – бу ўринда игнанинг ва нур толасининг кумуш йилтираши мантиқий боғ ҳосил қиляпти. “Ариқчадан оқиб келаётган осмон момонинг оёқлари остида турган тошга келганда жилдираб овоз беради” – яъни, тиниқ сув бетиде осмон акланмоқда. “Ариқча бўйида лойдан уйча қуриб ўйнаётган набирасига қарайди” – нураб бораётган уй, яъни бошпанани эсга солмоқчи.

Айтиб ўтганимиздай, ушбу ҳикояларда бир неча минг йиллардан бери ўзгармай келаётган улус урф-одатларининг, жуда оддий кишиларнинг турмуш тарзи, тиниқ тасвирлари бор. Ушбу ҳикояларнинг ўзига ҳослиги ҳам шунда деб ўйлайман.

хам ишонмайман. Қирк бир кун бўлди уйдан аразлаб чиқиб кетганига. Опанг озгига қараб, кўп эркалатиб юборди-да. Хотин олиб берсанг, туғдиради бу кулоқсиз. Уни юзидан биров совук шамол ўтказган бўлмаса, – момомнинг лаблари пириллайди.

Онамнинг момом ҳақидаги ҳикояларини тинглашни ёқтираддим, минг марта эшитган бўлсам ҳам, яна сўрайверардим. Онам момом ҳақида эртақ сўзлаётгандек гапирарди. Уларни эшитганим сайин момомга нисбатан меҳрим ортиб боверарди.

Онамнинг айтишича, момом ёлғиз қиз бўлган экан. Уни жуда ёшлигида қишлоқнинг энг обрўли кишиларидан бирига узатишибди. Аммо турмуши узокқа бормай, нимадир бўлибди-ю, эри ўлиб қолибди. Кейин эса қишлоқда от жаллоб, чавандоз, мерган сифатида донг таратган бир йигит момомга талабгор бўлиб чиқиб, никоҳига олибди. Ўша чавандоз менинг бобом экан. Улар тўрт ўғил, икки қиз кўришибди, менинг онам энг кенжаси экан. Тоғаларимнинг ҳаммаси, ҳатто балоғат ёшига етиб-етмаган Ҳасан-Ҳусанлари ҳам урушга кетибди. Лекин шулардан фақат бир нафари урушдан қайтибди. Момом Ҳасан-Ҳусанларини кўп эсларкан. “Улар ёш эди, ҳали милтиқ ушлашни ҳам билмасди...” – деб ўксиниб-ўксиниб йиғларкан. Урушдан омон қайтган тоғам қишлоқда электрчилик қилиб юрганида тасодифан ток уриб, бевакт оламдан кўз юмибди. Шундан сўнг момомнинг юраги бу чексиз мусибатлардан адои тамом бўлса-да, буни бировга билдирмай, фарзандлари, марҳум тоғаларим руҳини шод этиш учун ўчоқ бошида пилик ёқиб ўтирар экан.

Яна онамнинг айтишича, Худо ўлимни аввал тоғларга берганмиш. Тоғлар бунга чидаш беролмай ўрнидан силжиб, минг бир бўлақларга бўлиниб кетибди. Сўнг уни жониворларга тортиқ этибди. Улар ҳам бу куйгиликка чидай олмай, бўкириб-ўкириб оламини бузибди. Кейин уни Худо бандасига лойиқ кўрибди. Инсон нима қилибди? Бир ёқда катта қозонларда ош пишган, бир томонда дапи-доира, ўйин-қулги бўлиб ётганмиш. Шунда Худо бу ўлимни ҳар нарсага бардошли ва сабрли бўлган бандасида қолдирибди. Биров узок яшаб, оламдан ўтса, одамлар: “Бизга ҳам шундай ёш насиб этсин”, деб ният қилишаркан. Чунки, ўлим барибирам ҳақ экан. Аммо тоғлар, жониворлар кўтаролмайдиган дардни кўтараркан одам боласи. Кўнаркан, кўниқаркан... Фақат ёш кетганга ёмон ачинаркан, фарёд ураркан. Момом ҳам тоғаларим фириғида тунлари нола қилиб, тоғлардек силкиниб-силкиниб, охулардек кўзёш тўкиб йиғларкан: “Во, Ҳасан!.. Во Хусан...”

“Эркакдек момо”, дерди одамлар. Чунки момомнинг бошқа аёллардек давраларда кўзёш билан дардини тўққанини ҳеч ким кўрмаган. Аммо момом тунлари гулхан билан сирлашиб, бор дардини унга сочарди. Гулхан гуриллаб ёнар, осмондаги ғуж-ғуж юлдузлар гулхан тилларига бирин-кетин сўна бошларди. Сўнг гўяндалардек гулхан атрофида айланиб, йиғи бошларди. Бу йиғи мунгли бир кўшиққа айланарди: “Вой Ҳасан... Вой Хусан...”

Момом чойўчоқдаги қумғонни олиб келиб чой дамлаётган онамга разм солади. Онам ғамгин, кўзларида билинар-билимас ёш йилтирайди.

– Ишқилиб, уйинг тинчми? – сўрайди момом.

– Худога шукр, тинч. Шунчаки, мазам йўқ. Дўхтиригаям бориб кўрдим... Эскичадан дейишадими-ей, – дейди онам, шолча устига тушган нон увокларини қўллари билан тераркан.

– Унда сени бир боқин-қоқин қиламан, зора Худо шифо берса.

Момомни қишлоқ одамлари Бахши момо деб чақирарди. Доира чалиб, бир тўда момолар билан бемор атрофида айланиб рақс тушганини кўп бор кўрганман. Кимнидир момом боқин қилса, биз дераза ва эшик тирқишларидан мўралаб то-

моша килардик. Момом доирасига оқ сурпдан халта тикиб, уни деворга илиб кўярди. Гўё у биз учун хар ишга кодир мўъжиза эди. Момомнинг кўзини шамғалат қилиб, қўлимизга олиб чертиб ҳам кўрардик, буни сезиб қолган онам: “Тегмайлар, оғзиларинг қийшайиб қолади”, – деб дакки берарди.

Момом боқин-қоқинга тайёргарлик кўра бошлади. Қамиш чўпларини йиғиб, унга пахта ўраб пиликчўп ясади. Сўнг уларни пахтамойга ботириб, косадаги унга сукиб чиқди. Узун бир таёкни олиб, унинг учига эски латталарни ўраб-чирмади. “Сен уйга кир”, – дейди момом. Мен одатдагидек панжарали дарчадан мўралайман. Чунки девор пастидаги дарча – ётиб олиб томоша қилиш учун жуда қулай жой. Ҳовли ўртасида онам бошига чопон ташлаб ўтирибди. Момом қўлидаги узун оловли таёкни онамнинг бошидан тинимсиз айлантиради. Олов парча-парча бўлиб атрофга отилади. Худди олов биз эртақда ўқиган оловли қушлар – қақнуслар каби дарча панжарасига урилади. Кейин бу қушлар парвози ҳам тиниб, куйик латталарнинг ҳавода қолган ёқимсиз хиди дарча тирқишидан уйга киради.

“Туш пастга, ёнимга кел!” – дейди момом ким биландир гаплашгандек, супа ёнида тарвақайлаб ўсган эски тут шохига қараб. Дарахт тепасига синчиклаб қарайман, ҳеч ким йўқ, баданим жимирлаб, қалбимни кўркув босади. Ўрнимдан турмоқчи бўламан-у, оёқ-қўлларим боғлаб қўйилгандек жойимдан қимирлолмайман. Кимдир тут дарахтидан тушиб келаётгандек шохлар қисирлайди, оёқ товушлари эшитилади, қилт этган шамол йўқ бийдай даштда қутилимаганда шамол туради. Момом ёнида кимдир ўтиргандек у билан яна нималарнидир тез-тез гаплашиб, қўлидаги оловли таёкни онамнинг бошидан тўхтовсиз айлантиради. Осмон гумбирлаб, ёмғир эмас, бир парча зангори шуъла момомнинг оёқлари остига тушиб, у турган қафтдеккина жойни ёритади. Кейин бу шуъла кенгайиб, бутун ҳовлини, дашту осмонни қамраб, бир бутун улкан ёруғликка айланади. Қулоғимга арава қўшилган отнинг туёқ товушлари эшитилади. Кўркувим яна ошади, бошимни кўрпага бурқаб, кўзларимни қаттиқ юмаман, ўзим ҳам гўё ўша ёруғлик ичида-ю, дашт бўйлаб учиб юргандекман.

Бироздан сўнг кўшни хонадан момомнинг овози эшитилади: “Бу ёққа кел! Қарама, дегандим-ку, сенга”. “Қизик, – дейман ичимда, хайратим ошиб. – Момом менинг дарчадан ўгринча мўралаганимни қаердан билди экан?”

Кейин момомнинг ёнига чўккалаб оламан-да, ўчай-ўчай деб турган пиликчўпларга қарайман, улар ҳам, назаримда, момом билан гаплашаётгандек туюлади. Момом онамнинг юзларига сув сепеди, қулоқларидан тортади, елкасига бир-икки уриб, дуога қўл очади ва қандайдир сеҳрли, мен тушунмайдиган сўзларни узок пичирлайди.

Мен ҳам қафтларимни очиб, уларнинг ўзим англамаган истакларига қўшиламан...

Хаёлимга бироз олдин эшитганим кекса тут дарахтининг ваҳимали ғижирлашлари, ғалати оёқ товушлари-ю, кўнғироклар жаранги келади. “Балки улар менга ҳам нимадир демокчи бўлган-у, мен уларни тушунмагандирман”, – ўйлайман ва момомнинг бироз олдинги ҳолатини англагандек бўламан.

Кўзимга уйқу илинади. Уйғонганимда тонг ўзининг ғира-шира қизғиш нурларини дарчага қуяётган бўлади. Туришга эриниб, дарчадан ҳовлига қарайман: супа, тут дарахти, момом тонг шабадасида эски тут дарахтидек тебраниб, тасбеҳ ўғиради. Чўпон кўрадаги қўйларни “хай-хайлаб” даштга хайдайди. Майсалар чумолидек девор юзларига ўрмалаб, панжарали дарчагача чиқиб келади, гўё бутун дашт тошиб, мана шу кичкина қулбага киришга уринаётгандек.

– Болам, анча энгил тортдингми? – сўрайди момом, олиб-югуриб иш қилаётган онамга қараб.

– Ҳа, она, бугун анча яхши ухладим, оғир тушлар ҳам кўрмадим, – дейди онам мамнун киёфада.

– Худо меҳрибон, болам. Чин дилдан сўрасанг, тилакларингни У, албатта ижобат қилади.

Биз момонникида анча кун бўлдик. Онам кетар олди ҳовли ва уйларни супуриб-сидирди. Момоннинг кийимларини ювди, нон ёпиб, нонкўрпага ўради. Момом эса битта кулча олиб: “Пода қайтар маҳал – инс-жинслар кўзиган пайт, нон йўлдошинг бўлади, болам”, деб кўйнимга солди-да, пешонамдан ўпиб қўйди. Сўнг хайр-хўшлашдик.

– Тезроқ юр, – дейди онам, у ёқ-бу ёққа олазarak бўлаётганимни кўриб. – Бу юришда кеч қоламиз. Қара, қуёш ҳам ботай деб қолди.

Тупрок йўлдан тез-тез одимларканман, ортга қайрилиб, момоннинг пастқамгина лойсувоқ уйига кўз ташлайман. Момоннинг мўъжазгина кулбаси ботаётган қуёш шуъласида кимсасиз дашт қўйнида ёниб турган бир парча оловга ўхшарди.

БОШПАНА

– Хувв Гулбахор! Қаерларда юрибсан, болам?

Гулбахор чопқиллаб келади ва момоннинг узун гулчин этакларидан ушлаб, эркаланади ва бўйнидаги шудринг доналаридек оппок шода-шода мунчокларини лабларига босиб, момоннинг қулоқларига шишийди:

– Момо, қаранг, деворга нима чиздим!

Момо деворга ҳозиргина чизилган оппок ажи-бужи чизикларга тикилганча ўйга чўмади. Бу чизиклар унинг кўз ўнгида суратдек гавдаланиб, болалик хотираларини жонлантиради: ота-онаси, ариқ бўйида лойдан уйча қураётган қизалок...

Момо шу хаёллар оғушида ичкарига қираётиб, зина олдида пала-партиш ётган оёқ кийимларни девор тагига тартиб билан теришга тутинади. Чоли эса уй олдидаги айвонда букчайиб, тез-тез нафас олиб, айвон устунини қўли билан ушлаганча ниманидир эслашга тиришади ва кампир нимадир деган-у, унга жавоб бераётгандек ўзига ўзи гапиради:

– Кўявер, шундоқ ҳам уйимиз яхши. Сен айтгандек, деворни бироз оқлаб қўйсак бўлар экан.

Кафтдеккина ҳовлида икки туп хурмо дарахти ҳосили кўплигидан ерга тўшалиб ётган новдаларини кўтаришга уринади. Аммо ўйноқлаб ўтган салкин шабада зўра турган шохларга тегиб кетади-ю, балога қолади – шохлар қарсиллаб синади. Қорамтир қизил хурмолар бандидан узилиб ер билан битта бўлади ва унинг ичидан ширага бўккан нимпушти томирлар қуёш нурида жимирлайди. Деворларнинг зах емирган жойларидан сувоқ сомонлари, чириган синч ёғочлари кўзга ташланади. Ҳовли ўртасида катта тоғора, биридан буғ чикиб турган икки челақ ва кичкина шолча устида бир уюм кир кийимлар йиғилган.

Момоннинг хотир кўзгусида юзларидан чарчок асари кетмаган, иккикатлиги билиниб турган аёл жонланади, унинг устида олча гулли чит қўйлак, бошида пойтери рўмол, эгнида чийдухоба нимча, оёғида калиш... У обдан чайиб-сиққан кийимларни силтаб-силтаб дорга илади. Уларнинг тасмадек шарақлаган овозлари ва сачраган сув томчилари ҳовлида қўлтиктаёқ тутгандек арвағанглаб юрган мусичаларни чўчитиб юборади. Улар “пирр” этиб уй шифтига қўниб, жahl қилгандек норози оҳангда ғуриллайди. Бир тўда болалар кичкина ҳовлини бошларига кўтариб

кичкиради. “Ҳой, жим дейман. Ҳой..!” – ҳовлида у ёқдан-бу ёққа кичкириб чопиб юрган болаларига танбех беради аёл. Оқ кўйлак ва калта иштон кийиб олган, жингалак сочли, ялангбош миқтигина бола кўлидаги қалам билан оппоқ деворга нима-ларнидир чиза бошлайди.

“Ҳой, қоғоз йўкми сенга?” – яна жиғибийрон бўлади аёл. Оппоқ девор юзида илонизи йўл, гоҳида синчиклаб қаралса, харсангтошлар орасидан болаларини етаклаб кетаётган айикқа ўхшаш алламбало тасвирлар пайдо бўлади, гўё қадимий қоятошдаги расмлар шу бола кўлларида қайта жонланган санъат асаридек оқликка сингади. Аёл шошганича суви сиқилган кийимларни тоғорага ташлайди-ю, унга қараб югуради. Бола кикирлаб кулади ва қўлга тушмас қасоскорлардек қочиб, эшик ортига яширинади. Аёл бармоқлари билан авайлаб девор юзидаги қалам изларини ўчиришга уринади.

Ичкари уйдан эркак кишининг овози эшитилади: “Ҳов, хотин!” Аёл шошиб уйга киради-ю, чойнакни кўтариб чиқади. Сўнг ошхонадан ёғнинг чарсиллаган овози ва ошнинг ёқимли ҳиди ҳавога таралади. Зарда қилиб нари кетган мусичалар яна ошхона эшиги олдида пайдо бўлиб, ғуриллай бошлайди.

Эркак ҳовлига чиқиб, кенг елкаларини ростлайди ва кўксини тўлдириб-тўлдириб чуқур нафас олади. Сўнг девордаги маънисиз, гоҳо ниманидир эслатувчи қалам излари, зах емириб кўриниб қолган девор синчларига қарайди. Шунда кўпинча Зараутсой дарасига онасидан ажраб уйда қолган кўзичокларни ўтлатгани олиб чиққанида, у ердаги унғир ва камар тошларига ишланган ажи-бужи чизиклар, белгилар, ибтидоий одамларнинг ов қилаётгани, жуда антиқа шаклда чизилган турли жониворлар, одамсимон махлуқлар тасвирини кўрганини эслайди... Буларнинг бари бир қарашда невараси каби болалар ўйинқароқлик қилиб чизиб кетганга ўхшарди...

Аёлнинг ошхонадан эшитилган ҳорғин овози унинг хаёлини бўлади:

– Уйни бир оклайдиган бўлибди-да. Ёш болалар бўлганидан кейин...

– Қўявер, озроқ пул тушсин, уйни бошқатдан кўтарамиз, – дейди эркак уйнинг бош-оёқ тархини хаёлан чизиб. – Бу йўлакни ёпиб, кунчиқар томонга катта дарвоза ўрнатамиз. Хоналарни кенгайтирамиз. Нима дединг, а?

Куёш баланд деворлар ошиб бу ҳовлига бир қур назар ташлайди-ю, сўнг катта кўчага тушиб, тезда кўздан ғойиб бўлади. Хурмо дарахтининг соясидан кўрқиб титраб турган бу нимжон, рангпар райхонлар чилла ўтириб ғордан эндигина чиққан авлиё – куёшнинг ана шу бир дамлик назари билан тетикланиб, кўкка бўй чўзади ва унда зоҳир бўлган қаромат – ифорлар руҳингизда ажиб ғаройиботлар пайдо қилади.

Кечки салқин ва намгуш ҳаво эркакнинг юпка кўйлак остидаги баданини жунжиктиргандек бўлади, у уйга кириб кетади.

Ойнинг ипакдек майин нурлари хурмо дарахти шоҳларидан сирғалиб, аёлнинг тим қаро сунбул сочларига илашади. Юлдузлар эса бу кичик ҳовлининг кичик осмонига сиғмай ғужуллайди.

Тонг яна шу кулбанинг синч деворлари ортида ёришади. Куёшнинг заррин нурларини тўсиб турган девор болаларнинг бир ҳовуч кулгисини куёшга тутати. Жаранглаган оппоқ товушлар ёмғирнинг марварид томчиларидек куёш нурларидан сирғалиб, хурмо дарахтининг ғубор босган баргларига тушади.

Гирди яшил пўпанак билан чегараланган соялар олами – рутубатли тор кўчадан аразлаган куёш қуну тун, ой ва йиллар ҳисобини тасбехдек ўгириб ботаверади, чиқаверади. Эркак эса нур ва соянинг бениҳоя жангида деворнинг нураган жойларини сувайди. Заъфарон тустаги қира бошлаган шапалоқдек оғир хурмо япроқлари

ерга шатирлаб тўкилади ва уни жойидан кимиралатолмаган ўжар шамол жиғибийрон бўлиб, дарахт шохларини юлқилайди. Совуқдан омон қолган майса – яшил орзулар устига оппоқ лайлак қорлар ёғади. Лойдан ямоқ солинган деворларга ёмғир томчилари урилиб, яна ёрилади, бўртади ва секин-аста емирила бошлайди. Катта кўчалар корини эритган хасис куёш бу ҳовлига бош суқмай уфқ томон шошади. Аёлнинг хоналар бўйлаб беозорлик билан юргани, печга ўтин қалагани ва ўтиннинг чарсиллаб ёниши эшитилади. Иссиқ печь ёнида қунишиб ўтирган болалар печь устига ташлаб иситилган сарғиш пахта толаларини бир гуллаб олиб, бармоқчалари билан ундан чигитини амаллаб айиришади ва ёнига йиғиб, бир-бири билан кимўзар ўйнашади. Аёл чигитланган момик толалардан миттигина чопончалар қавийди. Эркак эса йўталиб-йўталиб қор курайди, уларни бир этак пахтадек елкасига олиб, кўчага чиқиб кетади. Сочларига оқ, юзларига ажин оралай бошлаган аёл сандиқни очиб, кизларига сеп деб ташлаб қўйган бисотини кўздан кечиради.

Шифтдан ўтаётган томчилар овоз беради: “Чак-чик...”

– Ҳеч бўлмаса, томни ямаб, эшик-деразаларни тузатсак яхши бўларди-да, – деди аёл тоғорани шифтдан томаётган томчиларга тўғрилайётган эркакка.

– Қорлар эриди, – деди эркак синик табассум билан. – Қиш ўтсин, кейин уйни қайта кўтарамиз! Ошхонани бўлса кунботар томонга кўчирамиз. Шунда хоналар яна биттага кўпаяди.

Дераза ва эшик тирқишларидан изиллаб совуқ киради. У ўрнидан туриб, дераза тирқишларига пахта тикиб чиқади, аранг очилиб ёпиладиган, бўёклари кўчиб кетган эшикни қаттиқроқ тортиб қўяди.

Куёш қайтади. Девор юзларида ёриқлар, ёмғир томчиларидан қолган сариқ доғлар пайдо бўлади. Уй янада кичрайган, чўккандек, қадди дол кекса кампир сингари асо – синч ёғочларга суянади. Шафакнинг қирмизи шуғлалари том устидан оқиб келиб, хурмо дарахтининг шохларига урилади. Шабада қаердадир гуллаган ўрик дарахти ва майсаларнинг хушбўй ифорларини олиб келади. Арилар гунғиллаб хушбўй ифорлар келаётган томонга шошади.

Ҳовлида қуймаланиб юрган момо хурмо дарахти тагида бир зум тўхтаб, эндигина куртак ёзаётган шохларига қарайди. Шунда қулоғига сахро шамолнинг бўридек увуллаши ва бир четда янги тукқан туядек бўзлаётган хурмо тўнкасининг ҳасратли овози келади. Момо энтикади. Кўзларида хира тасвирлар пайдо бўлади: титраётган хурмо тўнкаси, уни юпатаётган ёруғ қўл... Момонинг вужудига ҳам титроқ югуради. Болалиги, хурмо кўчатини экаётган отасига ёрдамлашаётган кизалоқ, ўшанда отасининг унга айтган сўзлари эсига тушади: “Хурмо дарахти имонли кишига ўхшайди, болам. У имонидан кечмаганидек, хурмо ҳам баргларини ташламайди”.

Момо ўйга чўмади. Хотира қасри дарвозалари ланг очилади ва у ердан қўлларини силтаб ўзи сари чорлаётган сулув киз кўринади.

Момо ўшанда сочлари тақимиға урган сариққина, ўн тўртта тўлган сулув дашт қизи эди. Одатга кўра, у пайтларда киз ёшлигидан кулоқсингди қилиниб, кимгадир атаб қўйиларди. Тенг-тўшлар даврасида биров фалончининг қизини мен келин қиламан, дедими, тамом, киз бўй етиб ўшанинги ўғлига, албатта, турмушга чиқарди. Момо эслайди: тоғасининг ўзи тенги бир ўғли бор эди. Бир кун йигитча қиз кўргани келади: эгнига четларига хошия бериб тикилган бўз қўйлак, олача иштон. Этагида бир сиким курспечак-парварда ва уч-тўртта хурмо... Қиз бу совгани хушламайди чоғи, жаҳл билан уларни ерга сочиб юборади. Йигитча лом-лим демайди, шарт ортига бурилиб жўнайди. Шундан сўнг у кизни кўргани бошқа келмайди. Иккови ўн олтига тўлганларида уларни никоҳлаб қўйишади... Йиллар ўтиб “шайтон” набира-

лари “Бобомни яхши кўрганмисиз?” деб сўроққа тутса, момо силтаниб-силтаниб кулиб фақат ана шу воқеани эслаб гапириб беради. Момо яна жилмаяди, хотиралар оламидаги ўн тўрт яшар ўша сулув билан узок гаплашгандек бўлади.

Дераза ойнасига урилиб кайтаётган куёш нурлари момонинг нимжон хаёлларига игнадек санчиллади. Сўнг ҳовли ичидан ўтган ариқча бўйидаги кундага оҳиста ўтиради. Ариқчадан оқиб келаётган осмон момонинг оёқлари остида турган тошга келганда жилдираб овоз беради. Ариқча бўйида лойдан уйча куриб ўйнаётган набирасига қарайди. У лойни юмалоклаб, “уй” тиклайди, сўнг хурмо шохчаларидан синдириб келиб, ҳовлисига дарахт қилиб суқиб чиқади ва ёнидан ариқча тортиб, узокроқдан шу ариқчага кумғондан сув қуяди... Момо набирасининг олдига бориб, уйчани қандай қуриш кераклигини ўргатади. Уй деворини кайтадан биргаликда кўтаришади. Хари – чўпчалар устидан лойни қафтларига уриб япалоклаб қўяди. Ҳовли юзасига, “хурмо” дарахтининг тагига кичкина супача қуришади...

* * *

Ўн йил ўтиб, елкадор, қошлари қалин, бўйчан йигит шахдам одимлар билан бу кўхна уйга кириб келади-ю, ҳаммаса ўзгаради: у уйнинг ҳар бир қаричини кўздан кечиради, катта-катта қадамлаб ўлчайди. Ҳовли ўртасидаги эски хонтахта устида сочилиб ётган бежирим чизилган уй суратларини эса шамол тўзғитиб ўйнайди.

– Уйни бошқатдан кўтараман, – дейди йигит уйнинг бош-оёқ тарҳини хаёлан яна бир бор чизиб. – Бу йўлакни ёпиб, кунчиқар томонга катта дарвоза ўрнатаман. Хоналарни кенгайтираман.

У уч-тўрт йигитни бошлаб келади-да, уйни бузиб, ўрнини теп-текис қилади. Бўйчан йигит уй пойдеворини чуқур қилиб қовлатаркан, пойдевор ўрnidан жимирлаб сизиб чиқаётган сувга кўзи тушади. Йигит бармоқлари билан сув чиқаётган жойни тирнайди, сув кўпаяди, янада чуқурроқ қовлайди. Ер бағридан кўзёшдек сизиб чиқаётган шифобахш сув булоқ сингари кичик шаффоф шарчалар ҳосил қилиб, ташқарига шиддат билан отилади. Йигит ўйноқлаб чиқаётган булоқ атрофига тош ётқизиб, панжара билан ўрайди, айлантириб хурмо экади.

Бу воқеа билан боғлиқ гап-сўзлар оёқ чиқариб кишлоққа оралайди:

– Эшитдингми, Гулбуви холанинг уйи ўрnidан булоқ чиқибди!

– “Момо булоқ”ни айтяпсанми?..

Мен дунё изладим



Ойгул СУЙУНДИҚОВА

Достон



1

Юлдузлар тўкилди кафтимга – олмос,
 Кўзларим қамашди жилваларидан.
 Ким ҳам бу дамларни унутар абас,
 Томчилар ярқирай жилғаларимда.
 Окшомлари хилол, кундузи куёш,
 Қаршингда туйқусдан очилган олам.
 Тонготар елларга таралар оташ,
 Сен ундан айрилгинг келмас сира ҳам.
 Мен дунё изладим, изладим дунё,
 Олис болалигим эсладим, дунё!

2

Югурик ирмоқлар тўликди сойда,
 Чулғади аланга хитоблар мени.
 Субҳидамга қадар кўз узмай ойдан,
 Бу кўнглим ёритди китоблар менинг.
 Илк бор уни отам қўлида кўрдим,
 Онам тилларидан тушмади гўзал.
 Яқин меҳрибондай ёнимда турди,
 Бугун ҳам тонг чоғи ўқидим ғазал.
 Мен дунё изладим, изладим дунё,
 Отам, онам меҳрин кўмсадим, дунё!

Ойгул СУЙУНДИҚОВА – 1957 йилда туғилган. Москва адабиёт институтини битирган. Шоиранинг “Уфқлар ёнганда”, “Умр куйлари”, “Мен туғилган юрт”, “Зумрад томчилар” каби китоблари нашр этилган.

3

Дарёлар, денгизлар, уммон гувлади,
 Сахролар ястанди, кушлар сарбаланд.
 Чўқкилар бошида осмон гувлади,
 Ёмғир шивирлади ё эриди канд.
 Киру адирларда лолалар, елга,
 Ишкка нисор этдим жону жисмимни.
 Бир уйғок хиссиёт урилди дилга,
 Тўлқинлар оқизиб кетди исмимни.
 Мен дунё изладим, изладим дунё,
 Қошингда кушдайин бўзладим, дунё!

4

Чор-атрофни тутди куйлар дилрабо,
 Мунис юрагимда гўзаллик сири.
 Жилвагар мўъжиза рангин, жонфизо,
 Камалак сийлади борликни эриб.
 Беором сукунат, ўйнар япроклар,
 Минг йиллик дарахтдан тўкилар хикмат.
 Уфкларга сингиб кетар сўкмоқлар,
 Ҳадя этар ажиб гўзал ҳаловат.
 Мен дунё изладим, изладим дунё,
 Энг узун йўлларни кўзладим, дунё!

5

Саодатманд кунлар ёришар сим-сим,
 Машаққат йўлларин ёрар ҳар бир он.
 Англамоқлик учун бу ҳаёт – оким,
 Дунёни борича суй, эй қадрон!
 Шунда сени истар зумрад муждалар,
 Майсалар талпинар муборакбодга.
 Шабнамлар товланиб, сочаётир зар,
 Сор кушлар парвози элтгуси бахтга.
 Мен дунё изладим, изладим дунё,
 Умрим шамолларда тўзмади, дунё!

6

Дунё бир тарафи: чигал, чангалзор,
 Йўллар кўз илғамас тикондир-тикон.
 Дунё бир тарафи: гўзал, мафтункор,
 Бири – жаннатмакон, бири – беомон.
 Сўлимлашар ўйчан, кенг хиёбонлар,
 Энг сарин ҳаволар келади, бешак.
 Барханлари ўркач чўл-биёбонлар,
 Дараларда шамол сарсон, жонсарак.
 Мен дунё изладим, изладим дунё,
 Юрагим неларни сезмади, дунё!

7

Бу замин ташвиши, кўк хаёлоти,
 Нигоҳларни айлар ғафлатдан озод.
 Орзудан туғилган ҳар инсон зоти,
 Тафаккур олами ранго-ранг, обод.
 Дейманки, дил қулса, ёшарар жаҳон,
 Сочлари оқариб кетса-да қордай.
 Дейманки, куйласа, бўлгай чароғон
 Қалин қор остида эрир баҳордай.
 Мен дунё изладим, изладим дунё,
 Кимлар кимдан ўзди, ўзмади, дунё!

8

Дейманки, ғамимда хазон оҳи бор,
 Инсон кўрар сўнгги кўприкларни ҳам.
 Неларнинг хатоси ё гуноҳи бор,
 Юлдузлар титраган киприкларни ҳам.
 Юракни тарк этмас метин дардларни
 Эритиб юборар малҳамлар бисёр.
 Дейманки, нигоҳим ювар гардларни,
 Янги тонг жилмаяр тоза ва дилдор.
 Мен дунё изладим, изладим дунё,
 Сув юзида кўпик сизмади, дунё!

9

Болам улғаймоқда: бахтим, чироғим,
 Биздан бир кун унга ўтгуси бу юрт!
 Чироғимни ёқар ўчмас қароғим,
 Биз каби ундан шон қутгуси бу юрт!
 Мен соғиниб яшар тупроқсан, яна
 Қутлуғ остонангга бош қўйиб айтдим:
 Онамсан меҳрибон, онам ягона,
 Самарқанд, бир умр бағрингга қайтдим...
 Мен дунё изладим, дунё изладим,
 Туғилган уйимдан сўзладим, дунё!

10

Соҳир хаёлларим, шамолларда уч,
 Юзларим порласин севинган сарим.
 Отларим ёллари уфқларни куч,
 Туёқлар чатнасин чатнаган сари.
 Шовиллайди тилла бошоқлар масрур,
 Қийғос очилади сархуш боғларим.
 Кўксимда эшилар наволар, мағрур
 Қушлар учаётган гавҳар тоғларим.
 Мен дунё изладим, изладим дунё,
 Шафақлардан кўзим узмадим, дунё!

11

Қайга кетмоқдасан, эй умри карвон,
 Сўйла, тош шаҳарнинг ривоятларин!
 Минорлар товланар, кўчалар равон,
 Тил учида турган ҳикоятларин.
 Гавжум бозорлардан келар садо – шу,
 Нелар олиб келган эдинг шаҳарга?
 Тўкинлик ва тинчлик хавосидир бу,
 Не хотир қолмоқда сендан саҳарда?
 Мен дунё изладим, изладим дунё,
 Фақат шоирлигим ёзмадим, дунё!

12

Армонлар оғирдир, оғир юракда,
 Йўлимда сочилиб ётар тилсимлар.
 Менга кўп нарсалар билмак керакдай,
 Рангин фаслларга кўчган исмлар.
 Болам, сенинг каби ёш, кўркам эдим,
 Беназирдир она тилингни асра.
 Умидлар ўлмайдди, у – кўклам, дедим,
 Жасур бўл, доно бўл, элингни асра.
 Мен дунё изладим, изладим дунё,
 Бундан улкан бахтни қазмадим, дунё!

13

Кўнглим, кўҳна очун азоблари мўл,
 Ҳар бирини идрок кўзи-ла англа.
 Нодўст, хасадгўйлар ғазаблари – кул,
 Ҳамиша виждонинг амрини тингла.
 Булоқдир покдомон имон, шафқатинг,
 Яхшилик, эзгулик тутиб яшайман.
 Томирлари теран сабру тоқатинг,
 Умрим китобларин битиб яшайман.
 Мен дунё изладим, изладим дунё,
 Бу дунёдан, асло, безмадим, дунё!

14

Китобга айланди сафарларим ҳам,
 Диёримни озод, омонда кўрдим.
 Бебаҳо муҳаббат дафтарларим ҳам,
 Гурур ва шавкатни ҳар қонда кўрдим.
 Китоблар – ҳаётнинг сирлари қадим,
 Аждодлар сабоғи – чеки йўқ зиё.
 Замонлар – отамдай улуғ муаллим,
 Келажагим – болам, шу – меҳригё.
 Мен дунё изладим, изладим дунё,
 Дунёни бесамар кезмадим, дунё!

Азал табиатга қондошмиз, ахил,
 Умримиз ажойиб фаслларга бой.
 Айланиб туради йилда тўрт фасл,
 Ҳар боғда очади насллар чирой.
 Инсон, наслинг тоза сақла сўзингдай,
 Еру кўкда хушнуд навбахор иси.
 Ҳар бир кунинг ойдин, тунлар кўзингда,
 Абад айрилмасин эл-юрт севгиси!
 Мен дунё изладим, изладим дунё,
 Сени онамдайин сизладим, дунё!



**Ҳаёл олами тасаввурлар оламига
 қараганда, янада кенгдир. Чунки бар-
 ча тасаввурлар ҳаёлдан тузилган. Ўз
 навбатида ҳаёл олами ҳам уни бор эт-
 ган оламнинг қаршисига ўйқисидир.**

Жалолоддин РУМИЙ



Гуландом ТОҒАЕВА

Дилда ёнар исмсиз бир ўт

Сенинг альбомингга

Туркум



I

Сени умид билан яхши кўраман,
Сени деб тўкилган кўзёш ҳам ширин.
Шу боис, кўчангда маънос тураман,
Сен – гўзал сиримсан очик-яширин.

Шу етти ракамни тераман тинмай,
Мен бахтсиз ҳеч сенга эмасман лойиқ,
Ҳатто бир “алло”га арзимаюману
Фақат сен ҳақингда орзум чиройлик.

Қишларга бермаган баҳоримсан, сен,
Кўчангда тош бўлай, босмасдан ўтма.
Умримнинг энг ширин сахарисан, сен,
Илтимос, юрагим тўридан кетма!..

II

Сен кетсанг кўзимда нам,
Бағримда қайғу, эркам.
Кўнгилдаги кушчанинг
Патларини юлар ғам.

Узоқларга кўп кетма,
Кўзларимни унутма.
Қалбингда қалбим изи,
Уни мендан беркитма.

Гуландом ТОҒАЕВА – Филология фаълари номзоди. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Унинг “Чақмоқ хўрсиниқлари”, “Муҳаббат асри”, “Мен излаган кема”, “Ўн етти ёшлар мамлакати” каби шеърий китоблари чоп этилган.

Бу дунёда яхшиям
Сен бор – дил яйрайдиган.
Юракда-чи булбул бор,
Кўринсанг сайрайдиган.

Ой – узоқ, кўёш – узоқ,
Юлдуз – узоқдир, эркам.
Шукр, калбинг тўрида
Ёндирганинг учун шам...

III

Севаман. Шу сўзда жам бўлди дунё,
Шу сўз етишмаса кам бўлди дунё.
Ширин табассуминг офтобдай иссиқ,
Бу офтоб олдида шам бўлди дунё!..

IV

Ҳеч калбни сенчалик истамаганман,
Ҳеч кимга сенчалик очмаганман дил.
Ишқ дардин мардларга чиқарган экан,
Соғинчдан юрагим кул бўлди буткул.

Ол, кузнинг серҳашам неъматларини,
Қишнинг пок қорлари, нози ҳам сенга.
Офтобни интизор-интизор кутган
Қор гулидек кўнсам иссиқ эгининга.

Самарқандними ё Урганч берайин,
Юлдуз тўла сават, ол ганж берайин.
Сенга ошиқ шоху пиёдалари
Дунёи ажибдек шатранж берайин.

Фақат айт, кўксингни эзган сир нима,
Дилинг тилмоқдасан ким учун шеърда.
Ҳеч кимса севолмас сени менчалик,
Айт, бундай ишқ йўқдир энди ҳеч ерда.

Сўзласанг, сўзингдай асал топилмас,
Кўнглингдай сирга қон масал топилмас.
Ишқингда беморлар сафини кўргин,
Соғинчдан мен каби касал топилмас...

V

Шу ғанимат дунёда,
Нечун ғам, бунча кўзёш?
Нечун минг-минг изтироб
Бунча эгилган бу бош?

Беш миллиард одам ичра
Менга бир дийдор даво.
Гўё минглаб дардларга
Биттагинадир шифо.

Дўстлар бир кош камоннинг
Ёйи бўлмаётгангинман.
Васлига лойик бўлмаётган,
Ҳижронига маҳкумман.

Дўстман, тан олинмаган,
Ошиқман, киши билмас.
Бир кун васли бўлмас
Ошиқ дунёга келмас.

Шу ғанимат дунёда
Тугаяпман бир шамдай.
Дунём мунаввар айлаб
Келгил сўлим окшомдай...

VI

Ҳар кимнинг кимдадир nasibаси бор,
Биров биров учун кафтда кулган бахт.
Ким бирга туриб ҳам висолига зор,
Кимдир қай кимсага хижрондир факат...

VII

Тонгдан окшомгача ҳаёлимдасан,
Топган ҳар жавобу саволимдасан.
Бир гулман пойингда очиладиган,
Масалман, кўлингда ечиладиган.

Шу рухсор ўтидан лол бўлиб колдим,
Ҳар тола сочингга кул бўлиб колдим.
Севиб Қайс-Мажнунга айланган экан,
Мен ҳам ишк ўтида шул бўлиб колдим...

VIII

Умидим, умримга ярашган,
Умидим, кунларим мазмуни.
Кўзлари бахт ила сўрашган,
Энг ширин дамларим афсуни.

Умидим, умримга ярашган,
Орзуйим, яширин армоним.
Бўйлари офтоб-ла бўйлашган,
Кулгуси дардимга дармоним.

Умидим, кўзлари суюнчлим,
 Кўрсат, киприкларинг кўрайин.
 Кўзим устида бўл ҳар доим,
 Кел, киприк ўрнида кўрайин...

IX

Кўпдан кутдим кузатсам зора,
 Лабларингнинг ҳаракатини.
 Тангрим, сенга лутф этиб берган
 Сукут сўзлар баракотини.

Фирок ичра кўпдан интикман –
 Дилда ёнар исмсиз бир ўт.
 Кўнгил факат сенга интизор,
 Юрак айтар сен учун дуруд.

Муҳаббатнинг минг бир куйи бор,
 Бор кайғумни ичга яширдим.
 Ҳар зарраму хужайрамгача
 Борлиғимни куйга топширдим...

* * *

Етти кават бу осмон,
 Беш юз йиллик йўл экан.
 Уни яқин килгувчи
 Севилган кўнгил экан.

Сен – қуёшсан, келасан,
 Ҳар тонг шуъла, ўт бўлиб.
 Яшайман шунчаки
 Ёнингда унут бўлиб.

Беш юз йиллик йўлга ҳам
 Дуом бормаи қолмайди.
 Фақатгина бир дилга
 Севгим етиб бормаиди...

XI

Эслаш – кўришдан ортик,
 Кўриш – суйишдан ортик.
 Дийдорингга сел бўлиш,
 Бахтга тўйишдан ортик...

XII

Бу ўткинчи дунёда
 Гоҳи шох, гоҳ ғарибман.
 Етти дунёни кезиб
 Мен сени ахтарибман.

Ишк – тегирмон айрилди
Бугдойиму сомоним.
Шу кўзларга муносиб
Бўлиш ёлғиз армоним...

XIII

Сен, эй юлдуз нигоҳли,
Ёлғизликка хуморсан.
Лекин, гизлию оҳли,
Умидимда сен борсан.

Дил ичра уйлар қурдим,
Унга бир тахт йўнарсан.
Гоҳ ҳазин, гоҳ аламли,
Умидимда сен борсан...

XIV

Ошиқлик – ёнингдан кетолмай қолиш,
Ҳар тонгда исмингни айтиб уйғониш.

Ишк – бу фироқ билан баҳру байт экан,
Висол – тушларингни сувга айт экан.

Сен – нурсан, осмондан бахт бўлиб тушган,
Мен – тонгман, шуълани ҳовучлаб ичган.

Мен сени соғиниб келдим дунёга,
Юр кетдик тоғларга – Сурхондарёга!..



**Ҳар кишининг дарғи бўлса, ишқасун ёр олдига.
Қолмасун армон юракда, этсун изҳор олдига.**

МАШРАБ

Икки ҳикоя



Сарвар Тўраев

ҚИШНИНГ СЎНГГИ ОҚШОМИ

*Февраль ёлгондакам қовогин уйди.
Қолгиси келяпти, лекин илож йўқ.*

Шодмонкул САЛОМ

Азизим, ойдин тунда тоғ қоясида қолиб кетган кишининг танидан қорнинг изғиринли совуқлари ўтиблар кетганида кўкдаги ойнинг ёғдусига исинганини ҳеч тасаввур қилиб кўрганмисиз...

Кечаси сутдек ёруғ эди ўшанда. Воҳанинг у ёки бу жилғаларидан оқиб бораётган сув йўллари худди сут оқиб бораётгандек таассурот қолдирарди кишида.

Бир замонлар бу кенгликларда от солган бирор фотиҳнинг кўшинидан кўтарилган чанг мисоли қалин туман кўтарилиб бориб, адирлар қуршовида бир муддат ястаниб олганди. Шу фурсатларда йўлдан адашишган эди. Кейин туман кўтарилди. Бир-бирига уланган қирлар оралаб, тизза бўйи қор кечиб сўқмоқ йўлни чамалаганича кетиб бораётган от йўлидан адашган эди. От устидаги жувоннинг совуқдан жониворга қамчи уришга ҳам ҳоли йўқ эди. Отнинг устига ташланган хуржунга икки оёғини тиқиб олганича, беҳол кетиб борарди.

Қулоғига ғўнғир-ғўнғир овозлар кела бошлади. У бунга ўлаётган бўлсам керак ёки жин-ажинадир, деб ўйлади. Бироқ ички бир ун уни овоз солиб, одамларни ёрдамга чақиршга ундарди.

Овоз солди. Не ажабки, жавоб келди. Агар акс-садо бўлмаса...

Аёлнинг кўнглида умид чироклари ёнди. Демак, у ҳали яшайди.

Аёл кексалардан эшитган, жин чақирса, жавоб берсанг оғзинг қийшайиб қолади, деган гапларга ҳам парво қилмай овоз солди. Не бахтки, зум ўтмай унинг қаршисидаги қирдан сойликка эниб уч киши пайдо бўлди.

Сарвар Тўраев – 1987 йилда туғилган. Ўзбекистон давлат тиллари университетининг халқаро журналистика факультетини тамомлаган.

“Қарвонқули” номи ҳикоялар тўплами нашр этилган.

Соқолларининг ўсиклиги, увадаси чиқиб кетган кийим-бошлари, очликдан силаси қуриб, жонсиз мурдани эслатувчи киёфалари бошқа фурсат бўлганида кундузи ҳам кишини даҳшатга соларди, бироқ бугун аёлга улар нажот фаришталари мисол кўришиб кетди. Улар негадир отнинг тумшуғи остидаги узангига ёпишишди.

– Йўл бўлсин? – деди бири.

– Урушга яна одам чакирув қоғози келибди, олиб қайтаётгандим... йўлимдан адашдим... – совуқдан шакиллаганча жавоб берди жувон.

– Раиснинг сендан бўлак тирик одами йўқми? – деган ғоят таниш овоздан жувон ялт этиб сўзлаган кишига тикилди-да, бир муддат сукут қилиб, дадиллик билан деди:

– Эркаклар йўқ, уларнинг ўрнини аёллар босиши керак-ку.

– Ўчир овозингни, мегажин!

Хаммаси кутилмаганда рўй берди. Келганлар жувонни отнинг устидан ерга улоқтиришди-да, бир зумда иккиси миниб олди, учинчиси эса отнинг ортидан яёв, қандай пайдо бўлишган бўлса, шундай ғойиб бўлишди.

Аёл бўзлаганича қорда қолдирилган этик изи бўйлаб уларнинг ортидан чопиб кетди. Шу лаҳзаларда олиб кетилган оти эмас, одамларга етиш, уларнинг қўлида ҳалок бўлса ҳам майли, фақат бўри ё шokolга ем бўлмаслик нияти билан олдинларди. Аҳён-аҳёнда кетиб бораётган талончилар тўдасининг гўнғир-гўнғир овози жувонга куч берарди. Бироқ энди у мадад олиб келаётган этик изларини йўқотиб қўйган эди. Фақат қорли сўқмоқ йўлда, отнинг тойилиб-тойилиб бораётган излари бор эди. Демак, ўғрилар уни адаштирмакчи бўлишган. Ёки аёлни ҳам тинчителиш мақсадида ортидан тушишган. Ёки ортидан келишаётганмикан, у шундай хаёлланиб тўхтаб, разм солиб ортига қаради.

Дафъатан оёқлари ортидаги қор сурилиб кетди-ю, мункиб тушди ва қор уюми билан бирга пастга шўнғиди.

У бир у ёнга, бир бу ёнга интилар, қўли билан титкилаб, ушлаб қолиш учун бирор нарса кидирарди. Лекин на бирор дарахтнинг новдаси, на шувок, на бирор тутиб қолгулик тош топилмай қор уюмига кўмилар-кўмилмас бўлиб сирпаниб кета бошлади.

Аёл қир ёқасидаги сўқмоқ йўлдан сойликкача эниб тушиб, бироз вақт хушсиз ётдимиз ёки тезда қўл-оёғини кимирлатиб уни соғ-омонлигига амин бўлдими, буни аниқ эслолмасди. Бор хаёлотини, вужудини бир жойга тўплаганича ойдинда қорайиб турган камар томонга эмаклай бошлади.

Йириккина, баҳорда отар ётадиган камарнинг бир четида чўпонлар турар жойи бўлиб, барча нарса йиғиштириб кетилган, жойнинг шундоққина каватида лойсувок қилинган ўчоқ жойлашган эди.

Аёл сурила-сурила аввалига қорайиб турган камишларни тўшак деб титкилаб кўрди ва сўнгра қорайиб турган ўчоқ томонга юриб, унинг ичига кирди-да, чўнкайиб ўтириб олди.

Қандайдир кўрқувданми, шахдданми ё жасоратданми унутилган совуқ аёлни яна ўз забтига ола бошлади. Кийимига ёпишган қорни қоқиб ташлади. Оёғини кулга чуқурроқ ботирди. Тиззаларини қучганича, бошини унга қўйиб олди-да, танини иситиш учун қуҳ-қуҳлай бошлади. Унинг бутун танаси дирдирар, тиши-тишига тақиллаганча урилар эди.

У ўзини шу ерда ўлишига эндигина ишона бошлаган эди. Даставвал хаёли ўзига бўйсунмай бошлади. Қаердандир гўдак йиғиси эшитилди.

“Менинг гўдагим йўқ-ку!” – ўйлади беихтиёр. Икки боласи ҳозир ҳамсоясининг уйида иссиққина сандалда қўшни болалар билан “Қўшимбоши” ўйнаётгандир. Қўшнининг болалари унинг ўғилчаларига: “Сенинг отанг дизертир”, дейишаётганмикан? Кичиги яна ўзи тушунмаса-да, ёмон гап эканлигини ҳис қилиб: “Менинг дадам дизетти эмас”, дея ўқсиб-ўқсиб йиғлаётгандир.

Бу оқшом аёл талончилар тўдаси орасида урушга боришдан бош тортиб бир кечада қишлоқдан йўқолиб қолган эрини таниди. Аммо ўзини тезда йиғиб олиб сездирмади.

Бу аёл бир зумда эркакка айланди. Аллақачонлар ўзини руҳан шунга тайёрлаган ва пишган ҳам эди. Фарзандларини ҳам ота, ҳам она ўрнида туриб боқиб, тарбиялашни, дала ишида баъзи эркаклар қилолмайдиган юмушларни ўз бўйнига олган, шунинг учун ҳам у раисдан кейинги иккинчи одамга айланиб улгурган эди.

Аёл отдан ўзини отиб, эрига мени кутқар, дея ялинмади. Эр эса уни танимади. Ҳартугул, аёлга шундай туюлди...

Гўдакнинг йиғиси энди яқинроқдан, аниқ-тиник эшитила бошлади. Бийдек даштда, бунинг устига тизза бўйи қорли, аёзли кунда гўдакка нима бор...

– Ўлаяпман шекилли, – деб ўйлади аёл.

Болаларини эслади. Улар иссиққина сандалга оёқчаларини тикқанча ўтиришар, каттаси ёстикни олиб қўйиб, кекса одамлардек ёнбошларкан, кичиги уни қизганиб йиғлашга тушди. Каттаси ёстикни унга қайтариб бераркан, бола йиғидан тинди.

– Йиғламанг, – пичирлади аёл. – Бу оти қолган дунё... Бу нобакор дунё... сизларнинг кўзларингиздан сизиб чиққан бир томчи ёшга арзирмиди...

Аёл ҳаёт ва ўлим ўртасида аросатда турарди.

“Гўдакнинг йиғиси... э, бу... шоколлаarning овози-ку...”

Шоколла... унга томон яқинлашиб келаяпти... Демак, ҳаммаси тамом.

Ички бир кўрқув уни овози яқинлашиб келаётганлигини билдираётган чиябўрилар томонга қарашга ундарди.

Жувоннинг ўз тиззаларидан бошини кўтаришига мажолли йўқ эди.

Бошини базўр кўтарди ва бир вақтлар қуёш порлаган бемажол кўзларини юқорига қадади. Шунда ҳам кўкда қуёш порлаб турарди.

“Қуёш... кун келибди... энди тирик қолади!”

– Ҳозиргина чиққанми, бу қуёшки, тафтсиз.

У икки қўлини зўрға кимирлатиб, қафтларини қуёш деб ўйлаётгани, аслида ойга тутиб, исинишни истарди. Унинг онги ҳали тўла музламаган эди.

“Ахир бу ой-ку! Ой қайси томондан бош кўтарди? Демак қуёш ҳам шу томондан чиқиб келади.

– Фақат қачон?

– Тонг отганда...

– Тонг қачон отади?

У билмайди.

Қўлларини кўкка тутиб тураверсинми?..

У оёқка қалқди.

Гандирақлаганича ой чиқиб келган томонга қараб кета бошлади. У фақат қуёшга тезроқ етиб боришни ва энг аввал қўлларини иситишни ўйларди.

“Мен қуёш чиқиб келар томонга қараб бораверсам, у ҳам мен томон келаётган бўлса иссиқ нурларини таратиб келаётган бўлса... бир-биримизга тезроқ етиб борармиз”, – деб ўйларди. Шоколла ҳақида эса ўйламай қўйганди.

Аёл йикилиб тушар, ўрнидан турар ва яна кета бошларди. Шу алфозда қорда илонизи изларини қолдириб кирга чикиб борди ва унинг ортига ошиб кетди.
Ортидан эса қора кўланкалар унга изма-из юриб, кўздан йўқолишди.

* * *

Жувон ҳушига келганида ўз уйида, иссиқ сандалда роҳатланиб ётар, унинг икки боласи ҳам оёқларини кўрпа остига олганларича, ниманидир талашишарди.

Оналарининг кўз очганини кўриб, унинг бошига бир зумда парвона бўлишди.
“Мен нариги дунёдаман шекилли. Унда болаларим бу ерда нима қилишяпти?”
– Онажон, сизга нима бўлди... – сўрайди кичик ўғли йиғламсираб.
– Нима бўпти, ўғлим?
– Сизни кимдир...

Каттаси эса ташқарига отилиб чикиб кетди-да:

– Зулфия хола, онам кўзини очди! – дея қўшни аёлни чакиргани эшитилди.

Кўшга аёл ҳаллослаб етиб келди.

– Хайрият-э, қайтиб келдингиз... – пичирлайди у. – Нима бўлди ўзи? Сизни кимлардир ярим тунда уйингизга келтириб ташлашганида, музлаб, беҳуш бўлиб қолгандингиз... икки кундирки тузукрок ўзингизга келмайсиз...

Қўшни аёл нималарнидир гапира-гапира чикиб кетди.

Аёл эслай бошлади.

“Мени қайси яхши одамлар ажалнинг оғзидан қайтариб олиб келдийкин?” – дея эслашга ҳам уринди. Эслолмади.

Ажабланганича, онаси касал бўлишини ҳеч ҳам тасаввур этолмаган, ўзига тикилиб турган мунчоқкўз болаларига кўзи тушиб, бироз эсанкираб қолди.

Ўрнидан шахт билан туриб кетди.

– Нега юпун кийиниб юрибсиз? – дея койиди ва уй тўридаги сандикни очди ва калин, пўстинли кийимлару жун пайпоқларни олиб болаларини бирин-кетин кийинтира бошлади.

– Совук! – деди у пичирлаганича.

– Ойи, кўчага чиқиб, меҳмонга борамизми? – сўради бири.

– Нега энди? – сўради боласидан.

– Қалин кийиндик-ку.

– Ҳеч қаякка бормаймиз!

Болалар ва эшикдан энди кириб келган қўшни хотин ҳайрон бўлганича ундан кўз узмай тикилиб туришар, жувоннинг ўзи ҳам қават-қават кийим кийганича, яна сандалнинг ичига оёғини тикканча ўтирар эди.

Ташқарида эса куёш, киш куёши бўлса-да киздирар эди.

Аёлнинг бу каби кўпчилик учун тушуниб бўлмас кийинишларига бора-бора кўзлар ҳам кўникди.

* * *

Орадан чамаси икки йиллар ўтиб, урушни ана тугар, мана тугар деб туришган пайтларида, иссиқ, куёшли кунларининг бирида, эгнида тўн ва калин патли пўстин кийиб олган, бошида жун рўмол тангиган, оёғида пайтава ўраб, кирза этик кийган, қўлидаги камчиси билан этигини уриб ўтирган, энди раис бўлган бу аёлнинг олди-га почтачи қария тушқун ҳолда келди-да, хат тутқазди.

– Кимга, ота? – сўради у.

Почтачи ота беришга журъат этолмаган қорахатларни эгасига раис аёлнинг ўзи етказарди. Бу гал эса ота чурқ этмай жимгина бош эгиб тураверди.

Хат аёлнинг эри урушда душман ўқиға учиб ҳалок бўлганлиги ҳақидаги қорахат эди.

ҲАВАСМАНДЛАР

Қир-адирларни қок иккига бўлганича, юқорига тирмашиб, зўриқиб гувиллаганча кетиб бораётган қора тусли енгил машина кичиккина ялангликка етиб тўхтади ва ундан пўрим кийинган, басавлат, қора кўзойнакли киши ва таннозгина хоним калин майсазорли ерга оёқ кўйди.

Қия очиқ машина эшигидан чет элнинг шўх мусикаси таралиб, сокин дашт сукунати бузди.

– Ана холос, шоири даврон. Хорижники дея мактаган машинангизнинг ҳолини ҳам билдик.

– Қайнаб қолди, – деди машина капотини очиб қўяркан эркак.

– Чет эл шеърятидан таржима қилиб, ўзиники қилиб эълон қилганга жазо шу, – қийқирганча шаддод кулди хоним.

– Оз бўлса-да, меҳнатимиз бор. Баъзилар таҳририятга келган шеърларни ўзиники қилиб олганларни ҳам биламиз.

– Ҳали, шунақами...? Бу гапни давраларда айтишдан ҳам қайтмайсиз.

Аёл машинага қўлини тираб, суянганча, қоғоғини сохта уйганича тумтайиб олди.

Шоири даврон деганимиз келди-да, хонимнинг елкасидан қўлини ўтказиб олиб овутган бўлди.

– Ҳазил. Сизнинг истеъдодингизга тан бермай иложимиз йўқ. Машина совигунча, келинг, шеър ёзиш бўйича бир мусобақалашамиз.

– Бўпти.

Бироз фурсат ўтиб, улар тиззабўйи майсазор орасида икки томонга тикилганча чўнкайиб ўтирволишди.

Анча вақт ўтса-да, икковлоннинг қоғози қораланмади.

– Вой, ана у ерда кимдир борми? – аёл йўл ёқасидаги калин, кип-қизил кизғалдоқзор орасида ўзларига кизиксиниб қараб турган кизча томонга ишора қилди.

– Ҳой, бу ёққа кел-чи? – дея имлаб қақирди шоири даврон.

Елкасига тўрвахалта, қўлида таёқ, ўрилган сочлари рўмоли остидан чиқиб турган, маҳзун нигоҳли қизалоқ уялинқираб ва ўзигагина хос ҳайрат билан меҳмонлар томон юрди.

Улар қизчадан исмини сўрашди. У “Ойбуви”, дея исмини тортинибгина айтди.

Меҳмонлар ўзларини танитар эканлар, киз уларни танимаслигидан ранжиганликлари сезилиб қолди.

– Телевизор кўриб, радио эшитишмаса, газета-китоб ўқишмаса, билмадим, биз ўзи ким учун ижод қилаяпмиз?

– Қизча, ҳой... исминг нимади... Ойбадоқ ... сувинг борми?

Қиз елкасидан тўрвасини шошибгина олиб, тугунини еча бошлади.

– Сув ичмоқчимисиз? – негадир бурун жийирганича кўзлари ола-кула бўлиб сўради аёл.

– Олаверинг, туш яқин, уйга қайтаман! – деди қизча усти жилд қилинган сув идишини тўрваҳалтадан олиб шаҳарлик кишига тутаркан.

– Машина бакини совутаман.

– Хайрият, мен ўйлабманки...

Ўйигит сув идишини сувдан обдон бўшатди-да, эгасига қайтарди.

Қизча сув идишини чайкаганча, унда сув бор-йўқлигини билмоқчи бўлди.

У меҳмонларни чанкаган деб ўйлагани учун сув берганди. Гарчи уйга қайтар вақти яқин бўлса-да, пода ортидан сувлокка етиб боргунича аллақанча вақт бор.

Ўйигит машинани ўт олди. Улар жамалаксоч қизчага қўл силкиш ва сохта табассум ила хайрлашишди-да, жўнаб қолишди. Машина адир ортига ўтиб кетиб, бора-бора овози ҳам тингач, қизалоқ ўша томонлардан кўзини узди-да, тўнидан қатланган дафтарни олди ва уни қўллари билан авайлаб текислади. Дафтар ичидан калам чиқариб, коғоз қоралай бошлади.

– Эй, йўловчи, шошма, мен ҳам йўловчиман.

Кимки сайёд жон тутғуси, мен-чи бир дил овчиман.



Ўстеъдод нафаси бор жонга ҳаёт бор.

Эркин ВОҲИДОВ



Абдура­сул
ЖУМАҚУЛ

СУРХОН ЖАВОҲИРЛАРИ

Азалдан ҳар бир юрт, ҳар бир халқ салоҳияти, мавқеи аҳоли сонининг оз­қўплиги ёки хушманзара, сўлим жойларию бойликлари билан эмас, балки ўша юртнинг илму фани, маданияту маънавияти ва инсоният умумтараққиётида тутган ўрни билан ўлчанган, ўлчанажак.

Юртимизнинг энг жанубий нуқтаси ҳисобланмиш Сурхон воҳасига кириб келишингиз ҳамон оладиган илк таассуротингизнинг ўзиёқ кишини беихтиёр тўлқинлантириб юбориши муболага эмас. Рост, мана биз ҳам, Термизга апрел­нинг коқ ўртасида, Тошкентда ҳали ҳаво салқини кетмаган, эрталабдан шигалаб ёмғир бошлаган бир пайтда отланган эдик. Аммо самолётимиз бир соатга яқинроқ вақт ичида Термиз аэропортига қўнганда у ердаги ҳаво ҳарорати 30 даража иссиқ эканлиги маълум қилинганда, худдики ташқаридаги тафт юзларга ҳам урган каби ҳамманинг чехрасига табассум югурди:

– Ўҳ-ў, жанубда ёз бошланибди-ку!

– Ҳа, Сурхондарё шундай бағри иссиқ юрт-да! – ғурур билан изоҳ берди Сурхон фарзанди, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид.

– Бежизга шу ерларда яшаб, ижод қилган шоир Теша Сайдалиев бир пайтлар:

“Тухум пишар эмиш ёз иссиғидан,

Темирчилар кечиб баъзан оловдан,

Ишлашармиш куёш тиғида...” – демаган-да! – илиб кетади гапни таниқли адаби­ётшунос олим Адҳамбек Алимбеков.

Мен эса адабиёт кунлари доирасида вилоятга ташриф буюраётган қалам аҳлига қўшилиб, Сурхон тупроғига қадам қўйиш учун шошганча самолётдан тушишга тайёрланарканман, юрагим гумириб, хаёлимда бу сатрларнинг давомини ўқийман:

Тўғри, дўстим, тўғри,

Шаҳрим ҳавоси

оловдай иссиқдир ҳаттоки тунда,

Чунки маишғал қилиб эл мудоосин,

Олов қалблар яшайди бунда.

Абдура­сул ЖУМАҚУЛ – 1966 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика фа­культетида ўқиган. Ижодкорлик “Осмон бешаги”, “Ишқ боғи” каби шеърый, “Юракка сиемаган гаплар”, “Сурхон по­воғлари”, “Йиллар ва йўллар” деб номланган публицистик китоблари нашр этилган.

Ҳақиқатдан ҳам, Термиз аэропортига кадам қўйишингиз билан вужудни чулғаб олган она меҳри каби ёқимли тафт, кўнглингизни эса ўйинқароклик қилиб, қўлига олган кўзгу парчаси билан куёш нурлари аксини қорачикларингизнинг туб-тубигача ялтиллайтиб юбора олганидан завқланиб қулаётган қорачагина бир бола-кайнинг шўхлиги каби ёруғлик яйратиб юборади. Наздингизда, шу ерда яшайдиганлар “гармсел”, “афғони” ёки шунчаки, сурхончасига “тўполон шамол” деб атамиш, Термизагина хос ҳаво шиддати меҳмонлигингизни англаган, келганингизни олқишлагандек, томирларингиздаги қонингизни тупрок иси билан қайта гумирлатгандек, мудраган туйғуларингизни уйғотгандек бўлади гўё...

Йўқ, сиз қайси гўшада дунёга келганингизнинг фарқи йўқ, муҳими, бу тафт ҳар кимга хозиргина лангиллаб турган тандирдан кип-қизил ширмой нонлар узиб келган она алласидан чиқаётган юрак ҳовурини беради. Ва бунинг барчаси бежиз эмас деб ўйлайман...

Чунки афсоналарга бой қадимги Бактриянинг қок кўксиди, буюк дарё маъбуди Оахшо марҳамати билан минглаб йиллар давомида обиравони шимолга қараган, Зардуштнинг буюк марҳамати билан фаровон бўлган, янада афсонавийроқ Хоразм заминига элтган қудратли Окс, яъни Жайхун – Амударё соҳилида жойлашган бу диврда бир неча минг йиллар илгари ҳам тамаддун маркази ҳисобланган Бактрия давлати бўлган. Бактриянинг пойтахти, ўша пайтдаги янги ном билан Бохло (тарихчиларнинг ҳулосасига кўра, Ўрта асрдаги Балх шундан келиб чиққан) деб атала бошлаган Бактрияни босиб олган араблар бу шаҳарни, унинг минг йиллик тарихини ҳам назарда тутиб, “Уммул бақад” – “Шаҳарлар онаси” деб атаганлар.

Баъзи шаҳарлар тарих томонидан ўзи учун берилган муддатини яшаб бўлгач, узок ўтмишдаёқ йўқликка юз тутган бўлса, Термиз не-не замонлар мураккабликларини енгиб ўтиб, бугунги кунга қадар яшаб қолган ҳамда замонавий шаҳарга айланган маскандир. Термиз ана шундай – шаҳарлар онасидан бири! Унга тарих бошқа шаҳарлардан-да кўра кўпроқ марҳамат кўрсатди. Ҳатто қанчадан-қанча босқинларга учраб, қули кўкка совурилса ҳам ҳар гал қаддини кўтариб, гуллаб, обод масканга айланаверди. Шу боис тарихда унга “Мадинат ур-рижол”, яъни “Мардлар шаҳри” деб ном берилган. Шундай мардларни дунёга келтирган бу шаҳарнинг бағри бу қадар қайноқлигининг сабаби ҳам шу эмасми? Ахир буюк фарзандларни қалбида олови, чексиз меҳру муҳаббати ловуллаган оналаргина дунёга келтирмасми?

Фақат бугина эмас. Айтиш керакки, мамлакатимизнинг жанубий дарвозаси ҳисобланмиш Сурхон воҳаси қулай табиий-жуғрофик ўринда жойлашгани учун ҳам бу ерда бир вақтнинг ўзидида “тўрт фасл” яшнаб туришини, чунончи, воҳанинг жанубида, айтишлик, ёз кунлари 40-45 даражада иссиқ бўлса, вилоятнинг шимолий ҳудудлари – Денов, Сариосиё, Олтинсойда ҳаво харорати атиги 15-20 даражани кўрсатишига гувоҳ бўлиш мумкин.

Термизда буюк алломаларимиздан бири Абу Райҳон Берунийнинг устози Ҳазрат Аҳмад Устурлоб туғилган. Соҳибқирон Амир Темур бутун умри давомида Термиз саййидлари хонадони вакиллари билан чамбарчас алоқада бўлган. Манбаларда қайд этилишича, 1370 йилда Амир Темур Балхга кетаётганда, Термизда Саййид Барақа кўлидан ҳокимият рамзи – ноғора ва байроқни олган. Балхни ўз тасарруфига кири-тиб, Мовароуннахрнинг ягона ҳукмдорига айланган.

Нақл қилишларича, Қурьона Каримда номи зикр этилган улуғ зотлардан бири Зулк кифл ҳазратлари ҳам шу ерда умргузаронлик қилган. Ул зот вафотидан сўнг жасадини сандикка солиб, Амударёга оқизишларини васият этган эмиш. Бу валийнинг вужудини бағрига олган сандиқ сувнинг терс йўналишига оқиб бора-бора, эртаси кунгина сузишдан тўхтаган, ўша жойда, сувнинг қок ўртасида қуруқлик –

орол пайдо бўлибди. Бу ер “Пайгамбар ороли” номини олган. Бу ҳақда Менгзиё Сафаровнинг шу номда аталган гўзал киссаси ҳам бор.

Минг йилликлардан иборат тарихни босиб ўтган Термизнинг ҳозирги, таниб бўлмас даражада ўзгарган, бир чиройига минг чирой кўшилган жамолини кўргач эса, юрагингиз яна тўлқинланади. Қадимийлик ва замонавийликнинг гўзал уйғунлигига гувоҳ бўласиз. Муҳими, бағрикенг Сурхон ахли ҳаяжон ва қувонч билан истиқлол берган улкан имкониятлар самарасини дилдан ҳис этиб яшамокдалар.

Бизнинг гуруҳимиз эса бу пайтда Абулқосим Фирдавсийнинг термизийлардан бири Дакикий ҳақида:

*Белин боғламиш шоири навжувон,
Ўзувда ажойиб ва равшан-равон.
Назмга тизибдур чунонам суҳан
Ки индин севишимши дили анжуман...*

– дегани каби бир ҳолис мақсад билан Деновга йўл олганди...

* * *

Ҳар қандай миллатнинг маънавий томири, борлиги, гурурини такомил қиладиган куч адабиётда, китоблардадир. Бежизга китобни офтобга менгзашмаган, китоб қирган уйга нур қиради, дейишмаган. Чунки китобнинг кадрга етган одамдан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. Зеро, неки дилни оғритадиган ишлар бўлмасин, унинг бари маънавиятсизликдан келиб чиқиши эса ҳаётда ўз исботини топган.

Бугун юртимизда маънавият, маърифат, китоб мутолааси масаласи янада устуворлик касб этмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳам ўзининг халқ билан бўладиган учрашувариди, турли тантанали маросимлар ва катта-катта йиғилишларда китобхонлик, айниқса, ёшларнинг “маънавий иммунитетини” ошириш, уларни ватанпарвар, фидойи инсон этиб тарбиялашда китобнинг нечоғлик катга аҳамиятга эга эканлигини такрор-такрор таъкидлаётганлиги ҳар бир юртдошимизни чексиз қувончга, керак бўлса, бу борада масъулиятга чорламоқда.

– Бугунги болалар эртанги кун халққа айланади, – деди давлатимиз раҳбари. – Ёшларни китобга қайтаришимиз керак. Ахборот-коммуникация соҳасидаги охириги ютуқларни ўзлаштириш билан бирга, ёшларни китоб ўқишга бўлган қизиқишини кучайтиришга, уларнинг китоб билан дўст бўлишига, аҳолининг китобхонлик савиясини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.

Олий минбарлардан туриб таъкидланаётган бу сўзлар бутун юртимиз бўйлаб акс-садо бермоқда. Жойларда китобхонлик бўйича қатор анжуманлар, учрашувлар ўтказилмоқда. Халқимизнинг китобга ташналиги ана шундай тадбирларда ўз гўзаллиги ва маҳобати билан кўнгилларни тўлқинлантирмоқда.

Сафаримизнинг асосий муддаоси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ва Денов туман ҳокимлиги Маънавият тарғибот бўлими ҳамкорлигида шу йилнинг 15-17 апрель кунлари китобхонлик учрашувларини ташкил этиш эди. Уч кун давом этган ушбу анжуманларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, Халқ шоири Сирожиддин Саййид, Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги, адабиётшунос олим Бахтиёр Назаров, “Шарқ юлдузи” ва “Звезда Востока” журналлари Бош муҳаррири, шоир Сирожиддин Рауф, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси адабий алоқалар кенгаши раҳбари, адабиётшунос олим Адҳамбек Алимбеков, халқаро Амир Темур жамғармаси раиси

ўринбосари, ёзувчи Тўлқин Ҳайит, “Тонг юлдузи” газетаси бўлим мудирини, шоир Ахтамкул Карим ва бошқа ижодкорлар фаол иштирок этишди.

Шукри, китобни севадиган, маънавиятни кадрлайдиган халқимиз бор. Бунга Сурхон воҳасига ташриф буюрган ижодкорлар яна бир бор амин бўлишди. Термиз аэропортида бўлиб ўтган кичик муддатли суҳбат жараёнида вилоят ҳокимининг ўринбосари Рўзимурод Чориевнинг айтганларидан ҳам буларни англаш мумкин.

– Президентимиз шу йил 10-11 февраль кунлари Сурхондарёда бўлганида Ҳаким ат-Термизий ва Абу Исо ат-Термизий мақбараларини зиёрат қилиб, бу улуг зотлар яратган маънавий меросни аввало эъзозлаш, ўқиб-ўрганиш борасидаги қимматли фикрларини баён этди. Адиб Собир Термизий номидаги ахборот-кутубхона маркази қурилиши билан танишди. Бу маънавий даргоҳнинг бунёд этилиши Сурхон халқига бебаҳо совға, чексиз имкониятлар эшигини очди. Бундан юртдошларимизнинг боши осмонда, – деди у.

Президентимизнинг Сурхондарёда бахшилар мактабини очиш ғояси эса яна бир тарихий воқеалардан бири бўлди. Чунки бундай масканлар Алломишлар юртида миллий кадрларимиздан бўлган халқ оғзаки ижодини ўрганиш, тарғиб-ташвиқ қилишда тенги йўқ даргоҳга айланиши шубҳасиз.

Яна жорий йилнинг 14 февраль куни Президентимиз томонидан “Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор ва ушбу қарор асосида амалий ишларнинг қизғин кечаётгани ҳам маърифат ва маънавий юртимизнинг бош устунларидан бири бўлаётганидан далолатдир.

Шундай таассуротлар, хаяжонли суҳбатлар билан вилоят марказидан Денов тумани сари йўл олинди. Термиздан Деновгача қарийб 130 қақирим масофа бўлиб, воҳанинг бир нечта туманлари – Жарқўрғон, Қумқўрғон, Шўрчи туманларини кесиб ўтувчи катта магистрал йўлнинг икки тарафида – обод хонадонлар, республикамизнинг бошқа жойларига нисбатан анча иссиқ ҳарорат ва омилкор деҳқонларнинг меҳнатлари боис барқ уриб яшнаб ўсаётган ғалла майдонлари кўзни яшнатади. Сурхонда ғалла ҳосили бу йил ҳар қачонгиданда мўл, баракали эканлигидан далолат бу ҳам!

Йўл четидаги қатор замонавий уйлар, баъзи қиру адирларнинг қоқ тепасида ҳам ям-яшил бўлиб гуркираб турган боғларни кўриб, шунча баландликка ҳам сув олиб чиқиб, меҳнатини миннат билмаган сурхондарёликларга яна бир бор қойил қоласиз...

*...Кўкни тешиб ўтган дуволар ичра
Кезинар сирларга кўмилган диллар.
Бирдан кенгликларни кўмсайди барча,
Бирдан кенгликларни истар қўнғиллар.
Аксу садоларки сотар бирма-бир –
Дуволга бир берсанг юрак сирингни,
Юртим, деб ҳайқиргин, Ватан, деб ҳайқир,
Кенгликлар асрайди ҳайқирингинги.*

Қумқўрғонлик навқирон шоир Шавкат Дўстмуҳаммаднинг ана шу сатрлари бу кенгликларни обод қилаётган, гуркиратаётган жиҳат – халқнинг юрт, Ватанга меҳри туфайли эканлигини гўё англатиб бораверади.

Шўрчи туманига кириб борарканмиз, беихтиёр Шўрчи шахридан 10 километр шимоли-шарқда жойлашган Далварзинтепанинг қадим харобалари яна ҳаёлни тарихга қарагади.

Бир замонлар калинлиги 10 метргача етган мудофаа девори билан ўраб олинган шох саройи ва шаҳарнинг ўзидан иборат бўлган бу жойлар аждоқларимизнинг энг қадим мудофаа истехкомларидан бири бўлган. Бу ҳудудда қадимдан аслзодалар, ҳунарманду кулоллар, савдогару дин пешволари истикомат қилишган. Қушон салтанатининг дастлабки пойтахти шу Далварзинтепа ўрнида бўлган деган фаразлар ҳам бор. Чунки манбаларда қайд этилишича, милоддан аввалги биринчи аср охири ва милоднинг бошларида Шимолий Бактрия ҳудудида Далварзинтепадан-да йирик шаҳар бўлгани ҳақида хануз ҳеч бир маълумот қайд этилмаган.

...Қадим Чағониён – Денов замини... Сурхондарёнинг ўрта ва юкори оками бўйларида жойлашган бу жойлар ҳақида милоддан тахминан 630 йил илгари хитой тарихчилари қўлёзмаларида ҳам қайд этилган. Милоддан аввалги 2-минг йилликнинг иккинчи ярмида эса айнан шу заминда илк деҳқончилик манзилгоҳларидан бири Мўлалитепа, илк шаҳарлардан бири Қизилтепа вужудга келган. Умуман, милоддан аввалги ва кейинги даврларда юечжилар давлатининг асосий марказларидан ҳисобланган Чағониён ҳам Қушон салтанати таркибига кирган. Чағониён пойтахти Сағониён деб аталиб, бу даврда Марказий Осиёнинг энг йирик иктисодий ва маданий марказларидан бири бўлган.

Ана шу кўҳна илдишлардан ҳали-ҳамон куч олиб гуркираётган, Сурхондарёнинг энг чет ҳудудларидан бири бўлишига қарамай, маданият, маърифат, қолаверса, иктисодий жиҳатдан доимо олдинда бўлишга ҳаракат қилиб келаётган деновликлар қайси соҳа вакили бўлмасин, китобнинг ўрни, аҳамияти ва мутолаа ҳақида ўйлайдилар, бу йўлда амалий ишларга рағбат қиладилар.

Улардан бири “Чағониён-наслчилик-Денов” хусусий корхонаси раҳбари Исом Худойбердиев бўлиб, у Денов фаолларидан, туман кенгаши депутати. У аҳоли турмуш шароитининг яхшиланишига ҳисса қўшиш учун 1,5 миллиард сўм маблағ сарфлаб уч каватлик савдо, ишлаб чиқариш мажмуасини барпо этган. Шу билан бирга асосан ёшлар учун мўлжаллаб, китоб дўкони, кутубхона ва замонавий ахборот-ресурс маркази сифатида барча қулайликларга эга маънавият марказини бунёд этишга бел боғлабди. Президентимизнинг илгари сураётган ғояларига “лаббай”, дея жавоб бераётган шундай талбиркорларга “Балли, отангга раҳмат!” демай бўладими?!

Шу куннинг ўзида Денов туман ҳокимлигининг катта мажлислар залида “Денов адабиёт кунлари”нинг тантанали очилиши бўлиб ўтди. Бу анжуманда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али бутун мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан адабиётга, адабиёт аҳлига бўлган эътибор ва ғамхўрликлар ҳақида сўз юритди.

Денов тарихи, ушбу заминда ижод қилиб келаётган истеъдодли ижодкорлар ҳақида ҳикоя қилар экан, “Маънавият тарғибот маркази” туман бўлими раҳбари Тоштемир Турдиев Деновда ўзига хос адабий муҳит шаклланганини фахр билан тилга олади:

– Туманимизда 50 нафардан зиёд ижодкорлар ўз асарлари билан элимиз эътиборига тушган. Улардан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари Чоршанби Дехнавий, Сафар Кокилов ҳамда истеъдодли шоирлар Хуррам Райим, Искандар

Музаффарзода, Холбиби Эргашева, Шухрат Азизов, истеъдодли ёш ёзувчилар Шахноза Эшмирзаева, Сарвар Тўраев, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари Дилрабо Норқулова, Шахноза Турсунова, Фарид Тошпўлатовалар туманимизнинг фахри, эртаимизнинг умидли ижодкорлари ҳисобланишади...

“Адабиёт кунлари” доирасида Муҳаммад Алининг “Улуғ салтанат” эпопеяси тақдими бўлиб ўтди. Тарихимизнинг шонли замонларидан ҳикоя қилувчи маърузчи тарихий эпопеяда ёзувчи Соҳибқирон Амир Темури сиймосини ишончли тарихий воқеалар билан гавдалантирар экан, буюк жаҳонгир бобомизнинг улуғ салтанат барпо этиш йўлидаги не-не машаққатли, оғир синовли, лекин бетимсол ҳаётини қаламга олган. Тақдиротга йиғилган китобхонлар, айниқса, ёшларнинг муаллифга берган саволларининг кўплигидан ҳам уларнинг буюк бобомиз сиймосининг бадиий талқини қанчалик қизиқтирганини билиб олиш мумкин эди.

“Адабиёт кунлари”нинг иккинчи куни яна бир эзгу амал билан бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 27 мартдаги “Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарорига жавобан, тумандаги Шароф Рашидов номидаги хўжалиқда атоқли давлат арбоби ва адиб хотирасига ўрнатилган бюст пойига гулчамбарлар қўйилди.

Ўшбу маънавий-маърифий тадбирда Денов туманидаги ташкилот, корхона, таълим муассасалари вакиллари, маҳалла фаоллари, ёшлар иштирок этди. Шароф Рашидов республикамизда раҳбарлик қилган йиллари хўжалиқ раҳбари бўлиб ишлаган, бугунги кунда “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг Денов туман бўлими раиси сифатида меҳнат қилаётган Ўрол Сафаровнинг хотиралари кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

– Мен Шароф Рашидовни бундан қирк етти йил муқаддам – ўқувчилик давримда кўриш, суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлганман, – дея хотирлади Ўрол Сафаров. – Ўша пайтлари мактабнинг 9-синфида ўқирдим. Бригадир Абдусаттор Сафаров Денов туманидаги доврқли пахтакорлардан бири бўлиб, менинг туғишган акам эди. Синф раҳбаримиз беш-олти ўғил болани шу ерга ёрдамга юбориб турарди. Юқори ҳосилдор бригада бўлгани учун туманга ташриф буюрган ёзувчи ва шоирлар, олимлар ва давлат раҳбарлари шу ерга келишарди.

Ўшанда ишдан биров толиққанимиз учун шийпон ёнидан ўтувчи катта кўча четига тут соясида бирозгина дам олиб, суҳбатлашиб ўтирувдик. Бир маҳал ҳеч қутилмаганда яқингинамизга қоп-қора “Чайка” автомобили келиб тўхтади. Ундан олдинма-кейин уч киши тушишди, оҳорли оқ костюм-шим кийган, бошидаги шляпаси ҳам шу кийимларга рангдош бўлган салобатли, истараси иссиқ одам биз томон юрди. Бошқалар ҳам унга эргашди. Шиляпали киши ҳаммамиз билан худди катта одамлардек қўл бериб кўришди. Яхши эслайман. У киши шундай саволлар берди.

– Йигитлар, адабиётни яхши кўрасизларми? Яхши. Унда “Меҳробдан чаён”ни ким ёзган?

Дарров синфдошларимга қарадим. Улар жим эди. Уларни ҳаяжон босганди. Мен худди синфдагидай қўл кўтардим.

– “Меҳробдан чаён” романини Абдулла Қодирий ёзган. У кишининг яна “Ўтган кунлар” романи бор.

Шароф Рашидов яна савол ташлади.

– Мактабларинг Мичурин номи билан аталар экан. Мичурин ким бўлган?

Бу саволга синфдошларимдан бири:

– Бу киши олим. Дунёда машҳур боғбон бўлган, – деб жавоб қайтарди.

Қуз бошланган бўлса-да, ҳали-ҳамон жануб куёши мўл-кўл нур сочар, ҳарорат ёздагидек эди. Шароф ота шляпаси билан елпиниб, яна савол бердилар.

– Ўзбекистон Марказқўмининг биринчи котиби ким?

Ҳажжоним ёз куёшига ўхшаб кетди. Олдинга икки қадам ташлаганимни билмайман. Баланд овозда, ўша пайтларнинг жасур йигитларидек жавоб кайтардим.

– Ўзбекистон Марказқўмининг биринчи котиби Сизсиз. Сиз... Шароф Рашидов.

Охирги саволга жавобни билишимга менда тўла асос бор эди. Гап шундаки, шу пайтлари телевизор энди ҳаётимизга кириб кела бошлаган пайтлар. Отам қишлоғимизда биринчи бўлиб телевизор харид қилган эди.

Ўша пайтларни эсласам кулгим келади. Уйимиз кечкурунлари гўё тўй бўлиб кетарди. Одамлар ховлига сиғмасди, телевизор кўргани келишарди. Телевизорда қизик кино бўлаётган кун-ку ўтиришга жой топилмай қоларди. Қисқаси, мен телевизорда Шароф Рашидовни кўп кўрардим. У киши “Чайка”дан тушаётганидаёқ бу улуг одамни дарров билувдим, танувдим.

Шароф Рашидов кетар чоғларида ўқишимиз билан қизикди.

– Албатта Тошкентга боринглар, зўр-зўр ўқишларга хужжат топширинглар, – деди.

У киши кетди. Биз сеҳр кучоғида қолгандай эдик. Наҳотки, шу одам Шароф Рашидов бўлса! Бошқа иши йўқдай оддийгина мактаб болалари билан эринмай суҳбатлашса! Чиндан ҳам унутилмас кун бўлган эди.

Орадан неча йиллар ўтди, тақдирнинг шарофати боис, мен турли вазифаларда ишладим. Шароф Рашидов билан яна бир неча бор кўришдим. Мени лол қолдиргани шунда эдики, у киши ниҳоятда ўткир хотира соҳиби ҳам экан.

Гап шундаки, 1980 йили мен Бухоро вилоятидаги “Қоровулбозор” массивида қурилиш трестида ишлаб юрган чоғимда, у ерга Шароф Рашидов ташриф буюрди. Орадан ўн икки йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, менга юзланиб, “Сиз кўзимга жуда иссиқ кўринаясиз. Ҳа, мен сизни Деновда кўргандим. Саволлар бергандингиз”, – деди.

Мен гўёки тахтадек қотиб қолгандим. Ана хотира, мана хотира! У киши кунига юзлаб кишилар билан учрашиб, мулоқот қилади. Буларнинг барчасини қандай эслаб қолар экан-а?!

...1991 йилнинг апрель ойида Денов туманидаги “Октябрь 50 йиллиги” колхозига раисликка сайландим. Енг шимариб ишга киришдим. Аммо очигини айтай, хўжаликнинг номи менга ёқмасди. Фикримни туман раҳбари Эшмурод Турдалиева (жойлари жаннатдан бўлсин) билдирувдим. “Буни элингиз билан маслаҳатлашиб кўринг” деди.

Шу орада ишлаётганимга бир йил тўлиб, хўжалик аъзоларига йиллик ишлар ҳақида ҳисобот бердим. Ҳисобот йиғилиш охирида пахтакорларга, умуман, хўжалик аҳлига кўнглимдагини айтдим:

– Хўжалик номини ўзгартирсак: хўжалигимизга Шароф Рашидовнинг номини берсак, жуда яхши бўларди.

Одамлар гуруллашиб, тўлқинланиб кетишди: жуда тўғри, жуда муносиб. Шундай одамнинг номини қўймасак қимникини қўямиз. Шунда ўз-ўзимдан мамнун бўлиб кетдим. Кўз олдимда гуруллаган товушлар ичра Шароф отанинг юз кўзларини кўриб турардим. У киши оқ-сарикдан келган, улугвор мулоҳазали, салобатли инсон, юзларига самимият нур бериб тургандек эди.

Аммо эртаси... Бу қувончларим ёрилган шардай бўлди. Чакирув бошланиб кетди.

– Келиб-келиб сиз шундай одамми-а?.. Ҳеч ўйламадингизми, кўркмайсизми?

– Шундай одам бўлиб нима қилдим? – журъатланиб гапирдим. – Тошкентни

Ўрта Осиёнинг энг гўзал шаҳрига айлантирди. Тошкент метросидай метро яна қаерда бор?

Яна кўп гаплар айтмоқчи бўлдим. Ҳалқумимга нимадир тикилгандай бўлиб, каттик йўтал тутди. Бу йўтални пиёла-пиёла сувлар қондирилмас эди. Ҳадеб ўқчирдим.

Бекорга нур борки, соя бор дейишмайди. Йиғилишнинг эртаси куни Эшмурод Турдалиев идорам эшигидан кириб келди. Мен кутмовдим. Кўришиб сўрашгач, кўлидаги телерамма қоғозини кўлимга тутқазди.

Телеграмма Шароф Рашидовнинг кизи Сайёра Рашидовадан эди. “Хурматингиз ва жасоратингизга қойилмиз. Сизларни отамнинг руҳи қўлласин”. Телеграммада Сайёра Рашидова исми-шарифи ёнида Шароф отанинг турмуш ўртоғи бўлган Хурсаной аянинг ҳам номи қўйилганди.

Буни қарангки, ҳўжаликка Шароф ота номи берилгани ҳақидаги хабарни Ўзбекистон телевидениеси, республика матбуотига деновлик олим, фидойи инсон Тоштемир Турдиев етказган экан. Сайёра Рашидова эса телевизордаги ахборотни эшитгач, Деновга телеграмма жўнатибди.

* * *

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Тоштемир Турдиев эса Шароф Рашидов асарларининг бирида сурхондарёлик шоира Раъно Узокова ҳақида ёзганлари билан ўртоқлашди:

“1918 йил кеч кузининг изғирин шамоли тўхтамай эсиб турар эди. Зимистон кечанинг зулматлари ҳар ёнга ваҳима солмоқда. Вокзалдаги пасткам бир девор остидан аллақандай инграган овоз келади. Бу ёш гўдакнинг товуши эди.

Онанинг иссиқ кўйнида ором ололмай, оташин меҳрига қонолмай қолган бу уч ёшли гўдакнинг бу ерга қачон, қаердан ва ким келтиргани номаълум. Гўдак йиғлайди, юраги ззилади. Меҳрибон онанинг иссиқ кўкрагини қидиради. Ота-онанинг ўлганини билганлар унинг мунгли йиғисига бир оҳ тортиш билан, билмаганлар эса: “Эҳ, лаънати ота-она!” дебгина жавоб берадилар.

Қоп-қоронғида бир хотин нимадир кўтариб келарди. Бу Термиз вокзали машинистининг хотини Марям эди. У эрига овқат олиб келарди. Гўдак йиғисини эшитган Марям у томон бориб, уни дарҳол ердан кўтариб олди-да, меҳрибонларча бағрига босди.

Бу гўдак бўлажак доврукли шоира Раъно Узокова эди...”

– Адиба тўғрисида ёзишни мен ҳам кўпдан кўнглимга тутиб юрардим, – дейди Тоштемир Турдиев. – Раъно Узокова йиллар ўтиб, ҳурматли адибимиз Шароф Рашидов муҳаррирлик қилган Самарқанд вилоят газетасида адабиёт ва маданият бўлимини бошқарган. Шароф ака Раъно Узокова ижодига мураббийлик қилган.

1976 йилнинг май ойида мен Раъно Узокова ҳаёти ва ижоди тўғрисида аниқлик қилиш учун Шароф Рашидов қабулларида бўлдим. Юртимиздан чиққан шоира ҳақида фикрларини билмоқчи эдим. У киши менинг ниятимдан қувониб кетди ва астойдил бу таклифимни қўллаб-қувватлади.

Раъно Узоқованинг шахсий фазилатлари, иши, ижоди юзасидан қимматли маълумотларни бераркан, пировардида: “Яхши шоира эди. Унинг дуварак меваларидек мазмунан қуюқ, шаклан пухта ёзиши кўриниб турарди. Мен унинг ижоди ҳақида бир анжуманда маъруза ҳам қилган эдим. Афсуски, ўша маъруза матни мен урушга кетганда йўқолган. Урушдан қайтиб келгач ҳам шоира билан бирга ишладик. Раъно кейинги вақтларда юрак касалидан кўп азият чекди. Биз уни даволаниб келиши учун Кисловодск санаторийсига юбордик. Аммо Раъно ўша ерларда ҳам фақат даволанибгина қолмай, “Макр ва муҳаббат” деган гўзал бир дoston ёзиб келганди.

Ҳа, Раъно мураккаб бир даврда яшашига қарамай, анчагина салмоқли ижод қилди. Ўша даврда чиққан газета тахламларини варақланг. Яна эҳтиёж туғилса, учрашар-миз”, – деганди Шароф ака.

Шароф Рашидов билан иккинчи учрашувим 1978 йилда бўлиб ўтганди. Ўшанда устоз адиб Муҳаммад Али ёрдамларида нашрдан чиққан Раъно Узокованинг “Субҳидамда учган қалдирғоч” китобини ўз қўлим билан у кишига тақдим этганман. Менинг ҳаётимдаги унутилмас воқеалардир бу...

* * *

...Туманнинг Водий маҳалласи “Фарғона маданият ва аҳоли дам олиш маскани” да давом этган учрашувларда адабиётнинг инсон ҳаётида тугган ўрни, юртимизда яратилаётган янги асарлар, маънавиятга эътибор масалаларига бағишланди.

“Деновда адабиёт кунлари”нинг учинчи куни эрта тонгдан анжуман иштирокчилари, туман ҳокимлиги ва жамоат ташкилотлари, фаоллар, ёшлар иштирокида ушбу туман марказида қад кўтарган Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбарлар кўйилди. Кейин шу заминда мангу қўним топган улуғ зотлардан бири Хожа Аловуддин Аттор валий қабри зиёрат этилди.

Тарихий манбалардан маълумки, бу улуғ авлиёнинг айнан Денов маънавий муҳитининг юксалтиришдаги хизматлари бекиёсдир. Ёзувчи Тўлқин Ҳайит “Шоҳрух мирзо улуғлаган зот” деб номланган эссесига ёзишча, Аловуддин Атторнинг ҳақиқий исм-шарифлари – Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий бўлиб, ота-боболарининг асли Хоразмдан эканлиги манбаларда аниқ қайд этилган.

Оталари Бухоронинг кўзга кўринган кишилардан бири бўлиб, ўғиллари Шаҳобуддин, Хожа Муборак ва Хожа Аловуддин ҳам савдогарлик ишлари билан шугулланишган. Отаси вафотидан сўнг Аловуддин Аттор ўзига тегишли меросдан воз кечиб, илм олишга киришади. Зукколиги, камтарлиги ва илмга чанқоқлиги билан Баҳоуддин Нақшбанд назарига тушиб, унинг тарбиясини олади, ҳатто у кишига куёв бўлиш шарафига лойиқ кўрилади. Шунингдек, тарихий манбаларда бу шахснинг Бухородан Деновга келганлиги, Муҳаммад Порсо томонидан “Мақомоти шайх Аловуддин Аттор” рисоласини ёзганлиги, аини пайтда кўрсатмалари ва йўл-йўриқлари билан улуғ пирлари бўлмиш Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида “Рисолаи Қудсия” ҳамда Салоҳ ибн Муборак томонидан “Анис ат-толибин”, яъни бугунда “Хожа Аловуддин айтмишлар” ҳикоялар китоблари битилгани ҳам айтиб ўтилган.

Ўша пайтларда улуғ зотларнинг ўзлари тарбиялаб вояга етказган шогирдларини илм-зиё тарқатиш, халқни маърифатга бошлаш учун турли томонларга жўнатишлари оддий ҳолга айлангани учун Хожа Аловуддин Аттор ҳам ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандийдан Чағониёнга бориб, илм-зиё тарқатиш дуосини олган бўлиши керак, деган тахминлар бор. Чунки аллома умрининг охириги ўн йилини шу ерда, Денов беклигида ўтказгани, мавлоно Ёқуб Чархийни ўз ҳузурига қақиргани, 1400 йилнинг 18 мартда (ҳижрий 802 йил 20 ражаб) вафот этгани ҳам манбаларда қайд этилган. Қабри Денов яқинидаги Шайх Аттор валий қабристонига бўлиб, эски тузум даврида харобага айлантирилган бу жой юртимиз мустақиллигидан сўнг муқаддас зиёратгоҳлардан бирига айлантирилди ҳамда макбара бунёд этилди.

Денов туманидаги Раъно Узокова номидаги педагогика касб-хунар коллежидаги учрашувларда ҳам бугунги ёшларнинг китобга, адабиётга меҳри ниҳоятда баланд эканлигига гувоҳ бўлдик.

– Коллежимизда 1500 дан зиёд ёшлар сабоқ олади, – дейди билим даргоҳи ўқитувчиси Меҳрихон Қаршиева. – Улар орасидан шоирлар, калами ўткир ёзувчилар, санъаткорлар этишиб чиқишига ишонамиз. Негаки, ўнлаб ўқувчиларимизнинг илк ижодий намуналари нафақат туманимиз, балки вилоят, республика матбуотида мунтазам ёритилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ушбу ўқув масканига 300 та китоб совға қилинди. Коллеж талабалари шеър ва қўшиқлар ижро этишди.

– Юксак савияда бўлиб ўтган адабиёт кечаси ҳаётимда унутилмас воқеа бўлди. Юртимизнинг таниқли ижодкорлари билан юзма-юз мулоқот қилиш, кизиктирган саволларимизга улардан жавоб олишнинг гашти ўзгача бўлар экан. Ўз навбатида янги чоп этилган асарлар билан танишдик, адабиёт кунларидан олам-олам таассурот олдик, – дейди тумандаги спорт ва педагогика коллежи ўқувчиси Ниғина Тошбоева.

Ниғинанинг гапларида жон бор. Бу китобхонлик учрашувларидан ўзимиз ҳам жуда катта таассуротлар олдик. Боиси, Бойсунтоғ, Кўхитантоғу Боботоғ билан ўралган бу замин одамларининг нафақат ғурури, ори, марду майдонлиги, балки бой маънавиятининг ҳам тоғлар қадар юксаклигидан яна бир қарра фахрландик.

Сафаримиз охирида, “Термиз–Тошкент” поездида пойтахт сари отландик. Дарбанд, катта ўзбек трактининг шарқий томонида жойлашган машхур “Чак-чак” довонию, қуйироқдаги “Темир дарвоза” орқали ўтган рельсларда шиддат билан Тошкент томон йўналган поездда кетарканмиз, азим тоғлар ортига ҳориб бош қўяётган Сурхон қуёши кун охирида колганига қарамай тафт улашишда давом этар, гурунлар қулгуга, таассуротлар шеърларга уланиб борарди. Шу маҳал гуруҳимиз раҳбари, устоз Муҳаммад Али ҳаяжонланганча ёнимизга келиб, ҳар биримизни алоҳида-алоҳида табриклай бошлади. Биз эса ҳайрон. Балки китобхонлик кунлари муносабати билан ўтказган тадбирларимизда ҳар ким қўлдан келганча бу учрашувларнинг унутилмас, энг муҳими, фойдали бўлиб ўтишига ҳисса қўшганидан миннатдордир? Балки шоир ва ёзувчиларнинг Сурхон элига бунчалик тез мослашиб, меҳри тушиб, ҳозир ҳам ҳаяжонда олган таассуротлари билан поезд ойналари ортидан лип-лип ўтиб, борган сари орқада қолаётган воҳа манзараларидан кўз узгиси келмай кетаётганларидан ҳаяжондадир?

– Албатта, албатта, – дейди Муҳаммад Али бу берилмаган саволларимизга жавобан. – Шундай юртга келиб, уни зиёрат қилиб, қанчадан-қанча маънавиятли инсонлари билан ҳамсуҳбат бўла олган одам хурсанд бўлади-да! Аммо сизлар учун яна бир муҳим хушхабар: ҳозиргина Президентимиз Тошкентда “Адиблар хиёбони”ни ташкил этиш ҳақидаги қарорга имзо чекканини айтишди. Хурсандлигимнинг сабаби ана шунда!

Бу янгиликдан калбимиз янада ёришди. Чунки адабиёт – бу ҳаёт, бу адаб, енгилмас, ўлмас ғоя демакдир. Миллат дилидаги нурни ҳам адабиёт ёритиб туради, деган эди таниқли адибларимиздан бири. Шундай экан, маънавиятнинг асоси бўлган адабиётнинг кадрили баланд кўтарадиган халқнинг бугуни ҳам, эртаси ҳам ёрув бўлиши шубҳасиз.

ИККИ ҲИКОЯТ ТАДҚИҚИ



Хусрав ҲАМИДОВ

МУҚАДДИМА

Шарк ирфоний шеърятининг ривожланишида катта бурилиш ясаган Жалолиддин Румий “Маснавийи маънавий” асарида кўпгина қисса ва ҳикоятларни турли диний, ирфоний, адабий, тарихий манбалардан олиб қайта ишлаб, ўқувчига тақдим этиб борганда назарда тутган муддаони аниқ ифодалаш учун ҳар бирининг сюжети-га айрим ўзгаришлар киритади. Натижада улар янгича қиёфа касб этиб, таълимий маъноларни бирор қийинчиликсиз тушунтириб беришда муаллифга кўмаклашади. Аммо шоирнинг дostonчилик маҳорати бу билан чегараланмай, илҳом кайнови ва ижод таъсирида икки-учта турли хилдаги сюжетли ҳикоятларни ҳам бир-бирига уйғунлаштириб, уларнинг сюжетини ўз ғоясига бўйсундириб олганлиги ҳам кузатилади. Бундай услубдан фойдаланиш мумтоз форс-тожик ирфоний дostonчилигида жуда кам учрайди, Румийдан олдин, агар Фаридиддин Атторнинг баъзи генезиси топилмаган ҳикоятлари эътиборга олинмаса, бу услубда ёзилган ҳикоятлар деярли йўқ.

Бундай ҳикоятларнинг намунаси сифатида биринчи дафтардаги “Подшоҳ ва жория” ҳамда иккинчи дафтардаги “Аҳмад Хизравия ва унинг ҳалво сотиб олгани” ҳикоятлари кўриб чиқилиб, уларнинг сюжетларида монтаж усулидан фойдаланиш масаласи тадқиқ этилади.

1. “ПОДШО ВА ЖОРИЯ” ҲИКОЯТИ

Мавлоно Румийнинг энг машҳур ҳикоятларидан бўлмиш “Подшоҳ ва жория” қиссаси “Найнома”нинг (“Маснавий”нинг муқаддимаси) мантикий давоми ҳисобланади. Чунки най билан жориянинг аҳволи ўхшашдир, иккови ҳам ҳижрондан нолийди, иккови ҳам васл истагида ҳаракат қилишади. Фақат фарқ шундаки, “Найнома”да найнинг “найистонга” интилиши ифодаланган, лекин унинг висолга эришгани ҳақида сўз бормаган. У бир умр айрилиқдан шикоят қилади. “Подшоҳ ва жория” дostonида эса жориянинг кўнгли вақт ўтгани сари заргардан совийди. Мазкур ҳикоятда рамзлар алоҳида ўрин тутади. Масалан, жория солиқнинг рамзи бўлса,

Хусрав ҲАМИДОВ – 1981 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетининг тожик филологияси магистратурасини битирган. Республика нашрларида қатор мақолалари эълон қилинган.

илохий табиб муршиди комил тимсолидир, заргар эса, нафса ишора, подшоҳ – Тангрининг рамзи. Ҳикоят оркали фақат бошқа мазмунларни айтишга улгурган Жалолиддин Румий нафсни инсон танасида ўлдириш учун заргарни ўлдиришга мажбур бўлади. Дарҳақиқат, дostonнинг турли манбалардаги сюжетлар оркали янги қиёфа касб этиши солиқ фақат муршиди комил оркали нафсдан кутулиб, Ҳақ висолига етишиш ғоясини баён этишга тўлақонли жавоб беради. Румий дostonнинг илк байтида ушбу дoston ўз ҳолининг ифодаси эканига ишора қилиб ўтган:

Бишнавед, эй дўстон, ин дoston,
Худ ҳақиқат нақди холи мост он.¹

*(Эй дўстлар, ушбу дostonни эшитинглар,
Дарҳақиқат, у бизни ҳолимизнинг айни ўзидир.)*

Мазкур хикоятдаги можароларнинг айни ўзи аввалги манбаларда учрамайди. Унинг бир қисми Низомий Арузийнинг “Чаҳор мақола”сида келган Ибн Сино ҳақидаги ривоятга яқин, бир детали “Фирдавс ул-хикма” ва “Захираи Хоразмшоҳий” асарларидаги хикоятларга ўхшаш, бир қисми Низомий “Хамса”сидаги Аршимедас ҳақидаги ривоятга яқин. Низомий Арузийнинг хикоятига кўра, инсоннинг томир уришини текшириш оркали у кимни севганини билиб олиш мумкин экан.

“Подшоҳ ва жория” хикоятидаги жорияга таскин бериш учун заргарни Самарқанддан чақириб келгиришгани, бироз муддат ўтгач унинг лоғарлик туфайли вафот этгани эпизоди арабларнинг “Урва ва Афро” номли ишқий дostonига ўхшайди. Бу ошиқ ва маъшук номларини Манучехрий шеърларида учратамиз, ирфоний дostonчиликка катта улуш қўшган Абулмажд Санойи ҳам ўз “Девон”ида уларнинг ишқига ишора этган. Хоконий айтади:

Дар банди ишқи шохиду ҳам ишқи шохидаш
Ишке чу Қайси Омириву Урвай Ҳизом.²

*(Шоҳид ишқининг бандида бўлган ҳолда
Ёрининг ишқи Қайс Омирий ва Урвай Ҳизом ишқига ўхшайди.)*

Демак, Мавлоно Жалолиддин Румий ушбу хикоятдаги персонажлар ҳақида “Маснавий” асарида очик-ойдин тўхталиб ўтмаган бўлса-да, дostonнинг мазмунидан хабардор бўлган. Дoston сюжети бундай: “Урва бин Ҳузум бин Муҳожир ўз амакисининг қизи Афрони қаттиқ севарди ва унинг суҳбатида бир манзилда катта бўлди. Оқибат унга совчи жўнатди, лекин Афронинг онаси ундан кўп мол талаб қилди ва Урва ночор бўлиб, ўзининг бошқа амакиси олдига – Яманга борди. Ушбу пайтда Афрони бир Шомий эркакка беришди. Урва сафардан қайтгач, ушбу эр-хотин билан яқин муносабатда бўлди. Эри олдин унга эхтиром кўрсатди, лекин Урва бир неча кундан сўнг уларнинг икковини тарк этди. Бироздан сўнг у Афро ишқидан лоғарлик ва заифликка чалингани сабабли оламдан кўз юмди. Ва Ал-Қуро водийсида (Мадина яқинида) дафн этилди. Урва шеър ахли ҳам бўлган ҳамда бир кичкина девон унга мансубдир”³. Абдушукур Абдусаттор таъкидига кўра, Айюкийнинг “Варқа ва

¹ Мавлоно Жалолиддин Мухаммад Балхӣ. Маснавий маънавий. –Техрон: Нашри замон, 2001, дафтари 1, байти 35.

² Қаранг: Дуктар Мухаммад Жаъфар Ёҳақӣ. Фарханги асотир ва ишороти дostonий дар адабиёти форсӣ. –Техрон: Суруш, 1375. С. 306.

³ Дуктар Мухаммад Жаъфар Ёҳақӣ. Фарханги асотир ва ишороти дostonий дар адабиёти форсӣ. –Техрон: Суруш, 1375. С. 305-306.

Гулшоҳ” достони ҳам шу қисса асосида яратилган⁴. Абулфазл Майбудийнинг “Кашф ул-асрор” асарида ҳам куйидаги байтнинг мазмуни бўйича ўхшаш ривоят мавжуд бўлиб, Румий ушбу ҳикоятдан ҳам таъсирлаган бўлиши мумкин деб хулоса қилинади:

Мерасид аз дур монанди Ҳилол, –
Нест буду ҳаст дар шакли хаёл.⁵

*(Ҳилол каби узоқдан кўринарди,
Хаёл каби ўзи кўримаса-да, мавжуддир.)*

Ривоят куйидагича: “...Абу Ҳурайра деди: Бир куни Худонинг Расули (с.а.в.) бом-лод намозини ўқиб деди: “Айни пайтда масжид эшигидан бир эркак киши кирадики, Ҳаққа манзур бўлган, рубубият меҳрининг назари унинг кўнглида изчиллик билан давом этади”. Абу Ҳурайра тўсатдан эшик олдига бориб, қайта келди. Сайид деди: “Эй, Абу Ҳурайра, заҳмат чекмаким, у сен эмассан, сен ўзинг келасан, уни келтиришдади, сен ўзинг истайсан, уни иштади, истак билдирувчи ҳеч қачон исталганга ўхшамас, борадиган мардикордир, олиб кетилгани меҳмон, мардикорнинг ҳақи унга лойик ҳамда меҳмоннинг келиши мезбонга лойик. Ўша соатда эски тўн кийиниб, риёзат ва мужоҳаданинг кўллигидан унинг бетидаги тери унинг юзига қуриган ва тунги шабзин-далдорлик ва уйқусизликдан унинг бадани ранжур эди ва ўзи хаёлий бўлган экан.

Ишкни бундай бунёд этилишига кўра,
мендай ҳаммасини кўкка совурасан”.

Абу Ҳурайра деди: “Ё Расулulloҳ (с.а.в.) ўша йигит шумикан?” Деди: “Бале, шу кишидир, Муғайранинг қули эди, унинг номи Ҳилол”. Масжидга келиб намозга турди. Сайид деди: “Иннал малаикати латаътамма биҳи, осмоннинг фаришталари унга мувофақат ва мутобаат қилиб, намозда туришган”. Салом бергандан сўнг, Худонинг Расули (с.а.в.) ишора қилиб, уни ўз олдига чақирди, кўлини Расул (с.а.в.) нинг кўлларига берди, Расул (с.а.в.) деди: “Мени дуо қил”, Ҳилол фармонга биноан деди: “Аллоҳумма салли ало Му:аммад ва ало оли Муҳаммад”. Расул деди: “Омин”. Кейин туриб кетди, Худонинг Расули икки муборак кўзларини унга ва унинг ботинига тикиб, тез-тез уни назора қилиб, дейди: “Сен Тангрининг қандай азиз бандасисан, “ва ҳува маакум” (“Ҳадид” сураси 4-оятининг бир парчаси – ва У (Оллоҳ) сизлар билан) хилватида қандай азиз рўзғор ва вақтнинг сафийисанки, кўнгил Ҳақ ёнида шодланиб, жон азал меҳрига нолийди...”⁶

Шоирлик санъатининг барча нозик томонлари, жумладан, сўз ўйинидан етарлича хабардор бўлган Жалолоддин Румий мазкур қиссада “шамс” билан “ҳилол” сўзларидан шеърый ўйиннинг абзори сифатида ишлатган. “Шамс” сўзининг асл маъноси куёш бўлса, бу ерда Шамс деб Шамси Табризийга ҳам ишора қилади (Худ ғарибе дар жаҳон чун Шамс нест, Шамси жон бокист, ўро амс нест.), “ҳилол” сўзининг маъноси янги ой бўлса-да, бу ерда Расул алайҳиссаломнинг даврида яшган Ҳилол исмли кишини ҳам назарда тутган бўлиши табиий ҳол. Чунки омоним сўзлардан фойдаланиш Румий шеърятда кўп учрайди.

Ирфоний дostonчиликнинг асословчиси бўлган Абулмажид Санонийнинг “Ҳадиқат ул-ҳақиқа” асарида куйидаги байт билан бошланадиган битта ҳикоят мавжуд:

⁴ Абдушуқри Абдусаттор. “Варка ва Гулшоҳ” – и Айюкй ва масъалан истикболи сюжет. Камоли Хужандй, 2015 йил, №2. С. 3-22.

⁵ “Маснавий маънавий”, Д.1/69

⁶ Қаранг: Насриддинов Фахриддин Абдуманнонович. “Кашф ул-асрор” Абулфазла Майбуди и его литературное значение. Дис. канд. фил. наук, Худжанд, 2004. С. 127-128.

Ёфт шоҳе канизаке дилкаш,
Шоҳро он канизак омад хуш.⁷

*(Бир подшоҳ бир жорияни топди,
Жория шоҳга маъкул бўлди).*

Бу байт “Подшоҳ ва жория” ҳикоятининг бошланишига ўхшайди. Икки ҳикоятда ҳам подшоҳ жорияни йўлдан топиб олиб, уни севади.

Мавлоно Румий бир неча ҳикоят асосида “Подшоҳ ва жория” ҳикоятини янгича сюжет ва талкин билан тақдим этган. Аммо муаллиф Қуръондаги Мусо (а) ва Хизр (а) киссасидан таъсирланиб, бир неча сюжетни бир-бирига монтаж қилиб, алоҳида дoston яратилгани аён бўлмоқда. Зоҳиран бошқа маънони англаган бу дostonнинг моҳиятига эътибор қаратилса, шоир буюк ирфоний – тасаввуфий ғояни илгари сургани маълум бўлади.

Жалолиддин Румийнинг қуръоний киссаларни янгича талкинда тақдим этилган “Маснавий” асарида баъзи дostonларнинг мазмунига ойдинлик киритиш учун “Мусо ва Хизр” киссаси мазкур дostonларнинг ичида баён этилган. Бошқа қуръоний киссалар каби шоир бу дostonдан ҳам ўринли фойдаланиб, тўғри йўлни топиб, ҳақиқатга эришиш учун муршиднинг роли ва аҳамиятини кўрсатган. Масалан, учинчи дафтардаги “Дақукий” киссасида ҳам худди шу дoston Мавлононинг кўз олдида бўлган, “Маснавий”да мазкур дostonнинг ҳар бир деталига алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, “Подшоҳ ва жория” дostonида боланинг ўлдирилиши хикматидан фойдаланилган бўлса, “Дақукий” киссасида Мусо (а) нинг Хизр(а) билан учрашиб, унинг сиймосида комил инсонни кўриб, кўп нарсани ундан ўргангани назарда тутилган.

2. “АҲМАД ХИЗРАВИЯ ВА УНИНГ ҲАЛВО СОТИБ ОЛГАНИ” ҲИКОЯТИ

“Аҳмад Хизравия ва унинг ҳалво сотиб олгани” ҳикояти икки сюжет асосида яратилган. Аҳмад Хизравия ҳақидаги ривоят “Тазкират ул-авлиё” асарида мавжуд бўлиб, ҳикоятнинг иккинчи қисми “Асрор ул-тавҳид” асаридаги Пири Меҳна ҳаётига боғлиқ ривоятга ўхшайди. “Жоме ул-хикоёт” асарида ҳам Аҳмад Хизравиянинг қарздорлиги ҳақида ҳикоят мавжуд. Румий дostonни икки ҳикоят мазмуни асосида тўкиб, ўз фикрларига мана шу ҳикоят орқали куч-қувват берган. Авлиё ва машойхларнинг ибратли ҳаёти ва сўзларига бағишлаган Фаридиддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё” асарида Ҳабиб Ажамий (к.с.) фаслида ҳам ушбу ҳикоят мазмунига яқин ривоят нақл этилган: “Нақл борки, бир қуни Ҳасан Ҳабиб олдига зиёрат учун келди. Ҳабиб Ҳасан олдига икки арпали нон ва бир парча туз кўйди. Ҳасан тановул қилаётганди. Эшиқдан бир тиланчи келди. Ҳабиб ўша икки парча ва тузни ўша тиланчига берди. Ҳасан ўша ҳолатда қолди, деди: “Эй Ҳабиб, сен шойиста эркаксан, агар бир парча илминг бўлганида яхши эдиким, нонни меҳмон олдидан олиб, ҳаммасини тиланчига берарди. Бир парчасини тиланчига берарди, бир парчасини меҳмонга”. Ҳабиб бирор нарса демади. Бир соат ўтгач, бир қул келди, бошида битта дастурхон бор эди, қовурилган кўзи, ҳалво ва тоза нон билан беш юз дирҳам сим Ҳабиб олдига кўйди. Ва Ҳабиб сим дарвишларга берди ва хонни Ҳасан олдига кўйди. Ҳасан бир парча қовурилган гўштни егандан кейин Ҳабиб деди: “Эй устод,

⁷ Абулмажд Санойи. Ҳадиқат ул-ҳақиқа. С.311.

сен яхши эркаксан, агар сенда бир парча якин бўлганида, яхши эрди. Илм билан якин лозим”⁸.

Мазкур қиссада ҳам Мавлоно Румий онгли равишда икки қиссадан янги ҳикоят тўқийди. Бутунлай бошқача мазмунга молик бўлган ҳикоятларнинг мазмун-мундарижасини бир-бирига қўшгани маълум бўлмоқда. Бу услубни фақат румиёна достоннавислик услуби деб эътироф этиш мумкин. Чунки унинг салафлари бўлмиш барча шоир ва ёзувчилар ўз фикрларини тасдиқлаштириш учун ҳикоятлардан фойдаланишса, Румий ҳикоятнинг мазмунини асосий ғояга бўйсундириб олади, сюжетдаги персонажларнинг йўлини бошқа томонга буради. Румий учун ҳикоят қобиғ хукмидадир, қайси йўл билан бўлса ҳам, унинг ичидаги мағиз – чуқур фалсафий-ирфоний маъноларни чақиб бериш мақсаднинг асосини белгилаб беради. Шунинг учун ҳикоятларга ҳар томонлама янгилик киритиб, унинг ичида ёки сўнггида қўлга киритган талкинларни бериб боришни муаллиф маъқул кўрган.

“Маснавий”нинг олтинчи дафтаридида Румий бир мақоланинг ичида ушбу ҳикоятга ишора қилиб ўтган ҳолда, неъмат Тангрининг амрига кўра, инсон кутган жойдан берилмаслигини, балки унинг ожизлигини кўрсатиш учун бошқа томондан етказилишини таъкидлаб ўтган.

Буюк шоир ирфоний ҳикоянависликда янги услуб жорий этгани мазкур ҳикоятлар асосида ҳам тасдиқланади. Бундай услубни қўллаш ирфоний дostonчилик тақозосига кўра амалга оширилган, албатта. Шундай ҳолатлар борки, бирор қиссани фикр тасдиғида келтираётганда унинг бир детални тўғри келса, иккинчи детални тўғри келмай қолади, ҳамма вақтда ҳам бир ғояни илгари суриш учун ўша мазмунни тўла ифода этадиган ҳикоятни топиб, масаланинг моҳиятини муридларга очик-ойдин тушунтириш осон иш бўлмаган.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада Румийнинг ҳикоятнавислик йўналишида новаторлик киритгани ҳақида сўз боради. Турли сюжетларни бириктириб, улардан янги ҳикоят ясай олиш усули тадқиқ этилиб, намуна сифатида “Маснавий”даги икки ҳикоят текиширилди.

В данной статье речь идет о новаторстве Джалалиддина Руми в повествовательном направлении классической Восточной поэмы. Автор исследует его своеобразный стиль создания нового рассказа путем объединения нескольких сюжетов.

In this article we are talking about Jalaliddin Rumi's innovation in the narrative direction of the classical Eastern poem. The author explores his peculiar style of creating a new story by combining several subjects.

⁸ Фаридиддин Аттор. “Газкират ул-авлиё”, 50-бет.



Сувон МЕЛИ

САДОҚАТГА САДОҚАТ

*Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзoning
“Содиқ чегачи” шеъри таҳлили*

☉

Ҳақиқат ва ахлоқ яқин туғишган...

ОЙБЕК

1

Сердалов 90-йиллар ўрталари, Мустақилликнинг илк йилларида қўлимга Аъзам Ўктам муҳаррирлигида нашр этилган кичкина шеърий тўплам – “Кўнгил” тушиб қолди. Китоб сўзбошисида “Ўзбекнинг яхши шоирларидан бири Иқбол Мирзо – буюк боболаримиз Машраб ва Бобур қадами теккан, Дукчи эшон, Пўлатхону Эргашларнинг шахид қони тўкилган заминда Чўлпон, Усмон Носир ичган булоқлардан бахра олиб ўсган. Унинг шеърларида покиза туйғулар, салмоқли фикр, ўтли хаяжон бор, самимият кучли”, деб ёзилганди. Қизиқиб варақлашга тушдим, лекин китобдаги мисралар мени синчков мутолаага мажбур этди. Ва айтилган гап, кўпинча бўладигандек, муболага эмаслиги, ҳақиқатан ҳам адабиётимизга соғлом ва тийрак бир ижодкор кириб келаётганини ҳис қилдим. Китоб ҳақидаги илк таассуротларимни қоғозга тушириб, икки бетча матнни Ўзбекистон радиосидан ўқидим. Бу матн қаердадир сақланган, агар топсам, албатта эълон қиламан. Лекин ундаги охириги гап аниқ эсимда: “Иқбол Мирзо ижодини жуда яхши бошлади, “Кўнгил” маъзи тўқ шеърларга бой. Агар шундай давом этса, катта шоир бўлиши тайин. Бу ёғи фақат унинг ўзига боғлиқ”.

Тўпламга ўзига хос тасвир – ифода йўсинига эга бўлган “Муножот”, “Мукаддима”, “Алам”, “Даштда”, “Эртақ” каби шеърлар кирганки, уларнинг ҳар бири ҳақида дилдан яйраб ёзиш мумкин. Лекин битта шеър айрича эътиборимизни тортди: “Содиқ чегачи”.

2

Туғилиш ва яшаш – одам бўлиш имкониятидир. Яъни бу туғилган одамнинг барча-барчаси ҳали одам эмас дегани. Одамни одам қиладиган илк омил ахлоқдир. Каломни

Сувон МЕЛИ – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими. Филология фанлари номзоди. 1951 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини тамомлаган. 200 дан ортиқ илмий мақолалари матбуотда эълон қилинган.

шарифимиз “Куръони Карим”да Яратган ўз суюкли пайгамбарига қарата “Албатта, сиз улуғ Хулқ устидадирсиз” (“Қалам” сураси, 4-оят) дейдики, бунинг маъносини фақат ва фақат чақиш лозим. Буюк адибимиз Ойбек умри адоғида ёзган бир тўртглигида деганди:

*Гўзал хулқ гавҳардир, асло бўлмас хор,
Ҳаёт илдизида ундан бир нур бор.
Ҳақиқат ва ахлоқ яқин тугишган,
Ўғлим, ўйла, умр ўтмасин бекор.*

Мазкур тўртлик ҳақида бутун бошли тадқиқот ёзиш мумкин. Буни келажак-ка қолдириб, бизни кизиктираётган мавзуга алоқадор жойини олсак: гўзал хулқ ҳақида ёзиш фақат уни мадҳ этиш, алқаш эмас (бу ҳам ғоят муҳим, албатта). Гўзал хулқ намоёни сон-саноксиздир.

3

“Содиқ чегачи” – воқеабанд шеър, балки баллада. Унда рўй бериши мумкин бўлган, балки ҳақиқатда рўй берган воқеа қаламга олинган. Одатда воқеа тасвирланади ва ифодаланади. Агар тасвир кўрсатиш, кўрсатганда ҳам жон ато этиб баён этиш бўлса, ифода “акс эттирувчи ёки мужассамлантирувчи белги, ҳолат, рамз”¹ бўлиб, шоирнинг кучи ҳам тасвирда, ҳам ифодада, нисбатан кўпроқ ифодада кўзга ташланади. Чунки бадий асарда қаламга олинган ҳодиса жараёнида муайян сўз ва ҳолатлар белги ва унинг алоҳида юксак даражаси бўлиши рамз мавқеига кўтарилади.

Шундай қилиб, “Содиқ чегачи” шеърда мавжуд икки унсурни ажратамиз: ҳодиса ва ифода.

Ҳодиса. Юкорида айтилганидек, шеърда ҳаётда рўй бериши мумкин бўлган, балки чиндан ҳам рўй берган воқеа тасвирланган. Агар одми тилда баён қиладиган бўлсак, шундай бир сиқим гап чиқади: чегачилик билан кун кўрадиган Содиқнинг Ойсулув исмли хунуқина хотини эрига хиёнат қилди. Аёл қилмишидан изтиробда. Содиқ хотинига “йўқол” деди, лекин аёл қимир этмайди. Содиқнинг ўзи йўқолади. Аёл исзиз кетган эрини кута-кута ақлдан озади.

Бор гап – шу. Лекин **ифода...** Буюк Чўлпон Ҳайнрих Ҳайнедан қилган таржима тўртглигида ёзганидек:

*Ҳамма эснаб турди, қулоқ солмади,
Қайғумни гапириб берган вақтимда.
Лекин алқамаган киши қолмади,
Қайғумни назмга терган вақтимда.*

Назмга терилган қайғу – бу бадий ифодага айланган поэтик қайғудир. Поэзия, шеърятнинг кучи, назмий сўзнинг нафосати шунда кўринади. Асар сарлавҳасидан бошлаймиз – “Содиқ чегачи”. Исми жисмига монанд, у садоқатни, ҳалолликни ҳамма нарсадан устун қўяди. Унинг касби – чегачи. Қаҳрамоннинг исми бежиз Содиқ эмас, бежиз у чегачи эмас. Аёлнинг исми бежиз Ойсулув эмас, бежиз у сулув ҳам эмас. У чегачи, синган чинни ва сопол идишларни чегалайди, яъни ямайди. Бу ном – ҳам бош қаҳрамон, ҳам асар номи – илк поэтик белги вазифасини ўтайди. Яъниким, бўлажак воқеа ва поэтик ифода ушбу белги меҳвариди кечади.

Шу ўринда чегачилик касби ҳақида бир-икки оғиз гап. Улуғ адибимиз Ойбекнинг XX аср бошларидаги Тошкент ҳаёти тасвирланган “Болалик” қиссасида “Эски Жўвада

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати, беш жилдли, 2-жилд, Тошкент, 2006, 244-бет.

ҳангома кўп. Бир томонда синик чинилар ямоқчиси – чегачилар ғув-ғуви авжида” деган гап бор. Ўша пайтлар, сопол ва чинни идишлар тансиқ замонда чегачи деган махсус касб бўлган. Балки ҳозир ҳам айрим Шарқ мамлакатларида шундай касб бордир, лекин бизда тараққиёт асносида бу касб батамом йўқолиб кетди, дейишимиз мумкин.

Яна шеърга қайтсак.

Миллий онгимизда, замонавий ибора билан айтганда, маънолар банки мавжудки, унда турфа хил маънолар бир жойда тўпланган ҳолда қоим яшайди. Улар мангу тирик, лекин сокин, аммо енгил бир ишора билан ҳаракатга келмоғи мумкин. Ўзбек бадиий онгида Ҳазрат Навоий бир мактаб байтида айтган:

*Чун Навоий кўнгли синди эмди лутфунг не асиг
Ким, ушатса шишани бутмас яна пайванд ила.*

(“Ғаройибус-сиғар”, 539-ғазал)

маъноси мавжуд ва ҳамон тирикки, у “Содик чегачи” шеърда тасвирланган вазият ва маънога янги куч-қувват бағишлайди. Маънолар мулоқоти янги маъноларга йўл очади, хуллас, чегачи синик идишларни чегалайди, лекин синган, синдирилган кўнглини ким чегалайди?

Биз маънолар ичида яшаймиз. Умр ҳам, кечаётган кунлар ҳам, ҳатто бир кун келиб дунёни тарк этишимиз ҳам – МАЪНО.

4

Энди шеърни қадам-бақадам кузатамиз. Бундан мақсад оддий воқеанинг поэтик ифодасини, унда жо бўлган устама маъноларни қайд этиш. Хуллас, шеърнинг номи “Содик чегачи”. Сарлавҳадаги “Содик” сўзини, истанг исм сифатида тушунинг, истанг аниқловчи сифатида. Биз бунда чегачи сўзига рамзий маъно юклаймиз. У бир хиёнат туфайли дарз кетган дунёни чегалади, буткарди. Хиёнатга қарши исёни – ўзини ҳалок этиши билан садоқатни (содик билан садоқат ўзакдош сўзлар) ўз мартабасига қайта тиклайди.

*Содик чегачининг аёли хиёнат қилди...
Чегачи чўлоқ эди,
камбағал эди,
бефарзанд эди у устига устак.*

Биринчи мисра оддий хабардан иборат. Ушбу оддийлиги билан мудҳиш. Кейин келадиган уч мисра чегачини тавсифлайди, барча тавсиф нуқул манфий – чўлоқ, камбағал, бефарзанд. Савол туғилади, неча бунчалик манфийлик?

Ҳозирча саволни жавобсиз қолдириб, шеър матни бўйлаб илгарилаймиз; аниқроғи пастлаймиз.

*Ойсулув бўлса-да аёлнинг исми,
сулув эмас эди ойдайин.
Ажаб,
вафо қилмади Ойсулув
гўзал бўлмаса ҳам...*

Бу энди аёлнинг тавсифи ва кирдикори баёни. Исм жисмга мос эмас. Исми “Ойсулув” бўлса-да, бир қатъий ҳаракат билан на ойдан, на сулувдан асар ҳам қолмай, аёл исмсиз бир ғарибга, маънавий “нўл”га айланади. “Ажаб”нинг мустақил мисра бўлиб туришида маъни шуки, ғазалда айтилганидек, “Гар дерса Фузулийки,

гўзалларда вафо бор, Олдонмаки, шоир сўзи, албатта ёлондур”, лекин Ойсулув сулув ҳам, гўзал ҳам эмасди – лекин вафо қилмади. Фузулийки, гўзалларда вафо йўқ демокда, лекин гўзал эмасларда ҳам вафо бўлмас экан-да, ажаб, вожаб...

*Уни шайтон йўлдан урди,
Содиқни урди Худо.*

Кимга оғир, хиёнаткор аёлгами, хиёнат қилинган Содиқка? Албатта, Содиқка, демокда Шоир. Шайтон-ку аёлни йўлдан урди. Лекин Содиқни Худонинг ўзи урди. Чунки у Содиқ эди, Содиқ чегачи эди, хиёнатни оғир олди, жон-гани ўртанди. Аёл эса:

*Ойсулув
ишгади икки букилиб...*

Нега “икки букилиб?” Шеърда тасодифий сўз ҳам, шунчаки айтилган гап ҳам йўқ. Бу саволга ҳам ҳозирча жавоб йўқ. Чиндан ҳам йўқ. Матн бўйлаб пастлаймиз (Матн бўйлаб сайр!):

*Ўчоқдаги ўчаётган ўт
қизил тилларини ўйнатиб
масхара қиларди Содиқни.
Қумғон
қуларди унинг устидан
шарақлаб...*

Бу манзара Содиқ калбидаги оғир изтиробни тимсолламокда. У қахрамон рухиятининг моддийлашган кўзгусидир. Ҳатто ўчоқдаги ўчаётган ўтки, қизил тилларини ўйнатиб масхара қилса, ўчаётган ўт устида турган қумғон шарақлаб қайнаса (аслида ўчаётган олов қумғонни шарақлатиб қайнатолмайди), лекин у шарақлаб қайнайди, йўқ-йўқ, кулади. Содиқ тушиб қолган руҳий исканжа шунчалик оғир ва курчки, дод дейишга ҳам мажол йўқ.

*– Йўқол... – деди секингина чегачи,
Аёл ўрнидан жилмади.
Тунда йўқолиб қолди Содиқнинг ўзи.
Кимдир
унинг гандирақлаб Бачқирариқ томон кетаётганини
кўрганмиш...*

Шу ердан бошлаб шеър драматик йўсин олиб, трагик якун томон илгарилайди. “Йўқол... – деди секингина чегачи” сатридаги ҳар бир сўз ва тиниш белги драматик сахнани жонлантиради, уч нуқта (...) секин айтилган сўздан кейинги паузани ифодаласа, “секингина” сўзи сиртта чиқмаган ички портлашни англатади. “Аёл ўрнидан жилмади”. Қилғиликни қилиб, юзи шувут аёл қаёққа ҳам борарди, у энди махкума. “Йўқол...” дея секингина айтилган сўз Содиқнинг ўз чекига тушди. У тунда йўқолиб қолди. “Йўқолмок” сўзининг илк маъноси йўқлик қасб этмокдир. Содиқ энди йўқ. Хиёнат уни адо қилди, яшашдан кўра йўқ бўлишни ихтиёр этди Содиқ чегачи.

Она тилимизда товушга тақлид, ҳолатга тақлид шундай сўзларимиз борки, улар туриш-турмуши билан яхлит бир ҳолат ёки бутун бир манзарани тиклай олади. “Гандирақлаб” ўзи кирган мисра, шеърдаги энг узун ўн саккиз бўғиндан иборат мисра йўқлик томон йўл олган Содиқнинг тасаввурга кўринарли суратини мукамал чизиб беради. Зеро, “гандирақламок” мувозанатни саклай олмай, чайқалиб, эн-

так-тентак қадам ташлаб юрмок”ни (Ўзбек тилининг изоҳли луғати) англади. Ундан олдинги – “кимдир” ва кейинги “кўрганмиш” бир сўздан ташкил топган мисралар кесик ҳолда алоҳида туриши бежиз эмас. Улар воқеанинг модаллигини, яъни мазмуннинг воқеликка бўлган муносабатини кўрсатади. “Кимдир”, яъни ким кўргани маълум эмас, “кўрганмиш”, яъни кўргани ҳам маълум эмас. Ушбу ялпи мажҳуллик воқеанинг, лирик-драматик ҳолатининг сирлилиги ва фожий мавҳумотини тайин этади.

Бир йил ўтди, уч йил, беш...

Вақтни ўтиш мароми, унинг зарб кучи пасайиб бориши – бир йилга уч сўз, уч йилга икки сўз, беш йилга бир сўз ва сўзлар камайиб, йиллар эса ортиб (1,3,5) бормоқда ва бу ўсишга чек йўқ – уч нукта (...) шуни англади. Лекин йиллар сони ўсган билан, хиёнатнинг зарби камаймайди. Хиёнат қурбонининг алами ҳам.

Яна шеър бўйлаб пастлаймиз:

*Содиқнинг чўпдек озган,
ақлдан озган аёли
сувқизи каби сочлари ёзгин
ўтирармиш Бачқирариқ қирғоғида.*

Битта “озган” сўзи мутлақо ўзга икки қиёфада юз кўрсатмоқда. Жисмоний озиш билан ақлдан озиш ўртасида осмон билан ерча фарқ бор, лекин бундаги икки мисрада – ушбу фарқ тўқнашиб, бирлашиб, яхлит манзара касб этмоқда – чўпдек озган, ақлдан озган аёл. Матнга кирган “сувқизи” сўзининг моҳиятига киришдан олдин “ўтирармиш” сўзига диққатни қаратайлик. Бундаги “миш” эмишнинг қисқарган шакли бўлиб, эмиш тўлиқсиз феъл сифатида “ҳаракатнинг бўлган ёки бўлмаганлиги ноаниқ, гумонли”² эканини англади. “Миш” ҳатто она тилимизда ишлатиладиган “миш-миш” сўзини ҳам ҳосил қилган. Хуллас, “ўтирармиш” халқ қўшиқларига хос мунг ва гўё мангу давом этажак ҳолатни ифодалайдики, у ўзидан олдин келган мисра “Сувқизи каби сочлари ёзгин” билан биргаликда хиёнаткор (энди эса жафокор) аёлнинг мукамал қиёфа ва ҳолатини яратади.

“Сувқизи каби сочлари ёзгин” мисраси тасаввуримизни халқимизнинг эртақлари оламига бошлаб қиради. “Подшо бир куни шу дарёнинг бўйида келаётса, чиройли бир қиз сувдан чиқиб, бир неча газ сочини ёйиб дарё сувида ювиб ўтирганмиш... Қиз подшони кўриб қочибди. Сувга тушиб ғойиб бўлибди”. Бу халқимизнинг “Сувқизи” эртагидан. Агар эртақнинг фантастик моҳияти билан шеърдаги ҳолатни солиштирадиган бўлсак, ҳам ўхшашлик, ҳам тафовутни кўрамиз. Сувқизи ўз номи билан сувнинг қизи, у сувда яшайди. Чўпдек озган, ақлдан озган аёл сув қирғоғида ўтиргани боис, сувқизига менгзалмоқда. Лекин у сувқизи эмас, сувга тушиб ғойиб бўлолмайди. Ғойиб бўлган эса, хиёнатта қарши исён қилган Содиқ чегачи.

Устига устак, сувқизи мотиви эртакка хос фантастик ва мистик кайфиятни шеър саҳнига олиб қиради.

Шеър эса тугалланиш томон охирги одимни ташлайди.

*Кўлларида Содиқ чегачининг
Камончаси, пармабигизи, сирачи...
“Чиқинг, бегим, кўнглингизни чегалаб берай,
Кўнглингизни беринг, бегим, чегалаб берай...”*

Ариқнинг номи, унинг хос талаффуз этилиши, уни ташкил этувчи бўлақлар ҳам

² Турсунов У., Мухторов Ж. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили, “Ўқитувчи”, Тошкент, 1965, 79-бет.

вазиятнинг идрок этилишида муайян вазифа бажаради. Бачкир Фарғона водийсидаги кишлок бўлиб, у XX аср бошларида икки кўрбоши, Катта Эргаш ва Кичик Эргашнинг юрти бўлганлиги билан машхур. Агар сўзнинг фонетик ҳолатига назар ташласак, икки бўгин тўкнашаётган товушлар: ч – аффрикат, яъни ўзида ҳам портловчилик, ҳам сирғалувчилик хусусияти бўлган, мураккаб артикуляция таянчига эга товуш, к – портловчи товушлар учрашувидан ҳосил бўлган сўз, атама (у ўзбек уруғларидан бирининг номи дейилган маълумот ҳам учрайди) ва унга “арик” сўзи қўшилгач, анхорнинг номини англитишдан ташқари у “к” – портловчи товуши билан тугалланиши натижасида ўзига хос дағал вибрация, тебранишга эга бўлган этноним вужудга келади. Ушбу хусусияти билан у поэтик, бадиий вазифа ҳам ўтайтиди.

Бу ҳолнинг шеърни ёзган муаллифга нима алоқаси бор, у тайёр жой номидан фойдаланган, холос, дейиш мумкин. Тўғри, шундай. Лекин жиддий бадиий асар бунёд бўлиши учун бир неча омиллар, (муаллиф уларнинг биттаси, холос) бақамти уйғунликда ишлаши зарур бўладики, бу муҳим назарий тўхтама дейиш мумкин.

Демак, Бачкирарик кирғоғида ўтирган афтодаҳол аёлнинг, энди уни хиёнаткор дейишга тил айланмайди, махзун ва фоже сийрати ва сурати намоён бўлади.

Яқинда мархум адибимиз Муроджон Мансурнинг “Жудолик диёри” романини ўқий туриб, шундай гапга дуч келдим:

“– Сиз... Сиз Бачкир деган жойни эшитганмисиз? Биринчи мужоҳидлар ўша ердан чиққан, – деди овози ўзгариб.

– Нега билмасканмиз! Бачкирликлар хаййу хайт деб от сурганда кизилларга бу дунё тор кўринганини ҳамма биладир. Кейин бориб Мадаминбекка қўшилганлар-да?!”³

Мазкур гапда Бачкир кишлоғининг нисбатан яқин шонли ўтмиши лўнда тавсифланган. Ор-номус, орият кучли элдан Ватан озодлиги йўлида жангу жаҳд қилганлар чиқади. Содикнинг Бачкир ва Бачкирарикқа тегишли бўлиши – ўша шонли ўтмишнинг акс-салоси, ундан белги, нишона бўлса ажабмас. Ажаб эмас, аниқдир балки.

5

Хиёнатнинг тури кўп. Агар у хар қадамда учраса-ю, кечирилаверса, ютиб кетилса, қонуният тусига кириши, озарбайжон мақолида айтилганидек, орсизни юзига тупурсанг, кўклам ёмғири дебди, қабалида хиёнатдан диёнат (бир-бирига қофиядош, аммо қанчалар бир-бирига зид тушунчалар!) излаш илинжи урчиб кетиши мумкин. Бундай ҳол инсон зотининг ҳам жисмоний, ҳам маънавий таназзули бўлур эди.

Қаердадир ўкиганим бор: “Бирон халқни йўқотмоқчи бўлсанг, ахлоқини буз”. Ёвуз ва мудҳиш гап. Ахлоқан айниган халқ – ҳақиқатдан ва Ҳақдан узоклашади. Ҳақнинг қаҳрига учрайди. Олис тарихдан маълумки, йўқликка юз тутган тамаддуллар, бутун-бутун китғалар айнан ахлоқан юзгубан кетишгани боис муҳаққаж жазога гирифторм бўлишган.

Адабиёт ва ахлоқ. Эгизак икки тушунча ва ҳодиса. Адабиётни ахлоқдан айирмоқчи бўлганлар адабиётга кафан бичмоқчи бўладилар. Лекин бундай бўлмайди. Улар ўзларига кафан бичадилар.

6

Содик чегачининг ҳалокати хиёнатга қарши исён эди. У хиёнатни ичига ютиши, кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олиши ҳам мумкин эди. Йўқ, у бундай қилмади. Хиёнаткор аёл эса тирик қолди. Лекин, у ўлимдан-да оғир кўргиликка юз тутди: ақлдан озди.

³ 4-5 китоб, “Sharq”, 2014, 10-бет

Хаёлингизга ёвуз эгачиси қутқусига учиб, беғуноҳ, маъсум қундоши, кимсан (китобхон учун, аҳли хонадон учун) Кумушни заҳарлаб, сўнг ақлдан озган Зайнаб келмаяптими? Шоҳ романимизда ёзилганидек, ақлдан озиб, кўчама-кўча сангиш Зайнаб учун унча-мунча жазо бўлмаганидек, чўпдек озиб, ақлдан озиб сув бўйида бўзлаётган Содиқ чегачининг аёли, беваси учун ҳам бу кичик жазо эмас.

Нисбатан кичик бир асарда бутун бир драма, таъсирчан фожиа акс этган. Ушбу хатти-ҳаракати, оғир қисмати билан Содиқ чегачининг аёли, сулув бўлмаган Ойсулув шеърхон кўнглида, сезимида оқланади. Чунки у хиёнатнинг бутун захар-заққумини ютди ва шеърхон онгида сувқизи каби сочлари ёзгин алфозда мангу қолди. Ёдда қолган бу тимсол хиёнат жазосиз қолмаслиги ҳақидаги фоже ва поэтик гўзал эслатмадир.

Содиқ чегачининг оддий буюклиги шундаки, у хиёнатни ичга ютмади, унга кўнмади, айна пайтда хиёнаткорни жазоламади ҳам. У хиёнатга қарши хос жанг қилди, бу жангда эса ҳалок бўлди.

Бу – садоқатга садоқат эди.

Хиёнатга қарши исён садоқатга садоқатдир.

Садоқатдан юксалган Содиқ чегачи. Энди у чўлок ҳам, камбағал ҳам, бефарзанд ҳам эмас. У – хиёнатни енгиб, пок ахлоқни кўз-кўз қилган, ҳақиқатни алқаган жабрдийда қаҳрамон.

Агар биз мазкур асарни эр, эркак ҳамияти ва ор-номусига тикланган бадий ҳайкал, десак янглишмаймиз.

* * *

Биринчи эскартма: Шеър таҳлили давомида келтирилган парчалар аслида асарнинг композицион ва структур бўлакларидир. Ушбу бўлақларнинг мақолада айнан шундай ажратилишининг ўзи ҳам муайян маънога эга.

Иккинчи эскартма: Мен бу шеърни таъриф-тавсиф этмадим. Фақат унинг қалбига қиришга, кўнглини (шеър кўнгли!) англашга интилдим, холос.



Вафо одам учун оғамийликнинг негизидир.

Юсуф Хос ҲОЖИБ

БАРАКА ОПАМ

Эссе



Муҳаммад САЛОМ

Бомдоддан кейин уйкуни “тўлдириш” илинжида тўлганиб ётардим. Мана, уч ҳафтадирки, дала ховлидаман, лекин изга тушолмаяпман: хамон милк азоби; юрак тез уриши, уйкусизлик тинкамни куритяпти. Муолажалар нафини сезмаяпман. Тоғбағри, булок сувлари, мусаффо ҳаво ҳам жонимга оро кирмокчи эмасдай. Лекин бундан-да зўрроқ имкониятим йўқлигини ўйлаб, ўзимга тасалли бераман, уйкуни қувишда давом этаман.

Йўқ, қайта ухлолмадим. Беҳуда ётишдан не фойда! Энди кўзгалган эдимки, ёстик ёнида турган жажжихон “сайраб” колди. Рақам эгасини эслай олмадим, елка кисиб, эринганча унга кулок тутдим:

– Тоға, мен Равшанман, саломалайкум.

Равшан – Барака опамнинг тўнғич ўғли, ёши етмишга яқинлашган, юраги вадан гоҳо биз томонларга дам олишга келиб туради. Шунини ўйлаб:

– Вaleyкум ассалом, Равшанбек! – дедим кўтаринкироқ кайфиятда. – Шаҳарда бўлсанг керак, иссиқдан қоч, тезроқ бу ёққа кел.

Мунгли хўрсиниш эшитилди:

– Қишлоқдаман, тоға... Онам... – у ҳиқиллагандай бўлди, узоқроқдан аёлларнинг йиғисию чувири унинг овозига кўшилиб кетди...

– Нима? Опам? Қачон?

– Қирк дақиқа аввал... – у гапини давом эттиролмади, телефон “ту-ту”лади.

– Э, ўзимнинг жигаргинам! – деган сўзлар беихтиёр лабларимдан учганча телефон экранчасига кўз солдим, соат: олти-ю элик. Худди хозирок йўлга тушадигандай шарт ўрнимдан турдим. Кийиниб, ховлига тушдим. Сокинлик. Қуёш хали юкори кўтарилмаган, дарахтлар шохлари орасидан заррин ёғду сочаяпти. Аммо, ҳа демай, бу ёғдулар тепадан олов каби пуркалишга ўтади, одамларни соя-салқинлар томон “қувлайди”...

“Бу ерда шунчалар иссиқ, – деб пичирладим. – У ёқда, қишлоқда... – Жазирама, сароб жимир-жимир кўз ўнгимда жонланиб, лабимни тишладим. – Чидармиканман? Билмадим-да... Жанозага етиб боролмаслигим аниқ. Бу иссиқда йўл азобига юрак дош беролмас: ўзим ҳам қатта ташвишга айланиб қолишим ҳеч гап эмас. Унда?..”

Шу он саккиз ёшли неварам Нигина уйдан чиқиб, пинжимга тикилди. Индамай, хаёлчан ҳолда унинг пўпалоқ сочларини сийпаладим. У ҳаммадан эрта туриб, ховлига чиқади, дарахтзорлар айланиб юради. Баъзан ҳовуз бўйида ўтириб, сув

Муҳаммад САЛОМ – 1938 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетининг филология факультетини тамомлаган. “Кечирим”, “Юракдаги излар”, “Севги тори”, “Икром”, “Довул” каби ҳикоя ва қиссалар тўпламлари чоп этилган. “Мувоzanат” романи муаллифи.

ўйнашни хуш кўради. Гоҳида эса хонтахта рўпарасига ўтириб, суратлар чизади. Иккинчи синфни тугатиб, таътилга чиққанидан буён шу ерда – бобосио бувиси ёнида. Аммо ҳозир у кутилмаганда бошка фикр айтди:

– Бобожон, юрининг, токка чиқайлиик.

– А? – деб унга анграйиб қарадим. У баланд овозимдан чўчидими, кўзлари пир-пираганча менга баттар ёпишди:

– Йўқ деманг, бобожон...

“Ўзимнинг тоғим чиқиб турибди, токка бало борми? – деб юборишимга сал қолди. Ўзимни босдим. Хаёлимда қишлоқ, Барака опамнинг ховлиси, фарзандлари, неваравараларининг олача тўнда дод солиб йиғлашлари, атроф-теварақдан ёприлиб келаётган одамлар гир-гир айланади. – Боришим керак...” Бироқ боролмаслигимни яхши билман. Ҳатто, учоқда ҳам бунга эришиб бўлмаслигига ишончим қомил. Кўнгил эса...

Билагим сийпаланди:

– Бобо, бобожон...

Зорланиш кўнглимга калит солди, чоғи, беихтиёр:

– Бор, бошингга соябонли қалпоғингни кийиб чик, – деб юборибман. Нигина қувончидан қафтимдан ўпиб олдию югургилаб кетди. Бир неча қадам юргач, бурилди-да:

– Опамиям уйғотайми? – деб кўзлари жавдиради. Қовоғим уюлди. Бош тебратдим. У мени тушуниб, энди сустрок одимлар ила, индамай йўлида давом этди. Унинг истагини бажо келтирмаганим учун кейинроқ афсус чекдим, албатта. Шу тобда кўнглимга кил ҳам сиғмас эди.

– Қайси токка чиқамиз, бобожон? – тирсагимдан тутиб олган Нигина анча юрганимиздан сўнг сўраб қолди.

Нима дейишни билмай, тўхтадим, тобора баландлашиб борғувчи кўм-кўк, викорли чўққиларга кўз ташладим. У томонлардан гоёт ёқимли, салқин эпкин эсиб турибди. Ёшроқ пайтимизда у ёқларгача кўтарилиб, ўзимизча хайқирганмиз, одамлар матор деб атайдиган сомсабон кўкатлар, кўзикорин, йирик-йирик зиралар тегиб қайтганмиз. Шундай саёҳатга невараваранда, кўнгил ҳам кўмсаяпти. Аммо вақтга қизғанади киши. Ҳафсала ҳам йўқ...

– Қани, бораверайлик-чи, оёғимиз қаерга олиб боради, Нигина, – дедим бироз очилиб, неварамнинг елкасидан кучиб. – Чарчасак, қайтамыз.

– Мен чарчамайман, бу ерлардан опаларим билан кўўп ўтганман...

– Сира чарчама, болам, – деб юкори интиламан. Айни шу чоғ, ўз-ўзидан хаёлимни Барака опам эгаллайди: “Кечирасиз, видолашга боролмадим, опажон... – дейман ичимда алам билан, ўзимни оқлашга уриниб. – Ислому амакимдаям худди шундай бўлувди: энг жазирама пайтда бу дунёни тарқ этгани тугайли (ўшанда ҳам дала ховлидайдим) ҳаво бироз салқинлашган кезде фотиҳага борувдим. Энди сиздаям шундай бўлади, чоғи, опа...”

Барака опам – раҳматли онамнинг жияни, амакисининг қизи. Мендан, тахминча, етти-саккиз ёш катта. Мен ва укаларим уни хола демасдан опа дейишга ўрганиб қолганмиз. Аслида ҳам бу меҳрибон аёл бизларга чин опалик вазифасини бажарган, қалбимизга шу тарзда томир ёйган.

У вақтларда биз болакайлар уни бошка хонадондан келган қиз эмас, балки ўз жигаримиз деб билардик. Бунинг қандай рўй берганини ҳозир ҳам эслай олмаيمان. Жуда оғир йиллар бўлган: 1933 йилдаги очарчилик, манфур Сталин катағонлари, Иккинчи Жаҳон муҳорабаси ҳисобсиз оилаларни буткул кириб, миллионлаб одамларнинг ёстигини қуритган. Ота-она жиҳатдан боболариму бувиларим, қанчалаб

кариндош-уруғларим дахшатли бу кўргиликлардан мислсиз жабр кўриб, кўп қурбон берганлар. Бизнинг Барака опамиз – шундай жафо чекканларнинг бири. Ота-онадан анча эрта айрилгани етмагандай, унинг биргина Рустам акасини ҳам уруш гирдобига тортишган. Оилада ёлғиз қолган кизалокни онам ва отам ўз паноҳларига олишган.

Отам ҳисоб-китоб илмида жуда керакли одам бўлганлиги, фронт ортини мустаҳкамлашга хизмат қилиши зарурлиги боис урушга жўнатилмаган. У киши учта жамоа ҳўжалигида бош ҳисобчи вазифасини адо этар, кечаю кундуз тиним билмас, биз болалар падаримиз билан жуда кам кўришар эдик. Онам эса кўп болали бўлишига карамай, эртадан кечгача далада ишларди.

Кўпчилик эдик. Барака опамга ўхшаб, етим қолган, ҳеч кими йўқ бошқа болалару кизлар ҳам оиламизни тўлдириб турарди. Ҳовлимиз унча катта эмас, атрофи пахса девор билан ўралган, биттагина етти болорли уй ва олдию орти кичик мадон – дахлизчадан иборат эди. Узун тўшақда ҳаммамиз тизилишиб ётардик. Кичикларнинг каттаси Барака опам бўлиб, бизларга бошчилик қиларди. Қозон-товок, сигир-бузоқ, майда ишлар ҳам опамнинг елкасида эди. Кейинчалик отам ошхона ёнидан кичкина уйча тиклаб, опам ва укам Уматни ўша ёққа ўтказди. Мендан кейин тутилган Умат йиғлоки ва инжик эди. Унинг инжикликларини фақат Барака опам кўтарар ва овутиб биларди. Отам ва онам ишга кўмилганлари сабаб Уматнинг хархашаларига унча чидамасдилар. Опам эса қийинчилик қуршовида ўсиб, анча пишган, чидамлигинайди. Аслида онам бу борада жиянидан ҳам “ўзиб”, етимчалик азобидан ғоят кўп азият чеккан, машаққатлар кейин ҳам давом этган эди. Давр ўзи шунақайди – етимлар, ҳеч кими йўқ ночорлар ҳар қадамда учрарди. Шўро давлати одамларни шу ҳолга солганди. Ўз юртингда бошинг эгик, дардингни бировга айтолмас эдинг. Чидамаганинг шўрига шўрва қайнарди. Ювошлигу меҳнатгина одамни ҳалокатдан қутқарарди...

Мен ўчоқбоши ишларида, сигир соғишларда, укаларни овутишда Барака опамга кўмаклашардим. Опам кеч ётиб, эрта турар, мени ҳам уйғотиб, ўзига ҳамроҳ қиларди. Камгап эди. Бирор марта ҳузурланиб қулганини, бирор нимадан завқланиб гапирганини кўрмаганман. Жаҳли чикқан чоғда ҳўмрайар ёки уришарди: “Қалланг қурмагур!” Бунақа “сўкиш”ларга Умат укам энг кўп “эришган”. Албатта, мен ҳам қуруқ қолмаганман.

Барака опамнинг ўқишга тоқати йўқроғиди. Мактабга у доимо кечикиб борар, дарсларни ўзлаштирмас, паст баҳоларда ўқирди. Мактаб директори бундайларни кенг ўқувчилар ўртасида изза қилар, яхши ўқишга, интизомга чақирарди. Лекин ўзгариш бўлмас эди. Бечора опагинамни бирор марта дарс тайёрлаган, китоб ўқиган ҳолда кўрган эмасдим. Ўша вақтларда ўзимнинг ҳам ўқишга унча ҳушим йўқ, дарслардан қочишга уринардим.

Урушдан кейинги дастлабки йиллар эди. Биринчи ўқитувчим Ботиров муаллим интизомсизлигимдан шикоят қилиб, гоҳо уйимизга келиб турарди. Уни узокдан кўриб оқ жуфтакни ростлардим. Онам ўқишга кизиқишимни жуда истар, ўзи эса мен билан шуғулланишга вақт тополмасди. Шу боис мени Барака опамга топширган: “Мактабга олиб бориб, синфга кириштиб қўясан”. Опагинам эргалаб қўлимдан тутганча ҳовлидан чиқади. Катта йўлга ўтганимиздан сўнг мен бир силтаниб, қочиб қоламан. Опам: “Ҳаҳ, қалланг қурмагур” деб қойганча мактабга ёлғиз жўнайди. Мен баҳайбат кўприк тағида бир фурсат яшириниб тургач, янги ҳамроҳларга кўшиламан. Бошқа маҳал эса йўл бўйидаги бугдойзорлар мени ўз паноҳига олади... Синфдошлар мактабдан қайтар чоғи халта-сўмкамни кўтариб, уйга келаман. Яна ўйинга ғарқ бўламан. Опажоним мени онамга чақмайди. Аммо бир ҳафта ўтиб, Ботиров “шайтон арава”да яна бизникига келади. Мен тағин ура қочаман. Муаллим ўз “арава”сида мени қувади. Мен айқириб оқувчи рўд бўйларидаги жарликлар, қалин бутазору юлғунлар оралаб, кўздан ўчаман.

Ноилож колган устоз мени уйимизда кутади, кечкурун уловига ўтказиб, алдаб-сулдаб, ўз ховлисига олиб кетади. Шунчалар кийнашимга қарамай, бир йилгина бизга сабоқ берган муаллим нечундир менга қўл кўтармаган, ёмон сўзлар айтиб, сўкинмаган. Ўйлашимча, бунда Барака опамнинг ҳам ҳиссаси бордир. Негаки, опажоним муаллимдан ҳам, баъзи кагта болалардан ҳам ўзига хос муомаласи билан мени ҳимоя қилган. Бир марта эса мени урмоқчи бўлган каттароқ боланинг ортидан хивич кўтарганча: “Ҳаҳ калланг қурмагур” деб, қувлаган. Шуларни эслаб, ногох кўнглим бўшашиди:

– Опагинам, энди йўқсиз... – деб пичирладим. – Бориш керагиди-я...

– Қаёққа борамиз, бобожон? – деб Нигина кўлимдан тортилади.

– Нима? – деганча неварамга мунғайиб қарадим узимга келдим. У киприкларини пирпиратиб, оғзини ярим очганча менга қараб турарди.

– Бобожон, нимага йиғлади?

– Йиғлабманми?

– Ҳи... Нимагаа? – у билагимни сийпалади. – Чарчадизми?

– Кел, анави тошга бирпас ўтирайлик, – дедиму қорамтир-кўнғир тош устига оҳиста чўқдим. Ҳаво салкин эса-да, бугун вужудимдан тер ёғиларди. Нигина индамасдан пешонамдаги томчиларни қўлчаси ила артиб олгач, бўйнимдан кучди. Мен дарҳол уни бағримга босиб, манглайдан ўпдим. – Қандай бахтиёрсан-а, болажон.

У ҳеч нимага тушунмай, кўзларимга ажабланиб қаради. Изоҳ бергим келди:

– Отанг, онанг бор, сени тоғларга олиб чикувчи бобонг, бувинг, опанг бор. Менинг Барака опам эса ғирт етимчайди.

– Опайиз борми, бобожон?

– Бориди...

– Мен уларни кўрувдимми?

– Йўк, кўрмагансан. У Тошкентга келмаган. Жуда узоқдайди, Чўғолонда. Бугун вафот этибди. Боролмадим... – мижжамдан бир нима сизди.

Нигина бошини куйи солиб, хомушланди. Кейин қаддини тиклаб, менга маслаҳат берди:

– Эртага боринг.

Бош силкиган бўлдим.

– Мениям олиб борасизми, бобожон? – у бўйнимдан кучиб, кўзларимга тикилди.

Жавоб қайтаролмай, четга қарадим.

– Опайиз яхшийдилами?

– Ҳа, жуда яхшийди... – деб ўйга чўмдим. Айни шу топда бир воқеани эслаб, кулгим кистади.

Меҳрибон опажонимизни турмушга чиказадиган бўлишиди. Бу хабарни эшитиб, болалар исён кўтарганмиз.

– Йўк, опамизни ҳеч ёққа юбормаймиз!

Отам билан онам кулиб юборишган.

– Опаларингни бошга ёстиқ қиласизларми? – деган отам кулгидан тўхтаб.

– Опам мени ёстигим, – Уммат опамизни кучоқлаб, юзидан ўпган.

– Опанг узоққа кетмайди, – деб онам бизларни тинчитишга уринган. – Йўлдош Шер тоғанга бериб юборамиз.

Йўлдош Шеров Барака опамизнинг ота-она қўшниси, биздан бир чақиримча нариги кичик қишлоқда онасию касал опаси билан бирга яшар, урушдан яраланиб қайтгач, бригада ҳисобчилигини олиб борар, отамнинг шогирдларидан саналарди. Бизга яхши муомала қиларди. Бироқ опамизни бировга узатишни ақлимизга ҳам сиғдиролмас эдик.

– Йў-ўк, бермийман, мен опамни уйчамизга қулфлаб қўяман! – опамизни ҳозир олиб кетиб қолишадигандай, Уммат унга маҳкам ёпишган.

Дарҳақиқат, Умматни кўндириш осон кечмаган, у бўлажак язнасини кўчада кўриб, унга кесак отган. Кесак йигитнинг пешанасига тегиб, уқаланиб кетган. Куёв ғазабланиб, бир неча қадам сакраганча қайнисини тутиб олган, шишиб чиккан манглайини кўрсатиб, уни сўроққа тутган. Бола “опамни сизга бермийман”, деб йиғлаб юборган. Вазиятни тушунган Йўлдош язна қулган қўйи уни бағрига босган, ўзига “элитган”. Ҳатто, тўйдан кейинги тонгда, безатилган отга келинни мингазиш чоғида Уммат ҳеч кимни йўлатмай, узангини ушлаб турган, опасидай ювош отни куёвниқигача етаклаб борган, язнасидан совғалар олган.

Йўлдош Шер қадди баста келишган, ақлли, муомаласи ширин, камгап, аммо ўрнига тушириб гапирадиган, самимий киши эди. Барака опам билан уларнинг турмуши гоят тотли, кўпларга ибратли тарзда ўтди. Беш ўғил, икки қиз, кўплаб невараралар, келин-куёвлар хилма-хил гуллар каби ажиб оилани безаб, хонадон чирогини ёкиб турибдилар. Уларнинг қаттасидан то кичигига қадар – ҳаммаси юрт бойлигига бойлик қўшишяпти, маданияту маърифатга хизмат қилишяпти...

– Мениям олиб бориинг, бобожон.

– Хўп, – деганимни ўзим ҳам билмай қолибман.

– Қачон?

– Иссиқлар пасайсин, кейин, – дея ўрнимдан турдим. – Қани, қайтдик.

– Бобоо... – Нигина аразлаган каби йиғламираб, қийшанглади. – Анави тоққа чиқмаймизми?

– У тоғ... чўкки... жуда баланд, – дедим каловланиб. Сўнг атрофга назар солдим. Эҳ-хэ, ҳозир ҳам анча баландлабмиз! Олд тарафда ажиб ўтлоқлар, тоғолчаю дўлаланзорлар, нарироқда ғадир-будур харсанглару бориш маҳолдай туюлгучи бахайбат қоялар ястаниб ётибди. Уларга қорли чўкқилар тутатиб кетган... Ортга қараймиз, вох, бу ёқда ҳам ажиб манзара: Чорвоқ сув омбори Куёш ёғдусида жириллаб; ялтираб кўзга ташланади. Хумсон томондан тўполон солиб, тўлқинланиб келиб, унга қўшилиб кетгучи, жозибали Угам дарёси; сўнг Чирчик номини олиб, бош кентимиз сари сокин окгучи обихаёт канали; унинг белида белбоғ каби боғланган замонавий кўприқлар; улардан турна қатор ўтаётган хилма-хил машиналар; эски ва янги Хўжакентни шаҳар тусига киритган муҳташам қошоналар завқингизни оширади, дилларни яйратади.. Тепадан эса энди аланга-оташ тусига кириб, ёғилаётган ёғдулар кишини ҳаракатга чорлайди. – Ҳаво исияпти, – дедим неварамга осмонни кўрсатиб. – Ҳозир у ёққа чиқиб бўлмайди.

– Қачон чиқамиз?

Нима деб жавоб қайтаришни билолмадим. Алдашни эса хаёлимга ҳам келтирмайман. Баландга кўтарилиш, тоғ сайри тафтимни босган, вужудимни хилтлардан тозалагандай эди, неварамга кўтаринки кайфиятда:

– Менинг Барака опамдай чидамли, сабр-бардошли – кучли бўлсанг; у ёқларга чиқасан, – дедим.

– Опайиз кучлийдиларми?

Бош силкиб, маъқулладим. Кўнглимдан эса: “Сабрли, чидамли бўлгани учун ҳам шунчалар машаққатларни босиб, шу ёшга етди, эъзоз топди, – деган ўй кечди. – Гўрингиз нурга тўлсин, опажон...”

Бу фикр миямдан ўтиши билан дарҳол ўтлоққа чўқдим овоз чиқариб, “Таборақ”ни бошладим. Нигина ҳам ёнимга аста ўтирди, қафтимни очган чоғимда у ҳам дуога қўл кўтарди...



Абду­расул
ЭШОН­БОБОВ

ФАРАЗЛАРДАН ҚЎРҚИШ КЕРАКМИ?

Ўтган йили мумтоз адабиёт тарихи бўйича чоп этилган мақолалар юзасидан таҳлилий мулоҳаза юритганда биз, аввало, илмий муаммонинг қай тарзда шакл­лан­тирилгани, муаллифнинг мавзуни ўрганиш тарихидан хабардорлиги ва энг муҳими, ишнинг илмий янгилиги нималардан иборат деган саволларга жавоб из­лашни бош мақсад деб билдик. Тадқиқот объектимиз республика­ми­зининг етакчи илмий-маърифий нашрлари “Ўзбек тили ва адабиёти”, “Шарқ юлдузи”, “Филоло­гия масалалари”, “Жаҳон адабиёти” журналлари ҳамда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида эълон қилинган мақо­ла­лардир.

Ўтган йили мамлакатимиз ва хорижда улуғ шоир Алишер Навоийнинг 575 йил­ли­ги кенг нишонланди. Шу сабабли республика­ми­зда чоп қилинган мумтоз ада­биёт тарихига оид аксар мақо­ла­лар шоир ижодий меросига тааллуқлидир. Биз бу­ларнинг барчасини бирварақай таҳлил этиш им­ко­ни­я­ти­га, афсуски, эга эмас­ми­з. Айнан шу сабабли, таҳлилга тортила­жак мақо­ла­лар сонини чеклаб, юқорида қайд этилган мезон асосида ёритишга урина­ми­з.

Алишер Навоий ижодига оид мақо­ла­ларнинг кўпчилигида шоир асарларининг адабий талқини асосий ўрин тут­а­ди. Масалан, “Ўзбек тили ва адабиёти” жур­на­ли­нинг 2016 йил 1-сонида Навоий ижоди бўйича эълон қилинган йиғирмата мақо­ла­нинг аксарияти шоир ижоди муаммо­ла­ри­га тегиш­ли. Булар ичида Абдусалом Абду­ко­ди­ров­нинг “Ҳайрат ул-аброр”: адабий анъана ва ба­ди­ий ма­ҳо­рат” мақо­ла­си масаланинг аниқ кўйилиши, таҳлил­да­ги из­чи­ли­ги билан диққатга молик. Олим “Ҳайрат ул-аброр” ва Низомийнинг “Махзан ул-асрор” дostonини муқояса этиб, ҳар бир шоирнинг мавзуга ёндашув услубини мисоллар ёрдамида очиб беради. Унинг фикрича, ҳар икки асараро муш­та­рақ­лик дoston композициясида бўлади ва бу ҳолат муқад­ди­ма­да яққол кўринади. Бундан ташқари, олим Эрон адабиётшуноси Забехулло Сафонинг “Эрон адабиёти тарихи” китобида Навоий “Хамса”си юзаси­дан билдирган “Низомийга так­лид қилиб, туркийда шеърга солди” деган фикрига ўринли эътироз билдиради. Ҳар икки асарни изчил солиштириб Навоий асарининг салафи дostonидан ажралиб турувчи жиҳатларини бирма-бир аниқ бел­ги­лай­ди. Биз олимнинг мақолада айтган фикр-мулоҳазаларига тўлиқ қўшилган ҳолда унинг

Абду­расул ЭШОН­БОБОВ – 1963 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎЗМУ) тамомлаган. Республика матбуотида ўттизга яқин мақо­ла­лари эълон қилинган.

хулосада берилган қуйидаги фикрини ойдинлаштириш лозим деб биламиз: “Хуллас, юқоридаги мухтасар муқоёсадан маълум бўладики, Навоийнинг “Хайрат ул-аброр” маснавийси Низомийнинг “Махзан ул-асрор”ига татаббу (?) бўлса-да, у ҳам мазмунан, ҳам шаклан оригинал асар сифатида яратилган”¹. Биринчидан, татаббу эргашиш, намунадан кўра ижодий мусобақа бўлиб, асосий диққат асарнинг бадият мезонларидан келиб чиқиб баҳолашга қаратилиши шарт. Иккинчидан, Шарқ адабиёти намуналарига ёндашганда бадий мезон қоидаларини инобатга олиш лозим. Унга кўра Ўрта асрлар адабиёти бутунлай янги, ҳеч ким томонидан қаламга олинмаган мавзуларни эмас, балки аввалдан ўқувчиларга маълум, уларга таниш сюжетлар тасвирини макбул кўрган. Демак, адабий аъёналар етакчи саналган Шарқ адабиёти намуналарига ёндашганда юқоридаги ҳолатларни назарда тутиб бутун эътиборни асар матнига қаратиш, яъни синчиклаб қиёслаш тўғри йўлдир. Биз бу ерда масаланинг назарий томонлари борасида тўхталмаймиз ва қуйироқда бунга яна қайтамиз.

Журналнинг ушбу сонида эътиборимизни тортган яна бир мақола Иброҳим Ҳаққулнинг “Маломатийлик ва Навоий” номли мақоласидир. Унда маломатийлик тарикати хусусида умумий мулоҳазалар, етарли даражада асосланмаган фикрлар ҳамда публицистик ёндашув устунлик қилади. Гарчи муаллиф “Алишер Навоийнинг маломатийликка боғланиш сабаби ва асосларини ёритишда зўрма-зўракилик, сунъийлик ёки шошқинликка йўл қўймаслик учун масаланинг айрим жиҳатларига алоҳида эътибор билан ёндашиш зарурдир”², деб таъкидлаганига қарамай, таҳлилда бу кўринмайди. Боз устига, шоир асарларидан келтирилган мисоллар тартибсиз бўлиб, бадий контекстдан юлиб олинган. Мақолада маломатийлик тўғрисида фикр билдирган бир қанча олимларнинг китобларидан кўчирмалар келтирилади. Бирок келтирилган иқтибосларни текшириб кўришнинг имкони йўқ. Чунки фойдаланилган манбалар ўзбек тилида берилган. Ваҳоланки, асар қайси тилда битилган ёки нашр қилинган бўлса, ўша тилда, яъни аслиятда берилиши шарт. Қисқаси, илмий муаммо аниқ шакллантирилмаганлиги боис мақола хулосаланмаган. Бундан ташқари, ўзбек адабиётшунослигида маломатийлик тарикати бўйича биринчи мартаба таникли олим Ёқубжон Исоқов маълумот берганига қарамай³, Иброҳим Ҳаққул бу ҳақда лом-лим демаган.

Афтондил Эркинов “Навоий мухлислари томонидан тузилган девонлар ҳақида” мақоласида янги топилган асарни шартли равишда “Оққуюнли мухлислар девони” деб номлаган. Ўйлашимизча, уни “Навоий девонининг Шероз нусхаси” деб аташ тарихан ва мантиқан тўғри бўлади.

Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини илмий йўсинда ўрганувчи фан – навоийшунослик XX асрда шаклланди. Айни шу масалага доир Ҳамидулла Болтабоевнинг “Алишер Навоийнинг илк юбилейи” номли мақоласи “Жаҳон адабиёти” журналида чоп қилинди. Муаллиф шоирнинг хижрий ҳисоб билан 500 йиллик таваллуд кунига бағишлаб 1926 йили Боку шаҳрида ўтказилган илмий анжуманга доир кўплаб материалларни келтиради. Қувонарлиси, Вадуд Маҳмуд, Чўлпон каби ўзбек зиёлилари ҳам юбилей ўтказиш фикри билан ўша даврдаги вақтли матбуотда қатор мақолалар билан чиққанлар. Умуман, мақола ўтган асрнинг 20-йиллари ўзбек матбуот саҳифаларида улуг шоир ижодий меросига муносабат ҳақида яхлит тасаввур беради. Ҳамидулла Болтабоевнинг мазкур мақоласи навоийшунослик тарихини ёритишда муҳим манбадир.

¹ Абдуқодиров А. “Хайрат ул-аброр”: Адабий аъёна ва бадий маҳорат”// Ўзбек тили ва адабиёти, 2016, 1-сон, 12-18-бетлар.

² Ҳаққул И. Маломатийлик ва Навоий.// Ўзбек тили ва адабиёти, 2016, 1-сон, 4-бет.

³ Бу ҳақда қаранг: Исоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги.Т., 2014. 317-318-бетлар.

Журналдан ўрин олган яна бир мақола хорижлик олим Марк Тоутантнинг “Навоий ва Жомий” мақоласидир. Эслатиб ўтамиз, асли француз М. Тоутант 2014 йили “Сўнгги темурийлар даври маданияти: назира амалиётини Алишер Навоий “Хамса” асари мисолида ўрганиш” номли мавзуда докторлик ишини химоя қилган. Биз мулоҳаза юритадиган иш юқоридаги монографиядан Зулҳумор Мирзаева таржима-сидаги парча бўлиб, у ҳар икки шоирнинг Искандар ҳақидаги дostonи таҳлилига оид. Муаллиф дostonларни киёсий ўрганар экан, кўпроқ Жомий асарини намуна сифатида кўради ва бутун фикр-мулоҳазаларини шу асосга қуради. Бирок “Хирадномаи Искандарий” дostonи 1484 йилнинг декабрь ойида яқунланган.⁴ Навоий асари эса 1485 йили ёзиб тугатилган. Демак, адабий таъсир қанчалик муҳим саналмасин, қисқа фурсат ичида бир асарни ўқиб, ундан мутаассир бўлиб, иккинчи бир асарни яратиш мушкул. Иккинчидан, олим Навоийнинг Жомий ҳақидаги, унинг дostonи хусусидаги сўзларини далил сифатида келтиради ва иш давомида асосан унга таянади. Тўғри, шоирлар салафлари борасида сўз юритганларида имкон қадар шарқона тавозега риоя этиб мулоҳаза билдирганлар. Давр этикети шуни тақозо этган. Бундан ташқари, Ўрта аср адабиёти намуналари талқинида асосий эътибор ижодкор томонидан илгари сурилган муайян ғояга ва унинг бадиий ифодасига қаратилиши даркор.

Таниқли шарқшунос Евгений Бертельс “Александр ҳақида роман ва унинг Шарқдаги асосий версиялари” номли монографиясида Искандар ҳақида Шарқ адабиётини (Фирдавсий, Низомий, Хусрав Дехлавий, Жомий) ёзилган асарларни киёсий таҳлил этиб, Навоий дostonи булар ичида алоҳида мавқега эгаллашини ишонарли далиллар билан исботлаб кўрсатган эди. Бундан ташқари, Шарқ мумтоз адабиётини адабий анъананинг тутган мавқеини ҳисобга олган ҳолда синчиклаб чоғиштириш орқалигина биз ҳар бир ижодкорнинг кўҳна мавзунини қандай ёритганини аниқ белгилай оламиз. Яна бир муҳим томони, Навоийнинг бутун умри давомида олиб борган фаол ижтимоий фаолияти унинг асарларида, хусусан, “Садди Искандарий”да тўлиқ акс этган. Биз айни шу асарда шоир ижтимоий фаолияти ва ижоди аро бир бутунликнинг гувоҳи бўламиз. Шу ўринда адабий таъсир тушунчасининг хорижлик олим томонидан бироз жўнроқ талқинига қисқа бўлса-да, тўхталиш лозим. Албатта, ижодкор салафи асаридан таъсирланиши, илҳомланиши, эстетик завқ-шавқ туйиши мумкин. Бирок соф индивидуал ижод ҳосиласи бўлмиш бадиий асарни фақат адабий таъсир натижаси сифатида тушуниш уни бир ёқлама тушунишдир.

Хорижлик тадқиқотчиларнинг Алишер Навоий ижоди борасидаги илмий ишларидан хабардорлик ва уларга имкон қадар муносабат билдириб бориш бугунги кунда ҳар жиҳатдан долзарб ҳисобланади. Чунки бугун ўзбек адабиётшунослиги жаҳон адабиётшунослик фанининг тўлақонли субъекти сифатида фаолият кўрсатишга интилмоқда. Иккинчидан эса, биз дунё илмий жарёнида кечаётган ҳодисалардан хабардор бўламиз ва унда бевосита иштирок этиш имконияти яратилади.

Навоийшунослар ҳақида ёзилган айрим мақолаларда муайян олим илмий фаолиятини таҳлил этиб, баҳолаш ўрнига таърифу тавсиф етакчилик қилиб, шахсий хотиралар биринчи ўринга чиқиб қолмоқда. Масалан, 2016 йил “Ўзбек тили ва адабиёти” журналининг 3-сонида Абдуқодир Ҳайитметов таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан эълон қилинган Тўра Мирзаевнинг “Навоийшунослик сардори” (“Навоийшунослик сардор”ими ёки “Навоийшунослар сардори” – А.Э.) ва Иброҳим Ҳаққулнинг “Абдуқодир Ҳайитметовнинг ўзбек адабиётшунослигидаги ўрни”

⁴ Бу ҳақда қаранг: Афсаҳзод А. Лирика Абд-ар-Раҳмана Джамии. Проблемы текста и поэтики. Москва. 1988. С.65.

мақолаларида айнан шундай ҳолатни кўрамиз. Ҳар икки мақолада навоийшунослик ва умуман, ҳар қандай фан ривожини, истиқболни учун сув ва ҳаводек зарур бўлган танқидий таҳлилни негадир учратмаймиз. Ахир мухтарам олим фаолият кўрсатган давр мафкуравий яққоқоқимлик йиллари эди, бу А.Ҳайитметовнинг китобларига маълум даражада бўлса ҳам ўз муҳрини босган. Демакки, олим илмий меросида эскирган, бугунги кун талабарига жавоб бермайдиган ёхуд аксинча, ривожлантириш, таяниш мумкин бўлган нуқталар мавжудки, уларни таҳлил асосида кўрсатиш шартдир. Лекин минг афсуски, юқоридаги икки мақолада биз буни кўрмаймиз.

Журналнинг шу сонидан академик Бахтиёр Назаровнинг “Мумтоз шеърятимиз поэтикасининг улкан тадқиқотчиси” номли мақоласи ўрин олган. Муаллиф аввал бошданок ёритадиган мавзунини аниқ чегаралаб олган ва шу томони билан юқоридаги икки муаллифдан фарқ қилган. А.Ҳайитметовнинг мумтоз адабиётимизнинг айрим назарий масалалари, хусусан, поэтикаси борасидаги ишлари ишонarli талқин топган.

Ўтган йили мумтоз адабиёт тарихининг турли масалалари билан боғлиқ кўпмақола мақолалар чоп қилинди. Биз ушбу мақолаларнинг барчасига тўхталмай, балки ёндашувдаги айрим муаммоли жиҳатларни кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Ўйлашимизча, бу мутахассислар диққатини тортиб, уларни ҳал қилишга йўл очади. Ўзбек адабиёти тарихи намуналари орасида адабий манбалар салмоқли ўрин тутади ва уларни илмий тадқиқ этиб муомалага олиб кириш мумтоз адабиётимизнинг очилмаган саҳифаларини инкишоф этишда, аввалги талқинларга ҳам фактик, ҳам маъно юзасидан аниқлик киритишда муҳим аҳамиятга эга. Мустақиллик йилларида бу борада салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Бироқ айрим ҳолатларда кўлзма манбани ҳар томонлама тўлиқ ўрганмай туриб, бироз шошилиш тарзда ёзилган мақолалар ҳам пайдо бўлмоқда. Масалан, Абдуллатиф Турдиалиев “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида эълон қилинган “Эшит Хожа Аҳмад каломи” номли мақоласида яссавийлик тариқатига доир 1181 мелодий йили кўчирилган “Танзил ул-солиқин” асарига асосланиб (бу сана асар матнида учрайди) фикр юритади, кўчирмалар келтиради. Бироқ манбанинг тўлиқ илмий тавсифи, яъни палеографик хусусиятлари – қоғози, хат тури, муқоваси борасида маълумот берилмаган. Асардан келтирилган кўчирма тил хусусиятларига кўра қадимги туркий тилдан кескин фарқ қилади. Айни шундай ҳолатни Зулайҳо Раҳмоновнинг “Девони Ҳикмат”да муршид образи ва рамзлари” (“Ўзбек тили ва адабиёти” 2016, 3-сон) мақоласида ҳам кўрамиз. Қандай қилиб ягона сюжет асосига қурилмаган асарда “муршид образи” бўлиши мумкинлиги ҳатто ўйлаб ҳам кўрилмаган. Биз бу ерда бадиий асар архитектоникасида муҳим зарурий унсур ҳисобланмиш композиция, сюжет, тугун, ечим, эстетик идеал, образ каби таянч тушунчаларнинг яхши анланмаганлигига гувоҳ бўламиз.

Мавзуга бевосита алоқадор яна бир мақола Нодирхон Ҳасаннинг “Хожа Аҳмад Яссавий рисоласи” (“Филология масалалари” 2016, 1-сон) мақоласи бўлиб, унда 1837 йили кўчирилган мажмуа таркибидаги “Рисолаи султон Аҳмад Яссавий” номли “тариқат одобига” оид манбага асосланиб, Аҳмад Яссавий ва яссавийлик тариқати хусусида фикр юритилади. Таҳлилга тортилган ёдгорликнинг атрибуцияси (ишончлилик даражаси), матннинг узок давом этган кўчиришлар натижасида деформацияга, яъни турли ўзгаришларга учраши муаллиф матни каби матншунослик талаблари назардан соқит қилинган. Боз устига, ушбу манбанинг давр адабий муҳити ва, умуман, адабиёт билан боғлиқ томонлари хусусида ҳеч гап айтилмаган. Яна бир жиҳати – бу хилдаги мақолаларнинг аксариятида тасаввуфнинг умумий ақидалари ҳақида кўп марта баён

килинган мулоҳазалар қайта-қайта такрорланиб, ирфоний гоъларнинг бадий асар таркибиди қандай вазифа бажариши хусусида эса фикр-мулоҳазалар учрамайди.

Ўтган йилги мақолалар орасида аниқ бир асар таҳлилига оид ёхуд муайян адабий жанр билан алоқадор таҳлилий мақолалар ҳам мавжуд. Булар қаторига А.Абдуллаев, Б.Ражабова, Б.Мақсудов, И.Исмоилов, М.Асадов қабиларнинг мақолаларини киритиш мумкин. Яна бир қатор мақолаларда ўрганилаётган мавзу аниқ белгиланганлиги боис муаллифлар ўз олдига қўйган мақсадига эришган. Масалан, “Шарқ юлдузи” журналида эълон қилинган Зилола Шукурованинг “Қисас ур-рабғузий”даги шеърлар” мақоласи бунинг ёркин мисолидир. Муаллиф Рабғузий шеърларини тасниф қилиб, айрим вазн билан боғлиқ сакталикларни тўғри қайд этган ҳамда асарни табиқ қилиш асносида рўй берган матний хатоларни кўрсатиб ўтган. Яна Рабғузийнинг бадий маҳорати ишонарли тарзда очиб берилган. Айни шу журналнинг бошқа сонидан ўрин олган Нусратилла Жумаҳўжанинг “Машхур ғазал таҳлиллари тадиқи” мақоласи Алишер Навоийнинг “Қаро кўзим” ғазали талқинларига оид бўлиб, муаллиф шеър бўйича фикр-мулоҳаза юритган ҳар бир олимнинг ютуқ ва камчиликларини ишонарли кўрсата олган. Шунингдек, ғазал дастлаб етти байт бўлиб, кейинчалик Навоий бир байт қўшганига диққатни қаратиб, унинг сабабларини изохлаб берган. Бундан ташқари, ғазал матнидан бир қадар йироқ талқинларни тўғри қайд этиб, ишқи ҳақиқий ва ишқи мажозий муносабати юзасидан эътиборга молик мулоҳазаларни илгари сурган. Ўтган йилги мақолалар орасида мумтоз адабиётимиз тарихининг кам ўрганилган саҳифалари юзасидан чоп қилинган ишлар ҳам талайгина. Жумладан, Озода Болтабоеванинг “Хилватийнинг “Сайр ул-жибол” саёҳатномаси ҳақида” мақоласида Хилватийнинг таржимаи холи, асарнинг таркибий тузилиши, сюжет йўналиши борасида фикр-мулоҳазалар билдирилган. Шунингдек, ўша даврда саёҳатнома жанрида ижод этган шоирлар ҳақида ҳам маълумот бериб ўтилган. Бизнингча, Хилватий асарини замондош шоирлар саёҳатномалари билан изчил муқояса этиш, ҳар бир ижодкорнинг мавзуга ёндашув услубини аниқлаб, хос томонларини кўрсатишга хизмат қилади.

Биз йил давомида мумтоз адабиёт муаммоларига оид чоп қилинган мақолалар юзасидан имконият доирасида мулоҳаза юритар эканмиз, назарий масалаларга эътибор камроқ эканига гувоҳ бўламиз. Бунинг сабаблари ҳақида мушоҳада юритганда Михаил Бахтиннинг адабиётшуносликнинг аҳволи юзасидан ўтган асрнинг 70-йиллари айтилган қуйидаги сўзлари ёдга тушади: “Умумий муаммоларни дадил қўя олиш йўқ, адабиётнинг сарҳадсиз оламидаги янги жабҳалар ва алоҳида диққатга сазовор ходисаларни инкишоф этиш йўқ, айнан тадиқотчи учун хос бўлган таваққалчиликдан кўрқиш ҳисси ҳукм суриб келмоқда. Адабиётшунослик аслида ҳали ёш фан, у табиий фанлар каби ишлаб чиқилган ва тажрибаларда синалган методларга эга эмас; шу боис йўналишлар курашининг йўқлиги ва дадил фаразлардан кўрқиш ҳисси муқаррар суратда сийқа ҳақиқатлар ва қолиплар ҳукмронлигига олиб келаётир; афсуски, бизда сийқа гаплар ва қолиплар борасида етишмовчилик йўқ”.⁵

Демак, агар биз “фаразлардан кўрқиш ҳиссидан” қанчалик тез қутулсак ҳамда илмий этикага риоя қилган ҳолда ҳар қандай фан учун зарур бўлган мунозара-мувоҳасани йўлга қўйсак, адабиётшунослигимиз шунчалик тез равақ топади.

⁵ Бахтин М. “Новый мир” редакцияси саволига жавоб.//Филология масалалари.2003, 1-сон.

КИТОБХОН ВА ИЖОДКОР ЎРТАСИДАГИ КЎПРИК



Икболой АДIZОВА

Адабиётнинг тараққий этиши, юксалиши маълум даражада адабий танқидчиликка ҳам боғлиқ. Бу борада унинг вазифаси салмоқли. У ҳар бир нашр этилган асарни алоҳида ёки умумлаштирилган ҳолдами, албатта, баҳолаши лозим. Баҳоланмаслик адабиётдаги лоқайдликни келтириб чиқаради. Лоқайдлик эса саёзликнинг доясидир.

2016 йилда адабий танқид ўз вазифасини қай даражада бажарди? Биз бу йўналишда яратилган асарларни адабий жараённинг турли кирраларини ёритувчи кенгрок камровда таҳлил этишга ҳаракат қилдик.

Ўтган йилда чоп этилиб, қўлимизга етиб келган адабий танқидга, адабиётшуносликка оид йигирмадан ортиқ китобни назардан ўтказдик. Уларнинг аксарияти адабий жараёндаги муҳим муаммоларга бағишланган, ўзбек адабиётининг чуқурлашуви, жаҳон адабий жараёнига аралашуви учун баҳоли қудрат изланишлар олиб борилган. Китобларни йўналишларидан келиб чиқиб қуйидаги гуруҳларга ажратиб тадқиқ этишга ҳаракат қилдик:

1. Адабий хотиралар.
2. Мумтоз ва замонавий бадиий асарлар талқини.
3. Адабий суҳбатлар.
4. Адабиёт назариясини ёритувчи асарлар.
5. Турли дарслик ва ўқув қўлланма сифатида яратилган китоблар.

Адабий хотиралар йўналишида яратилган асарлардан “То кўёш сочгайки нур...” китоби алоҳида аҳамиятга эга. У Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидовнинг таваллудига 80 йил тўлиши муносабати билан чоп этилган бўлиб, шоирнинг ҳаёти, ижодига замондошлари эътирофини намоён этувчи ҳамда асарлари талқинига бағишланган 85 та мақолани ўз ичига олган. Китоб бу турдаги нашрлардан фарқли ўларок, Эркин Воҳидовнинг шахс ва ижодкор сифатидаги қиёфасини ёритувчи мўъжаз қомусий характер касб этган.

Китоб устоз адабиётшунос (ношир ва масъул муҳаррир) Иброҳим Ғофуровнинг қисқа сўзбошиси билан бошланади. Мазкур сўзбошида айтилган мулоҳазалардан оқ нашрнинг моҳияти ва аҳамияти борасида тасаввурга эга бўламиз. Олим икки

Икболой АДIZОВА – Филология фанлари номзоди, доцент. 1957 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини битирган. “Эл дардини қуйлаган шеърят”, “Сўздин бақолироқ ёдгор йўқдур”, “Сўзумни ўқуб, англагайсен ўзумни”, “Увайсий шеърятда жанрлар тақомили” каби китоблари ва юздан ортиқ мақолалари чоп этилган.

саҳифадаёқ Эркин Воҳидовнинг юрагидан ўтган давр ғалаёнлари, шонли йўллари солган “чақмоқ янглиғ оловли чизиклар” ва шоир кўнглида унинг берган аксадолари жаранги ҳамда нафосатини тасвирлаб бера олган.

Иброҳим Ғофуровнинг китобга киритилган “Сўз талкинлари” мақоласи Эркин Воҳидовнинг “Сўз латофати” номли бадиа асари талкинига бағишланган. Олим шоир асарининг адабий-маданий ҳаётимизда тутган ўрнини мукамал ёритган. Унда олим китобдаги фикрларни таҳлиллаб, муносабат билдириш билангина чекланмайди. Балки ҳар бир мунозара манаб борасида ўз фалсафасини яратади. Мақолани ўқир эканмиз, бизда фақат “Сўз латофати” китоби ҳақида тасаввур пайдо бўлмайди. Балки сўз, унинг этимологияси, моҳияти, инсон ва замон муносабатларидаги ўрни каби масалалар борасида ўзига хос, мустақил яратилган янги бир асарнинг гувоҳи бўламиз. Мақола мутолааси тугаганда, биз адабий танқид бу фалсафанинг ўзига хос йўналиши, ҳақиқий танқидий мақола ана шундай даражада чуқур ёзилмоғи лозим, деган хулосага келамиз. Мазкур тадқиқот “Сўз латофати” ҳақида мукамал тасаввур уйғотиши, адабий фикр тараққийсидаги унинг ўрнини белгилаб бериши билан бир қаторда, ёш мунаққидларга мақола ёзиш қонуниятлари борасида ҳам сабоқ беради.

Тўпلامдан Умарали Норматов, Озод Шарафиддинов, Нажмиддин Комилов, Абдуғафур Расулов, Ҳамидулла Болтабоев, Анвар Обиджон, Сироҷиддин Саййид, Хуршид Дўстмуҳаммад каби ўзбек адабиётшунос, шоир, ижодкорлари билан бир қаторда Ҳусейн Байдемир, Вели Саваш Элок каби чет эллик олимларнинг ҳам муҳим тадқиқотлари шоир ижоди қирраларини очиб беришга хизмат қилган. Баъзи мақолалар анча олдинги йилларда яратилганига қарамасдан, уларнинг бир китоб ҳолида жамланиши Эркин Воҳидов ижодининг тугал, яхлит, теран талқини йўлидаги муҳим ҳодиса бўлиб хизмат қилади.

Ёзувчи, шоир, олим учун, умуман, ҳар қандай ижодкор учун ҳам яратган асари фарзанди каби азиз ва шириндир. У нуқсонларини сезмаслиги мумкин. Бу фожиа эмас. Аммо адабий жараёнда яратилган асарни адабий танқидчиликнинг сезмаслиги, уни етарли баҳоламаслиги фожиадир.

Бехбўдий “Танқид сараламоқдир” деганда адабий танқиднинг фаоллигини назарда тутган, албатта. Унинг сараламоқ вазифаси тўлиқ бажарилмаган жойда, адабиётдаги ва китобхонликдаги дидсизлик пайдо бўлади.

Адабий танқидчилигимизда фаол ижод этаётган мунаққидларимиздан бири Баҳодир Каримдир. 2016 йилда унинг “Рухият алифбоси” номли китоби нашрдан чиқди. Китобда олимнинг сўнгги йилларда яратилган насрий ва шеърий асарлар таҳлиliga бағишланган, адабий танқидчилик, адабиётшунослик методлари ва устоз адабиётшунос олимлар ҳақида турли йилларда ёзган мақолалари жамланган.

Баҳодир адабий-танқидий мақолалар ёзишда турли янги йўллар кидиради, янги-ча усул ва тажрибалардан кўркмайди, бадий асарларни турли қолипларга, геометрик шаклларга бемалол солиб кўради, жаҳон адабиётшунослиги тажрибаларини татбиқ этиб, ўзгача нуқтаи назар билан қараб баҳолайди. Бу кимгадир маъқул бўлар, кимгадир ёқмас, балки бадий ижод математик қолипларга сиғмас, аммо мунаққид асар моҳиятига теранроқ кириб бориш учун янги йўллар, усуллар излашга ҳаракат қилади, изланади, эски қолипларни янгилашга, улардан чиқишга интилади.

Муаллиф китобда мунаққидларимиз кўпда эътибор беравермайдиган бошловчи, ёш ёзувчиларнинг дебют ҳикояларини ҳам назардан қочирмайди. Уларнинг ютуқ ва нуқсонларини ҳолисона баҳолайди. Баҳодир Карим тадқиқотларининг яна бир муҳим хусусияти, унинг жаҳон адабиётшунослигидаги фикрлар билан яхши танишлиги ҳамда ўз хулосаларини улар билан киёслаган ҳолда чиқаришидир.

Нўмон Раҳимжоновнинг “Бадийят – бош мезон” китоби муаллифнинг турли йилларда шоир, адиб ва адабиётшунос олимлар билан олиб борган суҳбатлари мажмуидан иборат. Китобга кирган 10 та суҳбат муаллифнинг Шукрулло, Иззат Султон, Матёқуб Қўшжонов, Муҳаммад Али, Омон Матжон, Эркин Самандар каби юртимизнинг таниқли алломалари билан бадий адабиёт ва адабий танқиднинг муҳим хусусиятлари, бадий-эстетик принциплари, ижодий жараён, бадий маҳорат масалалари, ҳал этилиши лозим бўлган долзарб муаммолар хусусидаги мулоҳазаларини акс эттирган. Айтиш керакки, адабий танқиднинг жанрий таркиби йилдан-йилга торайиб бормоқда. Адабий суҳбат жанри ҳам ноёблашиб бораётган шундай йўналишлардан бири.

Муаллиф суҳбат асносида адабий жараёндаги ижобий ютуқларни таъкидлаш ва тасдиқлаш билан бир қаторда, кўзга ташланаётган салбий ҳолатлар борасида қуюниб, ошқора ва холис сўзлайди. Бу борадаги ошна-оғайнигарчилик, манфаатпарастлик, гуруҳбозлик, тамағирлик каби иллатларни фош этади. “Бугунги танқидчилик ва адабий савия” номли китобхон, ёзувчи, мунаққид суҳбатида адабий жараён учун ниҳоятда долзарб, бозор адабиётидаги савиясиз китоблар, уларнинг ўқувчилар дидининг саёзлашувига сабабчи бўлаётгани масаласини кўтаради. Вазиятнинг бундай қўйилиши ҳеч бир ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Уни онгли тафаккурга йўналтиради.

2016 йил адабиётшунослигида яққол кўзга ташланган хусусиятлардан бири мавжуд илмий-назарий хулосаларни янгилашга уриниш, улар билан баҳс-мунозарага киришиш, фикрларни шубҳа остига олиб янада чуқурроқ яқуний хулосаларни баён этишга ҳаракатдир. Бу илмнинг таракқиётидан, манбалар ва муаммолар моҳиятига чуқурроқ кириб борилаётганидан далолатдир. Айниқса, Насимхон Раҳмоновнинг “Ўзбек адабиётини даврлаштириш масалалари” ва Зокиржон Мамажоновнинг “Мумтоз шеърини санъатларнинг назарий таснифи” монографияларида шундай ҳолатни кузатамиз.

Маълумки, минг йиллик ўзбек адабиётини адабий тил, географик шароит, ижтимоий ҳаёт, адабий жанрлар, сюжет, мотивлар, ўзига хос хусусиятларини белгилаб, даврларга ажратиш жуда мураккаб. Буни амалга ошириш учун узок ва кенг қамровли изланиш олиб бориш тақозо этилади. Шу сабабли ҳам бу масала узок йиллик баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган, ўз ечимини кутаётган муаммо сифатида мавжуд эди.

Насимхон Раҳмонов ўз монографиясида мазкур муаммони ечишга, бу борадаги ўз нуктаи назарини баён этишга ҳаракат қилади. Муаллиф бу масала билан боғлиқ мавжуд хулосаларни чуқур ўрганади. Дунё адабиётшунослиги мезонлари билан қиёслайди. Фитрат, Миён Бузрук каби жадидчилик намояндalarининг фикрларини таҳлилдан ўтказди. Мумтоз адабиётшунослик, хусусан, Навоийнинг бу борадаги нуктаи назарини асарлари тадқиқидан келиб чиқиб белгилайди. Ва ниҳоят, муаллиф мазкур манбаларни қиёсий сарҳисоб этиб, ўзининг даврлаштириш босқичлари ҳақидаги қатъий хулосасини илм аҳли эътиборига ҳавола этади. Бу қуйидагилардан иборат:

1. Исломгача бўлган қадимги туркий адабиёт.
2. Ғазнавийлар даври адабиёти.
3. Қорахонийлар даври адабиёти.
4. Олтин Ўрда адабиёти.
5. Темурийлар даври адабиёти.
6. Ўрта аср халқ адабиёти.

Албатта, мазкур даврлаштириш ҳозиргача мавжуд хронологик даврлаштиришга

нисбатан мезонларнинг чуқур асосларга эгаллиги, турли ўзига хос хусусиятларни инobatга олганлиги билан фарқланади. Муаллиф ўз фикрларини исботлаш учун келтирган далиллар китобхонни ишонтиради.

Аммо назаримизда, муаллифнинг фикрларида айрим баҳсли ўринлар ҳам йўқ эмас. Бу, айниқса, сўнгги 6-боскич ҳақидаги фикрларда сезилади. Ундаги даврлаштириш учун асос бўлган мезонлар етарли эмасга ўхшаб туюлади. Номланиш назарда тутилган даврда яратилган адабий мерос моҳиятини тўлиқ камраб ололмаганга ўхшайди. Демак, монографияда мазкур муаммо юзасидан бир кадам олға ташланган бўлса-да, масала тугал ечимини топмаган.

Мустақиллик даврига келиб илмий-назарий талкинларда янгича методлардан фойдаланиш, адабий манбаларни теранрок, бадийят қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда герменевтик таҳлил этиш кўзга ташланмоқда. Юкорида айтиб ўтганимиздек, илмда мавжуд назарияларни қайта кўриб чиқиш, уларни янгилаш, камчиликларни бартараф этишга интилиш ҳоллари кузатилмақда.

Зокиржон Мамажоновнинг “Мумтоз шеърӣ санъатларнинг назарий таснифи” номли монографиясида ҳам ана шундай йўлдан борилади. Маълумки, шеърӣ санъатлар масаласида Шарқ мумтоз адабиётшунослигида араб, форс ва турк тилларида улкан илмий-назарий манбалар яратилган. Атоулло Ҳусайнийнинг “Бадоеъ ус-саноеъ” асари барча мутахассислар учун ноёб фундаментал тадқиқот сифатида маълум. Булар ҳозир ҳам адабиётшунослигимизнинг тараққийси ва чуқурлашувида муҳим аҳамиятга эга. Замонавий ва мустақиллик даври адабиётшунослигида ҳам бадий тасвир воситаларининг назарий асосларини мукаммаллаштириш борасидаги тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Илм ҳамиша тараққийтда, у олимларимизнинг янгича нуқтаи назарлари, қарашлари билан бойиб бораверади. Буни яхши англаган З.Мамажонов мумтоз шеърӣ санъатлар талқинини қайта тафтиш этади. Шеърӣ санъатларни назарий тавсифлаш ва номлашдаги тафовут, таърифлардаги ноаниқлик ва ноизчиллик, фикрни далиллаш учун келтирилган мисолларнинг баъзан таърифга мос келмаслик ҳолатлари мазкур китобнинг дунёга келишига туртки беради. Муаллиф мумтоз тарихий поэтикага оид манбалар билан замонавий талқинни киёслаш ва ундан янги, такомиллашган хулосаларга келишга интилади. Бу борадаги айрим камчиликларни бартараф этади. Шеърӣ санъатларни назарий тавсифлаш ва номланишидаги тафовут, таърифлардаги ноаниқлик ва ноизчиллик каби муаммоларнинг аниқ ва ишонarli ечимларини топади. Бу борадаги ўзининг янги тезисларини тақлиф этади. Монографияда айрим мунозарали фикрлар мавжуд. Аммо, шеърӣ санъатларнинг тавсифи ва таснифида мавжуд қусурларни аниқлаб, у ҳақда ўйлаб кўриб, ўзининг янгича тақлифлари билан майдонга чиқишга журъатининг ўзиёқ, муаллифнинг ютуғидир.

Бизда, кўпинча, муаммолар рисола, монография, мақола тарзида ўртага ташланади. Аммо, майдонга тушаётган фикрларга муносабат йўқ. Илмий тақлифларнинг амалиётга татбиқи ҳам қаноатланarli эмас. Унинг ечими билан ҳеч ким шуғулланмайди. Натижада, муаммолар муаммолигича қолиб кетаверади. Аслида, адабиётшуносликдаги ечимини қутаётган масалалар билан биздаги мавжуд махсус ташкилотлар шуғулланиши, конференция, симпозиумлар ўтказиб, хулоса ва ечимларни эълон этиши лозим, деб ўйлаймиз.

Бу йил вилоятлардаги университет профессор-ўқитувчиларининг ҳам адабий жараёнга фаол қатнашганлиги яққол кўзга ташланди. Гулистон давлат университети доценти, филология фанлари номзоди Янглиш Эгамованинг “Муҳаббат фар-

занди” номли мақолалар, адабий суҳбатлар ва таржималар тўплами чоп этилди. “Муҳаббат фарзанди” асари икки фаслдан иборат, биринчи фаслдан олиманинг таржимашуносликка бағишланган мақолалари, Гёте ва немис адабиёти абадиятини талкин этган тадқиқотлари, адабий суҳбатлари, иккинчи фаслдан эса немис адабиётидан қилинган ранг-баранг таржималари ўрин олган.

Фарғоналик филология фанлари доктори Акбарали Сабирдиновнинг “Маънавий ва маърифат чашмалари” номли рисоласида XX ва XXI аср ўзбек адабиётининг ўзига хос қирралари ёритилади, давр ижодкорларининг асарлари синчковлик билан тадқиқ этилади. Улардаги нозик таҳлиллар китобхонни асарларнинг чуқур фалсафий моҳияти сарҳадлари, теран ва инжа тасвирлар олами билан таништиради.

Ўтган йил ўзбек адабиётшунослиги учун адабий алоқалар тизими ҳам муҳим из қолдири. Жумладан, озарбайжонлик олима, филология фанлари доктори, профессор Олмос Улвийнинг турли даврларда ёзилган илмий мақолалари, адабий суҳбатлари тўплами бир муқова остида ўзбек ва рус тилида чоп этилди. Мазкур “Ўзбек адабиёти ва Озарбайжон” тўпламидаги тадқиқотларда хориждаги олиманинг ўзбек адабиётига ҳолис нуқтаи назарини кўраимиз. Ундаги тадқиқот манбалари кўлами кенг. Ўзбек мумтоз шоирлари, хусусан, Навоий, Бобур ижоди, жадидчилик даври ва унинг Ўзбекистон билан алоқадор кечими, муаммолари, бизга номаълум янги вакиллари ҳақида муҳим маълумотларга эга бўламиз. Ҳозирги замон адабиётининг ўтмиши, бутуни, яъни мустақиллик даври босқичларини ёритувчи жиддий, илмий мақолалар билан танишамиз.

Навоийшунослик илми борган сари шоир асарлари моҳиятига чуқурроқ кириб бормоқда. Шоир тафаккури фалсафасини, унинг маҳорат қирраларини ифодаловчи энг кичик ҳолатларга ҳам эътибор кучаймоқда. “Алишер Навоий. Икки жилдли қомусий луғат”нинг чоп этилиши навоийшунослик илмида олға ташланган катта қадам бўлди. Унда шоирнинг ҳаёти, ижоди, асарлари, меросида қўлланган тимсоллар, рамзлар, исмлар моҳиятини ёритишга хизмат қилувчи мақолалар машаққатли меҳнат, узок муддатли изланишлар натижаси сифатида яратилган. У мумтоз адабий мерос, хусусан, Навоий ижодини янада чуқур ўрганиш йўлида яратилаётган улкан имкониятлар маҳсули сифатида дунёга келди. Мазкур қомус Навоий оламининг бепоён сарҳадларига гаштли сафарнинг сўнгсиз, янгича бошланмасидир.

Алишер Навоийнинг насрий асарлари сирасига қирувчи “Муншаот” мумтоз адабиётда ўзига хос қимматга эга. У Шарқ иншо санъатининг ноёб туркий намунаси бўлиб, асарда шоирнинг 110 та мактуби жамланган. Улар ижодкорнинг ҳаёти, ижодий фаолияти, атрофидаги дўстлари, ижтимоий муҳити борасида маълумот берувчи нодир манба ҳисобланади. Илмда мазкур асарнинг бир қанча қўлёзмалари мавжуд. Юсуф Турсунов шулардан бештасини танлаб, бир-бири билан қоғиштириш, қиёслаш орқали “Муншаот”нинг танқидий матнини яратди. Уни эски ўзбек ёзуви ва кирил алифбосидаги табилини, қирк бетга яқин кириш сўз билан биргаликда “Мумтоз сўз” нашриётида чоп эттирди. Мазкур танқидий матн навоийшунослик илмида келажакда янгидан-янги ютуқларга эришиш, теран назарий хулосаларга келиш борасида муҳим назарий манба вазифасини бажаради.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган Абдулҳамид Қурбоновнинг монографияси “Хамса” сарлавҳалари баднийати”ни ўрганишга бағишланган. Жумладан, мазкур монографияда муаллиф “Фарҳод ва Ширин” достонидаги сарлавҳаларнинг услубий ва композицион хусусиятларини, сарлавҳалардаги бадний тасвир воситалари функцияларини ўрганишни мақсад қилган. Ишда муаллифнинг узок ва

машаққатли меҳнатни амалга оширгани сезилиб туради. Ҳар бир сарлавҳа синчиклаб ўрганилгани, қўлланилган сўзларнинг ўрни, маъно товланишлари, бадий санъатларнинг қўлланилиш мезон ва меъёрлари борасидаги муаллифнинг фикрлари эътиборга сазовор.

Аммо, аввало, монография учун танланган мавзу катта тадқиқот учун манба бўла оладими, материал етарлими, деган савол пайдо бўлади. Иккинчидан, “Ҳамса” сарлавҳаларини матн бадийяти билан мутаносибликда ўрганилса, адабиётшунослик учун муҳим хулосаларга келиш асослироқ бўлармиди, деган фикр қўнғимиздан ўтади.

Монографияда муаллиф бадий таҳлил услуби сифатида бироз эскича йўлдан фойдалангани кўринади. Санъатларни қидириб топиш, уларни санаш ва тушунтиришга ҳаракат қилинади. Улар бажарган функциялар етарли ёритилмайди. Баъзан байт мазмуни нотўғри шарҳланган ўринлар учрайди, баъзида атамаларнинг саёз талкинларига дуч келамиз.

Асар илмий монография, аммо бобларга қўйилган сарлавҳалар монографик тадқиқот талабларига жавоб бермайди. Сарлавҳалар монографияда қўйилган масалани ёритишга мўлжалланган бўлиши ва у сезилиб туриши лозим, лекин мазкур китобда бу ҳолат кузатилмайди.

Навоний ижодини ўрганиш борасида амалга оширилган тадқиқотлар ичида Отабек Жўрабоевнинг “Навоний ва тарих”, “Мумтоз адабиётда муғаннийнома” каби рисолаларининг ҳам ўзига хос ўрни бор.

2016 йилнинг муҳим нашрларидан яна бири “XX аср ўзбек мумтоз адабиётшунослиги” китобидир. У турли ёшдаги 56 муаллиф ҳақидаги қисқача маълумот ва 56 мақоладан иборат тўплам бўлиб, антология деб номланади. Адабиётимизда насрий ва назмий антологиялар тузишнинг узоқ тарихи мавжуд. Уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларни мужассамлаштирган турли йўналишлар камровига эга. “Энг эски турк адабиёти намуналари”, “Ўзбек адабиёти намуналари”, “Ўзбек ёш шоирлари”, “Ўзбек модерн шеърляти” каби антологиялар шулар жумласидандир.

Мазкур китоб адабиётшунослик йўналишидаги илк антология бўлиб, ундаги мақолаларнинг мавзулари ва савияси ҳам турлича. Муаллифлар жамоасини Фитратдан бошлаб, катта тадқиқотлар бўсағасида турган ёш олимларгача ташкил этган. Мақолалар, асосан, мумтоз адабиёт намуналари тадқиқига бағишланган. У билан танишган китобхон чуқур илм захирасига эга бўлади. Мақолаларда манбаларга янгича нукта назар билан ёндашиш, янги илмий-назарий хулосалар баён этиш, теран фикрлаш тамойили кўзга ташланиб туради.

Аммо ҳар қандай антологиянинг ўзига хос тартиб бериш мезонлари бўлади. Мазкур китобда ана шу муҳим мезонни аниқлаш мушкул эканлиги сезилади. Бу ҳолат айрим мақолалар савиясида ҳам кўзга ташланади.

Маърабо Кўчкорованинг Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртақлар”и тадқиқига бағишланган китобда асар атрофлича таҳлил қилинади.

Мазкур йилда бир нечта ўқув қўлланмалари ҳам нашрдан чиқди. Уларнинг китобхонлар аудиторияси кенг оммани, жумладан, мутахассисларни ҳам камрашидан келиб чиқиб, улар ҳақида ҳам маълумот беришни маъқул кўрдик.

Қозокбой ва Мухайё Йўлдошлар ҳаммуаллифлигидаги “Бадий таҳлил асослари” ана шундай асарлардан. Маълумки, бадий асарни таҳлил этиш узоқ тарихга эга. Матнга турли йўналишлардан ёндашиш, унинг мазмун-моҳиятини, эстетик жозибасини аниқлаш ва белгилаш тажрибаси мавжуд. Аммо адабиётшунослигимизда, йўл-йўлакай баъзи мулоҳазалар билдирилса-да, бундай талкинларни амалга оши-

ришнинг илмий-назарий асослари махсус ишлаб чиқилмаган эди. Мазкур китоб айна кемтикликни тўлдиришга хизмат қилади. Унда “Бадий таҳлил асослари”га фан сифатида ёндашилади ва илмий асослаб берилади.

Бадий таҳлил жараёнида матнни илмий-эстетик баҳолашда таяниладиган назарий билимлардан хабардорлик муҳим ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, муаллифлар китобда бу борадаги дунё адабиётшунослигида мавжуд назарий қарашларни чуқур ўрганиб, миллий дунёқараш ва нуктаи назардан келиб чиқиб бадий матнни таҳлил этиш назариясини илмий жиҳатдан ҳар томонлама етарли асослаб беришга ҳаракат қилишади.

Асарда бадий таҳлил моҳияти ва тамойиллариغا янгича ёндашиш йўлидан боришга эришиш сезилиб туради. Муаллифлар ўз изланишларида, янгиликка интилиш кирраларидан бири сифатида, истеъмолга янги сўзларни олиб киришга ҳаракат қилишади. Бу яхши. Аммо мазкур жараёндаги айрим сўзлар китобхонда эътироз пайдо қилади. Жумладан, уфқ сўзи ўрнида кўкжияк сўзи қўлланадики, бу маъно кўлами жиҳатидан уфқ сўзига муқобил келолмайди. “Ўхшаш ва фарқли белгилар” жумласи ўрнида “ўрток ва айирмали жиҳатлар” бирикмаси қўлланиладики, бу ҳам моҳиятан муқобил бирикмага нисбатан саёзрок. “Мундарижа” термини ўрнига “ичидагилар” сўзининг қўлланиши ҳам ўзини оқламайди. Ўқирман (ўқувчи), таниғ (гувоҳ), урпок (авлод), чоғдош, қаркин каби кўплаб сўзларни келтириш мумкинки, булар архаизм ёки сўз ясашдаги сунъийлик бўлиб туюлади.

“Ўзбек мумтоз ва миллий уйғониш адабиёти” (Навоий даври) қўлланмаси Дилнавоз Юсупова қаламига мансуб, унда Навоий ҳаёти, ижоди ва унинг ўрганилиши масалалари қамраб олинган. Шоир ижодиётидаги барча асарлар таҳлил доирасига тортилган. Муаллифнинг талқинлари навоийшуносликдаги ҳолис, янги нуктаи назарни ифодалайди.

Кўринганидек, 2016 йилда адабий танқид ва адабиётшуносликка оид илмий савияси, мазмун-мундарижаси турлича бўлган анча китоблар чоп этилди. Жонкуярлик билан адабиёт илми ривожига ҳисса қўшаётган олимларимиз ҳам талайгина. Аммо, умумбашарий, умумназарий мезонлар билан, дунё адабиёти ва адабиётшунослиги кўламида қарасак, вазият қаноатланарлими? Адиблар ва танқидчилар фаолиятидаги ижодий муносабат қай аҳволда? Улар яқдиллик ва бир мақсад билан адабиётни ва китобхон дидини юксалтирмақ учун ҳаракат қилмоқдаларми?

Ҳозирги адабий жараёнда истеъдодли ёзувчилар бор. Жиддий талқинларга асос бўлгулик асарлар яратилмоқда. Аммо улардаги ноёб бадий топилмалар, рамзлар, кенг қамровли, чуқур фалсафий мушоҳадаларни ўз вақтида, тезкорлик билан баҳолаш, рағбатлантириш, ўқувчилар диққатини унга қаратиш, асар моҳиятини теран тушунтириш, таҳлил этиш борасида адабий танқидчиликда фаоллик этишмаётгандек. Бадий адабиёт ва китобхон йўлини ёритиб олдинда юриши лозим бўлган адабий танқид ортда қолаётгандек.

“Ёзувчи ҳар доим ҳам ўз қалбида кечаётган туйғуларни, инсон ва борлик хусусидаги ҳиссий қарашларини қоғозда тўлиқ ифода эта олмайди. Шу сабаб муаллифнинг маънавий дунёси, бадий олами матнда ифодаланган мазмунга нисбатан анча кенг бўлади”¹. Адабий танқидчининг асосий вазифаси мавжуд матнга асосланиб, ёзувчи бадий оламидаги, маънавий дунёсидаги кенгликка ўқувчини олиб қира олишдан иборат. Китобхон тасаввурида бадий матн моҳиятидаги теранликни, фалсафани, тасвирдаги услуб ва маҳорат кирраларини ўз вақтида кашф этиши лозим. Аммо, назаримизда, бу борада ҳам адабий танқид суст.

Қачон адабий танқид фаоллашса, китобхонлар даражаси ҳам кўтарилади. Биз

¹ Б.Карим. Кодирий ва герменевтик тафаккур. Т.: Академнашр, 2014, 6-бет.

ўқувчиларимизга теран моҳиятга эга, фалсафий асарларни ўқиш малакасини шакллантиришга кўмак беришимиз лозим.

Нашр бўлаётган адабий-танқидий асарлардаги таҳлил ва талқиннинг ҳалоллиги, янгилиги қандай? Уларнинг кўпчилиги оқим бўйлаб енгил сузмаяптими? Халқимизнинг “тирик балиқ оқимга қарши ҳам сузади”, деган ҳикматли сўзи ўз қимматини йўқотиб қўймаяптими? Бу каби саволлар ҳар биримизни қийнапти. Матбуотда эълон этилаётган айрим мақолаларда бунинг ифодасини кузатяпмиз. Жумладан, Шодмон Отабекнинг “Ёзувчи китоб ўқимайди...ми?” мақоласида жонқуярлик билан айтилган қуйидаги фикрлар ҳаммамизни жараён ҳақида чуқурроқ, жиддийроқ ўйлашга даъват этади: “Асосий машғулоти саралашдан иборат адабий танқид эса жуда суст. Бояқиш танқидчиларнинг ҳолига ачиниш лозимдек туюлади. Чунки ҳозир ёмон асарнинг ёмон эканини айтиш, деярли, мумкин бўлмай қолди. (Танқидга тоқатсизлик шу даражада). Айтсангиз, муаллиф учун бир зумда “синфий душман”га айланасиз” ва адабий жамоатчилик томонидан катағонга учрайсиз..

Баъзан мустақиллик даври қаҳрамонлари яратилмаяпти деган иддаоларга дуч келамиз. Адабиётимизда бизга замондош, биз билан ёнма-ён яшаётган инсонлар руҳияти талқин этилмоқда. Биз мустабид даврдаги каби урра-урра қаҳрамонларни изламаслигимиз керак. Адабиётимизнинг табиати ўзгармоқда. Унда бош масала, ҳар қандай табақа, лавозим, мансаб-мартабадан қатъи назар, инсон руҳиятидир. У бугун бизни инсонни, ўзликни англаш йўлига чорламоқда. Буни эса танқидчиларимиз тадқиқ ва талқин этмоғи, китобхонлар фикрини уйғотмоғи лозим. Жумладан, биргина Исажон Султоннинг “Узук” ҳикоясини олиб кўрайлик. Ҳажм жиҳатидан қисқа асар. Аммо уч авлод руҳияти ёритилган. Оммавий маданият хавфи кучаяётган даврда ёзувчи ўқувчи диққатини қадриятларни асраш ва қадрлашга қаратишни мақсад қилади. Бу мавзу, мисол учун, бир тадбиркорнинг тақдирини ёритишдан кўра инсон камолотида муҳимроқ мақомда туради. Унда ота-онани қадрлаш, меҳнатини эъозлаш, анъаналарни асраш, келажакка чакноқ кўз билан жадал интилиш каби кўп қиррали масалалар камраб тасвирланади. Бундай қадриятларни ўз табиатида шакллантирган инсон Ватан қорига ярайдиган инсон демакдир. Бундай асарларни англаш, тушуниш ва тушунтириш танқидчиликнинг ва таълим муассасаларидаги ўқитувчиларнинг зиммасидаги маъсулиятли вазифадир.

ЯНГИ ИСТИЛОҲ ДАВРИ



ОЛИМ ОЛТИНБЕК

Ўтган 2016 йил замонавий шеърятимиз қасрининг икки устунини олиб кетди. Танқидчилигимизнинг доимий эътиборида бўлган бу улуг зотлар ҳақида ўтган йилда ҳам адабиётшунослигимиз ўз сўзини айтиб турган эди. Айниқса, профессор Умарали Норматовнинг “Эл-юртга, шеърятга бахшида умр” (“Ёшлик”, 2016/11), Оллоёр Бегалиевнинг “Тошқинлар киради қалбимга маним...” (“Шарқ юлдузи”, 2016/11) Абдулла Орипов ҳақидаги мақолаларнинг энг саралари ҳисобланади. Вафоти ва 80 йиллик юбилеини бир йилга тўғри келиб қолган Эркин Воҳидов шахсияти ва шеърятига онд мақолалар ҳам оз эмас. Йилнинг биринчи ярмида Вафо Файзуллохнинг “Азалий ҳикматни излаб” (“Шарқ юлдузи” 2016/2), Баҳодир Раҳмоновнинг “Йўл изтироблари” (“Ёшлик”, 2016/6) мақолалари босилган бўлса, йил адоғига келиб 80 йиллиги муносабати билан “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” нашрларининг сўнгги сонлари қахрамон шоиримиз ижодига бағишланди ва Иброҳим Ғофуровнинг “Юлдузлар шуъласи”, Анвар Обиджоннинг “Парпирик чехра” (“Шарқ юлдузи”, 2016/12), Нўъмон Раҳимжоновнинг “Бадийи такомил йўли”, Эркин Аъзамнинг “Отдош оғам”, Нодир Жонузокнинг “Биринчи Бош муҳаррир сабоқлари” (“Ёшлик”, 2016/12), Муҳаммад Алининг “Шеърятимизнинг порлоқ юлдузи”, Нурбой Жабборовнинг “Миллий руҳ – булоқ мезон”, Иқбол Мирзонинг “Қўнғирок”, Йўлдош Солижоновнинг “Кимда иктидор йўқдир...” (“ЎзАС”, 2016/52), Шухрат Ризаевнинг “Йўл изтироби” номи мақолалари чоп этилди. Бу мақолаларнинг ҳар бири Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижодининг янги-янги қирраларини очиб берганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга.

Ўтмишимизда бўлганидек, бугунимизда ҳам биз дунёга кўз-кўз қилиб мақтанадиган гўзал шеърятимиз бор. 2016 йилги аксар мақолалар мана шу замонавий шеърятимиз ҳақида. Қозоқбой Йўлдошнинг “Суратланган руҳият манзаралари” (“Шарқ юлдузи”, 2016/11), Нўъмон Раҳимжоновнинг “Мунаввар туйғулар” (“ЎзАС”, 2016/2), “Руҳият иқлимлари” (“ЎзАС”, 2016/25), “Бадийи тафаккурдаги эврилишлар” (“ЎзАС”, 2016/35), Сувон Мелининг “Қизалоқ Шарифа топидиклари” (“ЎзАС”, 2016/32), “Жўрлик жаранги” (“ЎзАС”, 2016/41), Абдулла Улуғовнинг “Юракни уйғотган сўзлар” (“Шарқ юлдузи”, 2016/10) каби

Олим ОЛТИНБЕК – 1966 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎЗМУ) тамомлаган. “Каримбек Камийнинг ҳаёт ва ижод йўли” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Шоир Камийнинг “Дилни обод айлангиз” шеърлар тўпламини нашрга тайёрлаб, чоп эттирган. Ҳозирда шоир Рауф Парфи ижоди бўйича илмий изланишлар олиб бормоқда.

мақолаларида миллий шеърятимизнинг нафосати, услуги, мавзулари билан боғлиқ жихатлар маҳорат билан очиб берилган. Шунга қарамасдан, профессор Дилмурод Куроновнинг “Шеърда мантик керак” (“Шарк юлдузи” 2016/2) мақоласи алоҳида ажралиб туради. Ушбу мақолани ёзишдан муаллифнинг ўз олдига қўйган мақсади унинг куйидаги сўзларида яққолроқ кўринади: “Бемаза шеърлар урчиб кетаётгани ҳақида кўпдан бери айтиб келамиз. Афеуски, фақат шугина: “айтиб келамиз” – вассалом! Ҳеч биримиз ўша шеърларнинг нимаси бемаза экани, нима учун уларни шеърга санаб бўлмаслигини кўрсатиб беришга ҳафсала қилмадик... Энди тобора амин бўлганим, бу масалада тутган тутумимиз зиммамиздаги вазифага хиёнат экан. Зеро, жим турмай, вазифамизни сидкидилдан бажарганимизда, бемаза шеърлар урчиблар кетмаган бўлармиди?!” Масалага мана шундай масъулият билан қараган ва жиддият билан киришган мунаққид Аҳад Қаюм “ижоди”ни объект этиб танлайди. Унинг шеърни шеър қиладиган уч муҳим унсурнинг бузилганлигига эътиборни қаратади. Биринчиси, шеърдаги мантикнинг бузуқлиги. “Поэтик мантик, – дейди Куронов мақолада. – Биринчидан, кечинма билан у юзага келётган ҳолат мутаносиблигини, иккинчидан, лисоний ифоданинг тасвирланаётган кечинмага мослигини, учинчидан, шеърдаги мисраларнинг ўзаро мантикий-мазмуний боғлиқлигини тақозо этади”. Мунаққид эътиборни қаратган иккинчи унсур шеърдаги лирик қаҳрамони маънавиятининг бузуқлиги. Ва ниҳоят, учинчи унсур – Аҳад Қаюм шеърларининг тили масаласи. Мақола муаллифи бир ўринда: “Аҳад Қаюм шеърларини ўқиганда: “бу йигит ўзбек тилини биладими ё энди ўрганаётими?” – дея истехзо қилади ва “шоири замон”нинг ўнлаб сўзларни маъносини англамасдан қўллаганини, кўп ҳолларда сўзларни грамматик жихатдан нотўғри боғланишини, келишиқ қўшимчаларини ишлатиш билан боғлиқ услубий хатоларни кўрсатиб беради. Яқинда профессор Насимхон Раҳмонов бир мақоласини “Она тилини химоя қилиш Ватанин химоя қилиш билан баробардир” деб номлади. Дарҳақиқат, она тилимиз маънавий Ватанимиз. Уни миллатнинг ҳар бир вакили химоя қилиши лозим, шоирлари эса кўпроқ масъул. Хуллас, Дилмурод Куроновнинг “Шеърда мантик керак” мақоласи замонавий шеърятимиз бўстонида урчиб кетган бегона алафларга берилган биринчи зарба. Бу фақат Аҳад Қаюмга эмас, унинг тоифасидаги барча “шоир”ларга қаратилган мақола.

Зар кадрини заргар билганидек, сўз кадрини ҳам сўз устаси билади. Бадиий сўзни бирор зот унингчалик хис қилолмаса керак. Шунинг учун ҳам, ижодкорнинг бошқа бир ижодкор битиклари ҳақидаги кузатишлари доимий равишда қутилмаган янгиликлар тақдим этиши баробарида, унинг ижод ҳақидаги, адабиётга оид қарашларини намойиш қилади. Ўтган йилги адабий-танқидий мақолалар орасида шоирларимиз томонидан ёзилганлари ҳам талайгина. Шоир Абдуғани Сулаймоннинг замонавий шеърятимиз ҳақида бир эмас, уч мақоласи эълон қилинган. Булар “Уфқлар ортидаги йўл” (“Шарк юлдузи”, 2016/5), “Шеърят кўнгил дегани” (“Шарк юлдузи”, 2016/9), “Замон руҳи, ҳаёт фалсафаси” (“Ёшлик” 2016/9) деб номланади. “Уфқлар ортидаги йўл” шоира Ҳалима Аҳмедова ижоди ҳақида. Мақола муаллифининг: “Илоҳий сўзни хис этган Ҳалима Аҳмедова ижодининг илдири ерда бўлса, шоҳлари қоинотда йшнайди”, “Шеърят – кўнгилни осмонга боғлайдиган йўл. Ҳалима Аҳмедованинг шеърлари ҳақида худди шу фикрни билдириш мумкин. Унинг ижодида катта эхтирос билан мастона фикр ҳамиша ёнма-ён келади”, “Унинг шеърларидаги жунун ҳар бир шеърхонни уфқлар ортидаги ёруғ, зангори йўлга чорлаб туради” каби сўзлари фақат ижодкор-танқидчига хос кузатишлардир. Ижодкорнинг бу хилдаги мақолалари боис, аксарият ҳолларда, унинг адабий-эсте-

тик қарашлари юзага чиқади. Бу эса адабиётшунослик илмини адабиёт ҳақидаги янги қарашлар билан бойитади. Турсун Алининг “Меҳр жозибаси” (“Шарқ юлдузи”, 2016/5), Баҳром Рўзимухаммаднинг “Нозик ифодалар” (“ЎзАС”, 2016/25), Мухиддин Омоннинг “Рухият манзаралари” (“Шарқ юлдузи”, 2016/8), Адиба Умированинг “Ошиқ дил рози” (“ЎзАС”, 2016/30) мақолалари ҳам мана шундай характерга эга.

Адабий танқид, маълумки, адабиётшуносликнинг тезкор хизматчиси. У бошқа соҳалар орасида адабий жараёнда пайдо бўлган бадий яратикка биринчи эстетик муносабатни билдириши лозимлиги билан ажралиб туради. Адабиётшунослар Қозокбой Йўлдош ва Мухайё Йўлдошнинг “Миллий насрдаги ўзига хос воқеа” (“Шарқ юлдузи”, 2016/1) мақоласи ёзувчи Муҳаммад Саломнинг “Қатта хонадон: изтироб ва севинчлар” роман-дилогиясига мана шундай тезкорликнинг бир намунаси ҳисобланади. Мунаққидлар асарни таҳлил қилиш жараёнида унинг янгилиги ва ўзига хос жиҳатларига алоҳида эътибор берадилар. Ва романни: “...миллий адабиётимизда одамнинг ердан узилмаган оддий ҳаётини тасвирлаб, ўқирманларнинг туйғуларини забт этиш, тўлқинлантириш ва бадий юксакликка кўтариш мумкинлигининг илк жонли мисоли” тарзида баҳолайдилар. Шунингдек, муаллифлар мақола сўнггида “асардаги баъзи ғализ жумлалар, қўшимчаларнинг нотўғри қўлланиши, шевага хос сўзларнинг изохсиз ишлатилиши асар савиясига бир қадар салбий таъсир кўрсатган”ини ҳам эслатиб ўтадилар.

Рассом ва ёзувчи... Бадий санъат яратувчилари орасида ўзининг табиати, борлиққа эстетик ва ҳиссий муносабати ва уни қайта яратиш усулларига кўра бири-бирига энг яқин ижодкорлар ҳисобланади. Уларнинг фақат асар яратиш қуроллари ва воситаларигина бошқа. Рухиятдаги мана шундай яқинлик боис ёзувчи фақат рассомнигина ўзининг эгизаги деб билади. Шунинг учун ҳам бадий адабиётда ёзувчи фақат рассом образи орқали ўзлигини максимал даражада очиб бера олиши мумкин. Дунё адабиётида бунга кўплаб мисоллар бор. Асад Дилмуроднинг “Ранг ва меҳвар” романи миллий адабиётимизда ҳам ушбу йўлга ҳаракат бошланганини кўрсатади. Адабиётшунос Ислом Ёқубовнинг “Армонсиз кун сулувдир” (“ЎзАС”, 2016/24) мақоласи мана шу роман ҳақида. Мунаққид асар ғояси ва структурасини атрофлича таҳлил этиб бўлгач, унинг миллий насримиздаги янгиликлари ҳақида қуйидагиларни санайди: 1) ретроспекция ва гротеск усулларидан самарали фойдалангани; 2) роман сюжети биз “воқеалар тизими” деб атайдиган анъанавий йўсинга мувофиқ тарзда эмас, балки лирик асарлардаги сингари ўй-фикрлар, туйғу-кечинмалар ривожига асосида қурилиши; 3) романда адиб корновал усулидан самарали фойдаланиши; 4) онг оқими фаолиятига асосланган бу асарда онгнинг муайян қатламларини англаш ва уни ишонарли кўрсатишга интилишнинг мавжудлиги.

Шунингдек, Дамин Тўраевнинг “Муаллиф ким томонда?” (“Шарқ юлдузи”, 2016/6), Шодмон Отабекнинг “Сўз айтмоқ саодати” (“ЎзАС”, 2016/8), Қундузхон Хусанбоевнинг “Ёзкечувлик йўлбарс” (“Шарқ юлдузи”, 2016/10), Лайло Шарипованинг “Навоий ва Самарқанд” (“ЎзАС”, 2016/47) каби мақолалари ҳам замонавий наср ва драматургиямиз ҳақидаги тезкор жанр намуналаридан ҳисобланади.

Танқидчилигимизнинг фаол жанрларидан бири – адабий суҳбат. Нодир Жонузқоннинг шоир Эшқобил Шукур билан суҳбати “Энг завқли машғулот – қалбнинг тозалаш...” (“Ёшлик”, 2016/10) деб номланган. Уни йилнинг энг сара суҳбатларидан бири сифатида қайд этиш мумкин. Суҳбатда Эшқобил Шукур Нодир Жонузқоннинг “...исмингиз қайд этилган шеърларингиз ҳам талайгина... Шоир ўзини, ўз исмини яхши кўргани учунгина шеърга киритмайди, албатта. Тўғрими?!” дея берган саволига устоз шоир:

“...Ижодкор ўзи билан ўзи кўпрок ёлғиз қолиши керак. У, аввало, ўзини ўрганиши, ўзини тафтиш қилиб туриши шарт. Рауф ака ёзган эди-ку: *Ўйчан кеча тун ичра танҳо, / Рауф Парфи, қолдик иқовлон...*” сўзлари билан жавоб беради.

Шуниингдек, ўтган йилги матбуотимизда ушбу жанрга оид қатор материаллар эълон қилинди. Мухаммад Али ва Йўлдош Солижоннинг “Тарих, замон ва ёзувчи масъулияти” (“Шарк юлдузи”, 2016/7), Нодир Норматов ва Лазизжон Бахранов “Уммон юзидаги мавжлар” (“Шарк юлдузи”, 2016/3), Ашурали Жўраев ва Одил Ҳотамовнинг “Ижодкорни калам танитар” (“Шарк юлдузи”, 2016/8), Махмуд Саъдий ва Нилуфар Намозованинг “Аскад Мухторнинг ёруғ юлдузи” (“ЎзАС”, 2016/12), Йўлдош Солижонов ва Абдул Собирнинг “Шайтон ўзинг, ғилмон ўзинг...” (“Тафаккур”, 2016/1), Дилмурод Курунов ва Мухиддин Раҳимнинг “Ишда – тўғрилиқ, сўзда – ростлик” (“Тафаккур”, 2016/2), Иброҳим Ғофуров ва Назира Тошпўлатованинг “Сўздан мурод маънодир” (“ЎзАС”, 2016/2), Алишер Ибодитов ва Жўрабек Жаҳоннинг “Уммонлардан юракка тўлқин оlib...” (“ЎзАС”, 2016/49) шулар жумласидан. Тўғри, ушбу адабий гурунглarning савияси, замонавий адабиётимизнинг умумий ва хусусий жиҳатларини ёритиши билан бир-бировидан фарқ қилади. Шунга қарамай, бу жанр адабиётшуносликнинг ижодкор лабораторияси, эстетик қарашлари, унинг ижод жараёнидаги психологик ҳолатлари, бадий асар биографияси билан боғлиқ жиҳатларни ёритишдаги вазифасини адабий танқид жанрларидан бирортаси бу даража бажара олмаслигини ҳисобга олсак, адабий суҳбатнинг нечоғлиқ илмий аҳамиятга эга эканлигини ҳис этамиз.

Мана шундай жанрлардан яна бири – хотира-мақола. Умарали Норматовнинг “Эл-юртга, шеъриятга баҳшида умр” (“Ёшлик”, 2016/11), Анвар Обиджоннинг “Парпирок чеҳра” (“Шарк юлдузи”, 2016/12), Хамдам Абдуллаев ва Хулқар Ғоипованинг шоир Матназар Абдулҳаким ҳақидаги “Фикрдошлар хайрати” (“Шарк юлдузи”, 2016/5), Оллоёр Бегалиевнинг “Хайратимнинг тили бўлсайди” (“Шарк юлдузи” 2016/4), Эркин Азамнинг “Отдош оғам” (“Ёшлик”, 2016/12), Нодир Жонузокнинг “Биринчи Бош муҳаррир сабоқлари” (“Ёшлик”, 2016/12), Мухаммад Саломнинг “Эзгуликка йўғрилган умр” (“ЎзАС”, 2016/26), Орзикул Эргашнинг “Шариф шаҳар фуқароси” (“ЎзАС”, 2016/39), Илҳом Аҳрорнинг “Остонадаги райхон” (“ЎзАС”, 2016/25) мақолалари ушбу жанрнинг янги намуналари ҳисобланади. Ёзувчи Орзикул Эргашнинг “Шариф шаҳар фуқароси” мақоласи шоир Садриддин Салим Бухорий ҳақида. Эътиборли томони шундаки, муаллиф шоир хотираси баҳонасида қадим Бухоронинг узок-яқин тарихидан сабоқ беради ва бу услуб хотира-мақолани тарихий-маърифий очерк даражасига олиб чиқади. Мана ундан бир парча: “Мир Араб мадрасаси, Масжиди Калон, Минораи Калон, яъни Пойи Калон мажмуасидамиз. Энди бу ерда ҳамроҳимдан эшитганларимни бир-бир хотирлайверсам... Масжиди Калон Туронзаминда барпо этилган биринчи Исро ибодатхонаси, 770–771 йилларда қурилган экан. Ҳадис илмининг султони Имом Бухорий (810–870) бир неча ўн йиллик хориж сафаридан қайтиб келиб, Масжиди Калонда маъруза қилганларида буюк муҳаддисдан бир вақтнинг ўзида ўн мингга яқин одам сабоқ олар экан. Исмоил Сомоний амирлиги даврида (888–907) масжид шу қадар кенгайиб кетадики, юз минг одам бемалол намоз ўқиши мумкин бўлади... Айтишларича, Чингизхон Бухорони босиб олгач, отда виқор билан Жомеъга кириб келади. Унга рўпара қилинган масжид имоми Чингизхонга таъзим қилишдан бош тортибгина қолмай, унинг юзига гупуради... Масжид темурийлар даврида қайта тикланади. Кейинчалик эса шайбоний ҳукмдорлар Убайдуллахон, Абдулазизхон ва Абдуллахон даврида ҳозирги кўринишига келтирилади...”

Ўтган йилги танкидчиликнинг қувонарли яна бир жиҳати шундаки, унда баъзи янги шакллар, таҳлил усуллари ва истилоҳлар пайдо бўлганини ҳам кузатиш мумкин. Уларнинг биринчиси сифатида Гўзал Бегимнинг “Айланаётган юрак” (“Шарк юлдузи”, 2016/6) мақоласини кўрсатишни хоҳлардим. Бу мақола шоира Ойдиннисонинг “Қоралама” китобига бир муносабат. Мақола муаллифи шеърятимиздаги ўзига тенгқур яна бир шоиранинг шеърларига муносабат билдирар экан, танкидчилигимизда кўрилмаган мутлақо янги йўлдан боради. Мақола олти қисмдан иборат. У танкидий мақолага ўхшамайди. Услуб бутунлай ўзгача. Дастлабки тўрт қисмида, шеърини парчалар келтирилмай туриб, Ойдиннисо битикларининг Гўзал Бегим қалбига пайдо қилган кечинмалари ифодаси ва туйғулар тугўни акс этган. Фақат бешинчи қисмга келиб, шоира шеърларидан яқка мисраларгина келтира бошланади. Келтирилганда ҳам у мисра, биз одатдаги адабий-танкидий мақолаларда ўргангандай, таҳлилга тортилмайди, балки у мисрадаги Ойдиннисо туйғулари Гўзал Бегим томонидан давом эттирилади ва ривожлантирилади. Мана, бир мисол: “Ҳақим йўк ишларга кўмилгим келар”. Шеърини мисра шу ерда тугайди. Энди Гўзал Бегимда у пайдо қилган туйғулар давом этади: “Ҳақ олиб, ҳақ бериб юрибман, мана. Юрак саҳросида чувуллашар бир этак жужукларим, ош-нон сўрамоқда юрак қушларим. Мен улкан-улкан ёмғирлар ёғувчи мамлакатда томчи майдалайман кўзларим билан. Кўнглимни ёзаман, дил қоралайман, бир нур етаклайман, дунё, сен томон”.

Мақоланинг олтинчи қисмидагина биринчи маротаба Ойдиннисо ва китобининг номи тилга олинади: “Азизам, Ойдиннисо! Бу Сизнинг “Қоралама” нгиз сабаб оқлик кўрган битиклар”. Жумладан кўринадики, олтинчи қисм эпистоляр усулда давом этган. Энди муаллиф ана шундай йўл билан Ойдиннисо “Қоралама” сидан олган таассуротларини баён эта бошлайди: “Китобингиз умиднинг, хиснинг, хароратнинг озод юришини бошлаб берди руҳимда. Шу пайтгача ёзган китобларингиз орасида “Қоралама” нинг номи бўлакча: кўнгилга, юракка, томирларга қораланган оппоқ шеърлар улар...” Мана шундай муносабат ва изҳори дил ила давом этади олтинчи қисм. Тўғри, мақолада Ойдиннисонинг шеърлари таҳлил этилмайди, талқин қилинмайди, илмий тадқиққа тортилмайди. Объектга, юқорида айтганимиздек, кечинмалар орқали, туйғулар воситасида шарҳ берилади. Хўш, бу нима? Мумтоз адабиётимизда мавжуд бўлган ғазал мисраларига тахмис боғлашнинг бир шакли эмасми? Унда фақат шакл катъий канонлаштирилган: бир шоир ёзган ғазалнинг икки мисрасига иккинчи шоир уч мисра қўшади. Шеърдаги поэтик фикрга эътибор берадиган бўлсак, бунда ҳам юқоридаги ҳолат, яъни иккинчи шоир биринчи шоирнинг фикри, кечинмаси ва туйғуларини давом эттиради. Хуллас, Гўзал Бегимнинг бу мақоласи бадий ижод ва адабий танкид орасида пайдо бўлган бир шакл. У балки адабий танкиднинг бир шакли сифатида бардавом бўлмас, лекин бадий ижод намунаси сифатида ривожланиши ва яшаб қолиши мумкин.

Бадий асарнинг таҳлил усуллари билан боғлиқ янгилик адабиётшунос Баҳодир Каримнинг “Уч ҳикоя – уч ғоя” (“Тафаккур”, 2016/1) мақоласида кўрилади. Унда муаллиф Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Жимжитхонага йўл”, Назар Эшонқулнинг “Маймун етаклаган одам” ва олмон ёзувчиси Ҳерман Бёллнинг “Менинг ғамгин юзим” ҳикояларини таҳлилга тортади ва ўз тасавурида суратланган ҳикоя структурасини геометрик координатлар текислигида акслантиради. Бу ҳам бир усул. Тўғри, бу усулни ҳамма ҳам татбиқ эта олмаслиги мумкин, бу ўша асарни ўқиган ўқувчининг тасавур ва билим доираси кенглиги ва қандай шаклланганлиги билан боғлиқ...

Янги адабий истилоҳни ёзувчи Исажон Султон татбиқ этади. У Иқбол Мирзо шеърятини ҳақидаги “Гулшакл ҳислар” мақоласида шундай ёзади: “Фанда “спектрограф”

деган ускуна бор. Олис юлдузлар шуъласига бокиб, нур толимлари аро юлдуз таркибини билиб олса бўлади. Шеърый спектрограф эса замонавий оламда тангик тоза ва мусаффо туйғуларни саралаб кўрсатади”. Дарҳақиқат, биз шеърларидаги туйғулар орқали шоир қалби инкишоф этилган тадқиқотни спектрографик мақола десак, адабиётшуносликдаги бир номсиз ходиса номланган ва илмий тушунча сифатида ўз шаклу шамойилига эга бўлган бўлар эди.

2016 йилги адабий-танқидий материалларни таҳлил қилар эканмиз, яна бир мақолага эътибор қаратмасликнинг иложи йўқ. Бу Сувон Мелининг “Тафаккур эркинлиги” (“ЎзАС”, 2016/34) мақоласи. Муаллиф мақолада адабий танқид “мавжуд асарлар бўйича фикр юритади”ган йўналиш бўлибгина қолмасдан “у муайян ҳолларда нима йўқлигини ҳам айтиб туриши”, “жорий адабиётнинг кўзгуси бўлиши” баробарида, “унинг истикбол йўлларини белгилаб, унга йўналиш берадиган” илмий-бадий соҳага айланиши лозимлигини алоҳида таъкидаб ўтади ҳамда адабий танқид олдига “ҳамиша маънавий соғлом адабиёт тарафида қоим туриши лозим”, деган принципал талаб қўяди. Шунингдек, олим мақолада янги даврда адабий танқиднинг ўрни ва мавқеи, унинг вазифалари, эстетик тамойиллари ҳақидаги илмий-назарий фикрларини илгари суради. Сувон Мели каламига мансуб “Жўрлик жаранги” (“ЎзАС”, 2016/41), “Қизалоқ Шарифа топилдиклари” (“ЎзАС”, 2016/32) каби мақолалар ҳам айнан мана шундай талаблардан келиб чиқиб яратилган.

2016 йилда “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик”, “Тафаккур”, “ЎзАС” нашрларида танқидчиликнинг тақриз, хотира-мақола, адабий суҳбат, адабий шарҳ, эссе, адабий портрет, мактуб каби турли жанрларида юзга яқин мақолалар эълон қилинган. Ўрни келганда шунини таъкидлаб ўтиш керакки, ўтган йили адабий жараёнга муносабатни фаоллаштириш мақсадида “Шарқ юлдузи” журнали “Кўнғил мулки”, “Мутолаа”, “Ёшлик” эса “Таассурот”, “Мактубот” каби янги рукнлар очдики, улар бугун бадий таъниг эстетик ёндашувнинг янги усулларини пайдо қилишига ва адабий-танқидий тафаккурнинг ҳаракатга келишига ёрдам бермоқда.

Адабий материаллар шунини кўрсатадики, 2016 йил адабий танқид майдонида, асосан, уч тоифадаги муаллифлар фаолият кўрсатишган. Биринчиси, профессионал танқидчилар Умарали Норматов, Иброҳим Ғофуров, Қозокбой Йўлдош, Нўмон Раҳимжонов, Йўлдош Солижонов, Дилмурод Қуронов, Сувон Мели, Баҳодир Карим, Нурбой Жабборов, Исрол Ёқубов, Абдулла Улуғов, Узок Жўрақулов; иккинчиси, ижодкор-танқидчилар: Мухаммад Али, Турсун Али, Эшқобил Шукур, Баҳром Рўзимухаммад, Вафо Файзуллоҳ, Исажон Султон, Оллоёр Бегалиев, Нодир Жонузқоқ, Гўзал Бегим, Бехзод Фазлиддин; учинчиси, тадқиқотчилар Қаҳҳор Йўлчиев, Умида Расулова, Муҳайё Исмоилова, Санобар Тўлаганова, Мархабо Қўчқорова, Саъдулло Қуронов... Буларнинг барчаси ўтган 2016 йилги адабий жараёнга энг қамада икки марта чиқишлари билан ўз ҳиссаларини қўшганлар...

Хуллас, 2016 йил танқидчилиги билан боғлиқ барча далил ва маълумотлар адабий танқидни адабиётшунослигимизнинг ўсиш, ўзгариш ва янгиланиш сари юз бурган соҳаларидан бири эканлигига далolat қилади.

Сен менинг кўнглимни қайдан биласан



Наргиза ОДИНАЕВА

* * *

Шу эски чархпалак, бошда ёмғир, қор,
Яшаб ўтаяпмиз одам тарзида.
Қорачикда тойган мингта тақдир бор,
Осмон ва заминнинг чегарасида.

Мудом туткун этар тортишиш кучи,
Ким билсин жондаги тугунларини.
Куюш айвонида турган, эй йўлчи,
Ўзи обод этсин бугунларингни.

Баҳорлар гуллайди, сўнг кузлар кирар,
Ой бадр – юракнинг устидан юриб.
Уримни бир таниш соғинч чақирар
Ҳали туғилмаган тонглардан туриб.

Қилган орзуларинг тушларингдай ўнг,
Бунда чангиётган менинг йилларим.
Сенинг эртақларинг тугагандан сўнг,
Бошланади менинг узун йўлларим.

* * *

Кўшиғига тўлдиролмай бир фалакни,
Қиём ўтди, кун кўксимга оғаётир.
Юрагимдан бошлаб бердим камалакни,
Дил шахрига ёмғирлари ёғаётир.

Сўзга сиғмас ўзи билган тавбаларим,
Исмин айтсам, файзи кетгай, файзи кетгай.
Қош қорайса, имлайверар қиблаларим,
Ишқлар менсиз гуноҳ этгай, гуноҳ этгай.

Наргиза ОДИНАЕВА – 1988 йилда туғилган. Термиз давлат педагогика университетида ўқиган. Унинг “Йўлдаги мактублар”, “Тўрт томон” номли шеърый китоблари нашр этилган.

Юким ортди этагимга юлдуз териб,
Юпун жоннинг савдосига хато қилдим.
От ўйнатган дунёсига салом бериб,
Қиш тўкилдим, ёз тўкилдим, куз тўкилдим...

Шабнам борар тонг юзида булоқ бўлиб,
Харитага айланади карвон йўли.
Дил эланди кўпкарида улоқ бўлиб,
Чап елкамга ботиб кетган кимнинг қўли?

Йўл тополмай оёғимга йўл суринар,
Жим турибман қисматимнинг сирасида.
Қай томонга борай десам ўт кўринар,
Йигирма ва ўттизимнинг орасида.

Мен англаган саховатни билмас олам,
Минг ўхшайман озиб, тўлган ойларига.
Қисматига қўнмай юрган соков одам,
Тош отиб тур юрагимнинг сойларига.



Сирожиддин ИБРОҲИМ

Юрагимда унган изтироб гули,
Бўғзимга ботирдинг тирноқларингни.
Баланд келмасин деб фарёднинг қўли –
Мен тишлаб турибман бармоқларимни.

Тағаззул базмида мезбон эмасман,
Чоғим, мехмонлик ҳам бўлади армон.
Азизим, мен сени айбдор демасман,
Фақат тирноғингдан оқаяпти қон.

Ялдо кечаларин эртақларини,
Тинглайманми яна ой забонидан?
Ва, ёки, унутаи бари-барини,
Умидин уздими илинж жонидан?

Майли, яшамокнинг давоми ўлим,
Унга топшираман бор-йўқларимни.
Ғолиб келмасин деб изтироб гули,
Мен тишлаб турибман бармоқларимни.

Сирожиддин ИБРОҲИМ – 1993 йилда туғилган. Ҳозирги пайтда “Сурхон ёшлари” газетасида фаолият юритмоқда.

* * *

Манглайга эртақлар битилгани йўк,
 Кўрганинг туш каби олиб кетмас сув.
 Кўнглинг кифтларига нигоҳ солса кўк,
 Кўзларинг ёш тўкиб йиғлайди дув-дув.

Бош олиб кишлокқа кетиб қоласан,
 Юрак дашт томонга бошлайди йўлинг.
 Унутиб, ҳавога қулоч ёзади
 Кўксингни чангаллаб толиққан қўлинг.

Куз ҳоким оламга намхуш тун чўқар,
 Бу туннинг юраги момомдек қарри.
 Шунда эшитилар жуда ҳам элас,
 Чўпон бола чалган най нолишлари...

...Хайр, чўпон бола, ёд эт, ёд этгум,
 Мен – манзил ёдидан чиққан йўловчи.
 Қайта кўришмоқлик бўлгайми насиб,
 Қисмат шафқатсиз ва каттиқ эловчи?

Бу куз кўзёшларга ичикиб келган,
 Бўғзим банди этган кўзёшлар лим-лим.
 Яна юрагимга узана бошлар –
 Ўттикодга кадам қўйганча йўлим.

КЎККА БЎЙЛАЁТГАН НИҲОЛЛАР

Сурхондарё азалдан бахшилар юрти, шоирлар макони. Бу гўшанинг йигитлари болалигиданок дўмбиранинг сеҳрли қуйларини, қизлари эса чанковузнинг юракларни сел қилувчи нағмаларини қалбларига сингдириб тетапоё бўлишади. Бу ўлканинг ҳар бир гиёҳида орзу-умидлар гуллайди, жамбил райхонлар иси тутган адирларида эзгуликнинг кўхна ва навкирон садоси бор. Жануб қуёшининг илик хароратидан нур эмиб кўкка бўйлаётган ниҳоллар росланмоқда.

Воҳа адабий мухитидан илҳом олиб, устозлар етагида ўзининг ўктам овози, беғубор қалб сўзи билан адабиёт майдонига бир гуруҳ ёш ижодкорлар дадил кадамлар билан кириб келяптики, бу эса ҳаёт давомийлигидан дарак. Сўнгги йилларда юртимизда адабиётга, ижод аҳлига кўрсатилаётган эътибор сурхондарёлик ёш ижодкорлар учун ҳам катта имкониятлар эшигини очди.

Бугунги кунда ўз кўнгили маҳзанидаги мунаввар туйғуларни сатрларга жойлаб ўқувчилар ҳукмига ҳавола этаётган Сарвар Тўраев, Наргиза Одинаева, Зилола Яхшиева, Сироҷиддин Иброҳим, Алибек Анварий, Садокат Эргашева, Ойбек Маматалиев, Шахноза Эшмирова сингари ёш ижодкорларнинг жамоатчилик томонидан муносиб эътирофга сазовор бўлаётганлиги бизда катта умид уйғотади. Уларнинг ёзувларидаги содда ва самимий қалб изҳорлари, теран туйғулари, муҳими, шу азиз ватанга фарзандлик ҳисси эртага катта адабиёт майдонида янада ёркинроқ чирок каби порлаши, шубҳасиздир. Зеро, ирмоқлар доимо дарёга интилади.

*Болта ЁРИЕВ,
 филология фаилари номзоди*



Садоқат ЭРГАШЕВА

Соат чикиллайди.
Ташқари зулмат,
Қоронғи сукунат алла айтади.
Менинг юрагимда қандайдир хилқат,
Кўзингни зиёрат килиб қайтади.

Соат чикиллайди.
Рухим кексар,
Сония – сен билан менгача йўлдир.
Муҳаббат фарзанди сен бўлсанг агар,
Кўнглимни покиза ишқ билан тўлдир.

Соат чикиллайди.
Юрак азобда,
Инжиқ дунёингдан кетмоқликка шай.
Сен олис кетасан, ҳар дам йирокка,
Соғинчинг қадрига етсин деб атай.

Соат чикиллайди.
Мен сенга айтсам,
Бу дуннинг руҳини кўнглимга кийдим.
Сенинг ҳузурингга тиз чўққалимас,
Юрагимни олиб кетгали келдим.

Соат чикиллайди...

Саросар кезаман...
Юракни судраб,
Ўзини унутган инжиқ руҳимда.
Сен эса олисда турасан титраб,
Суяниб, ичиккан кўнглимда.

Саросар кезаман.
Судраб юракни,
Кўзингга кўқлардан ёғиламан жим.
Соғинчдан сарғайган дардлар керакми,
Ғамнинг панасида ўқисанг кўнглим?

Садоқат ЭРГАШЕВА – 1995 йилда туғилган. Термиз давлат университетининг ўзбек филологияси факультетида таҳсил олмоқда.



Алибек АНВАРИЙ

* * *

Кўкда юлдуз имлар. Ёлкини пастда.
 Қаватимда октўш. Қўлда тирагим.
 Туёқлар куйига ҳамоҳанг тарзда,
 Усул бераётир менинг юрагим.

Қора қумғонимдан мўралар осмон.
 Ана, дастурхонда бурдаланган ой.
 Гулхан – изтиробда эшилган достон.
 Бешиккертим эрур хаёл деган жой.

Қаршимда чордана қуради олам,
 Нақадар таъсирчан унинг гурунги.
 Ўзини мен билан кўради баҳам,
 Илҳомга беланган шамоллар мунги.

Туйғудан бебаҳра лаҳзалар ўзга,
 Қўшиғим айрича, йўлим танҳодир.
 Тик боқиб яшайман ҳар қандай кўзга,
 Умримга тан берар, кодиру содир.

* * *

Тўпикнинг бўғзидан олиб, босди сув.
 Айтиб бўлмас гаплар айтилди.
 Тош каби нарига итқиди кўркув,
 Илк бора олдинга қайтилди.

Жондай зарур ўша совук темирнинг
 Тумшуғида олов ясамоқ.
 Имкони туғилди ўтган умрнинг,
 Яшаб бўлмас қисмин яшамоқ.



**Наргиза
НОРМАТОВА**

Устозлар

Китоб тутқазиб менга,
Зиё сочган устозлар.
Қалбимизда мунаввар
Дунё очган устозлар.

Одоб, ахлоқ бобидан
Бериб илму сабоқлар.
Бизни комил айлаган,
Эй сиз, азиз булоқлар.

Меҳр бериб юракка,
Қалбимизга берган нур.
Фидойи қалб устозлар
Барчангизга ташаккур.

Най

Най – инсон қалбининг мунгли овози,
Гоҳ ғамни, гоҳ қувончни куйлай олади.
Хотира мисоли янграб шўх нози,
Меҳру муҳаббатни куйга солади.

Гоҳ инсон қалбида ташвишни, дардни,
Най сози ўзига чулғаб куйлайди.
Унинг наволари куйлатар мардни,
Илохий сеҳрдан эртак сўйлайди.

Орзуларим

Орзуларим – оппок тонгларим,
Қувончларга қўмилгим келар.
Орзуларим – олис тоғларим,
Бахт шамоли юзимни силар.

Орзуларнинг оқ қанотида
Осмонларни сайр этган онлар.
Юрагимнинг тубсиз қаърида
Оппок бўлиб отади тонглар.

Наргиза НОРМАТОВА – 2002 йилда туғилган. 51-ўрта умумий таълим мактаби ўқувчиси.



Гулноза БОБОЕВА

* * *

Бобомнинг ўтмиши, менинг бугуним,
 Ўғлимнинг эртаси ўзингсан, Ватан!
 Буюк тарихимиз бағрингга жодир,
 Буюк келажак ҳам қўлингга, зотан!

Олқишинг жўш урган куйлар жаранги,
 Тинчликнинг дарағи – элим кувончи,
 Ватаним, бағрингдек жаннат қайда бор,
 Сени асрамоқлик ҳар фарзанд бурчи?

Сен билан орзуим, сен билан ўйим,
 Бахту саодатим боғлиқдир сен-ла.
 Уволу савобим ўзинг биландир,
 Хизматингда бўлай, омадим тила.

* * *

Сен менинг кўнглимни қайдан биласан,
 Балки йўқдир унинг дардига малҳам?
 Паришон ҳолимдан нечун қуласан,
 Балки кувончдандир кўзимдаги нам.

Узун тунлар бедор, ох урган кезлар,
 Балки менинг қалбим ўртар муҳаббат.
 Кўзимда ёш билан кўкка термилсам,
 Балки турналардан сўрайдирман хат.

Паришон ҳолимдан қулмагин, эвоҳ,
 Ҳар дилнинг бир кемтик жойи бўлади.
 Ўзи ҳар вужудга битта қалб берган,
 Ҳар ким ўз дардини ўзи биледи...

Гулноза БОБОЕВА – 1986 йилда туғилган. Термиз давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Унинг “Ҳаяжон фасли”, “Ойдин оқишлар”, “Тонлар кўшиги” номли китоблари чоп этилган.



Кавсар ТУРДИЕВА

БОЛАЛИК ДУНЁСИДАН БИР ЛАВҲА

Тушунарли ва таъсирли, шу билан бирга кичик китобхонларни ўйлантирадиган шеърлар ёзиш учун болалар дунёсининг сеҳргари бўлмоқ даркор. Улар қалбидаги орзуларни кидириб топиш, уларни ўртаган нарсалардан ўртаниш, улар хайратланган нарсалардан хайратланмоқ зарур.

Биз учун оддий туюлган нарсалар бола кўз ўнгида фожиавий кўриниши, катталар учун дардли ва армонли туюлган ечилмас масалалар бола назарида оддий ечимини топиши кийин эмас:

*Эртадаги парилар сарвқомат десалар,
Улардан гўзал дердим Лобарой кеннойимни.
Касал бўлиб қоласиз, йиғлайверсангиз агар...
Десам ҳам кўзин ёшлаб солиб берди жойимни,
Она, тогамнинг нега битта ҳам боласи йўқ?
Ака, опачаларим, хафа бўлишса майли,
Менинг айтганимга ҳам бир боргина киринглар,
Кўнмасангиз агарда уйдан қочиб кетаман.
Мени кичик тогамга ўгил қилиб беринглар
Она, тогамнинг нега битта ҳам боласи йўқ?*

Истеъдодли болалар шоири Абдурахмон Акбарнинг кичик қахрамони тоғасининг армонига шундай йўсинда нукта кўяди.

Абдурахмон Акбарнинг “Кичкинтой ва пахтаой”, “Сўзловчи ёмғир”, “Эҳтиёткор тошбака” шеърый тўпламларидан сўнг 1994 йили чоп этилган китоби “Куйлаётган боғ” деб аталади.

Мен кўпинча Абдурахмон Акбарнинг ижоди бошқа болалар шоирлари ижодидан нима билан фарқ қилади деган саволни ўзимга берганимда унинг шеърларини, янги китобларини варақлаб бир хил жавоб топаман: шоирнинг ўзига хослиги – болалар қалбини сўзлатишида. Абдурахмон Акбар шеърый мисраларга туширган сўзлар болалар қалбининг қаърига яширинган туйғуларнинг жиловини тортиб, биз кутмаган булоқчалар, маъданлар, кашфиётлар очгандек бўлади. Бу хазиналар болалар қалб

Кавсар ТУРДИЕВА – 1958 йилда тугилган. Санкт-Петербург университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Унинг йиғирмадан зиёд шеърый ва насрий китоблари нашр этилган.

кўрида яширинган хис-туйғулар, меҳр, муҳаббат, соғинч, армон, ўқинч, нафрат ва ҳоказолар. Шунинг учун ҳам улар гоҳ шеърлар сарлавҳасига ҳам чикиб қолади.

*Аълочи қиз эди Нодира
Дарсларидан сира қолмасди,
Аҳвол сўраб борган пайтимиз –
У ўрнидан тура олмасди.*

Бу армон ҳақидаги шеър. Абдурахмон Акбар шеърларининг икки хусусияти мазкур шеърда яққол намоён бўлади. Биринчиси, ҳолат карама-қаршиликларини бериш. \Нигоранинг дарслардан сира қолмаслиги ва сал ўтиб унинг ўрнидан тура олмаслиги\... Бу контраст вазият замирида иложсизлик, тақдирнинг аччиқ ҳақиқати ётади. Ва иккинчиси, воқеа ривожини билан уйғунликда бериш.

*Соғаймади синфдошимиз,
Охирги кун қорайганда қош,
Деразада бизлар келтирган
Атиргуллар қолганди сўлиб...*

Армон, иложсизлик, кўзёш ва ғам эса унинг кўринишларидир. Бу иложсизликка шеърнинг сўнгги мисралари гўё нуқта қўйгандек бўлади:

*Кўзимизни қизартирди нам,
Қалбимиздан армон кетмади.
Кўтарайлик тобутни десак
Бўйимиз етмади, етмади...*

Армон, ўқинч... Синфдошини сўнгги манзилга кузатиш ҳам улар имконияти даражасида эмас. Бу илгариги термин билан айтганда – “сентименталлик”. Абдурахмон Акбарнинг бу шеъри 1950-1980-йиллари ҳам худди шундай баҳоланган бўлар эди. Адабиёт асарларини курук социологик жиҳатдан гуруҳлаш, умуман адабиёт асарларининг: мелодрама, интим, лирика, сентиментал асарлар каби терминлар билан аталса, адабиётшуносликда бу тушунчаларга қандайдир пастроқ назар билан қараш ва иккинчи даражали дейиш урфга айланган эди. 1990 йили Альберт Лихановнинг “Правда” газетасида чиққан бир мақоласида “Алексей Максимович Горький одамлараро муносабат тажрибасида унча яхши роль ўйнамаган бир неча шиор кўринишидаги гаплар топган эди. Булар ичида биттаси “Раҳмдиллик – инсонни камситади” деганди. Бу сўз жамиятимизнинг дастлабки ўн йилликларидан бошлаб олиб борган шафқатсизлик, бераҳмлик стратегиясини акс эттиради. Яъни, адабиётда ҳар қандай меҳр-оқибатга йиғлокилик ва сентаменталлик назари билан қарала бошланган. Ким билсин, ўша давр мезони билан ўлчанса Абдурахмон Акбарнинг кўпгина шеърлари сентиментал, пессимистик ва йиғлоки шеърлар гуруҳига ажралган бўлармиди? “Булбул”, “Кетмон ҳақида шеър”, “Китобни кўп ўқийдиган укам” шундай шеърлар жумласидандир.

“Коммунистик боғи Эрам”ни яратиш учун кураш ўша даврда адабиётда ва шу билан бирга болалар шеърлятида ҳам акс этмаслиги мумкин эмас эди.

Абдурахмон Акбар ижодининг бошланиши айнан шундай ура-урачилик даврига тўғри келган. Ўтган аср 80-йилларининг иккинчи ярмидан бошлаб жамиятда қайта қуриш, миллий истиқлол учун кураш даври шоир ижодиди ҳам ўз намуналари билан тасдиқланиб, акс этиб боради.

1987 йилда чиққан “Кичкинтой ва пахтаой” шеърда коммунизм қуриш учун “ок олтин” теришга чорлаётган бола образини чизилса, кейинроқ “Иншолардан

кўчирмалар” шеърда пахтани отани оқ сочига қиёсланади. Шоирлар ижодидаги бундай қарама-каршилиқлар кўплар ижодига хос. Аммо ҳозир айтилмоқчи бўлган асосий фикр бу эмас. Асосийси шундаки, Абдурахмон Акбар ижоди ҳозирги замон ўзбек болалар шеърлятига лирик кайфият ва бола кечинмаларини кичик қахрамон тилидан беришнинг ўзига хос услубини олиб кирди.

*Анча қийин бугунги мавзу,
Қулоқ солинг, деди муаллим,
Чор-атрофни босгандайин сув,
Зум ўтмасдан синф бўлди жим,
Менинг эса Нодира билан
Сухбатлашим келаверади.*

Муҳаббатдек улуғвор хис-туйғуни бера билиш болалар шеърлятида айниқса мушкулдир. Шунинг учун ҳам қахрамон бу туйғунинг нима эканлигини тўла тушуниб етмаслиги табиий. Нодира билан сухбатлашишга эҳтиёж қахрамон қалбида турфа саволлар туғдиради. Кичик қахрамон саволларига жавоб топиш жараёнида гоҳ ўзи ҳам чалқашиб кетади. Чунки унинг мантқикий ҳулосалари ҳам болаларча содда. Балки шунинг учун ҳам жавоб топилмай, савол охиригача очик қолар. Бола хайрон. Нодира билан сухбатлашгиси келавергани билан унинг қиёфасида унча ҳам яхши сифатлар топа олмайди.

*Орқага ҳеч боқмас Нодира,
Тақинчоқлар тақмас Нодира.
Бир оёғи оқсоқ, шу боис
Болаларга ёқмас Нодира.
Менинг эса Нодира билан
Сухбатлашим келаверади.
Менсимасдан авваллар атай,
Йиғлатардим сочидан тортиб,
Узоқ фурсат унга гапирмай,
Ранжитардим, шўхлигим ортиб
Энди эса Нодира билан
Сухбатлашим келаверади.*

Кечагина шундай муносабатда бўлган кишинга бугун бефарқ қарай олмаслик бола назарида ғайритабиийдай туюлади. Энди эса шеърдаги ҳолатлар ифодасини таҳлил қилиб кўрайлик.

1. Ўқитувчининг дарс мавзуси қийинлигини таъкидлаши – сўз ифодаси.
2. Атрофнинг жимжит бўлиши – ҳолат ифодаси.
3. Нодиранинг хаёлий портрети – чизгилар ифодаси.
4. Нодирага бефарқ бўлган вақтга экскурс – ҳаракатлар ифодаси.
5. Нодира ҳақидаги саволларнинг очик қолиши – мантқиқ ифодаси.

Абдурахмон Акбар қиёслаш усулини бу шеърда жуда муваффақиятли қўллайди. Ўқитувчининг берган мавзуси ва қахрамон мавзусининг бир-бирига муносабати. Ҳамманинг ва ўзининг Нодирага муносабати. Дарсни тинглаётган бутун синф ўқувчилари ва Нодира ҳақида ўйлаётган қахрамон солиштирилганда кейинги компонентлар биринчи ўринга ўтиб, асосий мавзунини ташкил қилаётганининг гувоҳи бўламиз. Айнан шу солиштириш усули туфайли унинг “Иншолардан кўчирмалар” шеъри салмоқли ва мазмунлидир. Пахтанинг пар ва булут, музқаймоққа ўхшатилиши болаларга хос бўлса, “Пахта – нон, зар” дейилиши давр шиоридан кўчирмадек, Шоузокнинг пахтани дадасининг оқ сочига қиёслаши эса пахтанинг миллатимиз

бошига солган ташвиши, оғир меҳнатига ишорадир. Демак, бу ерда иншолардан кўчирмаларнинг мазмунан олдинма-кейин берилиши даврнинг шиорбозлиги-ю унинг оркасида яширинган оғир меҳнатнинг мантикий ва даврий кетма-кетликда берилиши мужассам. Абдурахмон Акбар шу шеърининг композицион тузилишини ўз номи билан “Иншолардан кўчирмалар” деган бўлса, кейинги “Тўйда” шеърда тўй тасвирини кенг тизимда акс эттиради. Тўйга борган бола нималарга эътибор бериши мумкин? Албатта томоша-ю қорин тўқлашга, ўйин-кулугига. Шунинг учун ҳам Аъзамжонларнинг тўйига келган кичик қахрамон биринчи галда чучварага тўйганини, сўнгра қовун-тарвуз сўйганини айтади. Кейин эса байрам авжини тасвирлаб шундай дейди:

*Роса авж олиб байрам,
Ҳамма ўйнаб яйради.
Бир киши аввал какку,
Сўнг булбул бўп сайради.*

Нормамаат аканинг ичиб, қовурдоқ ейиши ҳам кичик қахрамон назаридан четда қолмайди. Сўнгра ўгли дардида йиғлаши эса болакайга дўсти Тошмамаатни эслатади. Абдурахмон Акбарнинг бу шеърни ёзишдан мақсади эса кичик қахрамоннинг мушоҳадалари орқали атроф-муҳитга болалар нигоҳи билан назар ташлашдир. Қахрамон позицияси шеърда гоҳ томошабин, гоҳ бевосита иштирокчи сифатида талқин қилинади. Энди қахрамон рухий ҳолатининг кетма-кетлигини ҳам кўриб чиқайлик. Бу ҳолатлар кичик бир тўй лавҳасида ҳаётнинг мураккаб муносабатлари, чигалликлари ва қувончлари борлигини исбот қилади. Унинг ногаҳоний иштирокчиси руҳида бу кўринишлар моддий ва маънавий завқ, ҳайрат, рухий эзлиш ва нафрат туйғулари билан бўялади. Бу рухий ҳолатлар, ҳаётнинг лавҳаларга бўлган муносабатлари унинг маънавий қиёфасини кўрсатади. Синчков, қувнок, раҳмдил ва маънавий беғубор боланинг қиёфасини шоир қайси чизгиларда акс эттиради?

*Бунни кўриб юрагим
Эзилгандан эзилди...*

Ёки:

*Ўша раққоса опа
Менга ёқмади ҳеч ҳам.*

Бу ҳолатлар ва бола ҳукмининг кетма-кетликда берилиши ҳам бежиз эмас. Чунки, унда бола маънавий қиёфасининг объективлиги ва бу ҳукми тасдиқловчи воқеа тавсифи берилди.

*“Баригал”га ўн марта
Рақса тушиди ўйинчи.
Қошлари қалдирғочдек,
Соци узун бўлса ҳам,
Ўша раққоса опа
Менга ёқмади ҳеч ҳам.
Уч сўмни деб ёлғондан,
Кўзини қисиб менга,
Юзларидан ўптирди,
Шермат мўйлов деганга.*

Ўйинчининг маънавий қиёфасига бола қўйган баҳо унинг оддийгина “Ёқмади ҳеч ҳам” сўзида ифодаланиб, пул ва номусни қиёслаш кўринишида акс этади.

Ўйинчининг кўз қисишида ҳам у сохталикни кўради. Катталар маънавий қиёфасидаги баъзи камчиликларни рўй-рост айтиш болалар шоирлари ижодида жуда кўп учрайди. Аммо улардаги кичкинтойлар катталар нутқи билан сўзлаб, катталар дунёқараш билан воқеаларга муносабат билдирадидилар. Мантикий хулосаларни ҳам худди катталарникидай чиқарадидилар. Аслида болалар шеърлятида катталарга берилган баҳо воқеа ривож ичра боланинг табиий муносабати сифатида келиб чиқса, шеърнинг ишонарлилиги ортгандек туюлади. Парда ортидаги бола ҳаётнинг бир кичик бўлагини кўриб ҳайрат ва қувончларга тўлгандек. Унинг хис-туйғулари орқали акс этган идрок ҳам ўзи каби содда ва беғубор. Бола нигоҳи остида ана шу ҳаёт парчасидаги ғуборлар куёш нури тушган жойда очик-ойдин акс этгандек. Сиз ана шу ғуборлар ҳаракатининг шоҳиди ҳам бўласиз.

*Эрталабдан гул исига тўлиб кетди хонамиз,
Атирсовун, дастрўмолнинг ўзи бўлди бир қучоқ.
– Салом азиз болажонлар! – дея боғча опамиз
Ҳаммамизни ўпиб чиқди, кайфияти бўлиб чоғ.
Опамизга ярашди хўп шиппакча ҳам, рўмол ҳам,
Рағно олиб келган кўйлак экан жуда аломат.
Кўзгунинг қаршисида гир-гир айланиб бирам,
Дедилар: бунча яхши байрам – саккизинчи март!..*

Абдурахмон Акбар бу шеърда болалар ва боғча опаларни тасвирлайди. Қизиги шундаки, боғча опа болалар “келтирилиши керак бўлмаган совғалар”дан ҳайратга тушади. Болаларни хурсанд қилган нарса эса боғча опаларининг хуш кайфияти бўлади. Бу кайфият, ҳар куни болалар учун аталиши зарур бўлган меҳр факат совға учун сотилгандек, пулга чақилгандек туюлади. Абдурахмон Акбарнинг кўпгина шеърларида шу маънавий қиёфа моддий фойда ёки пул билан чоғиштирилиб берилди. “Дўппи” шеърда ҳам шундай ҳолат очиб берилди.

*Насруллонинг дўпписининг баҳоси беш юз эмиш,
Дадажони олиб кепти Чустдан атай тунов кун.
Кизагини ростлар экан имо қилиб бошимга,
Деди: ичинг кўйиб роса ранжиб юрмагин, Учқун.
Мени хаёл торта бошлар, хафа бўлиш қаёқда,
Ясанган у, кийинган у ахир, нега чекай гам.
Бошимдаги кўк дўптимнинг янгидан кам жойи йўқ,
Чунки, уни онам тиккан, онам, раҳматли онам...*

Бу ерда Учқун дўпписининг баҳоси хотира, кадриятлар, энг яқин кишиларнинг тимсоли сифатида гавдаланади. Учқун назарида Насруллонинг ва ўзининг дўпписининг сира фарқи йўқ. Ҳатто кейингиси анча устун ҳам: чунки бу дўппини унинг раҳматли онаси тиккан. Чуқурроқ ўйлаб қарасангиз, бу шеър нафақат маънавий бойликнинг моддий бойликдан устунлигини кўрсатади, балки ватанпарварлик мавзусини ҳам қамраб олади. Бу ватанпарварлик ғурури шоирнинг бошқа “Бир кишлок болалари” шеърда яна ҳам яққолроқ акс этади. Шеър биринчи сатрданок ўқувчини ўзига жалб қилиб олади. Шеър икки ўртокнинг бир-бирига лақаб қўйиб жанжаллашишидан бошланади. Улар атрофига бошқа болалар йиғиладидилар.

*Синфбоши Баҳодир,
Ботиру Ҳабиб, Ҳамдам.
Ёвлашсангиз, дўстликдан
Воз кечамиз деса ҳам.*

Икки ўртоқ бир-бирига сира бўй бермасди. Шунда Эш деган боланинг сўнгги сўзлари жанжалга нукта қўяди.

*“Тўхтанг!” деди шу фурсат Эш ўрнидан туриб даст,
 Майли сиз баланд бўлинг, майли биз бўлайлик наст,
 Дадамлар дердиларки, кўзёши бўлар тахир,
 Қаҳрамон бўлиш осон, номусли бўлмоқ оғир,
 Ниёзбош деган юртнинг гулимиз, лоласимиз
 Унутманг, бизлар ахир бир қишлоқ боласимиз.
 Бир қишлоқ боласимиз.*

Гарчи Эшнинг айтган сўзлари катталар нутқига хосдек, ичида мақоллар ва избр-томуз гаплар коришиб кетган бўлса ҳам шеър салмоқли ва таъсирли жаранглайди. Балки ўша “Унутманглар, биз ахир бир қишлоқ боласимиз” деган сўзлар шеърнинг якунида берилиб, унинг композицион қурилишига гўзал якун ясайди. Аммо шеърнинг ютуғи фақат бундагина эмас, сюжетнинг қизиқарлигидадир. Аввал жангнинг келиб чиқиш сабаблари, сўнг болаларнинг ва айниқса, Эшнинг сўзи туфайли унинг тўхташи. Жангнинг тўхтагани шеърда бир оғиз айтилмаган бўлса ҳам, лекин биз буни биламиз. Чунки шеърнинг икки мисрасидан кейин бу жанг давом этиши мумкин эмасдек туюлади. Бу гуноҳ кичик Ватаннинг номини қора қилиш, ўз уйига хиёнатдек баҳоланади.

Абдурахмон Акбарнинг тўпламларини кўздан кечирар эканмиз, ундаги шеърларда шаклий ранг-барангликка катта эътибор берилганини кўрамиз. “Велосипедчи” шеъри Хармс йўлидан ёзилган бўлса, “Бир дафтар савол” шеърлари эса савол шаклида берилган. Улардаги саволлар болалар тилидан айтилган бўлишига қарамасдан, ҳатто катталарни ҳам ўйга чўмдиради. “Тулзор” деб аталган бу кенг бекаатнинг атрофида нега гуллар ўсмайди? Уларнинг баъзиларида боланинг содда ва бегубор дунёқараши акс этади.

“Хато” ва “Рақамли шеърлар” эса кичик ёшдаги китобхонларга мўлжалланган бўлиб, улар топқирлик ва зийракликдан сабоқ беради.

*Баҳорда сочим ўсса, ҳамма менга қарар лол,
 Қизлар ёнимдан кетмас, дея қулди Мажнунтол.*

Рақам шеърларда рақамлар иштирок этиб, уларнинг ҳар бирида қандайдир тарбиявий маъно ҳам яширинган. Абдурахмон Акбарнинг алифбеси эса бошқаларникидан фарқли – топишмоққа асосланган. Шоир шеърларининг тили равон, жумлалар қисқа ва болалар ўқиши учун жуда қулайдир.

Кувноқлик ва ўйноқлик, ғамгинлик ва дардлилик. Бу Абдурахмон Акбар шеърларининг умумий қиёфаси. Лекин унинг ҳар бир шеърда бола қалбини сезамиз. Бу қалбада табиат ва жамият ҳақида илк бегубор тасаввурлар мавжуд. Буни чин қалбдан ҳис қиламиз, бегуборликдан энтикамиз, ҳисларни уйғота олган шеърларнинг юксаклигига яна бир қарра ишонч ҳосил қиламиз.

Бу дунёдан жуда эрта кўз юмган истеъдодли болалар шоири ўз асарларида бизга гўзал болалик дунёсини қолдирди. Мазкур мақолада шу оламдан кичик бир лавҳа келтирдик, холос.



Менглибой МУРОДОВ

Қобилжоннинг қувончи чексиз

Оқшом аста ухлаб қолди

Тунга эртақ айтавериб,
Ой салгина ҳориб, толди.
Сеҳрланган оқшом аста
Гўдак тахлит ухлаб қолди.

Тонг-ла турди турфа олам,
Йиғиб олиб хушларини.
Мароқ билан ҳамма шошиб,
Кунга айтди тушларини.

Бир саволга икки жавоб

Тўғри сўз ва кўп билагон,
Қобилжоннинг онаси,
Тўкиб солар юрагини
Келса гапнинг хонаси.

Ўзи каби ўстирар у:
Ўғилларин, қизларин.
Фарзандлари ҳамки унинг
Икки қилмас сўзларин.

Олти ёшли Қобилжонга
Она берди бир савол:
– Саккиз сонни иккига бўл,
Жавобни топ, бўлмай лол!

Менглибой МУРОДОВ – 1942 йилда тузилган. Бухоро давлат педагогика институтини (ҳозирги БухДУ) тамомлаган. Унинг "Меҳр", "Хосиятли кун", "Дийдор", "Юрагимда борин айтдим" номли шеърый тўпламлари, "Гуноҳ", "Савоб" номли романилари чоп этилган.

Қобилжоннинг боши котди,
Сал эгилди қомаги.
Ўйлайвериб-ўйлайвериб,
Охир келди омади.

Жавоб топган Қобилжоннинг
Қувончи чексиз эди:
– Бўйига бўлсангиз уч ва
Эни эса ноль – деди.

Шамоллар

Шамолларнинг кўзлари юмук,
Шунга мосдир кулоклари ҳам.
Аввалбошдан тиллари дудук,
Увлайверар олмасидан дам.

Жаҳли чиқса топиб баҳона
Тўрт томонга елаверади.
Бирини толса, бошқаси яна
Изин олиб келаверади.

Ёш ихтирочи

Изланувчан олти ёшли Зиёдбек
Ўзича бир янгиликка урди қўл.
Қизиб кетиб, ўйинга ҳам қўйди чек,
Ўйлаб кўриб, режасига топди йўл.

Тутиб олиб, пашшаларни авайлаб,
Қамаб қўйди аста пашшахонага.
Пашшаларчи, гўнгиллашди “вой-вой”лаб,
Ўзларини олганича панага.

Иш устига келиб қолган аммаси:
– Жиян, – деди – бу ҳолатга бўлма лол. –
Бир янгилик қилмоқчисан чамаси,
Тушунтириб бер-чи менга, бу не ҳол?

– Салом, – деди бола қошин учуриб, –
Шунга ўхшаш нарсалар бордир қайда?
Кечирасиз, сал мақтансам ошириб,
Қулмайсиз-да, балки, ишимдир майда.

Молхона мол учун, қўйхона эса
Қўйларга бошпана, билади ҳамма.
Яйрасин деб, пашшаларни, алқисса,
Ўз уйинга қамаб қўйдим-да, амма.

Такрорлаш дарсида

Ботаникадан бугун
Такрорлаш дарси эди.
Болаларга ўгрилиб
Муаллим шундай деди:
– Такрорлаш бўлгани-чун,
Устувор бугун савол.
Жавоблари ўзида
Топса бўлар бемалол.
Илк саволим жуда жўн:
– Нега керак микроскоп?
Уни кўплар билади,
Ўйлаш ҳам шарт эмас кўп.
Бу синфда билагон
Ўқувчилар кўп эди.
Топқир чикқан Озодбек:
– Микроблар учун, – деди.

Ўйиндошим совуқ эмас, Жавоҳир

Қор ёккан тун эртасига эрталаб,
Қорга чиқди етти ёшли Ҳасанбой.
Она деди, боласини эркалаб:
– Совуқ билан ўйнашма, сен, хойнахой!

Эсингни йиғ, қолма тагин шамоллаб,
Вакт ўтказмай, дарровгина уйга кир.
Бола деди, жўрасига буриб лаб:
– Ўйиндошим совуқ эмас, Жавоҳир.

Эсонмисан, Омонмисан?

Боғчасига бормай қолди
Тўй баҳона Омон бугун.
Ким не айтса, кулоқ солди,
Эплаёлмай ўйин тарзин.

Чошгоҳ пайти кимдир келди
Тақиллатиб дарвозасин.
Омон шу он чошиб, елди:
– Ҳозир, – дея бериб сасин.

– Болам, – деди келган хола –
Эсонмисан, омонмисан?
Салом бериб, деди бола:
– Эсон тўйда, Мен Омонман.

Укамнинг тили чиқди

Олти ёшли Барно билан Хуршида
Кўздек кўшни ҳамда тенгдош эди.
Кўча-кўйда ўйнашмайди беҳуда,
Иккови ҳам хулқ-одобда яғона.

Барно деди, Хуршидага қувониб:
– Суюнчи бер, тили чиқди укамнинг.
Шошиб деди дуғонаси товланиб:
– Туғилганда тили йўкмиди унинг?

Ҳа, орзум-а, орзум-а

Халқ оҳангида

Ҳа, орзум-а, орзум-а,
Қулогинг тут сўзим-а.
Берганим йўк эди-ку,
Сени олган қарзим-а.

Ҳа, орзум-а, орзум-а,
Хас ташлама кўзим-а.
Ундан кўра бир қара:
Рафторм-а, тарзим-а.

Ҳа, орзум-а, орзум-а,
Кимлар тушди изим-а.
Рози килиб кет мени,
Еган-ичган тузим-а.

Ҳа, орзум-а, орзум-а,
Жўшмай туриб тузим-а.
Юрагимга қўл солма,
Ишонмасанг ўзим-а.

Ҳа, орзум-а, орзум-а,
Нима дейсан арзим-а?
Юрагимни юрагинг
Қилса дейман таржима.



Тоштемир ТУРДИЕВ

ҚЎШИҚДАГИ НИДОЛАР

Қадим-қадим деганда беихтиёр тарих силсилалари оркали воҳамиз Сурхон диёрининг Бактрия, Кушон, Тохаристон, Чағониён номида аталиши ёдимиздан ўтади. Ана шу даврларда ҳам қўшиқ эл дардига ҳамроҳ бўлган.

Ҳа, бу тўрт минг йиллар муқаддам ташкил топган Бактрия давлати тупроғидир. Гоҳ чорвачилик, гоҳ деҳқончилик билан шуғулланиб келган меҳнаткаш инсон ўзининг “Майда”, “Хирмон қўшиғи”, “Ёзи” ва бошқа бир қанча халқ оғзаки ижоди намуналарини яратган зукко халқдир.

ЁЗИ:

*Қошингни қоралиги нилданмиди?
Белинг ингичкалиги қилданмиди?
Чўл ерда кийик сути эмган Зебом,
Тилингни бурролиги шунданмиди?*

*Қошингнинг қорасига пайвастаман,
Мен сенга қовушмоққа ҳавасдаман.
Мен сени ололмасам ойдаё Зебом,
Тўтиқуши боласидай қафасдаман.*

ЗЕБО:

*Чумчуқлар сайраб қўнар тол бошига,
Ёзижон қалпоқ кияр кал бошига.
Қалпогин мендан тилаб ололмаса,
Сугорсин у отини кўзёшига.*

ЁЗИ:

*Тахта кўприк устида тахтим менинг,
Чамандай очилмади бахтим менинг.
Тахта кўприк устида пиёламан,
Ёрга салом бергани уяламан.*

Тоштемир ТУРДИЕВ – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, Филология фанлари номзоди. 1942 йилда тугилган. Унинг “Фозил Йўлдош ўғли”, “Субҳидам қалдиргочи”, “Мингбоғ жамоли”, “Талтин, юрак”, “Муддао: янгича яшаш, кураш”, “Чағониён тараннуми” каби китоблари нашр қилинган.

*Бир салом, икки салом қариндошга,
Токайин салом берай қалам қошга?
Отгинангдан айланай, ойдай Зебом,
Бегонани қўй нари, ўзинг бошқа.*

ЗЕБО:

*Ёрғинам, қайга қарайсан тайрилиб?
Мендайин севар ёрингдан айрилиб.
Ёзижон, агар Зебодан бошқа десанг,
Отингининг оёғи синсин қайрилиб.*

Фольклор намуналари ҳисобланган дoston, эртақ, терма ва қўшиқларда инсон қалбининг эҳтиросли нидосини эшитасиз. Уларда тасвирланган воқеалар, жойлар бундан қанча бурун юз берганлигидан қатъи назар, яқин, таниш туюлади кишига ва баъзан теварак-атрофингиздаги жойлар баъзи асарларда қайд этилганлигини кўриб, фахрланасиз ҳам. Масалан “Алпомиш” дostonида қайд этилган баъзи чизиклар Бойсун этакларида рўй бергандек туюлади. Бу вилоятда Октош кишлоғи, Ойдинкўл, Боботоғ, Тавка кўрғони деган жойлар борки, ерли халқ дostonдаги воқеалар, худди шу жойларда бўлган дейди. Унинг баъзи бахшилари ва чўпонлари кўлига соз олиб, ҳамон бу дostonларни жўшиб айтиб юришади. “Алпомиш” дostonини биринчи бор айтган Бобо шоири билан фахрланишади.

Маълумки, Бобо шоир XIX асрнинг иккинчи ярмида Шерободда яшаб ижод этган. Шеробод (бахшичилик) дostonчилик мактаби унинг номи билан бевосита боғлиқ.

Бобо шоирнинг дил ўйнатар, дил йиғлатар термаларини шогирдлари Шерна бахши, Мурод бахши, Фармон бахши, Элмурод бахши, Чори бахши, Эшқобил бахши, Қодир бахши, Эргаш бахши, Маматрахим бахшилар маромига етказиб айтиб келган бўлсалар, ҳозирда уларнинг шогирдлари Шоберди, Абдиназар, Хушбоқ бахшилар (рўйхатни яна чўзиш мумкин) ҳамон давраларда гулдиратиб дoston айтиб келмоқдалар. Сурхондарё эли ўзининг юздан ошиқ юқорида номлари зикр этилган забардаст бахшиларини фахр ила эслайди. Улардан жуда кўплаб дoston ва термалар ёзиб олинган. Намуналар келтирамиз: Бўри бахши Аҳмедовдан “Алпомиш”, Маматрахим бахшидан “Авазхоннинг зардегарга бориши”, Чори Қиём ўғлидан “Малла савдогар”, Эшмурод бахшидан “Шайитнома”, Тошмурод бахшидан “Аргувон”, Эшқобил шоир Қўшоқовдан “Ойсулув” каби дostonлар ёзиб олинган. Юқорида номлари зикр этилган халқ дostonчиларининг айримлари баъзи дostonларнинг ўз вариантлари, яъни ўзлари тўқиган вариантларга ҳам эга. Масалан, Тошмурод Тўра ўғли, Қодир шоир, Эшқобил шоир ҳам “Малла савдогар”нинг бир неча вариантларини айтганлар. Бу дostonларнинг кўпчилиги Фанлар академиясида, баъзи бирлари эса бизнинг шахсий архивимизда сақланмоқда. Аммо бу воҳада халқ оғзаки ижодининг ўрганилмаган кирралари ҳам бор. Буни биз кўпинча халқ қўшиқлари орасида ҳам учратамиз.

*Ўрдак кўлларда бўлар.
Лочин чўлларда бўлар.
Кетган ёрим келар деб,
Кўзим йўлларда бўлар.*

Ёки:

*Чумчуқлар чирқиллайди,
Шом бўлганга ўхшайди.
Дарвоза тақиллайди,
Ёр келганга ўхшайди.*

Ёки яна бир мисол:

*Қирдан нари қирқ овул,
Томга кўймас қирговул,
Қирқ капани тўзгитар,
Қибладан турган довул.*

Халқ кўшиқларининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, уларда фикр тўртликлар асосида берилади. Улар тилининг соддалиги, раволиги, ибораларнинг ўткирлиги, сиқиклиги билан қимматлидир. Мазмунан мунгли, изтиробли, ҳазин овозда янграган ўтмиш кўшиқлари билан танишсак, уларда ижодкорларнинг машаққатли ҳаёти кўз ўнгимизда гавдаланади.

*Осмондаги бўз тўрғай,
Бўзламасанг не бўлғай.
Юрагимнинг дардини,
Сўзламасанг не бўлғай.*

Ёки:

*Чумолининг белини,
Қилдай эмиш дейишиди.
Бой буванинг уйини,
Зиндон эмиш дейишиди.*

Наврўзга бағишланган кўшиқларга эътибор беринг: “Суст хотин” кўшиғини қадимий маросимларда боладан мўйсафидгача, қизалокдан кампиргача ҳамма куйлаган. Айтишларича, ёмғир маъбудаси – Суст хотинга илтижо қилганда ёмғир ёғар эмиш.

*Суст хотин, султон хотин,
Кўланкаси майдон хотин.
Ёмғир ёғдир, мўл бўлсин,
Еру жаҳон кўл бўлсин.*

*Ҳосиллар мўл бўлсин, суст хотин,
Дехқоннинг уйи тўлсин, суст хотин.
Ёмғирларни ёғдиргин, суст хотин,
Ёмоннинг уйи куйсин, суст хотин.*

*Ҳаволарни ёғдиргин, суст хотин,
Бугдойларни бўлдиргин, суст хотин.
Осмондан томчи ташлаб, суст хотин,
Элу юртни тўйдиргин, суст хотин.*

Бундан кейин эса, гўё ёмғирлар кўп ёғиб, ҳосил салмоғи мўл бўлганидан кейин ижро этилувчи “Хўп майда” кўшиғи:

*Майда-майда тўрт ҳўкиз,
Тўртовиям бўтақўз.
Майда десам ярашган,
Сочини сувлаб тарашган,
Ярашигим келди деб,
Жонсар жориб қарашган,
Майдаё-майда.*

Майда-майда маровул,
Орқаларда орқовул.
Чўқиллари қоровул,
Қоровулдан қарасам,
Кўринар тўда овул.

Тўда овул қизлари,
Этагида тузлари,
Отаси бозор кетганда,
Онаси овул кечганда.
Ёр сайлабди қизлари,
Майдаё-майда.

Майда-майда, майда қил,
Майда қилсанг ундай қил.
Сочин ўрган қиздай қил,
Бугдойгинанг кўпайиб,
Ердан чиққан нондай қил.
Майдаё-майда.

Бу кўшиқ мазмунидан кўриниб турибдики, дехконнинг фаровонликка эришган даври Наврўз байрамида халқ қувончининг чексизлиги ифода этилган.

Айниқса, Шеробод, Денов, Шўрчи томонларнинг халқ кўшиқларида халқ қахрамонларини куйлаш, эрк ва озодлик учун курашган фидойиларни мадҳ этиш, улуғлаш ғоялари яққол кўринади.

Шу билан бирга кўшиқларда ўтмишдаги оғир турмушдан норозилик, адолатсизликка қарши кураш оҳанглари эшитилиб туради.

Куйидаги термаларга эътибор беринг.

Осмонда оқ булут,
Абр бўлмай нимадир?
Босқинчи юрган йўлларда,
Жабр бўлмай нимадир?

Халқ қахрамонларини севган, уларнинг шаънига ардокли кўшиқлар битилган. Масалан: зулм, адолатсизликка қарши курашган Холнисо тўғрисида шундай кўшиқлар бор:

Соё бўйида қаламтир,
Қизарганга ўйшайди.
Эссизгина Холнисо,
Қиз кетганга ўхшайди.
Холнисо деб қичқирсам,
Суяганга ўхшайди.
Ўнг қўлида пилтаси,
Таянганга ўхшайди,
Сенинг шоҳи кўйлагинг,
Бугун симга илинди.
Сафимизда йўқлигинг,
Эндигина билинди.

Халқ кўшиқларида ўткир сатира тиғи билан фош қилиш, ҳажв этиш орқали халқ руҳига ёт кўринишларни, яъни текинхўрлик, ялқовлик, вафосизлик, субутсизлик, манфаатпарастлик, ахлоксизлик каби қатор иллатлар муросасизлик билан қораланади. Ана шундай кўшиқлар таъсирчан ва оммабоплиғи билан диққатни торғади.

*Оқ кўйлагим оқ эмас,
Уни кияр чоқ эмас.
Ўйнар эдим, қулардим,
Дилгинам қувноқ эмас.*

*Кўкда юлдуз кечадир,
Қай чоқ боқсанг кўчадир.
Неча ой, неча йиллар,
Умрим зое кечадир.*

*Аму бўйи андизлик,
Ҳай-ҳай бизнинг онгсизлик.
Онгсизлик дилни ўртар,
Қийнар мени ёлғизлик.*

*Олма эдим, гул битди,
Гулларини ел титди.
Пешонамга ёзмади,
Умидларим бўш кетди.*

*Ўрдак кўлларда бўлар,
Лочин чўлларда бўлар,
Кетган ёрим келар деб
Кўзим йўлларда бўлар.*

*Самоварим қайнайди,
Юракларим ўйнайди.
Севиб топган ёримни,
Уйдагилар қўймайди.*

*Ғўзапоя ўтини,
Аччиқ экан тутуни.
Севгангинам жабрдан,
Ташлаб кетди юртини.*

*Ғўзапоя ўтини,
Аччиқ экан тутуни.
Ҳеч юракка солмасин,
Айрилиқнинг ўтини.*

Халқ ўртасидаги ривоятларга қараганда, бир чўпон кўйларини ҳайдаб қатта ҳовуз бўйига келибди. Чўпонга ошиқ бўлиб юрган қиз ҳовучида сув олаётган экан. Шу жойда ўз кўнгил изхорини айтиб, чўпон билан қиз ўлан айтишади.

Мана ўша ўлан:

ҚИЗ:

Етиб-етиб гап отсам,
 Қулоқлар солгин-а, чўпонжон,
 Сарига тариз мен бўлиб,
 Очилиб кетдим-а, чўпонжон?

ЧЎПОН:

Қанорда тариқ сен бўлсанг?
 Жўшали каклик мен бўлиб
 Териблар есам қайтасан?

ҚИЗ:

Жўшали қушлар сен бўлиб,
 Олғир қушлар мен бўлиб,
 Олиблар есам қайтасан?

ЧЎПОН:

Олғир қушлар сен бўлсанг,
 Беаёв овчи мен бўлиб,
 Тўрга туширсам қайтасан?

ҚИЗ:

Беаёв овчи сен бўлсанг,
 Кўркаламуш мен бўлиб
 Тўрингни кессам қайтасан?

ЧЎПОН:

Кўркаламуш сен бўлиб,
 Толғира пишак мен бўлиб
 Олиблар есам қайтасан.

ҚИЗ:

Талғир пишак сен бўлиб,
 Қоралар кўппак сен бўлиб
 Бир кунлар солсам қайтасан?

ЧЎПОН:

Қоралар кўппак сен бўлсанг
 Сорилар қоплон мен бўлиб
 Олиблар есам қайтасан?

ҚИЗ:

Сорилар қоплон сен бўлсанг,
 Чайир мерганлар мен бўлиб
 Отиблар олсам қайтасан?

ЧЎПОН:

*Чайирлар мерган сен бўлиб,
Кулча илон мен бўлиб
Чақиблар олсам қайтасан?*

ҚИЗ:

*Кулча илон сен бўлиб,
Мўрча марбон мен бўлиб
Авраблар олсам қайтасан?*

ЧЎПОН:

*Азролим сен бўлиб,
Оллоҳ таоло ёр бўлиб
Буйруқ қилмаса қайтасан?*

Боболаримизнинг ўлмас маънавий қадриятлари бўлмиш халқ қўшиқлари, дostonлару термаларга нисбатан ёш авлод калбида интилиш, ҳурмат ҳиссини уйғотиш биз зиёлийлар зиммасидаги долзарб вазифа бўлмоғи лозим. Уни адо этмокнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун эл ичига кириб, халқ қўшиқларни ёзиб олиш, яъни уларнинг энг сараларини бугунги кунимизга татбиқ этмоғимиз керак. Қўшиқларимиз бугунги кунимизда ҳам ўз ўрнини топиши, эгаллаши, аждодларимиз хаёлоти билан бизни ошно қилиб туриши зарур. Зотан, халқ қўшиқлари маънавий илдизларимизга кувват бериб, мардликни, Ватанга бўлган мухабатни ўргатади.



Жаҳон тарихига асло кўрилмаган мўъжизалар яратган улуғ халқ ҳар ишга қодир.

ОЙБЕК

УЛУФ АДИБНИНГ МУНАҚҚИДЛИК ФАОЛИЯТИ



Сайди УМИРОВ

Одатда, таникли ёзувчилар маҳоратли мунаққид ҳам бўлишади. Абдулла Қодирий, Садриддин Айний, Мухтор Аvezов, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, шунингдек, рус мумтоз ёзувчилари Лев Толстой, Фёдор Достоевский асарлари мажмуасида илмий-танқидий мерос ҳам салмокли ўрин тутди. Қолаверса, танқидчилик бутун адабиётнинг маърифий даражасини белгилайди, деган гапни айтган ҳам Александр Пушкин бўлади. Жаҳонга танилган сўз санъаткори Чингиз Айтматов ҳам айни чоғда, истеъдодли публицист, теран мушоҳадали мунаққид ҳам эди.

Адабиётшунослик ва танқидчиликка даъво қилмагани ҳолда маданият, маънавият, адабиёт, фольклор, санъат, кино, матбуот, фотография, таржима, танқидчиликнинг туб, долзарб масала-муаммолари хусусида шундай муҳим фикрлар, назарий қарашлар билдирар, теран таҳлиллар қилар, ҳаётдан, ижоддан эътиборга лойиқ далил, мисоллар келтирар эдики, бу фикр-мулоҳазалар тезда тилга тушар, китоблардан жой оларди.

Мунаққид Николай Анастасьев билан “Вопросы литературы” журналида босилган суҳбатида танқидчилик ижоднинг махсус тури эканлигини, у ёзувчилик билан ёнма-ён кадам ташлашини, унга доимий, содик йўлдош-қўлдош эканлигини таъкидлагач, шундай дейди: “...мабодо, айтайлик, “Кунда”га танқидчилик ҳеч қандай акс-садо бермаганда, ўз фикрини айтмаганда шахсан мен ўзимни жуда ўнғайсиз ҳис этган, қалбимда қандайдир бир бўшлиқ туйган бўлардим. Танқид тасдиқлаши мумкин, инкор этиши, йўққа чиқариши ҳам мумкин. Мақтаса – хуш ёқади, уришса – малол келади, бу тушунарли, лекин буларнинг бариға ўз холини, кадр-қимматини билган ҳолда қарамоқ, муносабатда бўлмоқ даркор”.

“Бутун олам тортилиш қонуни” мақоласида Айтматов шахсан танқидчиликдан хафа эмаслигини эътироф этган ҳолда танқидчилик ҳақида рўй-рост, танқидий фикр-мулоҳазалар айтган. “Ҳозирги танқидчилик гўё адабиётни “кувиб етди”, “ортга ташлаб кетди”, “қизикроқ бўлиб қолди” қабилидаги фикрларга кўшилмаслигини, танқидчиликни қанчалик баланд кўтаришмасин, у бадийий жараён ҳосиласи эканлигини унутмаслик лозимлигини таъкидларди.

Сайди УМИРОВ – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи. Филология фанлари номзоди, доцент. 1938 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетини битирган. “Даъваткор сўз”, “Санъатнинг сеҳрли қалити”, “Солланиб оқайтган дарё”, “Дорилфунунлар тақдиримда”, “Маънавият мулкига саёҳат” ва бошқа илмий, бадийий-публицистик китоблари нашр этилган.

“Танқидчиликнинг орқада қолиши тез-тез рўй бериб турадиган ҳол. Кейинги вақтларда ўқувчилар қизгин мунозара, муҳокама қилаётган бир қанча асарлар пайдо бўлди. Танқидчилик эса озига сув солгандай жим турибди. Нега? Кўпинча, сукут кўрқув, хато қилиш, биринчи сўз очишдан чўчиш натижасидир. Майли, бошқа биттаси таваккал қилсин-чи, кейин кўрамиз... Ўйлайманки, мантик шундай. Яна ҳам ёмони – эълон қилинган бирор асарни, гўёки у йўқдай кўрмаганга олиш... Бундай сукут танқиднинг ўзига фойда келтирмайди”.

Бу фикр-мулоҳазаларда адибнинг танқидчиликка чуқур хурмат-этибори, айна чоғда, унга ўта талабчанлик билан ёндашуви ўз ифодасини топган. Ижодкорлар, ҳатто таниқли сўз усталари ичида танқидчиликка менсимай қарайдиган, ундан фазилатдан кўра кўпроқ қийик кидирадиган, буни писанда қилиб, мактабни ёзишни ҳуш кўрадиганлар ҳам йўқ эмаслиги адибга аён эди. Чингиз Айтматов ижодига бағишланган мақолаю тақризлар, очерку китоблар, ранг-баранг жанрдаги тадқиқотлар жамланса, унинг асарларидан бир неча баробар ошиб кетади. Ўтган аср олтимишинчи йилларидаёқ жаҳон адабиётшунослигида айтматовшунослик деган соҳа вужудга келганлиги маълум. Адиб таваллудининг 50-60-70-75-80-йилликлари муносабати билан жаҳоннинг нуфузли илмий-адабий газета, журналларида унга бағишланган қанчадан қанча мақола, тадқиқотлар берилди, тўшамлар нашр этилди. Чингиз Айтматовнинг адабий-танқидий, публицистик китобларини – “Ер ҳам сув-ла ҳамкор, яққалам...” ни, уч жилдлик “Танланган асарлар”нинг охириги жилдини, 1988 йили чоп этилган “Мақолалар, нутқлар, диалоглар, суҳбатлар”ни, етти жилдлик танланган асарларини ўқиб чиққан одам унинг адабий-танқидий жараёндан чуқур хабардор бўлганлиги, камтар-камсуқумлиги боис мактовларга учмаслигига қойил қолмай илож йўқ. Илк машҳур асарларидан бири “Жамила”нинг кадрига етилмагани, миллийлик, ҳаққонийликдан узоқ деб маломатлар ҳам қилингани сир эмас. Улкан адиблар Мухтор Аvezов, Александр Твардовскийлар саъй-ҳаракати билан қисса “Новый мир” журналида эълон қилиниб, собиқ иттифок ўқувчилари муҳаббати, ихлосини қозонгач, таниқли ёзувчи Луи Арагон француз тилига ўгириб, севги ҳақида бу қадар зўр, эҳтиросли асар ўқимаганини мардона эътироф этгач, бошқа асарлари ҳам халқ орасида машҳур бўлиб кетгач мунаққидлар басма-басига тақризу мақолалар, китоб, тадқиқотлар ёзишга тушиб кетишди. “Оқ кема”, “Соҳил бўйлаб чопаетган олапар” каби қиссалари қўлма-қўл ўқилиб турган пайтда мунаққид Лев Аннинский “Литературная газета”да (1978 йил 9-сон) “Беллетризмга ташнаман...” номли мақола билан чиқиб, миф, ривоят, эртақ, афсоналар, тимсолларга маҳлиё бўлиш кучайиб бораётгани, фольклор ижодкорларни йўлдан ураётгани, бу ҳаётий воқеликдан узоқлашиш, реализм имкониятларини чеклаб қўйиш хавфини туғдираётганини ёзириб ёзган эди. Чингиз Айтматов “Ғиштин дунё ёки миф энергиясими?” номли суҳбатда (“Литературная газета”, 1978 йил, №13) ушбу мақолага муносабат билдириб, Л.Аннинский долларб масалани ўртага қўйгани, лекин нотўғри, бир томонлама ёндашганини қайд этади. Ҳолбуки, Ч.Айтматов икки йил мукаддам “Литературная газета”да чоп этилган “Афсонанинг қайтиши” номли мақоласида (“Литературная газета”, 1976 йил 12 май, №19) мавзуни назарий қоидалар, ҳаётий мисоллар билан чуқур асослаб, мифлар замонавийлиги, унинг моҳиятан боқий, ўчмас поэзиясида, инсонийлигида эканлигини, реализмни шартлиликдан ҳимоя қилиш унинг имкониятларини чеклашга олиб келишини таъкидлаган, Николай Гоголь, Оноре де Бальзак, Фёдор Достоевский, Михаил Булгаков, Мустай Карим ва бошқа реалист санъаткорлар тажрибаси ёркин намуна эканини ёзганди.

Машҳур Саёқбой Қоралаевга бағишланган “У океан янглиг “Манас”дан мил-

лион сатр биларди” номли мақоласида фольклорнинг битмас-туганмас хазина, доимий ўқиш, ўрганиш, озикланиш манбаи эканлигини асослаб, исботлаб берган эди.

Ирина Ришина билан суҳбатда (“Литературная газета”, 1986 йил, 13 август) “Новый мир”да энди бир қисми босилган “Қиёмат” ҳақида гапириб, “роман турли муҳокама, турфа талкинлар уйғотади деб турибман. Босилиб бўлгач, жиддий адабий-танқидий, агар истасангиз, фалсафий гап кутаман”, деганди. Фалсафий, эстетик савияси турлича гаплар, таҳлил, талкинлар бўлди, айни чоғда асарни нотўғри тушуниш, масалан, файласуф Ш.Кривенконинг “Комсомольская правда”даги бир ёқлама қарашлари ҳам бўлди. “Дўст ва олий ҳакам” – ўқувчи ҳамда вақт ўз сўзини айтишини, ҳамма нарса ўз жойига тушишини кутгани ва кўп ўтмай кутгани келди ҳам. Яна бир далил. Чингиз Айтматовнинг кўпчилик суҳбат, интервьюлари, адабиётшунох, мунаққидлар билан кечган суҳбатлари, ёзишмаларида ҳаммасларига ижод жараёнининг нозик нуқталарини, орзу-армонларини рўй-рост тўқиб солгани маълум.

“Туташув нуқтаси” мақоласида шундай ёзганди: “Адабиётшунослик ҳам ҳаётни билиш усулларидан бўлиб, ёзувчига воқеликни тушуниш, идрок қилиш, гўзаллик қонунларини англаб етишга ўргатади. Мен, масалан, Михаил Бахтин, Пётр Палиевскийларнинг ишларини юксак кадрлайман, улар ғаройиб ўй-мулоҳазаларга туртки, рағбат беради”.

Бугунги кундан қаралганда, муаллифга бўлган хуруж, ҳужумлар, адиб асарлар ғояси, моҳиятини тушуниб етмаслик, непрофессионаллик бўлса, иккинчи томондан, ҳасад, кўролмаслик, адоват экани аён эди.

Чингиз Айтматов мунаққидлиги – тил ва адабиётни, санъатни, фольклорни мукамал биладиган, жаҳон адабиёти дурдоналарини кўп ва ҳўп ўқиган икки тилни мукамал эгаллаган, эстетик диди баланд улкан адибнинг танқидчилигидир.

Адиб Айтматов сингари, танқидчи Айтматов ҳам адабиёт, санъат муаммоларига, адабий жараёнга, санъаткорлар ижоди, асарларига замонавий онг, сайёравий тафаккур кенглиги, юксаклигидан қараб муносабат билдиради, таҳлил қилади. “Жаҳоний тафаккурнинг моҳияти шундаки, ҳар бир одам бошқа, ўзга мамлакат одамлари ҳақида ўзи ҳақида ўйлагандек ўйласин, бошқаларнинг дарди ва бахти, ғусса ва байрамларини ўзиникидек қабул қилсин, токи уни бу оламда қандай яшаш, уни яхши томонга ўзгартириш учун нима қилиш керак деган саволлар доимо безовта қилиб турсин”, – дейди Георг Атрыан билан қилган суҳбатда.

Адабиёт ҳамиша асосий диққат-этиборини алоҳида инсон шахсига қаратган ҳолда, кенг қамровли фикрлашга интилиб келган. Алоҳида инсон шахси эса бамисоли воқеликнинг барча таъсир нуқталари билан туташадиган фокусдирки, уни ўрганиш, инсон орқали даврнинг мазмуни, моҳияти, майл, тамойилларини билиб олиш имконини беради.

Мунаққид Айтматов бу тезисни турли муносабатлар билан тез-тез таъкидлайди, бадий асарлари, яратган ёрқин образлари, чўнг характерлари билан исботлайди. “Асрга татигулик кун”, “Қиёмат” романларини эслайлик. Поёнсиз козоқ саҳроси ўртасидаги кичик бир разъезддаги иш-юмушлар, дард-ташвишлар оддий темир йўл ишчисининг ўй-ташвишларига бевосита туташ. “Эдигейни ҳақиқий инсон қилган нарса мамлакат, халқ бошига тушган ноинсоний синов-азоблар бўлди. У умумхалқ зиммасига тушган ҳар қандай машаққат сингари, бу машаққат юкига ҳам елкасини тутиб берди”. Авдий Калистратов эса, муаллиф наздида, давр қатламларини бирлаштириб турувчи сиймо, ўқувчилар, мунаққидлар фикрича, дунё одамлари тақдирлари ибодатхонасидир.

Чингиз Айтматов фикрича, ёзувчи ҳамиша ўзи кодир бўлганидан кўра кўпроқ

нарсга интилмоғи лозим. Ёзувчи воқеа-ҳодисаларни кенг камраш сезгисига, ўқув маҳоратига эга бўлмаса бирор сюжетни чиройли тасвирлаб бериши мумкин, лекин катта майдонга, кенг инсоний мулоқот майдонига олиб чиқишига умид боғлаши қийин, дейди ва мисол тариқасида “Тинч оқар Дон”ни келтириб ўтади.

Адиб “Бари барчага баробар” мақоласида “Инсон ҳамма нарса ҳақида бош қотирмоғи, ташвиш чекмоғи лозим”, – деб ёзади. Инсон руҳияти нималардан таркиб топади, бошига тушган савдоларга, қаршиликларга қандай чидайди, қандай қилиб енгади? “Мен яшадим, ҳаёт нелигин билдим”, – дейишига нима ҳуқуқ беради? Вокеликни бадий ўзлаштириш учун мана шу саволларга кўндаланг бўлиши тайин. Кўпинча ёзувчи ўз олдига бир томонлама, чекланган вазифа қўяди: “Ушбу қиссамда пахтакорлар ҳақида ёзай-чи”. Бу китоб, албатта, бир қадар фойдали, лекин фалсафий парвоз, фикрий теранликдан маҳрум бўлади. Умумбашарий тафаккур миқёсини унутмаслик, келажакка назар ташлаш, ўз юрти классиклари ижодигагина маҳлиё бўлиб қолмай, асарларини жаҳон адабиёти андозаларида ўлчаб, баҳо бериш лозим.

Чингиз Айтматов қайси адиб ҳақида ёзмасин, ўзига хос, айтматовона ёзади, бошқалар кўрмаган нарсаларни кўришга, айтмаган нарсаларни айтишга интилади. Бу жиҳатдан “Виждон сарбони”, “Шафқатсиз реализм билан” мақолалари алоҳида диққатга сазовордир. Шекспир, Достоевский сингари даҳо санъаткорлар ҳақида қанчадан-қанча мақолаю китоблар, диссертацияю монографиялар, турфа тадқиқотлар битилмаган дейсиз. Буларни тақрорламай, айна чоғда, янги, оҳори тўқилмаган, ўз сўзини айтишга Айтматов муваффақ бўлган.

Ғарблик сўз султони васфига Айтматов шарқона бир образ қўллади: “Шекспир ва унинг ҳамкасбларини қарвонлари билан келажакка йўл олган сарбонлар сифатида тасаввур этсак, айтиш керакки, энг чидамлиси, энг кучлиси Шекспир бўлди. Йўлдошлари аллақачон тарих йўлларида қолиб кетдилар, баъзилари ожизлиги туфайли ҳалок бўлди, бошқаларининг моллари қасодга учради, яна бирлари инкилоб бўронларига дуч келиб, янги ғоялар, ижтимоий жамиятлар даври уларни ўзлари учун керакли нарса топмай қайтариб юборгач, юрган йўлларидан адашди. Фақат Шекспир қарвони ҳамон жаҳон бўйлаб йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, давру давронлардан, юрту мамлакат чегараларидан, тоғу саҳролардан, денгизу дарёлардан ўтиб келмоқда. Халқлар унинг неъматларидан тобора кўпроқ манфаат кўрмоқда, таъсир доираси тобора кенгайиб бормоқда. Шекспир мутафаккир шоир сифатида қанчалик оддий бўлса, шунчалик буюк, худди шу нарса уни барчага се-викли ва яқин қилади. Бу даҳо санъаткор ижодининг сир-саноати шундаки, у инсон турмуши, шахс ва жамият ўзаро алоқаларининг энг туб, оддий, азалий муаммоларини ларзакор бадий образлар орқали ифодалаб берди, яъни санъат предметининг нақ юрагини топа олди, негаки санъат юраги, даставвал, инсоншуносликдир”.

Чингиз Айтматов “Шафқатсиз реализм билан” мақоласида, Фёдор Достоевский иқтидорининг фавқуллода ноёлиги шундаки, вақт ўтган сари унинг номи ва ижоди инсоният фикри-зикрини кўпроқ банд этиб келмоқда, дея таъкидлайди. Достоевский ўз кашфиётларини “кашф этилган китъалар”да амалга оширди, уларнинг қатламларини – инсон қалби қатламларини тадқиқ этди ва бу билан бутун бир давр эстетик маданиятида янги сўз айта олди. Айниқса, Достоевскийнинг адабиётдаги ноёб ва боқий сўзи унинг таҳкиромуз зулм остида эзилган одамга бекиёс ҳамдардлиги, меҳри бўлди, у меҳр-шафқатни инсонийликнинг энг юксак ўлчови, қалбнинг энг биринчи сифати, фазилати даражасига кўтара олди.

Чингиз Айтматов бошқа бир мақоласида Достоевскийнинг инсон қалбини титқилаш санъатига қойил қолиб, адибнинг “олий реализмда, инсонда инсонни топа

олиш” лозимлиги ҳақидаги ҳикматли сўзларини эслатиб ўтади. Чингиз Айтматов адабиётшунос, танқидчи сифатида кўпроқ реализм сўзини, камрок социалистик реализм бирикмасини ишлатганига эътибор берайлик. Кўплар соцреализм ҳақида оғиз кўпиртириб, баланпарвоз мақомда гапирган, ёзган, катта-кичик китоб, тадқиқотлар битганда бу машҳур адиб ботинан кўнгли у қадар чопмаса-да, давр, шароит, вазифа тақозоси билан ҳукмрон мафкура қолипга солиб берган таъриф, тавсифга амал қилгандай, тил учуда фикр айтгандай таассурот пайдо бўладики, унинг шафқатсиз ҳақиқат билан йўғрилган бадний асарлари бунинг далилидир. Чингиз Айтматов илмий-назарий асарлари, тадқиқотлари мавзу, муаммо доирасини дафъатан қамраб олиш, чек-чегарасини кўрсатиш мушкул.

Мунаққид Чингиз Айтматов диққат-эътиборини кўпроқ жаҳон адабиёти етакчи намоёндаларининг шох асарларига қаратган. Бу табиий, албатта. Айни чоғда бошқа жанрлар бўйича ҳам профессионал, теран фикр юритган. Масалан, “Икки санъаткор адиб” (Мухтор Авезов ва Садриддин Айний бадний маҳорати), “Шоирнинг макон”и (Қайсин Қулиев ижодий камолоти), “Ўзаро ҳамкорлик уфқлари”, “Кинематография маҳсуллари” кенг ва теран таҳлил этилган тадқиқотлардир.

Айтматовнинг “Жаҳон адабиёти хазинаси”, “Бутун дунё тортилиш қонуни”, “Она тили мўъжизаси”, “Марказий Осиё халқлари маданияти: муаммолар, тамойиллар” каби мақолалари маданият, маънавиятнинг энг муҳим, туб масалаларига бағишланган бўлса, аксарият интервью, суҳбатларида бевосита ижод жараёни, бадний маҳорат масалаларидан баҳс кетади. Қозоқ шоири Мухтор Шохонов, япон мутафаккири Дайсаку Икэда билан узок суҳбат, самимий мулоқотлар натижасида юзага келган “Чўқкида қолган овчининг оху зори”, “Рух юксаклигига қасида” номли роман-интервьюларини ўқиган киши ҳамсуҳбатларнинг жаҳон адабиёти, санъатининг етук вакиллари ижоди, шох асарларидан чуқур хабардорлигига қойил қолади.

Адиб “Болалигим” кассасида олти ёшида отаси билан Фарғона водийсига, Андижонга келгани, одамларнинг бир-бирига меҳрибонлиги, кичиклар катталарни чуқур ҳурмат қилишлари, жамоа бўлиб бир-бирига қарашишлари, ҳашар қилишлари, бу яхши одат ҳозир ҳам сақланиб қолганини ёзади. “Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон”, “Чингиз Айтматовнинг ўзбекистонлик таржимонлари”, “Ўзбек адабиёти, маданияти Чингиз Айтматов нигоҳида” – булар алоҳида мақола, тадқиқот, китобларга жо бўладиган мавзулар. Машҳур адибнинг “Ўзбек халқининг тақдирини ўз тақдиримдан ажратиб қарай олмайман”, “Қадим ўзбек маданиятининг Ўрта Осиёга кўрсатган таъсирини кўхна Византиянинг қадим Русга кўрсатган таъсири билан қиёслаш мумкин”, – деган дил сўзлари юртимиз, элимиз, адабиётимиз, санъатимизга бўлган улкан меҳр-муҳаббати лейтмотивидир.



Феруза БУРҲОНОВА

“МЕН”ЛИКНИ АНГЛАШ САЛОҲИЯТИ

Ҳар бир ижодкор яратилаётган бадий олам ҳақида ўзининг муайян қарашлари ва тасаввурларига эга бўлади. Унинг бадий олам ҳақидаги тасаввурлари қанчалик аниқ-тиник бўлса ўзлиги ҳам шунчалик намоён бўлиб бораверади. Бинобарин, ёзувчининг ўз бадий оламини, ўз феноменини яратишга интилиши, аслида, ўзлигини, ўз “мен”ини англашга интилиш демакдир. Шу маънода, ҳар бир ижодкорнинг бадий ижод ҳақида, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида ўқиб-билганларидан ташқари ўз ижодий тажрибалари асосида шаклланган билимлари, тажрибалари бўлади. Мана шундай тўпланган билим ва тажрибалар, ҳулосалар ёзувчининг адабий-эстетик қарашларини юзага келтиради. Ёзувчи “мен”и яратаётган ижод намуналари билан у ҳақдаги қарашлари ва тасаввурлари, билимларини бир-бирига боғлаб турадиган, бирини иккинчисига пайвандлайдиган, бири иккинчисини такозо қилдирадиган мустаҳкам кўприқдир. Зеро, яратилаётган бадий асар билан у ҳақдаги ёзувчи тасавури-ю қарашларининг уйғунлашиш жараёни ижодий лабораториядир. Бу ижодкорнинг ўз “мен”ини, ўзлигини излаш жараёнидир. Зеро, ижодкорнинг яратилаётган асари ҳақидаги муайян тасаввурисиз бадий мукамаллик даражасига эришиш кийин. Шу боис ҳар бир ижодкорнинг ўз “мен”лигини топиш учун олиб борган изланишлари аслида ижод фалсафасини англашга бўлган интилишдир.

Шу маънода, истеъдодли ёзувчи Назар Эшонқулнинг “Мендан “мен”гача китобидан жой олган адабий-танқидий мақолалари ўз ижодий лабораториясини, ўз ижод психологиясини англаш учун қўйилган кадамдир. Ёзувчининг адабий-эстетик қарашлари билан танишар эканмиз, энг аввало, ижодкор ким, унинг ўзлиги қандай намоён бўлади, ижодкорнинг яратувчилик салоҳияти нималарда кўринади, ижодкорнинг шахс даражасига кўтарилиши ёки шахсизликнинг оқибатлари қандай намоён бўлади каби бир қатор масалалар ҳақидаги қарашларини илгари сурганлигини кўрамиз.

Назар Эшонқул “мен”ликни, энг аввало, яратувчиликда деб билади. Муаллиф фикрича, гўзалликни ҳамма ҳис қилиши, завқланиши, ҳайратланиши, маънавий озуқа олиши мумкин, лекин уни яратиш фақат ўз “мен”ига эга бўлган кишилар қўлидан келади. “Гўзаллик ва “мен” ўртасидаги муносабат воқеликни тасвирлаш даражаси билан эмас, воқеликни ўзгартириш, уни ўзига ва ўз идеалига мослаштириш, ундаги инсон ва дунё ҳақидаги изтироблар даражаси билан ўлчанади. Воқеликни тасвирлаш қобилият эмас,

Феруза БУРҲОНОВА – 1988 йилда туғилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетини тамомлаган. Республика матбуотида йигирмадан ортиқ илмий мақолалари чоп этилган.

вокеликни яратиш қобилиятдир”¹. Демак “мен” гўзалликни яратиши учун бошқаларга на-
сиб қилмаган истисно соҳиби бўлиши керак. Ёзувчи “мен” лигини намоён қилишда реал
вокеликнинг, ташки таъсирнинг родини инкор қилмайди. Бирок унга кўра бадий асар
ташки оламнинг инъикосигина эмас, балки бутунлай янгидан яратилган ёзувчи “мен”ига
тааллуқли бўлган ва кашф этилган поэтик топилмадир. “Ташки олам ва бу “дунё”
ўртасидаги фарқ ёзувчи маҳорати, савияси, мақсади ҳамда идеали билан ўлчанади”².

Муаллиф “мен”ликни намоён қилувчи яна бир хусусиятлардан бири сифатида
ижодкорнинг шахс даражасига кўтарилишини кўрсатади. “Мен” фақат шахсларда-
гина намоён бўлади. Шахс ўз фикри, дунёкараши, ўз сўзи, ўз овози, бир сўз билан
айтганда ўзлигини намоён қиладиган кишилардир. Шахсизлик фикрсизликдир.

“Фикр – ботиний киёфа, одамнинг, шахснинг ички киёфасини кўрсатиб турувчи
кўзгу. Фикри йўқ одамнинг киёфаси ҳам бўлмайди. Фикр одамнинг ўзлигини, ўзига
хослигини билдириб, мавжудлигини кўрсатиб, талаб қилиб туради. Фикр, аслида,
“мен” мавжудман дегани. Фикр йўқ жойда оломончилик ва жоҳиллик кўпчйиди.
Менинг фикрим – бу менинг киёфам... Фикрсизлик маънавий ўлимдир”³.

Адибнинг фикрича, шўро даврида хоким мафкура адабиётда шахсларни йўқ қилиш
ва шахсизликни юзага келтириш учун кўп ҳаракат қилди. Ўз мақсадига буткул эриша
олмаган бўлса-да, ўз “мен”ига эга бўлмаган кўплаб киёфасиз асарларнинг яралишига
замин тайёрлади. Фалсафа, психология, эстетикага оид адабиётларда инсоннинг ўзлиги,
ахлоқи, ижтимоий муносабатлари унинг шахсида намоён бўлиши таъкидланади.
“Шахс мустаҳкам имон-этикод, ғоя ва инсоний фазилатларга эга бўлган, Ваган, мил-
лат туйғуси билан яшайдиган, ўзида давр хусусиятларини ифода этадиган инсондир”⁴.
“Шахс – ижтимоий ва шахслараро муносабатларнинг маҳсули, онгли фаолиятнинг субъ-
екти бўлмиш индивиддир”⁵. Дарҳақиқат, шахс ўз фикри, дини, этикодига эга бўлган,
ўзида ижтимоий фазилатларни мужассамлаштирган инсонни ифода этади.

“Шахснинг ўзи, ўз хулқ-атвори хусусиятлари, жамиятдаги мавқеини тасаввур
қилишидан ҳосил бўлган образ – “Мен” образи деб аталиб, унинг қанчалик адекват-
лиги ва реалликка яқинлиги шахснинг жамиятдаги ижтимоий мавқеини белгилай-
ди ва унинг баркамоллиги мезонларидан ҳисобланади. “Мен” образининг ижтимо-
ий психологик аҳамияти шундаки, у шахс тарбиясининг ва тарбияланганлигининг
муҳим омилларидан ҳисобланади”⁶. Шу боисдан психологияга оид адабиётларда
тарбия шахснинг ўзи ва ўз сифатлари тўғрисидаги тасаввурларининг шаклланиш
жараёнидир, ҳар бир инсон ўзини, ўзлигини қанчалик аниқ ва тўғри билса, тасав-
вур қилолса, унинг жамият нормаларига зид ҳаракат қилиш эҳтимоли ҳам шунча-
лик кам бўлади, яъни у тарбияланган бўлади, дея таъриф берилади.

“Мен”нинг ижодкор сифатидаги ўзлигини намоён қиладиган омиллардан бири ба-
дий ижоддир. Назар Эшонқул эътибор қаратган масалалардан яна бири ҳам унинг
айни ижод ҳақидаги фикрларида намоён бўлади. Муаллиф ижодни яратувчанлик-
нинг асоси деб билади. “Мен ижоддан холи нарсаларни яратувчилик деб аташлари-
га қаршиман. Ижод йўқ жойда яратган ҳам, яратувчилик ҳам бўлмайди. Ижодий завк
олиш сўнган дақиқадан турғулик бошланади, ижодий завк тугаган жамият таназзулга
юз тутади. Ижод – буюклини ва Парвардигор қудратини англаш хисси”⁷. Муаллиф
ижодни яратувчанлик билан боғлар экан, уни илоҳийликка дахлдор ҳодиса сифатида
таърифлайди. Чунки унда инсоннинг ўзлигини намоён қилиш, мавжудлигини англаш

¹ Назар Эшонқул. Мендан “мен”гача. - Т. 2014. 7-бет.

² Ўша манба. 8-бет.

³ Ўша манба. 14-15-бет.

⁴ Фалсафа асослари. - Т. 2015. 275-бет.

⁵ Каримова Б. Психология. - Т. 2002. 42-бет.

⁶ Ўша манба. 51-бет.

⁷ Назар Эшонқул. Мендан “мен”гача. - Т. 2014. 19-бет.

фалсафаси ётади. “Шу сабабли ҳам ижод – бу мавжудлик фалсафаси, мавжудликни тан олдириш фалсафаси”⁸. Бинобарин, ижод жараёни тамоман эркин бўлиши керак, у зуғумни, жаҳолатни ёқтирмайди. Ижод ҳар қандай зўрликларга қарши исёнди. Ижодга аини тарзда таъриф берар экан, Назар Эшонкул унинг ижтимоий ҳодисалигини мутлақ инкор қилмайди. Зеро, ижод муаллиф фикрича, ҳар қандай зуғум ва жаҳолатга қарши исёнкорлик экан, унинг моҳиятида “...ижтимоий ҳодиса – ҳалоскорлик бор”⁹.

Бу ҳалоскорлик, энг аввало, маънавиятимизга даҳл солаётган нарсаларга қаратилиши лозим. Муаллифнинг фикрича, бадий асар инсон маънавиятини покловчи ҳодисадир. Шу маънода “Ўтган кунлар” романини “гўзал ахлоқий асар” деб билади ва ундаги ахлоқий масалаларни тинимсиз ўзимизга сингдиришимиз лозим деб ҳисоблайди. Бинобарин, адиб миллатни эрмакка ўқийдиган олди-қочди тижорат асарларига ўргатмаслик лозим, дея таъкидлайди. Аини пайтда француз адабиёти вакилларининг адабиёт оммавий бўлмаслиги ҳақидаги фикрларини асос қилиб, “Айтиш мумкинки, санъат бир ҳовуч закый, яъни зехли ва диди ўтқир одамлар учун экани тан олинган. Бу санъатдан заковатли одамларгина завқ олиши мумкин”¹⁰, деган қарашни ҳам илгари суради. Бу фикрлар сўнгги пайтларда айрим адабиётшунослар томонидан зўр бериб таъриф қилинаётган “ҳос китобхон” ҳақидаги қарашларга мос тушади.

Назар Эшонкул фикрларида даврнинг ўтқир муаммолари сифатида тараққиёт ва маънавият муаммолари тилга олинади. “Фақат маърифатгина, билимгина, китобгина, китобга бўлган муҳаббатгина бизни қуюндай бостириб келаётган, онгимиз ва дидимизни саёзлаштираётган санъат, гўзаллик, дид ҳақидаги тушунчаларимизни, шу пайтгача аждодларимиз шакллантириб берган ва ўзимиз шакллантирган тушунчаларни емиришга киришган оломон маданияти ҳамда дидидан, бошқача айтганда, фикрsizлик ва дидsizликдан, яъни оломончиликдан асрай олади”¹¹.

Бугунги компьютер асри техниканинг ҳаддан ташқари ривожланиши одамларни фикрий эринчоклик томонга бошлади, “оммавий маданият” дея аталмиш киёфасиз ва зарарли ғоя ва қарашларнинг кириб келишини осонлаштирди, натижада инсон маънавияти қашшоқлашиб, эстетик диди ўтмаслашиб қолмоқда.

Муаллифни ҳавотирга солаётган нарса одамзод ўзи яратган нарсанинг қулига айланиб бораётганидир.

Хулоса қилиб айтгадиган бўлсак, Назар Эшонкул қарашларида ҳар бир ижодкор ўз “мен”ига эга бўлиши учун ташки омиллардан ташқари, ўз ички оламига – шахсиятини намоён қиладиган тафаккуру тасаввур оламига эга бўлмоғи даркорлиги таъкидланмоқда.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ёзувчи Назар Эшонкулнинг адабий-эстетик қарашларини ифодаловчи “Мендан “мен”гача” китоби таҳлили орқали ёзувчининг бадий олам, ижодкор шахси ва ўзлигини англаш жараёнига оид фикрлари таҳлил этилади.

В статье анализируются литературно-эстетические взгляды писателя Назара Эшонкула, отраженные в его книга «От «Я» до «Я» («Мен»дан «мен»гача), в которой автор размышляет о художественном мире писателя, о его личности и познании своего «Я».

The article analyzes the literary and aesthetic views of the writer Nazar Eshonkul, reflected in his book "From "I" to "I" ("Men" dan "men" gacha), in which the author reflects on the writer's artistic world, his personality and his cognizance of his "himself".

⁸ Ўша манба. 19-бет.

⁹ Ўша манба. 21-бет.

¹⁰ Ўша манба. 23-бет.

¹¹ Ўша манба. 17-бет.

КҮНГИЛ ТАЛАБЛАРИ



Дилфуза ТОЖИБОЕВА

Дунё ва шеърият мавзусида гап кетганда бу икки тушунчанинг бир-бири билан нечоғлиқ чамбарчас боғлиқ эканлигини англаб етасиз. Дунё яралгандан буён не-не кишилар унинг бағридан макон топди. Турли миллатлар, элатлар шаклланди, буюк давлатлар пайдо бўлди. Дунё бағрида яшаб туриб ҳар ким ўз ҳудуди, ўз масканини чегаралади. Ана шу чегара ичида туғилган ҳар қандай инсон учун бу макон унинг она заминига, юртига айланди. Лекин одамлар шу бир парча ернинг канчалик муқаддас эканлигини жуда кеч англаб етадилар. Шохни ҳам, гадони ҳам тенг кўрувчи бу дунё рангин киефаларда елкасида асрлар юкини опичлаб ҳамон одимламоқда. Шеърият эса бу турфа хил дунёсиз ўзини намоён эта олмайди. Шеърият ва дунё ўртасидаги муносабатлар ифодачиси, уларни боғлаб турган кўприк, шубҳасиз, бу шоирдир. Шоир кўпчилик эътибор бермаган гўзалликни кўра олади, у табиатнинг ҳар бир бўлаги билан сирлашади, дўст тутинади. Муҳаббат тилини тушунади ва у ҳақида куйлайди, ҳақсизлик ва бевафоликдан нафратланади, ҳайрат ва ҳаяжон оғушида яшайди.

1970-йиллар ўзбек шеърияти оламига бир нечта иктидорли шоирлар кириб келди. Бу давр иждокорлари тўғри фикрни гўзал сўзлар орқали ифодалаш эмас, тўғри фикр-нинг тўғри ифодалаш лозимлигини исботлай олишди. Инсон деган номни улуғлаш, унинг камситилишига, хўрланишига йўл қўймаслик уларнинг олий мақсади бўлди. 1970-йиллар авлодига мансуб бўлган Усмон Азим шеърларида ҳеч кимга бўйсунмас, айтганини қиладиган, қайсар, шунинг билан бирга жасур, журъатли бир поэтик тимсол мавжуд. У ҳақсизлик қаршисида ҳеч кимни аямайди. Кўнглидагини айтади-кўяди. Унинг дастлабки шеърларидаёқ биз бу қахрамонни учратамиз:

*Мени севинг,
Мендан нафратланинг –
Бошқасига рухсат бермайман!*

Тақдири азал шунчалик мураккабки, инсон ҳаётини бир зумда ўзгартириб юбориши ҳеч гап эмас. Сен ишонган, меҳр қўйган, кўнглингдан аллақачонлар макон топиб бўлган кишининг алдоқчи ёки худбин эканлигини билиш канчалик фожиа. Бундай

¹ Усмон Азим. Сайланма. - Т.:Шарқ НМК бош таҳририяти, 1995. 10-бет.

Дилфуза ТОЖИБОЕВА – 1966 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎЗМУ) тамомлаган. “Хотира салтанати”, “Тириклик ҳақиқати” шеърӣй тўпламлари нашр этилган. Республика нашрларида ўттиздан ортиқ мақолалари эълон қилинган.

инсонга қандай муносабат билдириш мумкин? Бундай мураккаб вазиятлар ҳар кимни ҳам ўйлантиради. Усмон Азим деган шоирнинг жавоби эса жуда кескин ва аниқ: *Мени севинг, Мендан нафратланинг...* Севги ёки нафрат. Шоир назарида “севги” ва “нафрат” – катта туйғулар. Демак, инсон учун жуда муҳим бўлган бу туйғуларга шунчаки қараб бўлмайди. Ҳаётда бир-бирига зид бўлган бу икки қарама-қаршилик аслида инсонга бўлган муносабат, ифода белгисидир. Шоир бошқа муносабатларга “*руҳсат*” бермайди. Фақат “севги” ёки фақат “нафрат”. У севгилисидан ҳам ва бошқалардан ҳам шуни талаб қилади. Чунки унинг ўзи шундай ва ўзи яратган бу қондага амал қилади. “*Мен сени севаман Ва нафратланаман, Майда туйғуларни кўрмайман раво...*”² Шеърни ўқиётган китобхонни “*майда туйғулар*”нинг нималар эканлиги ўйлантира бошлайди. Инсонлардаги туйғулар севги, нафрат, ачиниш, раҳм-шафқат, меҳр-муҳаббат ва ҳоказолар бўлиши мумкин. Аммо бу қаҳрамон учун фақат икки туйғугина муҳим:

Шеър ёзаман – севги,

*Шеър ёзаман – нафрат*³.

“Инсон фитратида бир пайтнинг ўзида ҳам эзгулик, ҳам ёвузлик мавжуд. Улар – бир нарсанинг икки томони”⁴, – дея таъкидлайди Улуғбек Ҳамдам. Аслида бу қарама-қаршиликлар ўртасида боғлиқлик борга ўхшайди. Севги, муҳаббат ортидан эзгуликлар амалга ошса, нафратдан ёвузлик, қабиҳликнинг келиб чиқиши ҳеч гап эмас. Аммо шеърдаги ҳолат ёвузликка олиб келадиган даражада эмас. Бу очикдан-очик изҳор ва муносабат кўринишидир. Чунки бошқалар ўз туйғуларини очикчасига билдирмасликлари, билиб-билмасликка олишлари ёки яширишга уринишларидан шоирнинг жаҳли чиқади, унга алам қилади:

Сиз бўлса, лаънатилар,

Алдайсиз мени,

Қўлда ханжар тугиб

*“Севаман” дейсиз*⁵.

Шеърдаги “лирик мен” ҳақиқатгўй, фикрини ошқор этишдан кўркмайдиган, “*Мана, мен Сизга Нафратим ва севгимни Ҳар битта шеъримда Айтянман-ку!*” – дея баралла ҳайқира оладиган қаҳрамон.

Мардлик, жасурлик барқ этиб турган бундай тимсоллар шоир шеърларида кўплаб учрайди. “Битик тошлар орзуси” номли шеърда ҳам фақат Усмон Азимгагина хос бўлган услуб гавдаланади. Шоир табиатидаги жанговарлик, кескин мушоҳада юриши ижодкор шеърини услубининг ўзига хос қирраларини ифодалашга ёрдам беради:

Қоғозларга ёздим... Қоғозлар ёнди.

Бу сирни ўйладим – топдим, ниҳоят:

Мен Усмон эмасман, Алптегинман – мен,

*Энасой бағрида тўлгонган гоя*⁶.

Шоир “лирик мен”идаги руҳият ифодаси узок ўтмишни, қадимги ота-боболаримиз яшаб ўтган Энасой дарёси қирғоқларини кўз ўнгимизга келтиради. Шоир ўзини “Алптегин”га ўхшатади. “Лирик мен”даги ғайрат, шижоат шунчалик кучлики: “*Қоғоз ярамайди менинг қунимга, Қоғозга кўчмайди ёнаётган юрак. Шалвираган қоғоз керакмас менга, Дардимни битгани менга тош керак*”⁷, – дея таъкидлай-

² Ўша манба. 10-бет.

³ Ўша манба. 10-бет.

⁴ Улуғбек Ҳамдам. Бадний тафаккур талрижи. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. 191-бет.

⁵ Усмон Азим. Сайланма. - Т.: Шарқ НМК бош таҳририяти, 1995. 10-бет.

⁶ Ўша манба. 149-бет.

⁷ Ўша манба. 149-бет.

ди. Шоир қалбида жойлашиб олган дард, чегарасиз туйғулар ифодаси учун оддий “шалвираган” қоғоз “ярамайди”. Бу дардни кўтариш учун, уни ифодалаш учун умрбод сакланиб қоладиган шоир орзу килган “битик тош” зарур.

Шеър сўнггида “лирик мен” дунё билан мулоқотга киришади. Унга ўзининг истак ва талабларини қўяди: “Менга бир тош керак – осмон каби кенг, Ғазаб каби оғир, ғамдай бенаво...” “Одамнинг хоҳишлари кўнгилда денгизнинг тўлқинларидай пайдо бўлади. Тўлқиндай пайдо бўлиб, тўлқиндай ўчади. Лекин тўлқиннинг келиши тугамайди. Одамнинг хоҳишлари тўлқин бўлса, дунё шу тўлқинлар тўхтовсиз бош уриб борадиган сохил”⁸, – дея таъкидлайди Иброҳим Ғофуров. Талаб этилаётган хоҳиш-истак, яъни “– Осмон каби кенг, ғазаб каби оғир, ғамдай бенаво... тош”ни топиб бўлмаслигини шоир жуда яхши билади ва шунда ҳам у дунёдан айнан шундай тош топиб беришини талаб қилади. Шоир дунёни тошни топиб беролмаганликда айблайди ва бунинг сабабини ҳам айтишга ҳаракат қилади: боиси дунёнинг тошлари тупроққа айланиб кетган эди.

“Дунё ҳеч қачон одам боласининг хоҳишлари билан ҳисоблашган эмас. Хоҳишлар тинимсиз енгилиб боради ва енгилган хоҳишлар кўнглини ўзига мазор тутади. Ҳар бир кимсанинг кўнгли – енгилмас истаклар мазори. Хоҳишлари рўёбга чикмаган одамлар дунёни тескари қурилган деб топадилар, уни хокдон ва ҳасратхона деб атайдилар ва шоирлар кўнгиллардан келиб турадиган нолаларни шеърга соладилар”⁹.

Услуб – ижодкор ҳаётининг кўз ўнгимизда намоён бўлиш тарзи ҳам саналади. Шоирнинг назарида инсон танаси бир неча бўлақларга бўлинган ва ҳар бири ўз ҳолича мустақил қисмларга ажратилган. Инсон эса ҳар бирини назорат қилиб турмоғи муҳим. Шоир тасавуридаги мустақил бўлақларнинг худди инсонлардек “хоин” ва “сотқин”ларга ажратилишида жонлаштириш санъатидан ўринли фойдаланилади. Айниқса, бутунги тинч, мустақил, фаровон ҳаётнинг кадрига етмаётган баъзи бир кимсаларнинг хоинлиги каби унинг илдиз отишига йўл қўймаслик керак. Хоинлик – кечириб бўлмас жиноят. Хоинлик – миллат юзига оёқ қўйиш, она юрт тупроғининг кадрига етмаслик. Танадаги “хоин” бўлақни англаб этиш билан уни “қатл этиш” даркор. Фақат ўлимга маҳкум этилган одамнигина қатл этиш мумкин. “Қатл этиш” – ундан бутунлай қутулиш чораси.

*Ўзингни аяма,
Бешафқат бўлгин
Жонингга солиб тур гоҳида буров
Шунда
Топилади
Хоин бўлагин...
Унга раҳм қилма,
Қатл эт дарров*¹⁰.

Рухшунос олимларнинг таъкидлашларича, иши юришмаган ёки ҳадеб мағлубиятга учрайдиган инсонларнинг етмиш фоизига уларнинг ўзларини ўзлари назорат қила олмаганликлари сабаб бўлар экан. Шеърда инсоннинг ўзига нисбатан ўта талабчанлик билан назар солиши, ўзини тафтишдан ўтказиши, ўзига бўйсунмаётган “хоин” бўлақларини эса аёвсиз йўқотиш, ўзлик чегарасини йўқотиб қўймаслик масаласи ифода этилади.

Ҳаётда инсон учун энг қийин кураш ўз қалби билан кураш олиб боришдир. Инсон танасининг ҳар бир бўлағи унинг буйруғини кутиб яшайди, хоҳиш-истакларини бажаради. Баъзан эса кўнгилда нималардир исён кўтарадики, нима бўлаётганини инсоннинг ўзи ҳам англаб ета олмайди. Халқ орасидаги “оёқларим ўша тарафга қараб кадам босмай қолди”, “қўлим ишга бормади қолди”, “бошим қотиб қолди” каби ибораларда инсон таналарининг

⁸ Ғофуров. И. Ҳаё – халоскор. - Т.: Шарк НМК бош тахририяти, 2006. 218–бет.

⁹ Ўша манба. 218–бет.

¹⁰ Усмон Азим. Сайланма. - Т.: Шарк НМК бош тахририяти, 1995. 124–бет.

қалб амрига бўйсунмаслик ҳолатлари кузатилади. Шеърда мана шундай ҳолатларда инсоннинг ўзи билан кураш олиб бориши, ўзининг ички оламида ҳам осойишта вазиятларни барқарорлаштира олгандагина ана шу “сотқин бўлак”ларнинг енгилиши, “чекиниш”и ифодаланади. Инсон танасидаги бу “сотқин бўлак”ларнинг бўлиши “уят”, “шармандалик” эканлиги, бундай бўлакларни махв этиш, йўқотиш зарурлиги уқтирилади:

*Ўзингни аяма,
Бешафқат бўлгин
Жанг қил
Била туриб
Мағлубиятни,
Шунда
Чекинади
Сотқин бўлагинг –
Маҳв эт шармандани,
Маҳв эт уятни¹¹.*

Шеър давомида инсонлар ўртасидаги ўта муҳим бўлган бирлик масаласи қаламга олинган. Бирлик бор жойда катта куч бор, уни ҳеч ким енга олмайди. Шоир: “*Бир тан бўл, Бир сўз бўл, Битта тугун бўл – Фақат битта юрак, Фақат битта бош*”, – дея таъкидлайди. Инсон ўзини бир нуқтага бирлаштира олгандагина ўзини бошқара олади, тўғри, соғлом фикрлайди, ўзини англаган киши бошқаларни ҳам тўғри йўлга бошлайди, она юрти, миллати учун жон куйдиради, унинг озод ва фаровон бўлиши учун кураш олиб боради. Аммо ҳаётнинг ўзи курашлардан иборат. Бир кун вақти соати келиб ҳар бир инсон бу ҳаётни тарк этади. Шоир шеър сўнггида бу дунёдан кейин ҳам “ўлик тана”нинг бўлакларга бўлиниб эмас, балки “дўстлар кўтарган” “бир тобутда” сўнгги манзилга бориши шартлигини таъкидлайди:

*Аммо курашларда қурбонлик расм,
Сени ташлаб кетса,
Сен севган ҳаёт,
Минг битта тобутда танинг ётмасин –
Дўстларинг кўтарган
Бир тобутда ёт¹².*

Усмон Азим – серкирра ижодкор. У бадий адабиётнинг даврий ва абадий мавзуларида тинимсиз қалам тебратмоқда. Шоир ижодида даврга, инсонларга ва дунёга бўлган ўзига хос муносабат кўзга ташланади. Унинг ўзига хос услуби шоир яратган поэтик тимсоллар характери ва ҳолатларида яққол акс этади.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Усмон Азим шеърятининг ўзига хос қирралари таҳлил этилиб, шоир лирикасидаги ижтимоий мотивларга эътибор қаратилади.

В статье проанализировано характерные особенности творчества Усмана Азима, где поэт акцентирует на социальные мотивы.

The article analyzes the characteristic features of the creativity of Usman Azim, where the poet emphasizes social motives.

¹¹ Ўша манба. 124-бет.

¹² Ўша манба. 124-бет.

Йўллар – бу чеки йўқ ҳаёт тасмаси



Шафоат Раҳматулло
ТЕРМИЗИЙ

Боботов баҳори

1

Саратон, куз, кишлардан ўтдим,
Шукр қилдим ҳар азиз дамга.
Ширин илҳом онларин кутдим,
Кўнгил бердим ҳар бир кўкламга.

Гуллар эди менинг қалбимда,
Сатрларнинг нози, ибоси.
Олис йўллар бугун олдимда
Ва елкамда сафар либоси.

Орзулар-ла тоққа кетаман,
Кўзга суртиб сахий еримни.
Унда кутар мени бир чаман,
Гулларидан боғлай шеъримни.

2

Тортик эрур ҳисларга ҳислар,
Шоирлар кўп, шеърят бозор.
Мен шеърим-ла таратган ҳислар,
Кувонч берсин, бермасин озор.

Кенгликларни кўшиққа солсам,
Кимлар деди мени саҳройи.
Юртин севса айбдорми одам,
Кўшиқ берса туғилган жойи.

Шафоат Раҳматулло ТЕРМИЗИЙ – 1942 йилда туғилган. Тошкент давлат консерватория-сини (ҳозирги ЎзДК) битирган. Шоирнинг “Жануб шамоли”, “Гулоб”, “Озод сўз”, “Шоҳ ва шоир”, “Кўринмай гулладим” каби китоблари нашр этилган. Шоир 2016 йилда вафот этган.

Балки ўша сахро, кенгликлар,
Ўзлигимдир, ўзгадан фарқим.
Ўз юртида шеъри мусофир
Ва мусофир шоирлар борқим.

3

Бошинг узра куёшдан тож-зар,
Осмонларинг юлдуз чамани.
Қояларинг сўйлар дostonлар,
Боботоғ – сен баҳор Ватани.

Сенга соқчи оппок булутлар,
Баҳор кўшки, эй буюк савлат!
Оғушингда туман баркутлар,
Қўрғонингдир қирлар минг қават.

У қўрғонлар пойида ётган,
Адирларинг минг-минг остона.
Сен – кўшкidan ёруғ оламга,
Бокиб турар баҳор – жонона.

4

Ранг олови ҳоким борликка,
Гулбарглardan сачрайди учкун.
Келдим, кўзим нур уммонида,
Бу гулханга сув сепмоқ учун.

Эл баҳоси ёнар нафармон,
Бўтакўзлар олов тилла, зар.
Қайта бошдан гурлади гулхан,
Авжлангирди мен сепган сувлар.

Бу не ёнғин, бунча сеҳргар,
Лахча гуллар аро колдим жим?
Ёниш бўлса шундай беозор,
Шу ўт аро мангу ёнардим.

5

Шеър ўқисам севгидан ёниб,
Тоғ боласи туйдинг бир хайрат.
Қирларга боқ саҳар уйғониб,
Оҳангларга тўла бу хаёт.

Йиллар сени улғайтар дуркун,
Севги деган сўзлар бўлар рост.
Оқа бошлар қалбингдан бир кун,
Турфа оханг, турфа эхтирос.

Ёниқ кўзлар, юзлар жамоли,
Олиб кўяр ақл-хушингни.
Паричеҳра қизлар висоли,
Кечалари безар тушингни.

Тонгда туриб хислар аро лол,
Мунглар аро бўлганда факир.
Укажоним, тортинмай дархол,
Дардкаш бўлар шеъримни чакир.

* * *

Қайтмас бўлиб кетдинг ул кун ёнимдан,
Мен колдим жазмингдан ўзни йўқотиб.
Орқангга бир бора қарамадинг ҳам,
Уфқнинг ортига кетгунча ботиб.

Бугун узокларда кечар ҳаётинг,
Сени эслаган дам мен ўксик, ғариб.
Ул кетган йўлингга боқсам, нигоҳим,
Уфқ деворига урилар бориб.

Йўллар

Йўллар чувалади далада, кирда,
Йўллар – бу уфқаро қурилган ўрмак.
Улов-ла чувалиб борар гоҳ бирга,
Гоҳ насиб пиёда чийратиб юрмак.

Умрлар – йўлларнинг минг ип чашмаси,
Ўриш – арқоқ бўлиб қилгувчи пойга.
Йўллар – бу чеки йўқ ҳаёт тасмаси,
Ки чексиз ўралган ер, қуёш, ойга.

* * *

Дўстлар айтгач, тоғ сайрига кўндим-да,
Афсонамас жаннат кўрдим ўнгимда.
Қучоқ очиб кутиб олди Кўҳитанг,
Ҳаволанди тоғ навоси кўнглимда.

Мен куйладим жаранглади даралар,
Тоғда қўшиқ узокларга таралар.
Қўшиғимдан лол бўлма сен, эй дилбар,
Севган қалбда шундай қўшиқ яралар.

Лола тердим, булоклардан ичдим сув,
Терган лолам сулуvmи ё сен сулуvm?
Ростин айтсам билолмадим, тоғ қизи,
Кўҳитангда оху сенми, сен оху?

Қўркма гўзал, меҳмонингга чалоб бер,
Коса гул бўл, коса лабин ялаб бер.
Юрак куйди тоғнинг тенгсиз барноси,
Чалобингга тоғ музидан қалаб бер.

Сен қоласан, тоғ қолади, оху ҳам,
Чашмалардан оққан турнакўз сув ҳам.
Чалоб келтир, энди шоир кетади,
Ўзи билан севинчи ҳам, охи ҳам.

Имом Термизийга муножот

У йўллар макрухдир, изга қайтаман,
Суннати ҳақиқат сўзга қайтаман,
Ахли мўмин, сизга, ўзга айтаман,
Мен изга қайтаман – ўзга қайтаман,
Ё Имом Термизий, Сизга қайтаман!

Йўқ эдим тўлиқми, ярим асир мен,
Кўр эдим, тўлиқми, ярим басир мен,
Телбами, манқуртми, ақли қосир мен,
Мен изга қайтаман – ўзга қайтаман,
Ё Имом Термизий, Сизга қайтаман!

“Учлик” шапкасига салламни бердим,
Сўнг калом, имломни, калламни бердим,
Арбобу, адибу мулламни бердим,
Мен изга қайтаман – ўзга қайтаман,
Ё Имом Термизий, Сизга қайтаман!

Меросни топташ ҳам маданиятми,
Аждодни топташ ҳам маънавиятми,
Ёлғонни мақташ ҳам айнул ҳаётми?
Мен изга қайтаман – ўзга қайтаман,
Ё Имом Термизий, Сизга қайтаман!

Фалсафа онаси – китоби Карим
Қолиб куфр дарсин олди бу сарим,
Менда имон йўқдир, бўлса ҳам ярим,
Мен изга қайтаман – ўзга қайтаман,
Ё Имом Термизий, Сизга қайтаман!

Туф, ёлғон дунёга, асл қайдасан,
Шарқ фикри жам этган ҳосил қайдасан,
Ҳаққа етакловчи Расул қайдасан?
Мен изга қайтаман – ўзга қайтаман,
Ё Имом Термизий, Сизга қайтаман!

* * *

Сафар оти кенгликларга чухла дер,
 Майин еллар кокилимдан ушла дер,
 Қизғалдоқлар кел, тиззамда ухла дер,
 Мени йўқлаб яна баҳор келдими?

Қиз кўзгуси бўпти булоқ сувидан,
 Най чакирар олис сойлар тубидан,
 Айрон тутар янга заранг кувидан,
 Мени йўқлаб яна баҳор келдими?

Ёнгинамдан ёмғир ўтди шитирлаб,
 Сур қўзилар ўрга чиқди дикирлаб,
 Тўрғай турар қўқда тинмай чикирлаб,
 Мени йўқлаб яна баҳор келдими?

Ари куяр кокигуллар гамида,
 Шабнам тўла жаранг лола жомиди,
 Турна тегиб ўтди қирлар томига,
 Мени йўқлаб яна баҳор келдими?

Онажоним ош қилибди ифорли,
 Кишнаяпти Алп акамнинг тулпори,
 Ол кийипти барча Сурхон дилбари,
 Мени йўқлаб яна баҳор келдими?



**Ўзинг мангу эмассан, отинг мангудир,
 отинг мангу бўлдими, ўзинг мангудирсан.**

Юсуф Хос ҲОЖИБ



Аббос МАЛИК

Чорлаб турар ёниқ истиқбол

* * *

Бу – менинг Ватаним !
Бағрида
ййраб нафас олар туйғулар,
орзуларнинг парвози баланд.
Дил қувончга, нурга йўғрилар,
дил яратиш ишқи билан банд.

Бу – менинг Ватаним !
Бағрида
поёни йўқ бахт жилва қилар,
бу бахт умри қўрмагай завол.
Мангу сўлмас чаманлар қулар,
чорлаб турар ёниқ истиқбол.

Бу – менинг Ватаним !

* * *

Чечакларга қўшиб қўнглимни,
хисларимга қоқилиб бир ноз-ла,
қайтарилармикан бу эрталар,
қайтарилармикан бу ёзлар?

Тонг шамоли бўлиб эрқалан менга,
сочларимни сийпаб эрқала,
қайтмайдирган ёзларидир бу,
сира қайтмайдирган эрталар.

Булбул мунгли бўлиб жонимга ўт,
мунгли торларимдан таралгин.
Юрагимдан тошқин муҳаббатим
ёзги тошқин бўлиб яралгин.

Аббос МАЛИК – 1938 йилда туғилган. Термиз давлат педагогика институтининг (ҳозирги ТерДУ) ўзбек тили ва адабиёти факультетини битирган. Унинг “Ҳаёт сирлари”, “Жилгалар”, “Заррадаги нур” каби китоблари чоп этилган. Шоир 2008 йилда вафот этган.

Қайтарилмайдиган ёзлар-ла бу,
ортга қайтмас эрталар.
Умр бўйи ҳали бу эрталар,
эсга тушиб бизни эркалар.

* * *

Ёр, иккимиз ёққан ўчок.
лов-лов ёнар, ўчмас ҳали.
Совутувчи совук еллар
орамизга кўчмас ҳали.
Ул покликнинг булоклари
қайнар ҳали, оқар ҳали.

Биз ўтказган турфа гуллар
ўсар ҳали, сўнмас ҳали.
Умид гули сўлмас ҳали,
оппоқ киров тўзонлари.
Соф севгининг ипак ипин
узмас ҳали, сўлмас ҳали.

Кўм-кўк баҳор, нурли тонглар,
гўзал тунлар ўтмас ҳали.
Ёшлиқ бизга хуш қолинг деб,
кўлин силтаб кетмас ҳали.
Тақдиримиз бахт-иқболи
битмас ҳали, битмас ҳали.

* * *

Асло тўхташ билмайди инсон,
Юксакликка интилар юрак.
Она-ерда шундай туғилган
Инсонларга юксаклик керак.

* * *

Ҳаёт куриб, қалбга қуёш солиб,
Ёшларга ўтгум йўл бериб.
Мен элимнинг ҳар шаҳри билан
Кўришиб юргум икки қўл бериб.

* * *

Пок туйғум эшигин очар,
Ундан барча ёмонлик қочар.

* * *

Қўли очикнинг кўнгли очик,
Чор-атрофда ризқи сочик.

* * *

Баланд кетиб нетарсан,
Охир пастга кетарсан?

* * *

Элинг сени ақли деса,
Кибрланма даврон тегса.



Махмуд АБУЛФАЙЗ

Икки новелла



АЗА

Йўл бўлинди, кисматлар айрилди. Эр исёнга келди: “Уч талоксан! Кет”, деди. Бу бор-йўғи уч сўз эди. Лекин атига шу уч сўз дунёни остин-устун қилишга кифоя бўлди. Бу уч сўздан улуғ Арши аъло ларзага келди. Бори дунё чайқалди. Эшитганлар ларзага тушдилар. Умрлар титроққа тушди. Мехр-мухаббат йиғлади, вақт йиғлар, жамики рўзгор устунлари бир-бир қулар экан, йиғлашга тушдилар.

Келинчак... бахти қаро, манглайи шўр келинчак, бир ўғли, бир кизини етаклаганча, бир тугунчани олиб, эрининг уйдан чиқиб кетди. Жажжи болақайлар ҳали гап нимада эканлигини тушунишмас, дам сели себар бўлиб йиғлаётган онага қарашар, дам эса ортда қолаётган ҳовлига, у ерда дарвоза ёнида ғазаб отига минган отасига қарай-қарай, жавдирай-жавдирай кетиб борардилар. Болақайлар ҳадеб ортга қарайверардилар, она эса уларни силтаб, олдга ундарди. Гўдақлар эса яна...

Келинчак икки гўдагини етаклаб, ҳазонрез куз кунларининг бирида туғилиб-ўсган ота макон – она уйига кириб борди. Ота билан она кизларига савол бермадилар. Улар сўзсиз ҳам барча нарсани англаб етган эдилар. Зотан, бутун фожиани кўзёшлариданда чиройли, тушунарли тарзда айтиб берадиган ровий йўқ эди шу дақиқаларда.

...Йўллар бошқа қовушмади. Қовушмасди ҳам. Эр ва хотин тақдирнинг номаълум йўлларида таваккал кетиб борардилар.

Бир куни иш қонуний ечимга етиб келди. Эрнинг мол-мулкидан (аниқроғи ўртадаги мол-мулкдан) аёли, ўғли ва кизига фалон миқдор ажратиб берилиши, фарзандлар токи вояга етгунга қадар фалон сўмдан алимент тўлаб турилиши ҳақида одил суд ажрим чиқарди. Эр эса собиқ аёли ва икки фарзандининг ҳақини бермасликнинг, йиллар оша алимент тўламасликнинг барча йўлларини ахтара бошлади. Миясига зўр берди, чора излади ва... топди ҳам. Охири у маҳалла одамлари орасида ҳам, судда ҳам шундай дея баралла эълон қилди:

– Болалар аслида мендан эмас эди!..

Махмуд АБУЛФАЙЗ – 1953 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетида таҳсил олган. “Мард қолур майдон ичинда”, “Одамни армонлар улгайтиради”, “Тоглардек яшаса одам”, “Одамлар осмонда яшайдилар”, “Юрак ухламайди”, “Бахтли яшанг, одамлар” каби китоблари чоп этилган. Республика “Энг улуғ, энг азиз” таллови (2012 йил) гилиби. 2017 йилда вафот этган.

Эшитганлар ханг-манг бўлиб қолишди. Бу гап худди ёз чилласидаги момақал-дирик каби барчани саросимага солди.

– Ахир, болалар куйиб қўйган ўзинг-ку! – дейишди одамлар.

Лекин эр-ота гапида қайсарлик ва шармандалик билан туриб олди.

– Тўғри, бироз ўхшаши ҳам мумкин, лекин менинг болаларим эмас!

Шунда кўпни кўрган бир қария вазмин ва сокин туриб айтди:

– Болам, агар бу бегунох фарзандлар сендан бўлмаса, у холда... сен қаерларда, қайси қавақларда ётган эдинг?! Билиб турибман нима учун шундай деб айтаётганингни. Эсингда тут болам, у қулоғинг билан ҳам, бу қулоғинг билан ҳам эшиттил: пул, мол-дунё қўлнинг кири, топилади. Ҳеч ғам тортма. Лекин... лекин ор-номусни қаердан топасан, жон болам?! Тирик туриб ўлганинг нимаси энди, шўрбахт болам!

Шу гапларни айтиб бўлгач, чол йиғлади. Бу шундай йиғи эдики, ларзага тушмаслиқнинг ҳеч бир иложи йўқ эди. Балки битгувчи бўлса-да, бу ғуссали ҳолатни айтиб берадиган сўз луғатда топилмасди. Бу йиғи номус-диёнати ўлган, ордан айро тушган, жасади шунчаки дунё оралаб юрган шўрпешона бир йигитга очилган аза эди.

НАВБАТ

– Кампир ўлса унинг ўғил-қизлари, қариндош-уруғлари билан алоқани батамом узаман, – деди тўнғич келин. – Эримнинг топганлари ўзимники бўлади, бошқаларни шерик қилмайман. Болаларим билан бамайлихотир еб ўтирамин...

Колхоз раисининг эрка ва тантик аёли бўлган тўнғич келин бу гапни ўзига сирдош бўлган айрим хотин-халажларга гоҳи-гоҳи айтиб юргич эди. Бирок ҳамма томони тош девор билан ўралган гунг, тош бино ичида айтилган ҳар қандай гап ҳам ёки содир этилган иш (гуноҳ) ҳам бир куни ошқор бўлгани каби, келиннинг бу гаплари кунларнинг бирида шамолга ёйилиб кетди.

Қайсар, ўзига бино қўйган тўнғич келиннинг бундай совуқ ва ёки кулоққа ёқмайдиган тилаклари кампирнинг қулоғига ҳам етдими, етмадими, бундан бизнинг хабаримиз бўлмади. Бирок илоҳий адолатнинг мўл-қўл бериб турган ризки, сув-хавоси, ҳаттоки тириклигини ҳам бошқалардан кизғанаётган тўнғич келиннинг бундай гапларини эшитган оқибатли одамлар ларзага тушардилар, албатта.

“Агар сув билан ҳаво келиннинг қўлида бўлсайди, эҳтимол қайнонасига бир кулгум ҳам сув ва бир югум ҳам ҳавони бермасди”, дердилар уни биладиганлар. Ана шундай бир пайтда, кексалиқнинг ҳазонрез боғида маҳзун умргузаронлик қилаётган кампир эрта-кеч, ўғли, келини, уларнинг ҳақиқага энг ёруғ дуолар, тилақлар билан кун кечирарди. Жойнамоз устида қиблага юзланиб, сўрагани фақат яхшилиқ эди.

Инсон эртага бошидан нималар кечишини билмаскан. Илло, билмайди ҳам. Инсоннинг бахти шундаки, эртанги куннинг бўлажак воқеаларини билмайди. Инсоннинг фожиаси шундаки, эрта бир кун ҳаётида юз бериши мумкин ёки муқаррар бўлган фожиалардан ҳам ғафлатда қолади.

...Кунлари бахтга қоришган дамларнинг бирида тўнғич келинга дард ёпишди. Унча-мунча эмас, балки зўр дард ёпишди. Аввалига “Ўтар-кетар, шунчаки тумов бўлса керак”, дейишди. Қарашсаки, тумовга ўхшамайди. Сўнгра шунчалар уринишдики, бироқ дардни келиндан, келинни эса дарддан ажратиб ололмадилар. Номаълум тарафдан келган дард унинг вужудига эски кадронлардек маҳкам ўрнашиб

олгандек эди. “Агар кетсам, шу аёл билан бирга кетаман...” деятгандек эди бу дард. На профессор шифокорлар, на фолбин, на мулла уни енгиллата олди.

Тўнгич келин кун сайин оғирлашиб, озиб-тўзиб бораверди. Нажот эшиклари гўё “така-так” бекилгандек эди. Иштаҳаси ҳамиша “карнай” бўлиб турадиган келин бора-бора овқатдан ҳам қолди. Тиник ранг-рўйи баргдек сўлиб, билкиллаб турган вужуди кун сайин озиб кета бошлади.

Гарчанд киши билмас оғир дард унинг вужудини, аъзойи баданини тилка-пора килаётган бўлса-да, бироқ унда қандайдир беҳаловатлик, бесаранжомлик асари кўзга ташланарди. Теварак-атрофга ўқтин-ўқтин олазарак, кизғанчиклик ва харислик билан боқарди. Чамаси, бу дунёнинг моддий бойликлари, хою-хаваслари келинни тарқ этмаётган эди. Янаям аниқроғи, уларнинг бир-биридан ажралишлари жуда оғир кечаётганди. Лик тўла сандиклар, матолар, тиллолар, ҳашаматли уй-жойларни бемаврид ташлаб кетиш фикри кийноққа солаётган эди балки... Ким билади, бандасининг кўнглидан кечаётган гаплардан ёлғиз Яратганининг ўзи воқифдир.

Бора-бора келин тилдан ҳам қолди. Илоҳий адолатнинг мўъжизасини, тенгсиз муруватини, бандасининг мушқулини осон қилганини кўрингки, раиснинг аёли қанча замонлардан бери бутун борлигини кемириб, бамисоли зулукдек ёпишиб ётган нафсдан, молпарастлик, буюмпарастликдан ҳам қолди. Гўё унинг ич-ташини кишанбанд этиб ётган дунёвий хавойи нафс узилиб, парча-парча бўлиб, тўзғиб кетгандек эди. Чунки энг сўнгги дақиқаларда келиннинг юзида бир ёруғлик, қандайдир хотиржамлик ва сокинлик зоҳир бўлганини ёнидагилар сездилар, кўрдилар. Чамаси, раиснинг аёли бораётган манзилига, ҳаттоки сариқ чакани ҳам олиб кетолмаслигини аён англаб ётган эди ёки унга англантилган эди. Келиннинг бу оламдаги бахти шунда эдики, ўзи ўлмасдан бурун нафси ўлди. Аслида бу ҳам бир давлатмандлик эди.

...Тонг энди оқариб келаётган хира-шира палла эди. Сахардан бери қиблага юзланиб, тасбех ўгириб ўтирган муштдеккина кампирнинг хузурига невараси охиста кириб келди.

– Момо, ҳовв, момо! – деркан, невараси гапини охиригача айтолмасдан йиғлаб юборди.

Кампир зийрак эди, нохуш бир воқеа содир бўлганини сезди шекилли, сесканиб тушди.

– Нима гап, болам, тинчликми ўзи, нега йиғлаяпсан, жон болам?! – деди ортига ўгирилиб хира кўзлари билан қараркан кампир.

– Келинингиз... онам – деркан, невараси яна йиғлаб юборди.

Бу совуқ хабардан кампирнинг вужуди ларзага келди. Ўзини базўр қўлга олиб, дуога қўл кўтарди: “Яратган эгам, келинимнинг мушқулини ўзинг осон қилгин, охирати обод бўлсин! Навбат аслида меники эди-ку, навбатни мен сўраб турган эдим-ку! Келиним тушмагур шошибди-да, шошқалоқлик қилибди-да, менинг йўлимни олибди-да!” дея кампир нола қиларди. Кейин эса эшитилар-эшитилмас қилиб деди:

– Гўдақкиналари энди нима бўлади? Эй Худойим, ўзинг нажот бер, сабри жамил ато эт...

Қушлар қанотининг садоси



Сухроб СИПЕХРИЙ

Манзил

“Дўст уйи қайда?” –
Тонготар пайтида сўради отлик.
Осмон бир нафасга котиб қолди.
Йўловчининг лабидаги нур шохчаси
зулматга чўмилган шағалларни ёритди.
Ва йўловчи кўрсаткич бармоғи билан
ок теракни кўрсатиб деди:
“Дарахтга етмасдан,
Худонинг уйкусидан ҳам яшилрок
бир хиёбон бор.
Унда ишк,
садокатнинг қанстлари ҳажмида кўм-кўкдир.
Комилликдан ўтади ан кўчагача боргайсан.
Сўнг ёлғизлик гули омон бурилиб,
ер юзининг абадий фавворасига,
асотирга етгайсан.
Ва сени шаффоф бир кўрқув босади.
Фазонингсамимий оқимларида
Қулоғингга чалинади бир “хиш-хиш”.
Баланд бир қарағай устига чикиб,
нур тўла уядан жўжа олаётган
болакайни кўргайсан
ва
ундан сўрагайсан:
“Дўст уйи қайда?”

Сухроб СИПЕХРИЙ – 1928 йилда туғилган. Эрон санъат институтининг тасвирий санъат бўлимида ўқиган. Шоирнинг “Чаман қўйнида ёхуд ишқ оромгоҳи”, “Тушлардаги ҳаёт”, “Қуёнининг айланиши”, “Сув одимининг товуши”, “Йўловчи”, “Яшил ҳажм”, “Саккиз китоб” номли тўпламлари нашр этилган. Шоир 1981 йилда вафот этган.

Денгизлар ортида

Бир кема қургум
сувга туширгум.
севги ўрмонида қахрамонларни
уйғотиб қўйгувчи кимсаси бўлмаган
ғурбатли бу юртдан бош олиб кетгум.

Кемада тўр йўк
ва дилда марварид орзуси.
Мен ҳамон сузишда давом этгум.

Бундан сўнг
сув ости дунёсига
ва
балиқчиларнинг ёғдули хилватларига
зулфидан афсунлар таратиб
сувга шўнғиётган парига
кўнгил қўймагум.

Мен ҳамон сузишда давом этгум,
мен ҳамон куйлашда давом этгум.
Узоқлашиб кетмоғим керак.

У шаҳарнинг эркаклари ўтмишсиз эди,
у шаҳарнинг аёллари бир бош узумчалик
етилмаган эди.

Ҳеч бир уйнинг деразалари
шодликларни такрор этмади.

Шуълаларни акс этгирмади
хатто бирор-бир кўлмак.

Узоқлашиб кетмоғим керак.

Тун куйлади таронасини.

Энди навбат деразаларга.

Мен ҳамон куйлашда давом этгум,
мен ҳамон сузишда давом этгум.

Денгизлар ортида бор ёлғиз шаҳар
бир шаҳарки,
деразалари
тажаллий томонга очилган.

Томларига башар ақлининг
фавворадек отилишига
қараётган кабутарлар ин қурган.

Бу шаҳарнинг ўн ёшдаги ҳар бир гўдаги
қўлларида маърифатнинг шохчалари хилширар.
Бу шаҳарнинг аҳолиси ҳар бир бошокқа
бир шуълага қарагандек,
гўзал бир тушдек
хайрат билан қараб ўтади.
Бу шаҳарнинг тупроғи
туйғуларнинг оҳангига қулоқ тутати.
Шамоллари
афсонавий қушлар қанотининг
садосини етказди.

Денгизлар ортида
бордир бир шаҳар
унда нур сочувчи қуёш қўлами
азонда очилган кўзларга тенгдир.
Шоирлар сув,
ақл
ва
нурнинг ворисларидир.

Денгизлар ортида бор ёлғиз шаҳар,
бир кема курайлик...

Интиҳогача ҳузур

Бу кеча
ажиб бир тушда
калималар томонга
очилгай бир йўл.

Ниманидир шивирлагай ел.

Олма узилгай
ва
заминнинг сифатлари устига тушгай.

Туннинг қўздан ғойиб бўлган
Ватанининг хузурига шошилгай.

Тасаввур томи
қулаб тушгай.

Кўз
ўсимликнинг ғамгин
аклини кўргай.

Чирмовук
Парвардигор танасининг
атрофини
чирмаб олғай.

Сир
бағрини очғай.

Замона зуҳдининг илдизлари чиригай.

Зулмат кўчасининг бошида
сувнинг суҳбатга тўлган лаблари
барқ ургай.
Ва буни кўзгунинг ботини тушунғай.

Бу кеча
маъно танасини
дўстнинг эслашлари силкитғай.
Ҳайрат қанотин очғай.
Тун ичида ҳашарот
ёлғизликнинг саодатли тақдирини
бошидан кечирғай.

Тонг сўзининг ичида
тонг отғай.

Форс тилидан Жаъфар Муҳаммад ТЕРМИЗИЙ таржимаси



Жаъфар Муҳаммад ТЕРМИЗИЙ

1968 йилда тугилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) битирган. Ижодкорнинг "Ёмғирнинг кўзи", "Қуёни киприклари", "Тажаллий", "Ишқ ошиғи", "Қуёни сийрати" номли шеърый тўпламлари ҳамда "Ҳануз ишқ" сайланмаси ўзбек ва форс-тожик тилларида нашр этилган.

ОДАМ БЎЛМАГАН МОЛДЎХТИР



Бахтиёр ОЛЛОМУРОД

Ҳеч ким ҳам хавасдан пиёниста бўлмайди. Одамни одам ё зўрлаб, ё алдаб алкаш қилар экан. Бунга Улпат молдўхтирнинг ҳаётини бемалол мисол қилса бўлади. У пайтлар молдўхтир деганлари анқонинг уруғи эди. Калласи тўла одамдек бир фикр қилинг. Ҳар бири камида биттадан бузукли сигирга эга ўн беш минг хонадонли, ола сигирларга тўла қўшфермали колхўзимизга Улпат молдўхтирнинг бир ўзи кифоя бўлармиди? Шунинг учун ҳам яқинда ветиринария техникумини битирган Нурпатни унга шогирд этиб тайинлашди. Икки шоввоз аллада азизу тўрвада майиз бўлдилар. Юмуши тушганлар уларни кундузи чироқ ёкиб ҳам топа олишмайди. Ё бузукларни ваҳима касалидан асрашга бағишланган вилоят семинарига, ё кўзиларни ичкетмага қарши ёппасига эмлагани яйловга чиқиб кетган бўладилар. Аслида, буларнинг бари баҳона. Астойдил излаганлар уларни ё Қамбар чўтирнинг чойхонасидан, ё арчалаб, зираланган чўчкакабобнинг устаси фаранги Баҳри мурдахўрнинг ошхонасидан топадилар. Хуллас, иши тушган муғомбирлар хизмат ҳақини кам бериш ёки умуман бермаслик макссадида уларни шу арзон емакхоналарда едириб, ичириб алкаш қилишган! Ароқ ичмаса, иккисининг ҳам мойи тугаган трактордан фарқи қолмайди. Салом – қарзи Худо. Бироқ, уларга салом бермоқ – говзамбур уясига чўп суқишдек гап. Бунга ҳатто қишлоқ эшониди ҳам журыят йўқ. Салом берганининг дарҳол ёқасидан олиб, ароққа пул сўрашади. “Эвазига қачон молинг касал бўлса, текин даволаб бераман” деб насия ваъда беришади. Илгарилари мол эгалари бўрилардан қўрқишарди. Икковлон молдўхтир бўлгандан буён бўриларга иш қолмаган. Ҳарҳолда инсофи борлигиданми, одатига қўра қўйни бўғизлаган бўри еганини еб, жуфтагини ростлайди. Буларга ўхшаб қозонда қовуртириб, ё тандирга осдириб ўтирмайди. Молни ўлдиргани учун хизмат ҳақи ҳам сўраб юрмайди. Қайт қилиб, кўрпа, дастурхонингизни ҳам булғамайди. Қорнидан ортганини “туғиб бер” деб тамшанмайди. Бўриларнинг ўрнини эгаллаган бу мурдахўрларнинг муолажасидан ҳалигача бирор мардумнинг моли омон чиққан эмас.

Молдўхтирларнинг каттаси Улпат отам билан савхўз фермасида бирга ишлайди. Унинг беҳайр назари бир-икки марта оғилхонамизга тушган.

Қишли-қировли кунлар... Сатил тўлдириб сут берадиган говмишимизнинг авзойи бузилиб емга қарамай кўйди. Момоннинг айтишича, бу феъл сигиримизга онаме-

Бахтиёр ОЛЛОМУРОД – 1967 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетида таҳсил олган. “Кўнгил рози” шеърлар тўплами, “Савод қулоқда бўладими?”, “Қорбобо зўрми, ё қора бобо?” номли ҳажвий китоблари чоп этилган.

рос. Ётган жойинг яйлов бўлгур онаси ҳам бошқа сигирларга қараганда иболи, хаёли бўлган. Қочишидан бир-икки кун аввал бўкириш ўрнига иштаҳадан қолиб, худди аразлаган келинлардек охурдан тумшук тортиб қоларкан. Аммо отам бу гапни чўпчакка йўйди. Сигиримизнинг кайфиятсизлиги бутун оиламизнинг кўнглини зим-зиё қилди. Отам Улпат молдўхтирни газаги билан бир шиша ароқ ва беш сўм хизмат хақи эвазига тракторига миндириб келди. У оғилхонага кириб кетганида отам чўнтагидан пул чиқариб “Валасапитти мин-да, анови сабилдан бир шиша обке!” деди.

Дўкундан қайтсам, Улпат билан отам иккови қишки айвонда ҳўриллатиб чой ичиб ўтиришган экан. Негадир молдўхтирни хикичок тутиб, кўнгли айниса-да, дастурхондан қўл тортгиси келмас, хўра хўкиздай пишиллаб қавш қайтарарди. Энди говмишимизнинг тақдири нима бўлади? Юрак ҳовучлаб суҳбатларига кулоқ тутдим.

– Ҳик-ққ-ик. Ошнабой, биласиз, мен ўз ишимдинг хик-ққ-к... процессириман. Инагингизди заҳарли кана хик-ққ... чаккан. Одам бўп кетиши... хик-ққ... қийин... – дея ваҳима қиларди Улпат молдўхтир винога лиммо-лим тўла пиёлага мўйловини ивитиб “нўш” этаркан.

– Кана чаккандан ҳам мол ўладими? Ундай бўлса, ер юзида биронта ҳам ҳайвон қолмайди-ку? Сагалгина нафасингизди иссиқ қилинг, ошнажон! – дерди отам бўридан шафқат қутган кўйники каби нигоҳлар билан молдўхтирга умидли термилиб.

– Эй ошнабой, бу сиз ўйлаган прастой каналардан эмас, хик-ққ-ққ...яқинда пайдо бўлган. Хитойдан ё Америкадан ошиб келган. Биласиз, экювиам ҳукуматимизга дўст эмас...

Улпат молдўхтир кип-қизил кўзларини чирт юмганча пиёланга симириб бўшатди-да, газагига кўкпиёзни фарчиллатиб тишлади. Бирок, аллақайқдан бало-қазодай келиб қолган хикичок мириқиб кайф қилишига қўймасди.

– Ҳикк-ққ... Ҳик-ққ! Ошна, бу гўштти қаердан олаяспиз-а, танглайимдинг бир қават терисини шилиб олгани камдай, энди томоққа тикилиб нукул хиккиллаяпти? Тошбехининг ғўрасидай каттик... хик-ққ-қ! Буям заҳарли канадан ўлган молдинг гўштини-ё? Ҳик-ққ...

– Йўғ-а, ошна! Икки ой аввал ўзингиз даволаган ола хўкизни-ку! Берган до-рингиздан кўзининг оқиғача кўқариб кетди. Кекирдагига пичок тортишга аранг улгурдик. Гўшти ҳам анча-мунча кўқариб кетган экан. Бозорда ҳеч ким олмагач, увол бўлмасин деб кўпроқ тузлаб, синга кип қовурдик-да. Бўзчи белбоққа ёлчимас деганларидай, ўзимиз чорвада ишласак ҳам рўзгоримизда гўшт ҳеч қачон бундай мўл бўлган эмас. Ўзингдан мол сўйилмаса, ё молдўхтирдан ошнанг бўлмаса бе-кор экан. Мана, бола-чакам билан сизди алқаб-алқаб эллик кундан бери қунига уч маҳал қовурдоқ еб ётиппиз. Борингизга шукр!

– Ихх-х-хим! Ҳик-ққ-қик...хихх! Туфф... Эна-ар капиталислардинг ноинсоплигини қаранг... хи-икк...бизга паразит юборишга юборибди-ю ном қўймапти. Хе, кўтирдан қирилиб ўлгурлар!.. Бутуниттифок ветеринарлар жамияти келишиб, янги канага бир овоздан “Окпаразит” деб исм қўйди. Бу “Окпаразит” деганлари ё Афғон шамоли билан Покистондан ошиб келган бўлишиям мумкин. – Улпат молдўхтир гапни атайин “асосий мавзу”га буриб юборди. – Хуллас, аниқ адреси жўғ-ув лекин, душман кана эканлиги аниқ! Хи-ққ...хик-ққ! Ҳозир шу масалада бутун ўблист карантин қилинган.

– Лоф ҳам эви билан-да, ошна! – Отам астойдил ранжиб эътирозланди. – Ҳовлим қишлоқнинг қоқ белида бўлса, ишпиён кана келиб-келиб менинг инагимди чақадими? Амударёдан учиб ўтса ҳам орада канотлари толиб Термизда, Ангор ё Бешқўтонда бирор буканинг қўйруғига қўниб дам олмайдами? Кеча думининг остидан уч-гўртгасини юлиб ташладим. Ҳечам сиз айтган нияти бузук, ишпиён каналарга ўхшамайди. Ўзимизнинг ювош-қобил каналар-ку? Бошқадан енгилроқ диагноз қўйсангиз бўмайдами?

– Ҳик! “Окпаразит” советски каналардай дангаса, хомсемиз эмас. Индейслардай

чаккон. Кундузлари деволдинг жориғида пайт пойлаб жотади. Ҳи-кк-к! Эгаси кетиши билан жорикдан чикиб, бир сакраганча сийирдинг жовринига миниб олади. Сўғин тўйгунича конини сўради. Ҳи-кк! Қорнини тўйдириб, яна чикқан жойига қайтиб кириб кетади. Гап битта: хи-кк-к... молдўхтирдинг пропессирини обкесангизам, биздинг диагнўзди ўзгартолмайди! – “Қизил мускат”дан кони қизиб, гап халтаси очилган Улпат молдўхтир бироз бўлса-да ён берай демасди. – Яна битта чораси шуки, сийирингиздинг конини пўлний алмаштириш керак.

– Инсоп килинг-да, ошнажон! Бунча конди қаердан оламан? Манг, етти култум сув ичинг, мен санаб тураман. Ҳикичоғингиз ўтиб кетади. Газак ўрнига кўнглингиз жойига тушгунча сабзидан чайнанг. Жон ошна, хўп денг, бошка диагноз кўйинг, менам қараб турмайман. “Ок”нинг бўйни узунидан, ҳақиқий расийскисидан яна бир шиша опкелдираман...

Отам санаб турди. Улпат молдўхтир етти култум сув ичди. Ҳикичокдан халос бўлганига кўнгли тўлиб-тўлмай, манглайи тириштириб бир муддат хаёлга чўмди. Отам мени яна кишлок дўконига сафарбар килди. “Бўйни узун оқ шайтон”ни газетга ўраб олиб келдим. Отамнинг муолажаси иш бериб, Улпат молдўхтир анчагина ўзига келиб қолган, қуёнларнинг ҳаваси келар даражада қарсиллатиб сабзи ғажирди. Мени имлаб чақирди-да, ўша даврнинг беш тийинлик тангасидай келадиган ўн дона сарик халдорини қоғозга ўраб кўлимга тутқазди.

– Ма, бунинг биттасини бир коса чалобга солиб, сийирингдинг бошини осмонга қайриб ичирасан-да, ҳовлини айлантириб тиндирмай қуваверасан. Икки соатдан сўнг кусади. Оз-оздан жем бериб, устидан арок ҳам ичириб жуварасан. Эртан пешинга бориб тузалиши керак... Агар шу минанам одам бўмаса, сўғин давоси ўткир пичок-да. Бошка илож жўк!

Улпат амакининг сўнгги гапи шундай совук жарангладики, уни эшитган говмишимиз ҳам “имм-бўў” дея зорланиб, бўкириб юборди. Молдўхтир эса умрида илк бор оламшумул кашфиёт қилгандек мамнун бўлди. Ғўдайган семиз ғоздай чайқала-чайкала, боғичсиз, пойма-пой ботинкасини судраб дарвоза томон илонизи одимлади. Отам уни кузатгани эргашди.

– Ҳаҳ, сен алкашгинанинг “пичок” деган тилинган терсканлар чиқсин! Илоё, сенгина ҳам қўлингга ҳаром ўлган молларнинг шилтасига чўкиб ўлгин! – қарғанди момом.

– Эна, қарғаманг! – момомга дакки берди молдўхтирни кузатиб қайтган отам. – Муллаям билганини ўқийди. Уям қўлидан келганини килди-да.

– Илоё, ўқимай ўлсин, манғнайи қора бўмасак, кунимиз шу чаламулла алкашга қолармиди?..

Аммо мўъжизани кўрингки, оғилидан баднафас молдўхтир даф бўлиши билан ола говмишимизнинг чехраси ёришиб кетди. Бир лаҳзада аввалги истараси иссиқ, шаҳлокўз говмишга айланди-кўйди. Унга халдорини зўрлаб ичиргач, оёк чигилини ёздирмоқчи бўлдим. Ҳаром котмагур тагли-тугли, тарбияли зотлардан эмасми, бўкиришга хаё килиб турган экан. Молдўхтирнинг бадбўй оғзидан “ўткир пичок” деган совук сўзни эшитгач, кўрқиб дардини ошқор килиб юборди. Ҳар доимгидай арқонини билагимга шунчаки ўраб етаклагандим. Говмишим кутилмаганда мени жаҳд билан хўкизхона томон судраб кетди. Арқонни бўшатишга улгуролмадим. Етти кават теримни шилиб, билагимнинг кип-қизил гўштини чиқариб ташлади. Бошка пайт бўлганида-ку, аниқ бошига гаврон еярди. Аммо сигирим жонланганидан суюниб, ҳатто жоним оғриганига ҳам парво қилмадим.

Ана шу хангомадан сўнг молдўхтирдан бутунлай кўнглим қолди. “Одам бўлмаса сўйиб юборинг”, деб қанча молнинг бошига етди-ю, бироқ ўзи одам бўлмади.

Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаоллар кенгашининг кўчма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жамоатчилик фаоллари, Ёзувчилар уюшмасининг вилоятда яшаб ижод қилаётган аъзолари, уюшма муассислигидаги адабий нашрлар муҳаррирлари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ ёзувчиси Муҳаммад Али очиб, давлатимиз раҳбари томонидан адабиётга кўрсатилаётган юксак эътибор хусусида тўхталаркан, жумладан, Президентимизнинг шу йил 12 январдаги “Китоб махсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизimini ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича Комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши, 27 мартдаги “Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги, 18 апрелдаги “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи худудида Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида”ги қарорлари бунинг ёрқин исботидир, дея таъкидлади.

Кўчма йиғилишда Ёзувчилар уюшмасининг Танқид ва адабиётшунослик ижодий кенгаши раиси ўринбосари, академик Бахтиёр Назаров, Театр ва кино драматургияси ижодий кенгаши раиси, “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири Шухрат Ризаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира Шарифа Салимова, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Фармон Тошевлар сўзга чиқиб, мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий ислохотларда ижодкорларнинг бурч ва вазифалари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилишда ташкилий масала кўрилди. Уюшма аъзоси Тошпўлат Тугалов Ёзувчилар уюшмасининг Самарқанд вилояти бўлинмаси масъул котиби этиб тайинланди.

Республика болалар кутубхонасида Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзонинг “Эркатой” номли янги китоби тақдимоти ўтказилди. Маросимда шоир ва ёзувчилар, адабиётшунослар, олимлар, ўқитувчилар, болажонлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев, Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон, “Ёшлик” журнали бош муҳаррири Нодир Жонузоқ, болалар шоири Дилшод Ражаб ва бошқалар шоирнинг жажжи болалар ва ўсмирлар учун мўлжалланган ушбу китобида сўз ўйинлари воситасида ўзбек тилининг нақадар бойлигини кўрсатиб берилгани, ҳар бир шеърда сўзнинг маъноси чаканга унинг турфа маъноларини илғашга чақиришини таъкидлади.

Тадбир якунида Иқбол Мирзо болажонларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида шоир ва ёзувчи Менглибой Муродовнинг “Мен бир йўловчиман” ва “Моя недетская душа” номли китоблари тақдимоти бўлиб ўтди. Унда Ёзувчилар уюшмаси фаоллари, ижодий кенгашлар аъзолари, шоирлар, адабиётшунослар ва талабалар иштирок этди.

Тадбирни Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али очиб, Менглибой Муродовнинг ибратли ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида сўзлади.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев, Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, адабиётшунослар, олим, академик Бахтиёр Назаров, шунингдек, Исажон Султон, Адхамбек Алимбеков, Мунаввара Усмонова ва бошқа ижодкорлар Менглибой Муродовнинг “Мен бир йўловчиман” номли сайланма асарларининг мазмун-мундарижаси, жанр хусусияти, тили, тимсоллари, “Моя недетская душа” китобининг Иккинчи жаҳон урушининг бола қалбига, руҳиятига, ҳаётига кўрсатган муҳим асарларнинг таъсирини ифодалангани ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетидеда ижодкор устозлар ва талабаларнинг “Шарқ юлдузи” журнали жамоаси билан ижодий учрашуви бўлиб ўтди. ЎЗМУ Мураббийлар кенгаши раиси Абдор Хидиров, Ижтимоий фанлар факультети профессори Шодмон Азизов, Ахборот хизмати раҳбари Тўлқин Эшбек ва бошқалар Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг “Китоб махсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизimini ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича

комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойишининг халқимиз маънавиятини янада юксалтиришдаги аҳамияти ҳақида ўз мулоҳазаларини билдиришар экан, бугунги китобхоннинг жавонидан нафақат бадий асарлар, шу билан бир каторда “Шарқ юлдузи”, “Звезда Востока”, “Жаҳон адабиёти”, “Ёш куч” каби адабий-бадий, илмий, ижтимоий-сиёсий журналлар ҳам ўрин олмоғи мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидладилар.

“Шарқ Юлдузи” ҳамда “Звезда Востока” журналлари бош муҳаррири, шоир Сирожиддин Рауф, бирлашган тахририят масъул котиби, ёзувчи Бахтиёр Олломурад, назм бўлими мудири Икром Отамуродлар мазкур нашрда ёритилаётган асарлар ҳақида маълумот бердилар ҳамда мухлисларни ўзларининг янги ижод намуналаридан баҳраманд этдилар. Шунингдек, талабалар ўзларини қизиқтирган саволларига атрофлича жавоблар олдилар.

Президентимизнинг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойишига мувофиқ, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ўтказилган “Китоб мутолааси ва китобхонлик” мавзусидаги маданий-маърифий тадбирда Республика маънавият ва маърифат тарғибот маркази вакили, профессор Раҳимбой Жуманиёзов, шоира Зухра Эралиева, “Шарқ юлдузи” журнаlining наср бўлими мудири, ёзувчи Рисолат Ҳайдаровалар иштирок этишди.

Тадбир ташкилотчиси Университет маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Рашид Матенов жорий йил 12 январда мамлакатимиз раҳбари томонидан имзоланган мазкур Фармойишнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб, ана шу асосда ўқув даргоҳининг маънавий хазинаси бўлмиш Ахборот-ресурс маркази талабалар учун зарур бўлган адабиётлар, хусусан, янгидан-янги бадий китоблар ҳисобига сезиларли даражада бойиб борилаётганини таъкидлади. Учрашувда сўз олган ижодкор меҳмонлар ҳам китоблар, айниқса бадий адабиётни ўзига дўст тутган ёшларнинг умри сермазмун ва саодатли бўлишини кўплаб ҳаётий мисоллар билан тушунтириб ўтдилар.

Тадбир мумтоз ва бугунги адабиётга доир кўп мавзулардаги қизиқарли суҳбатга уланиб кетди, ижодкор талабалар ҳам ўз машқларини иштирокчилар ҳуқмига ҳавола этишди.

“Жаҳон адабиёти” журнаlining 20 йиллиги муносабати билан ўтказилган адабиёт кунлари Андижон давлат университетида бошланди. Республикадаги адабий нашрлар ичида алоҳида нуфузга эга, кенг жамоатчиликка жаҳон адабиётининг нодир асарларини она тилимизда тақдим этишни мақсад қилган журналнинг мухлислари кундан-кунга ортиб бормоқда. Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом, адиблар Қамчибек Кенжа, Раҳмон Қўчқор, Ҳалим Карим, Салима Мирзаева ва бошқа ижодкорлар сўзга чиқиб журналда амалга оширилаётган янги таржималар, жаҳон адабий жараёнидаги янгликларнинг ёритилиши ҳақида фикр билдирдилар.

Журналнинг 20 йиллигига бағишланган тадбирлардан яна бири Фарғона политехника институтида бўлиб ўтди. “Жаҳон адабиёти” журнаlining бош муҳаррири, адабиётшунос олим Шухрат Ризаев Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан 1997 йилда ташкил этилган журналнинг қисқача тарихи, унинг биринчи бош муҳаррири Озод Шарафиддиновнинг фидокорона хизматлари, тахририят ходимлари ҳамда фаол ижодкор-таржимонларнинг самарали меҳнати шарофати билан шу кунга қадар журналнинг 240 та сони чоп этилгани ва китобхонлар кўнглидан жой олгани ҳақида гапирди.

Қарши давлат университетида “Мустақиллик даври маънавияти ривожидида “Жаҳон адабиёти” журнаlining ўрни ва аҳамияти” мавзусида илмий анжуман бўлиб ўтди. Тадбирни вилоят ҳокими ўринбосари Д.Аллаев очди. Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, “Жаҳон адабиёти” журналий бош муҳаррири Ш.Ризаев, академик Б.Назаров ва бошқа ижодкорлар журналда ёритилаётган жаҳон адабиётининг энг сара асарлари ва таржимонларимизнинг бадий маҳорати ҳақида сўзладилар.

Сирдарё вилоятидаги Гулистон давлат университети, Самарқанд ва Бухоро, Наманган вилоятида ҳам “Жаҳон адабиёти” журналияга бағишланган адабий анжуманлар бўлиб ўтди.

ДУРДОНА

Адиб Обир **ТЕРМИЗИЙ**. ...Келди юз йил интизорлик сўнгитдан ахбор.4

ПУБЛИЦИСТИКА

Эркинжон **ТУРДИМОВ**. Куёш ардоғидаги юрт.9

НАЗМ

Анвар **ОБИДЖОН**. Бобур кидирган дўст қани?..14
 Абдумажид **АЗИМ**. Не бахтдир, тўқ бўлса хирмонингда дон!41
 Исроиля **ШОМИРОВ**. Баҳор остонада турибди қулиб.46
 Ойгул **СУЮНДИҚОВА**. Мен дунё изладим. Достон.59
 Гулявдон **ТОҒАЕВА**. Дилда ёнар исмсиз бир ўт. Туркум.64

НАСР

Шавкат **НИЗОМ**. Истиғфор. Қисса.19
 Ҳабиб **АБДУНАЗАР**. Икки ҳикоя.51
 Сарвар **ТЎРАЕВ**. Қишнинг сўнгги окшоми. Икки ҳикоя.69
 Абдурашул **ЖУМАҚУЛ**. Сурхон жавоҳирлари. Эссе.75
 Муҳаммад **САЛОМ**. Барака опам. Эссе.97

ЁШЛАР ДАФТАРИДАН

Сен менинг кўнглиمنى қайдан биласан.121

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Хусрав **ҲАМИДОВ**. Икки ҳикоят тадқиқи.85
 Кавсар **ТУРДИЕВА**. Болалик дунёсидан бир лавҳа.128
 Сайди **УМИРОВ**. Улуғ адибнинг мунаққидлик фаолияти.145
 Феруза **БУРҲОНОВА**. “Мен”ликни англаш салоҳияти.150

ТАҲЛИЛ

Сувон **МЕЛИ**. Садоқатга садоқат.90

ТАЛҚИН

Дилфуза **ТОҶИБОЕВА**. Кўнгил талаблари.153

ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ

Тошгемир **ТУРДИЕВ**. Кўшиқдаги нидолар.138

ИЖОДИЙ КЕНГАШЛАР

Абдурашул **ЭШОНБОБОВ**. Фаразлардан кўрқиш керакми?102
 Икболлой **АДИЗОВА**. Китобхон ва ижодкор ўртасидаги кўприк.107
 Олим **ОЛТИНБЕК**. Янги истилоҳ даври.115

УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

Шафоат Раҳматулло **ТЕРМИЗИЙ**. Йўллар – бу чеки йўқ ҳаёт тасмаси.157
 Аббос **МАЛИК**. Чорлаб турар ёниқ истикбол.162
 Маҳмуд **АБУЛҒАЙ**. Икки новелла.164

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Сухроб **СИПЕХРИЙ**. Қушлар канотининг садоси.167

БОЛАЛАР ДУНЁСИ

Менглибой **МУРОДОВ**. Қобилжоннинг қувончи чексиз.134

ГУЛҚАЙЧИ

Бахтиёр **О.ЛЛОМУРОД**. Одам бўлмаган молдўхтир.171
 Адабий ҳаёт.174

Шарқ юлдузи

2017

5-сон

Муассис:

**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
 УЮШМАСИ**

* Муаллифлар фикри таҳририят ижодий жамоаси нуқтан назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятта юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 “Ўзбек адабиёти” ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

* Журналга обуна даврий нашрларни етказиб бериш билан шугулланувчи барча ташкilotлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилими:

100127, Тошкент шаҳри,
 Ислоҳ Каримов кўчаси, 16-а уй.
 Телефонлар:
 227-00-81, 245-22-99, 245-27-87
 www.sharqyulduzi.uz
 e-mail: sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди
 06.06.2017 йил.

Қоғоз бичими 70x108 1/16,
 Офсет босма усулида офсет қозғида босилди.
 Босма табағи 11,0.
 Шартли босма табағи 15,4.
 Нашриёт ҳисоб табағи 17,2.
 Адади 3380 нусха.
 Буюртма № 266

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 05.02.2016 й.
 0562-рақам

билан рўйхатга олинган.
 Фафур Ғулом номидagi НМИУ босмаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани,
 Лабзак кўчаси, 86-уй.
 Журнал ойда бир марта чоп этилади.

Мусахҳих:

Дилфуза Маҳмудова

Саҳифаловчи-дизайнер:

Мадина Абдуллаева

Унутилмас лаҳзалар



Адиб ижодкор дўстлари, устози ва оила аъзолари билан.



«MASHHUR-PRESS»
NASHRIYOTI



Manzilimiz:

100 098, Toshkent shahri, Shayxontohur tumani,
Islom Karimov ko'chasi, 16-a uy.

Telefon: +99890 900 75 77, +99894 659 94 62